



Ёш гвардия

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Свйд АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ,
[бош редактор ўринбосари].
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ,
[масъул секретарь],
Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,
Урие ЭДЕМОВА,
Уткир ҲОШИМОВ.

(29)

1984

ЙИЛ

МАЙ

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

НАСР

Ҳамид МАЛЛАЕВ. Зурёд. Қисса	7
Баҳодир МУРОДАЛИЕВ. Кампирнинг ўғли келди. Ҳикоя	30
ХУРШИД. Йўлакдаги одам. Ҳикоя	34

НАЗМ

Баҳодир ИСОМОВ, Яҳё ТОҒАЕВ	3
Олим ТОШЕВ, Оллоёр БЕГАЛИЕВ	4
Нурилло ОСТОНОВ, Матназар АБДУЛҲАКИМОВ	5
Равшан ФАЙЗ	28
Нормурод НОРҚУЛ	29
Зафар КОМИЛОВ	36
Эшқобил ШУКУРОВ	40
Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА	50
Замира ЭГАМБЕРДИЕВА	61
Муҳаммад РАҲМОН, Еқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ	51
Дадаҳон ҲАСАН	72

БОЙЧЕЧАК

Набижон БОҚИЕВ. Ғўзапоя минган бола. Ҳикоя	37
--	----

ДАВРА ГУРУНГИ

Граждан бўлмағинг даркор	41
------------------------------------	----

ЖАҲОН АДАБИЕТИДАН

Луи АРАГОН. Айғоқчи. Ҳикоя	52
--------------------------------------	----

КЎПЧИЛИККА ҲАВОЛА

Дадаҳон НУРИЙ. Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик	62
---	----

САДОҚАТ

Маждид САМАТОВ. Узбек Гастеллоси ҳамхонам эди	68
«Ҳаётни севгандек севаман сени»	70

АДАБИЙ САБОҚ

Максим ГОРЬКИЙ. Езишга қандай ўргандим	46
--	----

ГУЛЧАМБАР

Абдулла ОРИПОВ. Мангулик қадар теран	57
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Шолохов сабоқларидан бири	58
Машраб БОБОЕВ. Барҳаёт виждон	59

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

Раҳимжон ОТАЕВ. Рисоладаги киши	75
---	----

БУ КИТОВНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Сизга ва укаларингизга	73
Соч нега оқаради?	73
Кўхна тарих сўқмоқларида	74
Минбар ортидаги ҳаёт	74

«ЕШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

Охунжон ҲАКИМОВ. Қора бало	77
--------------------------------------	----

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!

«Ёшлик» журнали редколлегияси
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон

Коммунистик партиясининг
60 йиллигига бағишлаб энг яхши
проза, поэзия, драматургия ва
публицистика асарлари учун
конкурс эълон қилади.

Конкурсга тақдим этиладиган
асарларда республикамиз меҳнат-
кашларининг Коммунистик партия
раҳбарлигида босиб ўтган шонли
олтмиш йиллик тарихий йўли, совет
халқлари ўртасидаги қардошлик,
юртимизда рўй берган улугвор
ўзгаришлар, бунёдкор замондош-
ларимизнинг гўзал фазилатлари,
бой руҳий дунёси юксак бадиий
савияда акс эттирилиши лозим.

Конкурс ғолиблари қўйидаги
мукофотлар билан
тақдирланадилар:

Битта биринчи мукофот — 300 сўм;
Иккита иккинчи мукофот — 225 сўмдан;
Учта учинчи мукофот — 150 сўмдан.

МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртинчи бетни
рассом Вячеслав ЗЛАТИН ишлаган.
Иккинчи ва учинчи бет: Оснё, Африка ва Латин
Америкаси мамлакатлари VIII кинофестивали турли мил-
лат санъаткорларининг улкан байрамга айланди.



Шу йил февраль ойида республикаимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг III семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бу анжуманда серкӯеш диёримизнинг турли бурчакларида яшаб ижод қилаётган 60 дан ортиқ ёш қаламкашларнинг насрий ва шеърий машқлари, драматик асарлари муҳокама этилди. Қизгин, кўтаринки руҳ ва ғоят ишчанлик вазиётида ўтган семинар-кенгаш мобайнида адабиётимизга талантили кучларнинг катта бир отряди кириб келаётгани яна бир қарра намоен бўлди. Журналимизнинг ушбу сонида семинар-кенгаш иштирокчиларининг ижодидан намуналар билан танишасиз.

**Баҳодир
Исомов**

Ғафур Ғулом сўзи

Учмадимиз биз ёққан чироқ,
Сўнмадимиз паришон, ғариб?
Яшнадимиз биз тиклаган боғ?
Сўзланг, болаларим?

Биз гумбурлаб ўтказдик ҳаёт!
Бизни Мангуликка юбориб,
Минғирламаяптими Шеърият?
Сўзланг, болаларим?

* * *

«Бошига тош билан бир урсам...»
деб ўйлайди кимдир
мен ҳақимда.
«Бошини бағримга боссам...»
деб ўйлайди кимдир
мен ҳақимда.
Мен эса
кўтариб юраман
ўша —
минг марта тош тегиб ёрилган,
иссиқ бағирларда димиққан,
ҳамма
учун
қизиқ
бошимни...

**Яҳё
Тоғаев**



1945 йил

Кумга ботиб кетар этиклар,
Интилади олға батальон.
Чекинади қопағон «итлар»,
Кувонади саҳро — байталмон¹.

Кум йиғлайди тишда гичирлаб,
Яна дийдор этди-я насиб.
Йиғлар саҳро узоқ соғинган —
Нағалларни кўксига босиб.

Ошиқ

ХАЗИЛ

Бегонага кулиб қараса,
Кўзларини ўйиб кетаман!

Менга бермай кўрсин отаси,
Уйига ўт қўйиб кетаман!

Гап ташица холаси яна
Аямайман, сўйиб кетаман!..

Ҳар кун шундай хомхаёл билан
Кута-кута қуйиб кетаман.

¹ Байталмон — эгасиз қолган.



Суратда: семинарнинг очилиш маросими.

Олим
Тошев

Кўзларимда ухлаётган бола

ЖАМШИДга

Кўзларимда ухлаётган бола
Борлиқларни дегин, бу — ишқ, бу — ишқ,
Оғриқларни дегин, бу — ишқ, бу — ишқ.
Борлигини борлигимга сол-а
Кўзларимда ухлаётган бола.

Сўрма, қачон олам онам бўлар?
Олам онам эмас, одам бўлар?
Олам ўлса олам бўлгин ўзинг,
Одам ўлса одам бўлгин ўзинг.
Кўзларимда дунёдайин қол-а
Кўзларимда ухлаётган бола.

Кўзларимдан пограб учиб чиққин.
Оқликларни олқаб, қучиб чиққин.
Бўлсин фақат олқашларим сенинг,
Оқликларни олқашларим сенинг.
Билсанг агар кўзна олам менинг
Кўзларимда ухлаётган бола.

Кўй, дунёнинг сирли «қизиқ» ишин
Сеникидай танти қизиқишин.
Борлиқларни дегин, бу — ишқ, бу ишқ,
Оғриқларни дегин, бу — ишқ, бу ишқ.
Уйғон, мени кўзларингга ол-а
Кўзларимда ухлаётган бола.

Кўзларимда ухлаётган бола...



Оллоёр
Бегалиев

Саккизлик

Соғиндим, сомон бўлдим
Аҳволи ёмон бўлдим.
Киприқларингни юз тиг
Қошингни камон билдим.

Мен қошингга бораман
Ишонгин ўлмоқ учун.
Лек, тақрор тириламан
Нишонинг бўлмоқ учун.



**Нурилло
Остонов**

Рақамлар

*Биз умрни тақсимлаб чиқдик
Йигирма тўрт соатга бўлиб.
Хафталарни тақсимлаб чиқдик
яна етти тоқатга бўлиб.*

*Фаслларни бердик бирма-бир
учиб кетаётган қушларга.
Рақамларга сизиниб ўтдик,
мана, оқ ҳам тушиди сочларга.*

*Рақам қилинг:
Дорилфанода
эҳтиромни жойига қўйиб
Энди бир кун қабртошга ҳам
рақамларни ёзишар ўйиб.*

*Ана шунда ҳаёт мангудир,
Йўқолса ҳам ҳижрий ва милод.
Рақамлардан бизни албатта
топишади келгуси авлод!*



Дуэль

*Дуэль тақиқланди,
рақиблар кетди,
Ўлимнинг шарпаси ечиб ташланди.
Омад кулиб боқди нотозаларга —
энди пистирмадан отиш бошланди.*

*Кураш — инқилобнинг саргашта амри,
бизни ҳар қадамда пушкинлар ўйқлар.
Ҳали рақибларда Дантес отган йк.
ҳали кўп алдайди пахтавон ўйқлар...*

*Деразага урилди Қуёш
ва қўйнидан мудроқ кулгун
жаранглашиб сочиб юборди.
Далаларда кун бўйи кезди
оташипараст Баҳор — инқилоб.
Бир керишиб азим чинорлар
йўрғаклади куртаklarини.
Кейин учиб келди турналар...
кейин учиб келди қалдирғоч...
Шундагина митти Бойчечак
ерга хушнуд қўйди бошини...*



**Матназар
Абдулҳакимов**

Дийдор

*Билмадим, айланди неча бир фасл,
Неча бир асрлар шамолдек елди.
Мен кўнгилма кўнгила, наслма насл
Сени излаб ўтмиш қаъридан келдим*

*Ва бир жуфт газалга илтижо айлаб
Топиб олдим азал ва абад ичра.
Биласан ким сени кетганин жойлаб,
Қорачиқларимдан қилмайсан ҳижрат.*

*Мана, чақналяпсан тун бағрин ўйиб,
Ўз нурингдан ўзинг сўнгисиз ҳайратда.
Бу бахт булбулларни лол қилиб қўйиб,
Кўкда юлдузларни чаҳ-чаҳ сайратди.*

*Кани эди, сени майин мақтасам,
Бўлмаса кўксимда ҳар бир сўз тошдан.
Йўлимга кўз тутиб яшамоқдасан
Неча асрларки ўн саккиз ёшда.*

*Энди тош сўзлар ҳам бошлар-ов кўчки
Ҳаётимга солиб тинмас зилзила.
Лекин менга таскин беролмас ҳеч ким
Бошимни бир умр муттасил силаб.*

Ошиғинг — мангулик сени қиймайди,
Бўлгиси йўқ сенга хазон харидор.
Мени аёв билмай, ёмон қийнайди
Гўзаллиги билан сенинг бу дийдор.

Дийдоринг бўлмаса, ҳаётим барбод,
Дийдоринг бўлмаса, мен забун кимса.
Ўзимни тилайман сенга умрбод,
Илдизи юракда ўсимлигимсан.

Мен рашкда қоврилган мағрур ноламан,
Менда муҳаббат бор, йўқ менда шафқат.
Сени мангуликдан тортиб оламан,
Қанча севсанг, шунча яшайсан фақат.



**Баҳодир
Ёқуб**

* * *

Бундай оппоқ тунни кўрмиган ҳеч ким,
Ой ҳеч қачон бундай тўлмаган аввал.
Кимдир боғ ичида чақирар секин,
Холбуки, ҳали қиш, ҳолбуки февраль.

Бўғотда ўлтирар, ана ҳурпайиб
Кун бўйи дераза чертган мусича.
Булулар ўтади шошиб, пасайиб,
Кимларни қучмоқчи бўлади кўча?

Кўз ёш тўкиб бўлди томлар ҳам энди,
Мағрур, итотсиз турар дарахтлар.
Мана, кўк саҳнида бир юлдуз сўнди,
Барибир, юлдузлар яна ярақлар.

Бу оқшом нималар этади тақдим,
Хилватларда менга аталган не бор?
Сени узоқ кутдим, ягона бахтим! —
Тонгда келишинг шарт!
Келасан, баҳор!



Қайтиш

1.

Сенсиз ўсган дарахтни таниб,
«Бахтмисан?» деб такрор сўрадинг.
Ортда қолган ҳижрондан тониб,
Ким чизади висол суратин?

Бари қолди ҳорғин изингда,
Соғинчлардан тўшалмиш гилам.
Мана, онанг титрар кўзингда,
Учрашасан болалик билан.

2.

Бунча илон изи бу йўллар?!
Бунча кенг бўлмаса ахир бу осмон.
Кўксингни танимас шамоллар, бўйлар,
Сени тушунишмас дарахтлар ҳамон.

Юлдузлар бепарво тушишар рақсга,
Сен ҳануз кетарсан, юрагинг зардоб.
Хайрият! —
Бошлакди қадрдон пахса,
Пойингда ҳансираб ўхчийди гирдоб.

Етиб келдинг охир.
Келдинг ёлғонсиз.
Қара, ростдан кўзин уқалар булоқ.
Ўлтир.
Шундай ўкра кейин, —
Токим уйғонсин,
Сени соғинтирган шу азиз тупроқ!

* * *

Тушларим ўнғидан келди ростдан ҳам,
Бир ҳис кўпиртирар совиған қонни.
Телбадай кўксимни шамолга очиб,
Қирларга югурдим бошлаб осмонни.

Югурдим, пойимда чечаклар ўсди.
Баҳор изларини ўпдим ютоқиб.
Булулар уйғонинг, учинглар энди,
Чақинглар чақмоқлар, ёнинг тутақиб!

Баҳор, зўрлик қилсам кечиргин мени, —
Гулларингни олиб қўяман бугун,
Қушлар сайрайдилар менинг тилимда,
Из бер, севгига тўяман бугун.

Бугунча менга бер бор шеърларингни,
Эҳтирос отилар танимни тилсанг.
Сен жуда гўзалсан, лекин барибир,
Севгилим сендан ҳам гўзалроқ, билсанг!

Қанчалар севимли туғилган тупроқ,
Ардоқлаш керак-ку ҳар бир гардини.
Бир кун шод, бир кун аламли дунё,
Синдириш мумкинми ҳасрат — дардингни?

Табиат, барига қодир табиат!
Мана мен қаршингда ожиз йиқилдим.
Шунча кичик юрак, тор кўкрак бериб,
Нега сен инсонга хасислик қилдинг?!



Ҳамид
Маллаев

Зурёд

Онам хотирасига бағишлайман.
МУАЛЛИФ

Дилинг ўртанмасин умидсиз кундан —
Еруғ кун туғилгай қоронғи тундан.
Саъдий ШЕРОЗИЙ

1



ҚИССА

қоп-қора зулмат тунда барханлар узра тулпор отда учиб кетаётган эмиш. Олдинда улуг, виқорли тоғлар бормиш, тепа-сида юлдузлар чарақлармиш. Уларга етиш керак, аммо сира етиб бўлмасмиш. Юлдузлар тобора зулмат қаърига чекиниб борармиш. Тулпор барханлар узра қуондай учармиш, ёли байроқ каби ҳилпирармиш...

Унинг кўз олди жимирлашиб кетди. Барханлар кўчди, қуюн ортда қолди. От энди ёлғиз, дол бўйнини чўзиб илгари интилармиш, тую-гидан юлдузлар отилармиш, отилармишу тўзон янглиғ атрофга сочилармиш...
От юлдузларга қўшилиб кетди!

Унинг вужуди ўт бўлиб ёнди, юлдузлараро чошиб бораётган тулпорга тикил-ганча қотиб қолди... От сўнги бор чиройли бошини буриб гулдираб кишнади, овози еру кўкни тўлдирди, тоғлар садо бериб фарёд қилди. Отнинг байроқдай ҳилпирлаган кокиллари тагидан қашқаси сўнги бор ярқиради!..

Юлдузлар уни бағирларига олдилар. У асли юлдузлар авлодидан эди, юл-дузларга қўшилиб кетди...

Қишлоқ билан мактаб ораси олис эмас: ўртадаги кўндаланг адирдан ўтилса бас — совхоз идорасининг яқинда қурилган икки қаватли биноси, ён-верида маржондай сочилган уйлар, нарироқда эса узун тераклар ичида мактабнинг ўзи оқариб кўринади.

Лекин қишда бу адирни ошиб ўтиш осон эмас. Айниқса, эрта баҳордаги лой-

Расми Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

гарчилик болаларнинг тинкисини кўришти юборарди. Езда совхознинг машиналари сомон ва беда ташиб йўлнинг роса чангини чиқаришар, нам тушиди дегунча бу сабил тап-тайёр ботқоққа айланар эди. Ҳозир майнинг қоқ ўртаси, «ботқоқ» аллақачон қуриган, ўрим-йиғим бошланмагани учун машиналар ҳали йўлни чангитиб улгурмаган.

Қишлоқ болалари мактабдан қайтишмоқда. Кун аллақачон пешиндан оққан бўлса ҳам улар уйга тезроқ етишни хаёлларига келтирмайди. Йўлнинг икки тарафи гуркираган майсазор. Эндигина бош тортиб келаётган майсалардан ажиб ҳид таралади. Шамалоқдек очилган гулхайрилар бутоғидаги зарғалдоқлар гўё бу тоза, муаттар бўйлардан маст бўлгандай, жонлари жимитгина таналарига сифмаётгандай басма-бас сайрашади. Кичик болалар мана шу зарғалдоқлар мисол учиб-қўниб олдинда кетишяпти, каттароқлар орқада. Ранг-баранг шойи, атлас кўйлак кийган қизчалар ва маҳмадона йигитчалар кулишиб, гангир-гунгур сўзлашиб келмоқдалар. Қолганларнинг бутун диққат-эътибори уларда, ҳаваслари келиб гуруннга қўшилишга уринадилар.

— Ҳой Равшан! Нима бало, тошбақа миниб олдингми? Юрсангчи тезроқ!

Тўпдан орқароқда, жингалак сочли болакай билан келаётган ўн беш ёшлардаги ўспирин бошини кўтариб қаради.

— Сенга айтяпмиз, ҳўв чавандоз!

Равшан «Ғалинг бўлса ўзинг кел», демоқчи бўлди-ю, тагин индамади. Уни чакирган — гавдаси хиёл эгик, сочи елкасига тушган ўспирин ёнидагиларга нимадир деди, болалар кулишди, қизлар ҳам.

— Отанг Деҳқонobodдан хотин олипти, сен бўлсанг беҳабар юрибсан! — дея дўриллаган овозда давом этди ҳалиги ўспирин. — Юришингни қара, ким айтади сени саккизини битирипти, деб! Отангга айтмайсанми, қўйинг, ота, энамни ташлаб кетманг, ундан кўра менга хотин олиб беринг, деб! Ха-ха-ха...

Равшан — суяги бузукроқ, аммо жуссаси келишган, пишиқ, бу ердагилар ичида энг кўримли бола, ҳеч бировидан қолишадиган жойи йўқ. У ҳозир уят аралаш ғазабдан лов ёниб кетди, йўл бўйидаги сачратқини шартта томири билан юлиб олди, бироқ ҳазилвон ўспиринга ҳам, уни мазаҳ қилаётганларга ҳам бир оғиз бир нима демади, дедилмади.

— Ака, нега индамадингиз? — деди укаси — ёнида келаётган жингалак сочли болакай ҳайрон бўлиб.

Ака унга ҳам жавоб қилмади. У танг аҳволда қолган, сачратқининг чачала шохчаларини жон-жаҳди билан юлиб ерга ташлар, гўё бутун аламини шундан олмоқчи эди.

«Отанг Деҳқонobodдан хотин олипти...» Отаси тери топшириш учун районга қатнаб юриб ўша ёқда аллақандай жувонга илакишиб қолган! Бундан Равшаннинг хабари бор, лекин ўша хотинни олган-олмаганини аниқ билмайди. Отаси кейинги пайтларда районда гум бўлиб кетадиган одат чиқарди ва шу билан уйларидаги жанжал ҳам зўрайди. У бор-будини сарфлаб, навбатдаги сафардан уйга шипшайдан бўлиб қайтганда энаси йиғилиб қолган таъналарини унга дўлдай ёғдирарди. Отаси дарҳол ўзини оқлашга киришар, кейин—булавермагач, «қарши ҳужум»га ўтар эди: «Сендақа бақироқ хотин билан яшагандан яшамаганим, бор-э, ана, отангди мазорига!» Ана шундан сўнг, охири энасининг калтакланиши билан тўғайдиган ҳақиқий можаро бошланарди. Укалари дераза олдида тизилишиб чиркиришар, Равшан эса, номусга чидаёлмай энг тўрдаги хонага кириб, эшикни ичкаридан бекитиб олар эди. Бу ғавго то қўшнилар чиқиб, эр-хотинни орача қилгунларига қадар давом этарди. Шундай, улар мурсасага келиб бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди-ю, Равшан уч-тўрт кун уятдан бош кўтаролмай юрарди. Бу апоқ-чапоқликка, яъни бутун қишлоққа сурон солиб жанжаллашиб бўлгач, ҳеч нима кўрмагандай тагин ярашиб кетишларга у сира тушунолмасди.

Отаси Қўлмат чавандоз фойда-зиёни билан иши йўқ, жўмард одамлардан. Қишлоқда бирор маслаҳатли иш усиз битмас, у ҳаммага ёрдам берар, ҳамманинг кўнглини олиб юрар эди. Бунинг устига шу атрофларда манаман деган чавандоз. Отасини элга танитган ҳам мана шу чавандозлик

хунари эди. Оқсув ўртасидагина эмас, балки Деҳқонobodдан тортиб Бойсунга қадар билишарди уни!

Энаси уни қайириб ололмастгига ақли етарди, аммо ўжарлигини қўймади. Равшан ўзича энасига насихат қиларди: «Эна, нима керак шунча жанжал! Қўйимиз, сизимиз, қопда унимиз бўлса, худо деб ўтирсангиз бўлмайди! Бизни ҳам ўйласангизлар-чи!» Энаси уни жеркиб ташларди: «Бас қил, бечора тирик етим! Сен нимани биласан! Сенлар одам бўлиб қўлтиғимга кириш ўрнига... Ота бўлса бўлсин, бўлмаса — бўрай тўзин!»

Отаси эса қишлоқда эканида ҳам меҳмондорчилигу зиёфатларда ялло қилиб юрарди. Равшан отасининг бу қилиғидан ранжиса ҳам, дилида уни еру кўкка ишонмасди. Қўлмат чавандозни, бундай жўмард отани севмай бўладими! У билан фахрланмай бўладими! Энаси бўлса бунини тушунишни истамайди, уни қайириб олишга бош қўшмагани учун Равшани ҳам қаргайди...

— Равшан, ўйланма, қайғурма, биродар. Энанг эрсиз қолмас!

Бояги ўспирин унга томон бўйинини жўжаҳўроздай қўзиб батоллик билан илжарди. Равшаннинг ғазабдан тишлари қисирлаб кетди. Лекин шу пайт қизлардан бири кулишдан тўхтаб:

— Сенга нима ўзи, Шоди ичак! — деди. — Ҳеч ким сени орага сарбарачи! қилгани йўқ-ку! Ул-э, тагин ўғил бола эмиш, бурнингни артиб ол, оқиб кетди!

Юраги дукирлаб кетди: Нурбиби! Отасининг ошнаси Жумабекнинг қизи! Равшан худди мана шу атлас кўйлакки, қадди сувратда чизилгандек латиф қизни ўйлаб обрў сақлаб келарди. Уни маломат қилаётганлар кўпчилик, ҳаммасига гап топиб бериш қийин, Нурбинининг олдида пўстагини қоқиб ташлашлари мумкин.

Жумабек ака билан отаси азалдан ошна. Ҳатто бир кўрпада тепкилашиб ўсган. Бола-чақалари эса унчалик борди-келди қилишмайди. Энаси бунини отасига тўнгарди: «Рўзгорни рўзгор демаганингиздан кейин мени ким иззат қилади? Ошангизнинг ўзи ҳам йилда бир келади уйингизга!» Қўлмат чавандоз ўз навбатида бутун айбони хотинига юкларди: «Сен яхши бўлганингда, ошналарим уйимдан чиқмасди. Энди пашша ҳам кўнмайди бу уйга!»

Аслида бу икки мардумни тақдир билиб қовуштирган. Иккиси ҳам тўппа-тузук одамларнинг фарзанди, иккисига ҳам бўй-бастан берган, иккиси ҳам ўжар, асти ўз билганидан қолмас эди.

...Нурбиби Равшаннинг синфдоши, аммо улар камдан-кам гаплашишарди. Шунда ҳам дарс тўғрисида, синф ишлари тўғрисида, чунки Равшан синфком, Нурбиби эса — комсорг. Ҳозир Нурбиби унинг тарафини олди, лекин ўзига қиё ҳам қолмай, дугонаси билан тўпдан айрилиб илгарилаб кетди. Қиз, чамаси, бу ишни унинг ўзига писанда қилгиси келмаган ва умуман бировнинг ёнини олган эмас, балки тўппа-тўғриси айтганини бошқаларга билдириб қўймоқчи эди, холос. Равшан унинг ҳўв ўша, отасини айтиб келиш учун бориб кўргани сулув жувонни эслатадиган қош-кўзларига ва майда ўрилган тимқора сочларига тикилиб туриб дили ёришиб кетди. Назарида бу сулув қиз исмига ўхшаб оламни, дашту далаларни нурга йўғириб борарди.

Ушанда рўзага сўямиз, деб боқиб юрган чори кўчқорлари касал бўлиб қолган. Рўзага ҳали икки-уч ҳафта бор, кўчқорни бир амаллаб унчага етказиш лозим эди. Кўк йўнғичқа тутиб кўришди, арпа қовуриб беришди, лекин кўчқор буларнинг биттасига ҳам қайрилиб қарамади.

— Қўлоғи тушган, мол бўлмайди, — деди Равшаннинг амакиси — Урол бобо қўйни кўргач.

— Нима қилиб турибсан қаққайиб? Бор, анави саёғингни топиб кел! Сўйиб берсин! — деб кичқирди энаси Равшанга. «Саёқ» дегани юқори овулга, Жумабек аканикига маслаҳат ошига кеча кетганича ҳамон дом-дараксиз юрган отаси эди.

— Абдумуродни юборинг. Мен отга қарашим керак. — Равшаннинг сира у ёқда боргиси келмади.

— От билан ишинг бўлмасин... Уйи, рўзгори бор одам ҳам шўйтиб юрадими?!

¹ Даллол демоқчи (шева).

— Кўй-э, Ойнахол келин, болани ҳалак қилганинг билан барибир келмайди, одатини биласан-ку! Кўчқорни ўзим сўйиб бераман, — дея уни шаштидан туширмоқчи бўлди Урол бобо.

— Бор, деяпман! — Энаси чолнинг гапига парво ҳам қилмади. — Бор, айтиб кел, ўзи сўйсин!

Бормасликнинг иложи қолмади. У тўй бошланаётган ерга — Жумабек аканинг ҳовлисига яқинлашган сари юраги пўкиллаб, ҳатто изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Отасини билади, қишлоқ катталари билан ўтирган бўлса керак. Эҳтимол, синф раҳбарлари Турғун муаллим ҳам ўша ердадир... Равшан дарвоза олдида тайсаллаб, энди изига қайтмоқчи бўлаётган эди, тўйхонадан кимдир уни кўриб қолди:

— Кел, ҳей Қулматнинг ўғли! Нега пусасан? Қўрқма, отанг ҳам шу ерда! Бунга дарров ош қўйинглар, тўғри молдан келаётганга ўхшайди. Қўлинг ювуқлими, полвон? Яша! Айтганча, буни қатта меҳмонхонага, отасининг ёнига олиб бориш керак. Уша ерда гўшт мўл.

— Юр, айланай, яхши келибсан. — Гулдор бахмалдан камзул кийган хушрўй жувон унинг қўлидан етаклади. Нурбибининг энаси шу эди.

Худди Равшан кутгандек, отаси деворига чўғдек гиламлар осилган кенг меҳмонхонанинг тўрида башанг кийинган одамлар орасида ўтирарди. Дастурхондаги сопол лаганларда қовурма, қайнатма гўштлар, ҳатто тандир-кабобгача ёғлари сарғайиб турарди. Оғзи очилган ва очилмаган шисалар кигиз устида думалаб ётарди. Бу егулик ва ичкиликлардан кўпроқ пойгак тарафда ўтирганлар баҳраманд эди. Отаси эса тўрда, қават-қават шойи кўрпачалар устида, бахмал болишга ёнбошлаб ётган бўлим бошлиғи Бобошер билан қарта ўйнамоқда эди. Бобошер ҳар замонда қартани ёпиб, ёнидаги дафтар-қалам тутган Турғун муаллимга айтиб турарди:

— Хў-ўш, сўқимга икки ҳўкиз. Гуруч билан қанд-қўрсларни ёздингми? Энди, кўпкарига қўйиладиган зотларга ўт. Пулдан икки минг етармикин-а, сен нима дейсан, Қулмат чавандоз?

Равшанин бошлаб кирган Нурбибининг энаси жаранглаган ўктам бир овозда уларга мурожаат қилди:

— Мана, янги меҳмон опкелдим, жой берингизлар, катталар.

Бобошер ёстиқдан қаддини кўтармай, остонада тумша-йиб турган Равшанга қаради:

— Э, оббо, қисталоғ-э! Сенинг ўғлинг-ку, Қулмат! Мен бўлсам, райондан комиссия келибдими, дебман.

— Ҳа-ҳа, бизнинг ўғилнинг комиссиядан кам жойи бора-канми! — Отаси оғзининг таноби қочиб қолди. — Керак бўлса, комиссияларингни экиб қўяди у! Ке, улим. Э, кўй, ечма этгингни, гиламни аяб ўтирасанми-я! Жумабекка ўзимиз тўйдан иккита гилам айириб берамиз. А, Зархол, нима дединг?

— Утаверсин, тўй оши — тўполон.

Равшан кап-катта бўлса ҳам отаси уни қучоқлаб олдига ўтқазди.

— Шунинг ҳам одам бўлади деб юрибсанми? — деди Бобошер қартани бошқатдан сузатуриб.

— Ҳа-ҳа, алам қилсин! Узингнинг ўғлинг бунинг бир бутича келмайди-да! — дея хаҳолаб кулди отаси. Унинг оғзидан арча дуди урган тандиркабоб ҳиди келарди. У ароқ ичмасди.

— Шерободлик тоғаларига тортган-да, — деди ўтирганлардан бири. — Қулматбой, сизга ўхшаса унчалик бўлмасди.

— Ол, ўғлим, сен буларнинг гапига қулоқ солма. Ҳей Мамарайим! Мевахалтангни келтир, бизнинг ўғилга қанд тўй! — дея эшик тарафга қичқирди отаси. — Хўш, нима гап? Элтўриқни сувлаб, емининг илдингми? Қалай, ўзи чиройи очикми?

Равшан шундагина бу ерга нима юмуш билан келганини эслади ва энасининг газабли чехрасини кўз олдига келтириб, жойида ўтиролмай қолди. Негаки, уй тўла одамнинг ичиде: «Кўчқоримиз касал бўлди, энам сизни қаҳиряпти»,

деёлмасди-да, ахир. Бошқа биров бўлса бемалол айтиши мумкин, бироқ бу оддий хабарни етказиш ҳам унга кўнада иштонсиз юришдай гап эди. Шунақа уятчан бола эди Равшан. У ичиде: «Айтмайман, нима бўлса бўлди», деган қарорга келди ва дастурхонга тўкилган парвардага қўл чўзди.

Кечқурун уйга ёлғиз, киссаларини қанд-қўрсга тўлдириб, аммо юрак ҳовучлаб қайтганида, бахтига, кўчқор аллақачон сўйилиб, саранжом-сарийшта қилинган эди. Энаси уни кўриб қўлига заранг савағични олди:

— Қани отанг?! А? Қани, деяпман? Нега қайтиб келдинг, шўртумшўқ? Сен ҳам анов саёқ билан қўшмозор бўлмадингми, йигитгина ўлгур!..

II

Ака-ука адирдан суқиб ўтишгач, Равшан майсазор оралаб кетган ёлғизоёқ сўқмоққа бурилди.

— Мен бирйўла отларни сўғориб, жилдириб бораман, — деди укасига. — Сен кўзи-улоқни кўганлайсан¹, кечки мол келса, соғдирасан, хўпми?

Абдумурод жингалак сочли бошини силкитиб тойдай гижинглаганча чошиб кетди. Болалар ҳам кўздан йироқлашди. Равшан денгиздай мавж урган майсазорда ёлғиз қолди. У боя йўл ёқасидан юлиб олган сачратқиси билан, фўнғиллаб майсазорни босиб кетган сариқ кўнғизларни савалаганча қир томон бораркан, дили недандир чароғон, нимадан бунчалар қўвонаётганини ўзи ҳам билмасди. Фақат шуниси аёнки, у ям-яшил, муаттар борлиқ кўйнида танҳо қолди. Бу ерда ҳамиша кўнғлидаги ғуборлар тўкилар, ўзини қўшдай энгил сезар эди. Бунда ҳатто изтироб ҳам қанчалар ширин, хаёллар эса учқур, бетизгин. Буни бировга таърифлаш, қоғозда тасвирлашнинг иложи йўқ, фақат бошдан кечириш лозим бўлади. Бунда борлиқ, табиат севилмайди, балки унга бир жону бир тан бўлиб қўшилиб кетилади, умр бўйи давом этса-да, бу лаззатга тўйилмайди ва ўзга нарсалар хаёлга келмайди...

Атрофда жуда оз нарса кўринади, ҳатто уларни санаб чиқиш мумкин. Аввал — бағрида лўппи-лўппи, қордай оқ булутлар солланиб юрган мовий осмон, кейин — унга найзадай санчилган қиррадор Кўрагон тоғлари², унинг ёлдор ўмганида эса кўм-кўк арчазор, қуйироқда — паст-баланд тепалар, ниҳоят мана бу ерда бўлса — Бўзадир, денгиздай кўпирган майсазор. Яна ҳам нарига қаралса, қоп-қора дара ичидан шарқираб оқаётган Оқсув. Дарё кумуш белбоғ мисоли қишлоқни кесиб ўтиб, қўнботишга сингиб кетарди. Қўнботиш ҳам жуда гўзал! У ёқда кўзга элас-элас ташланадиган оппоқ шаҳар бор. Номозгар маҳали ботаётган офтоб шаҳар узра ловиллаб ёнади, алвон шафақ шаҳарни қирмизи тусга бўяйди, ўзи ҳам оҳиста ол ранглар ичра шўнғийди. Булар бари Равшанга ёд бўлиб кетган. Буларгина эмас, теварақдаги саноғига етиш қийин бўлган адирлар, сойлар ва буталарни ҳам у кўзини юмиб туриб айта олади.

Мана, ҳозир Бўзадирдан ошиб тушгач, олдинда қўриқ уват очилади ва арқондаги Элтўриқ уни кўриб қулоғини динг қилади, оғзида қашаб турган тутам ўти қилт этмайди, манглайидаги қашқасини ярқиратиб тикилиб тураверади. Уни таниб, Равшан эканини билгач, гулдираб кишнайди, қозикда бир айланиб, энгилгина ўйноқлаганча «ҳи-ҳи»лаб қўяди. Бу — унинг саломлашгани. Кейин тўғри Равшаннинг олдига келиб манглайини тутлади. Бу одатини ҳеч эсидан чиқармаганига, сира янглишмаганига ҳайрон эди Равшан. Элтўриқ манглайи силаниб, нўҳтаси ва кокиллари тўғрилаб қўйилганидан кейингина ортига тисарилиб арқонни оёқлари орасидан чиқаради, мамнун бўлгандек, чиройли бўйинини қайириб, нарироқда чивин қуриганча лоқайд қараб турган Саманга кишнаб қўяди. Саман — Урол бобоникни. У бир пайтлар машҳур бўлган, лекин энди қариган, ёнидаги дулдудлай ўйноқлаб турган Элтўриқнинг олдида пачоққина бўлиб оёғини совутиб туради.

Элтўриқ уват этагидаги сойнинг хом сувини хушламайди, Саманга эса фарқи йўқ: лойқа бўлса ҳам, қурум бўлса ҳам

¹ Кўпкарига қўйиладиган соврин «зот» дейилади.

¹ Мол-ҳолни бир арқонга қатор тизиб боғлаш.

² Ҳисор тизмаларидаги Амир Темур номи билан аталувчи тоғ.

хўриллатиб ичаверади. Равшан аввал уни сойдан сувлаб чиқиб янги жойга жилдиради, кейин Элтуркини майсазор оралатиб дарёга етаклаб тушади. Уни минишни жуда истади-ю, аммо бу хавфли иш, Элтуркини яйдоқ минишга катта-катталар ҳам журъат қилолмайдди, ахир. У ашиндай тез, олиб қочиши мумкин. «Бу ўзимизнинг Равшан-ку!» деб ўтирмайди, шу одати ёмон. Миндирмаса ҳам майли, кўзда бойловдан чиққанидан кейин Равшан ҳаммасининг ҳиссасини чиқариб олади. Фақат, дала қоровули Боймирза бўлмасин-да! Боймирза дегани жуда баттол одам, Шарқий фронтда Квантун армиясига қарши жанг қилган! Гоби чўлларини пиёда кезиб чиққан. У билан ҳазиллашиб бўлмайди. От билан майса оралаганини кўриб қолса борми! Равшан бир сафар қўлга ҳам тушган. Бахтига, ўша куни Боймирзанинг хотини еттита қизнинг изидан кўчқордек ўғил туғиб берган, қувончдан терисига сигмай юрган экан. Лекин у ўша қутлуғ кунда ҳам қадрдон даласини беэга қолдирмаган, Саманга ўхшаш, ҳатто ундан ҳам хароб чўбирини миниб уватда юрар эди.

— Орала-я, орала, баччағар! Давринг келди, суриб қол! — деб кичқирди у чўбрга қамчи босиб. Лекин Равшан унинг ҳимматига ишонмади, кўрқувдан барги ҳазондай титради. Боймирза томоғи йиртилгудай қийқирди: — Кетавер деяпман, ҳой тиранча! Бор, бугун рухсат ҳамманганга! Ҳамманг орала! Бугун шундай кун, ошна! Билсанг, бизнинг хотин ўғил туғди, қартайганда! Бугун шундай кун, ошна! Лекин билиб қўй, бошқа қорангни кўрмайин, аяб ўтирмайман. Отанг Қўлмат қанвандоз туғул Амир Олимхон бўлсаям, курагингни эзаман!

Боймирза чўбирни қамчиллаганча Бўзадирнинг орқасига ўтиб кетди.

«Балки, янги туғилган чақалоқ ўғлимга қараб ўтирсам, қувончдан юрагим ёрилиб ўлиб қоларман, деб адирга чопгандир бечора», дея хаёлидан кечирди Равшан.

Равшан майсазорни ҳамма кунжагигача кўздан кечирди. Эҳтиёт яхши нарса. Боймирза ҳам анойи эмас, бирорта пастак гужум арчанинг орасига чўбирини тиқиб, панадан шинак олиб турган бўлиши мумкин. Равшан у яширинадиган арчаларни билар, бу арчаларда Боймирзанинг бор-йўқлигини ҳам бир зумда аниқлаб олар эди. Ҳозир бу арчалар ичда унинг арвоғи ҳам йўқлигини сезди, кайфи чоғ бўлиб Бўзадирнинг устига чиқди. Отлар шу ердан кўриниши керак. Аммо негадир уватда Саманнинг ёлғиз ўзи турарди. Элтурки жойида йўқ. Равшан адирнинг нарёғига югуриб ўтди, бироқ от ҳеч қаерда йўқ эди. Унинг бирдан таъби тирриқ бўлди. «Демак, бўшалиб кетибди-да!» Саман ҳам негадир бесаранжом кўринарди. У Равшанни кўриши билан хирқираб кишнаб юборди, қозикда чарх уриб айлана бошлади. Равшаннинг дилга таҳлика тушиб, Элтуркининг жойига югурди. Қозикдан ҳам, арқондан ҳам ном-нишон йўқ. Уватдаги ўтга тегилмаган, тезаклар аллақачон қуриб қолган эди. Равшан наҳот кутгандек Саманнинг ёнига борди. Қари от худди Элтуркига ўхшаб манглайини унга тутди; бўйини, тақир яғрини тердан жиққа ҳўл эди.

— Тсс, Саман, тсс, бунча ҳовлиқмасанг, тс-э! — деб уни тинчлантирди Равшан. — Нима бўлди, а? Элтурки қаёққа кетди? Бўшалиб кетдимми, а? Е Ҳасаннинг оти келиб бўшатиб кетдимми?..

Равшан яқин орадаги қирларни, сой этагини кўздан кечирди. Соининг нариги бетида овулнинг бошқа отлари кўзга чалинар, Элтурки у ерда ҳам йўқ эди. Равшан унинг жойига қайтди, бехосдан ўтлар орасида ётган ялтироқ нарсага кўзи тушди. Бу бир неча тиглари, оқчиқлари бор каттакон чопқи эди. Равшан уни диққат билан кўздан кечираркан, дастасидаги кемтинка кўзи тушиб елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Отасининг чопқиси-ку! Кемтинки уйда Абдумурод иккаласи қилишган. Эшикка отиб ўйнаганларида дастанинг шу жойи учиб тушган эди. Кинода апачилар шундай қилишади-да! Демак, отаси райондан қайтган. От унга нега керак бўлиб қолганига Равшаннинг сира ақли етмасди, чунки кўпқари йўқ, бошқа йўқ, бу пайтда отаси совхознинг юк машинасида юрарди. Ахир, қиш бўйи кўпқаридан толиққан от баҳорда яйраб дам олиши керак. Уни бундай иссиқда уч қақиримга ҳам миниб бўлмаслигини отаси яхши биларди-ку!

«Керак бўлгандир-да», дея қўл силтади у ниҳоят.

Саманни сўғориб, янги жойга қоқди-да, шалпайган кўйи келган йўлидан қишлоққа жўнади.

III

Офтоб Бўзадирнинг этакларида, паст-баланд тепалар узра юмалаб борарди. Соя босган қишлоққа томон сурув қайтарди. Кўзи улоқнинг, совлиқларнинг маърашлари, кади кўтарган хотинларнинг қий-чуви қўлоқни қоматга келтирган. Бироқ, уларнинг ҳовлисидан чиқаётган шовқин буларнинг ҳаммасидан балоandroқ эшитиларди. У ерга негадир хотин-халаж йиғилган, эркакларнинг дўриллаган овозлари қаттиқ-қаттиқ келмоқда. Бирдан Равшаннинг кўнгли ёмон нарсага сезди, юраги увишди. «Ишқилиб омонлик бўлсин-да», деган таҳликали ўй кечди хаёлидан.

Дарвозадан кирганида отаси эгарланган, бошига юган урилган Элтуркини жиловлаганча дарғазаб бўлиб турарди. Айвонда эса укалари чирқиривар, энаси устун ёнида ниманидир маҳкам бағрига босиб турар (Равшан бу нарса отасининг янги почапўстини эканини кўрди) ва кимнидир қарғар эди. Бошидаги каштали желаги елкасига тушган, сочлари тўзғиб кетган. Кўзидан оққан ёш юзини ювиб кўксига тушмоқда. Лекин у бунга парво қилмасди. Ҳовлида кўзи-улоқ оналарига эргашиб юрар, уларни ажратиш, соғиш бировнинг хаёлига келмас эди.

— Хотин эмас, балон азим экан! Е Баҳоваддин, бу қандай қиёмат-а! Е Мўминхон тўрам! Е Ҳазрати Боқихон пирим! — дерди отасининг ёнида ҳасса таяиб турган Раҳмон чол. Уртага семиз, қоп-қора Холча момо чиқди:

— Бу хотиннинг танобини тортиб қўйиш керак, элим-халқ! Бу нимаси, на гапга кўнади, на гаштакка! Ахир, эринг баталиёнга кетаётгани йўқ-ку! Ой ўтар, йил ўтар, қайтиб келар олдинга! Наълати! Сени бўлмасам ҳам, мана бу узукнинг кўзидай болагиналарини кўзи қиядимми!

— Йўқ! — деди отаси кескин. — Қайтиб келмайман! Сиз, Холча момо, кўп кайвонилик қилиб гапни салмоқламаган. У бор экан, менга бу қишлоқ ҳаром! Ҳақиқдоғимга келди, мана бу еримга келди! — У қўлидаги қамчин дастасини қипқизил гарданига тақади. Белини боғлаб унинг ёнида туриб олган, жуда ғайратга минган Равшаннинг момоси — Майрам кампир энаси билан баб-баравар қарғашмоқда эди:

— Сени ер ютади охири, ялангоёқнинг боласи! Менинг остонамга келин бўлиб тушиб кун кўрдинг, ергина ютсин сени! Мана шу ергина ютсин! Худоё худовандо, юзим қибла сари! — У энгашиб ерни мушларди. — Уғлимга ҳали ойдаи хотинлар тегсин, бир ойдаи хотинлар тегсин, сен куйиб ўл!

Аммо энаси кампирга парво қилмас, отасига қараб қичқиргани қичқирган эди:

— Бор, ўша тугмасинг билан қўшмозор бўлақол! Икковингнинг ўлигинг чиқсин ўша райондан!

— Пўстинни бер бу ёққа, йўлдан қолдирма мени! — дерди отаси пинак бузмай.

— Бермайман! Болам княди, ана келди ўзи! — Онаси дарвоза олдида ранги бўздай оқариб турган Равшанни энди кўрган эди. — Қаёқларда қолдинг, кўзим? Мени бу итларга талатиб! Ур, нас босган башарасига ур! — дея ҳўнгиллаб йиғлаб юборди у.

Равшаннинг ҳам кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Лекин отасининг «Равшан!» деган кескин овозини эшитиб хиқиллашдан тўхтади, томоғига аччиқ, шўр нарса тиқилди.

— Мен... мен кетаяпман, ўғлим! Энанг билан муросамиз келишмади. Район яқин, бориб турарсан. Йиғлама, деяпман! Уялмайсанми?

Равшаннинг оғзидан беихтиёр, узук-юлуқ сўзлар чиқиб кетди:

— Уятни биласизми сиз?! Уятни билсангиз шуйтиб юрасизми?! Кетсангиз одам йиғмай, индамай кетавермай-сизми! Боринг, тезроқ даф бўлинг!

Атроф бирдан сув қуйгандай жимиб қолди. Гўё машўм бир сукунат ютган эди ҳаммани, гўё одамлар тилдан қолган, ҳатто нафас олишдан ҳам тўхтаган! Отаси унга еб юборгудай тикилди, Равшан ҳам отасига тап тортмай қаради. Отасигагина эмас, Азроилнинг ўзига ҳам тик боқарди ҳозир! У югуриб бориб энасининг қўлидан пўстинни юлқиб олди-да, отасига қаратиб отиб юборди. Отаси пўстинни эгар устига ташлаб, узангига оёқ қўйди.

— Элтүриқни ташлаб кетинг! Хароб қиласиз у ёқда! — деб қичқирди Равшан жиловга тармашиб.

Отаси бирдан қўлидаги қамчин билан унинг елкасига, кейин отнинг чотига туширди, ўйноқлаб турган от пишқириб тикка осмонга салчиди. Бола отнинг боши баравар жиловга осилиб борар, отаси аямай отга қамчин босар эди. Дарвозадан чиқаверишда боланинг қўли жиловдан ситилди: бехос қўлига қарсиллаб қамчин тушган эди. Жонҳолатда узангига тармашиб, аммо Элтүриқни биров тўхтата олармиди!.. У аллақачон гузарга етган эди. Бола эса йўл устида, тупроқда юзтубан ётарди. Кейин у ўрнидан иргиб турди, отасининг изидан юғурди... Қайда! Элтүриқ соя босган Бўзадир йўлида қуюндай учиб борарди. Етолмаслигига кўзи етиб, бола ана ўзини ерга отди, тупроқни чангаллаб аччиқ-аччиқ йиғлади.

Йиғилганлар уй-уйларига тарқалдилар.

IV

У қизни эртақлардагидек сирли, беғубор бир туйғу билан севарди. Бу оддий севгиладан эмасди. Таърифлаб бўлмас эҳтирос ва ҳаяжонга тўлиқ илоҳий севги эди бу. Одатда, ҳамма ўспиринларда бўлганидек, қиз унинг тушларига кириб чиқарди. Кўҳиқоф, Боги Эрам, девлар — хуллас, афсонавий кечмишлар ва жанг жаддалар ичидан у Элтүриқ билан жавлон уриб юрарди.

Баъзан тушлари жўнроқ, ҳаётийроқ ҳам бўларди. Аммо бу — учи-қуйруғи йўқ изтироблар, сарсон-саргардонликлардан иборат эди. Қизнинг ўзи эса мактабда ҳар куни у билан бирга. Унга севги ҳақида ҳам, туш ҳақида ҳам, изтироблар ҳақида ҳам бир оғиз гап айтилмайди. Аслида ҳаммаси кулгили, бориб турган аҳмоқгарчилик эди. Негаки, бу севгининг охири нима билан тугайди ва умуман бундан нима чиқади — номаълум эди-да! Қизнинг кўнглини билишми? Хуррам калтанинг ўғли Шодига ёки бошқа биттасига эмас, фақат унга мойиллигини ҳис этишми? Худди шуларнинг ўзи, яъни ошиқлик — қизга муносиб бўлишга интилишлару изтироб чекишлар... Нима бўлганда ҳам унинг учун оламни мунаввар қилиб турган нарса шу — гўдакона, маъсум муҳаббат эди. Дилида пинҳона ардоқлаб юрган орзуси, қувончи ва овунчи ҳам шу эди.

Уша хунук воқеадан кейин у ўзига келолмай юрарди. Қора кун уларнинг бошига гўёки осуда денгизда бирдан кўтарилган бўрондай бостириб келган эди. Отаси унинг зўр умидларини чиппакача чиқариб, кўнглини синдириб кетди. Бу қишлоқда, айниқса, мактабда ўша заҳоти билинди. Шундоқ ҳам уятчан бола, одамларнинг кўзига тик қараёлмай қолди. Бундай яшаганининг ҳолига во! Бунақа пайтда сенга ҳеч кимса ёрдам қилолмайди. Дунёда ҳеч бир олижаноблик бунга қодир эмас!..

Танаффусда унинг ёнига Абдумурод келди. Кўзларидан ёш гилтиларди.

— Нима гап?

Абдумурод индамади, бошини ҳам қилди.

— Нима гап, деяпман сенга! — деб ўшқирди Равшан.

— Ҳаким билан Шукур...

— Ҳаким билан Шукур нима?

— Машқни кўчирамиз, деб она тили дафтаримни олишган эди, беришмаяпти. Эрталаб йўлда ҳам калака қилишди, бетимга сиёҳ сачратишди...

— Сен қараб туравердингми, ландавур? Нега жағига туширмадинг? Сўррайиб турганингдан кейин албатта валақлашди-да!

— Муаллимга айтаман...

— Бунақа тентакликни каллангдан чиқар, шу ёғи етмай турувди ўзи!

— Бўлмаса нима қилай? — Болакай узун киприкларини пирпиратди.

Нима қилиш кераклигини Равшаннинг ўзи ҳам билмасди. «Қитмирларнинг адабини бериб қўяман!», деб боланинг кўнглини кўтариш мумкин, албатта, бироқ бу ёлгоннинг нима кераги бор? У ҳамма маломатчилар билан ёқалашолмайди-ку, ахир!..

Мактабдан қайтишда Саманга Абдумуродни жўнатди. Укаси аввалига: «Мен жилдиролмайман, оёғимни босиб олади», дея эътироз қилди. Лекин Равшан: «Саман сенга

Элтүриқмидики, тез юриб оёғингни босса! Отнинг нўхтасидан судраёлсанг бўлгани. Мен ҳали бедарак кетган қизил жувонани қидириб топишим керак», деб уни зўрга кўндирди. Аммо Саманга ўзи бормаганининг сабаби бу эмасди. У ёққа қадам қўйса, кўнгли бузилиб кетади, Бўзадирда қари отнинг калта думини сонига шап-шап урганча ёлғиз турганини қўриб йиғлагиси келади. Элтүриқнинг ярқираган қашқаси кўз ўнгидан ўтади, гулдираб кишинанг овози қулоқлари остида жаранглайди, отнинг ўзи эса йўқ!..

Урол бобонинг ёлғиз қизи бор, ўғли йўқ. Отга эса ҳар куни икки маҳал қатнаш керак. Саманнинг ҳам, бу кекса чавандознинг ҳам даври аллақачонлар ўтган, иккиси ҳам баравар қартайиб қатордан чиқиб қолган. Кампири, унга қўшилиб ҳамсоғалар: «Бу дардисар отни сотинг», дея қисташади, аммо уни энди ким ҳам оларди, дейсиз! Шундай бўлса ҳам Саманга харидор чиқди. Белибойлик ферма мудири уни олиб уюрга қўймоқчи, бу қари тулпордан насл олмақчи экан. Урол бобо отини ана шу охирги харидорга ҳам сотишга кўнмади.

— Мияси айниган чол! Ўзинг билан қўшмозор қиласанми уни сотмай?! — дея жигибийрони чиқади Бибиш момонинг.

Лекин Урол бобо пинагини ҳам бузмайди:

— Балки қўшмозор қилмоқчидирман, сенинг нима ишинг бор? Урчуғингни йигир-да, ғийбатингни қилавер, эркақларнинг ишига аралашма!

Шундай қилиб, Саман савдодан қолди.

V

Қишлоққа кино келди. Кино! Бу хабар ҳали унинг тақир-туқирлари ортилган машина кўприқдан ўтиб улгурмасидан ҳаммаёққа овоза бўлиб кетди. Болалар чапак чалиб ирғишлашар, «Кино келди, кино!» дея қийқиришар, кузовининг ярми брезент билан ёпилган машинани қуршаб олишган эди.

Киночилар ашқол-дашқолларини тушириб бўлгач, эълон қилишди:

— Боринглар, кийиниб-тараниб, ота-оналаринг билан келинглар. Кино бир соатдан кейин бошланади. Қари-қаранглар ҳам армонда қолмасин, жуда михдай кино!

Болалар: «Ҳозироқ қўяверинг, амаки, шундоғам кўраве-рамиз», дея чувиллашди, лекин ёғ босган шапкасини манглайига бостирган муйловли киномеханик уларни қувиб юборди.

Равшан бу гаплардан беҳабар эди. У жувонани топиб келган, энди оғил бурчагидаги охурни тузатмоқда эди. Абдумурод ҳовлиқиб кириб келди, нимқоронғи оғилда унинг кўзлари чақнарди.

— Ҳа, қайси ит қувди, бунча пишнамасанг? — деди Равшан қўлидаги лойни ерга ташлаб.

— Кино келди!

— Вой-бў, мен ракета кептими дебман! — дея уни масҳара қилди Равшан.

— Қўлингни юв, ака, ювиниб-тараниб ота-оналаримиз билан борарканмиз!

Равшан унга «Отанг бўлмаса ким билан борасанг?» демоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтди.

— Менга қара, ариқдан бир челақ сув олиб ке, лой қотиб қолди.

— Ака!.. — деди болакай кўзлари чақнаб.

— Нима — «ака»?! Кино кўрмай юрибсанми? — Кейин бир оз юмшади у: — Майли, борамиз, фақат охурни суваб бўлайлик.

— Ҳа-а, ўзинг ҳам роса ичингни уриб турибсан-у... Янги костюмингни киясан-да!

— Учир! — Равшан қўлидаги лойни кўтариб пўписа қилди.

Абдумурод тилини чиқариб қиқиллаганча пақирни қўлига олди.

Равшан оғилдан чиққанда кўёш аллақачон ботган эди. Одамлар кўчада гангир-гунгур сўзлашиб, кулишиб гузар томонга ўтиб боришарди. Олдинда болалар, улардан кейин

¹ Нововс.

бола кўтарган ва салт аёллар, энг орқада эса беқасам чопон кийган эркаклар кўллари орқага қилиб кетишарди.

Абдумурод янги ботинкаси ва беқасам тўнни кийиб, устидан шоҳи қийқчасини боғлаб аллақачон айвонда тайёр бўлиб турарди. Ундан икки ёш катта Ҳалима ҳам ироқи дўпписини кийиб шай бўлиб олган.

— Тезроқ бўлинг, эна! — дея тоқати тоқ бўлиб депсинарди Абдумурод.

Бирпасдан кейин кичкина Жумамуродни кўтариб энаси ҳам чиқди. Номозшоматлас кўйлаги устидан гулдор бахмал камзулини кийиб, бошига тўрт чоракли оқ рўмол ўраган эди. У яқин орадан бери киймаган бўлса ҳам керак.

— Бўлақол, кўзим, кеч қоламиз, — деди у ўйланиб турган Равшанга.

Равшаннинг хаёли қочиб турарди. Бирортаси, юринлар, деб айтмади-я! Номардлар! Илгари шундаймиди? Кино келса ё тўй бўлса, ҳовлилари олдида тўдалашиб, уларнинг чиқишини пойлашарди. То отаси пўстинини елкасига ташлаб, мўйловларини бураб уйдан чиққунча кутишарди. Бугун эса ҳатто амакилари ҳам қорасини кўрсатмади. «Нима қилишяптикин?» дегандек, худди ёвнинг қўргонидан сир олишяптандек, бўйинларини чўзиб қараб-қараб ўтишди.

Улар етиб борганда киномеханик Хўжаёр махсумнинг уйи орқасига аппаратини ўрнатган, деворга оқ мато осиб, кинони бошлашга ҳозирлик қўйган эди. Уй орқасидаги майдончага Хўжаёр махсум йўнғичка экиб, яқинда ўриб олган эди. Одамлар шу ерда ўтирарди.

— Шу ерга ўтира қоламиз, эна, — деди Равшан орқароқни кўрсатиб. — Бемалол кўринади.

Бироқ, Абдумурод одамларга туртина-туртина олға интилди. Уни енгидан тортиб, дарров орқага суриб қўйдилар.

— Ким ўзи бу чурвақа? Ҳей қаёққа? — деб дўк қилди унга Ҳасан мағазинчи.

— Вой-вой, боланинг устидан ҳатлаяпти-я, жувонмарггина! — дея шанғиллади хотинлардан кимдир.

Абдумурод аллақачон бу аёлнинг тиззасидан ҳатлаб ўтиб кетган эди. Равшан уни қақриб олмоқчи бўлди, лекин бунга ҳожат қолмади. Аппарат ёнида худди у ҳам бу ишларда устаси фарангдай, механикка кўмаклашиб турган Тилов кўшкालла (боши беҳушона бўлгани учун унга шундай лақаб тақишган) одамларнинг талаби билан болани ёқасидан тўрвадай қилиб кўтарганча аввалги жойига чиқариб қўйди.

— Қулматнинг боласи-ку!

— Шунинг учун ўзмирлик қилаётган экан-да.

— Ҳайдаб юборинг у ёққа!

Атрофдан ғовур-ғовур кўтарилди. Бу одамларнинг уларда алами бордай, энди шу аламини олишга имкон туғилганидан қувонгандай мазаммат қилишарди. Ҳар ҳолда Равшанга шундай туюлди. Эрлари ёнида талтайиб ўтирган хотинлар унинг энасига ўгирилиб қарашар, ивир-шивир қилиб, бошларини маъноли тебратиб қўйишар эди. Энаси эа улардан биронтасининг олдига эгилиб боришни ўзига эп кўрмади. Овсинлари ҳам қақришмади, сазойи бўлган хотинга қарагандай қарашди. Энаси уларга еттиёт бегона бўлгани учун эмас (у Шерободдан тушиб келган, отаси тўйлаб борганида ошиқ бўлиб қолган эди), балки ўзи табиатан мағрурлиги туфайли уларга азалдан эл бўлиб кетолмаганини Равшан тушунди. Аммо бу ғурурнинг қусур эканини ҳам, фазилат эканини ҳам ажратолмади. Ҳар иккови ҳам бўлиши мумкин. Сал пастроқ тушганида қайишармиди овсинлари... Албатта, энанинг сирдош дугоналари, олди-берди қиладиганлари бор, лекин — овсин-овсин-да!

Кино бошланди. Аппарат аввал сурп матони оппоқ ёритди, кейин қасира-қусур отишма янграб, тўппончадан ўқ узаётган, отларда учиб бораётган одамлар пайдо бўлди...

— Эна, Тилов акага қаранг, мени олдинга ўтказма-япти, — деб чийиллади ҳали ҳам ўртани кўзлаб турган Абдумурод.

Равшан «Энам ҳозир Тиловни қарғайди», деб чўчиди. Тиловни қарғаш мумкин, албатта, аммо бу ҳозир кўпчилик олдида шарманда бўлиш деган гап эди. Энасининг ранги буздай оқариб, лаблари пир-пир уча бошлади. Равшаннинг нафаси ичига тушди. Шу пайт ўртада ўтирган хотинлардан бири Абдумуродни қақриб қолди:

— Хув чиройли бола, ке бу ёққа, айланай! Эй йигит, кўйворинг ўша болани бу ёққа!

Тилов четланди, Абдумурод ўша заҳоти сакраб ўтиб уни қақирган аёлнинг ёнида пайдо бўлди. Бу Жумабек аканинг хотини эди.

— Сени ўтказишмадимми? Қўявер, ўзим куёв қиламан сени! Айтгандай, энанглр қани? — деб сўради у Абдумуроднинг елкасига қоқиб. Абдумурод экрандан кузини ўзмай, орқага имо қилди. Жумабек аканинг хотини ўтирган жойида уларни қақирди, кейин ёнидаги, тўрт яшар ўғлини тиззасига олиб чордана қурган эрини туртди:

— Эби, қақирсангиз бўлмайдими уларни? Нега индамай-сиз?

Жумабек ака ўгирилиб қаради.

— Равшан, бу ёққа келинглр, ўғлим.

Улар бориб кўришиб-сўрашдилар, гўё икки хонадон бир жону бир тан бўлгандай, арқоғу ўришлари мос келиб, аҳилгина бир жойга ўтирдилар. Албатта, овсинларнинг энасини бегона кўриши ҳам, отаси кетгач, Ҳасан мағазинчи ўзини бу ерларнинг наррашеридай тутиши ҳам, яқин ҳамсоя — Хуррам калтанинг уларни қақирмагани ҳам худди Жумабек аканинг хотини уларга мурувват қилгани каби аҳамиятсиз нарсалар эди. Равшан бундан ҳис этар, боя келган пайтларида кўксидан пайдо бўлган оғриқдан энди хижолат чекар, майда нарсаларни деб ўзини олдиргани учун уялар эди.

У буларнинг барисидан нега уялаётганини сезиб қолди. Жумабек аканинг нарғеида тиззаларини қучганча Нурбиби ўтирарди. Аввал-бошданоқ Равшан унинг кўзига кўринмаслик пайида бўлган, аммо Нурбиби уни аллақачон пайқаган, отасининг елкаси оша қараб жилмайган эди. У Равшаннинг «сирлари»дан сал-пал хабардор, нега бунчалик жонсарак бўлаётганини билиб турар, «Бари беҳуда, бунчалик жон кўйдираётганинг учун сенга ачинаман, шу одатингни ташласанг яхши бўларди» дегандек шўхчан боқар эди.

Айтмоқчи, бу гаплар бир-икки сония ичида бўлиб ўтган ва бутунлай унутиб юборилган, Равшан энди бор вужуди билан кинода кечаётган воқеаларга шўнғиб кетган эди...

Отишмада оқ от минган командир яраланди. Уни иккита қизил аскар отга ўнгариб тоғ этагидеги қишлоққа олиб келишди; олдида бостирмаси, ғарами бор данғиллама ҳовлига олиб киришди, ўзлари яна босмачилар билан отишгани тоққа қараб от қўйишди. Уй эгаси йўқ. (Кино охирида у қўрбоши бўлиб чиқади.) Командирни уй бекаси ва унинг сочлари қирққокил соҳибжамол қизи парвариш қилдилар. Узларининг Тўлаган дўхтирларига ўхшаган қишлоқ табиби келиб командирнинг баданидаги сочма ўқларни чиқариб олди, аллақандай гиёҳлардан тайёрланган дори-ларни суркаб жароҳатни боғлади. Ҳаליги гўзал қиз йигит ухлаганда аста ёнига келиб юзидан, мўйловларидан ўлди. Бироқ, йигит ухламай муғамбирлик қилиб ётган экан. Кўзларини очиб қизга қаради. Қиз қочиб кетмоқчи бўлди, йигит соғ қўли билан унинг билагидан ушлаб қолди ва бағрига босди. Энди улар ҳар кеча шу тахлит ширин суҳбатлар қурадиган бўлишди. Аммо қўрбошининг маймоқ, бадқовоқ хизматкори бундан хабар топди ва тоққа — Райимбекнинг олдига жўнади. Райимбек тоғнинг хилват ўнгирида чодир тикиб, йигитлари билан базм қилиб ётарди. Енида инглиз эмиссари, чап биқинида эса аллақайси қишлоқдан олиб қочиб келинган бир соҳибжамол қиз. У чўлоқнинг ахборотини эшитгач, жийрон отни эгарлашга буюрди ва иккита йигитини олиб қишлоққа қуюндай учди. Равшан «Энди командир қўлга тушади!», деб ташвишланди. Командир билан қиз меҳмонхонада пўстак устида ўтиришар, бир-бирларига тикилиб тўйишмас эди. Улар ўлим даҳшат солаётганидан беҳабар. Ташқарида от дунпуради. Албатта, қўлга тушишса қизик бўларди-ю, бироқ келганлар қизил аскарлардан экан. Равшаннинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Хонага кирган қизил аскарнинг айтишича, босмачилар дарада базм қилишяётганмиш, ғафлатда бостириб бориш керакмиш. Командир апил-тапил кийиндию дўстлари етаклаб келган, бостирма харисига боғлаб қайилган оқ отига минди ва қизни сўнгги бор бағрига босиб ҳайрлашди. Қиз унга атлас рўмолча ва узугини берди. Узук йигитнинг жимжилоғига ҳам сиғмади, уни ўпиб, гимнастёркаси чўнтагига авайлаб солиб қўйди. Шу маҳал ҳовлининг

бошқа тарафида Райимбек от қўйиб кирди ва узоқда чопиб кетаётган отличларни кўрди. Энди улар изма-из қулашиб, отишиб борардилар. Босмачилар ортда қолиб кетишди — отлари чарчаган эди... Тоғда жуда зўр жанг бўлди. Босмачилар енгилди. Аранг қочиб қутулганларидан бири қишлоққа келиб бу ҳақда Райимбекка хабар қилди ва ўзи ўша заҳотиёқ жон берди. Райимбек меҳмонхона ўртасига қўйиб қўйилган икки хум олтинни қавлаб олиб хуржунга ағдардида, хотини билан қизини отларга миңдириб йўлга тушди. Маймоқ югурдак бостирма устидаги фарамга ўт қўйди, олов ловилади, итлар ҳурди, овул бесаранжом бўлиб қолди... Командир қолган-қутган йигитлари билан доvon ошиб кетаётган Райимбекка Бойсунда етиб олди. Жанг, отишма. Отишмада командирнинг дўсти ва Райимбек ўқ еб ўлдилар. Командир соппа-соғ, севгилисига етишди. Равшанга худди шуниси керак эди, шунинг учун кинонинг тамом бўлиб қолганига ачинмади.

Утирганлар йўнғичқапозни тарк этдилар. Уртага ўтаман деб дунёни бузган Абдумурод эса Жумабек аканинг тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган эди.

— Ия, менинг куёвим ухлаб қолибди-ку! — дея кулакула уни уйғотди аёл. — Туринг, бойвачча, шунчалик экан-да!

Унинг Абдумуродни «куёв» деганига Равшан уялди: болага тўғри келадиган қизи йўқ, битта Нурбиби бор, у бўлса катта...

— Ҳечқиси йўқ, бунга лойиғини туғиб бераман ҳали! — дер эди шаддод хотин Равшаннинг дилидагини уққандек. — Ойнахол, бизниқига боринг, қачондан бери кўришганимиз йўқ, ғийбатлар йиғилиб қолди. Нурбингиз гилам қурган, ҳожари гуллардан солиб берасиз-да, айланай.

Ухлаб қолган тўрт яшар ўғилчасини кўтариб турган Жумабек ака Равшандан сўради:

— Отанг келдими уйга?

— Йўқ.

— Йўқ дегин? Районда кўрувдим. Роса сўқдим. Бораман, деб ваъда берувди, келгани йўқми? Бир идорага бошлиқ бўпти, ишлари чакимас-у, лекин бола-чақадан безиб юриши... Чавандозликни ҳам йиғиштиради — у ёқда улфатлар, ичкилик. Бу йил жийронни чопадиган одам йўқ, Қулмат у ёқда юрса... Элтўриқ бўлса айвонда ётипти, олиб келганинда яхши бўларди...

У Равшаннинг дардини кўзгаган эди. Равшан йиғлаб юбормаслик учун юзини тескари бурди. У ичида аччиқ-аччиқ йиғлар, йиғлаган сари енгил тортар эди. Ахир, юракдан гаплашиб олди, кўнглини бўшатди, гарчи ўзи ҳеч нима демаган бўлса ҳам! Ахир, дилида қамалиб ётган гапларни Жумабек ака айтди. Энди у гўё саҳрода адашиб юрган ёлғиз кўзичоқ эмасди...

V I

Ез келди. Еру кўкни ёндириб, сарин елларини уфуриб ёз келди. Бўзадирнинг йўллари яна чангиб, қовжираган дала яна гавжум бўлиб қолди.

Комбайнлар адир ортига ўтиб кетган, қуюқ чанг орасида барханлар узра йўртиб бораётган туяларга ўхшаб элас-элас кўзга чалинади. Бўзадир эса сомон тўплаб юрган одамларга қолган. Уларнинг ичида мункиллаган, лекин қайишқоқ чоллар ҳам, эндигина оёғи чиққан иштонсиз болакайлар ҳам бор.

Равшан Норбой бригадирдан сомонга рухсат сўради. — А? — деди Норбой кафтини йиртиқ қўлоғи устига қўйиб.

Қўлоғини бултур, ўзининг айтишича, тележка кузовини ёпаётганида темир илгак юлиб кетган, аммо ким билади, кўпқарида от чайнагандир, сал-пал улоққа аралашиб юради.

— Икки қоп сомон! — деди Равшан.

— Бўпти, лекин икки қопдан кўп олакўрма, райондан комиссия келган, каллангни сапчадай узаман-а!

Равшан «Хўп», деб бош силкиди, ичида кулиб қўйди: иккитага рухсат тегдими, энди тўрт қоп ҳам олавериш мумкин!

Абдумурод кўк тойхарни миниб, устига қоп ортилган қора ҳангини етаклаб келди.

— Зардоли опкелдим, ейсаними? — деди у хуржундан тугунча чиқариб.

У келтирган ўрик эзилиб тўппа бўлиб қолган, суви нонга оқиб, ивтиб юборган эди. Равшан уни бефаросатлиги учун сўқмоқчи бўлди, бироқ сўқишга фурсат йўқ эди. Белбоғдаги бутун қолган ўрикларни нонга қўшиб апил-тапил тушира бошлади.

— Холиқбердилар келмадимми?

— Улар трактор билан оборишаркан. Уларга маза-да! Сен ҳам, ака, бригадирдан трактор сўрамадингми?

— Сен ўзи қанақа боласан! — Равшан уни жеркиб берди. — Норбой ҳаммага тракторни экиб қўйиптими?!

— Холиқбердиларга-чи?..

— Отаси бухгалтер-да!

— Бултур бизга ҳам беришган, — деб қўйди укаси, ҳали ҳам бошини ликиллатиб тойхар ўзи устида ўтираркан.

— Қани, туш энди, раис! Сомон қоплаймиз!

Абдумурод қопнинг оғзини очиб турди, Равшан уюм тагидаги майда сомонни қопга жойлай бошлади. Ака-ука бош кўтармай ишларди. Бу ерда ўзи шундай, ота болага қарамайди. Сомон бозори қизиган!

Улар икки қопни тўлатиб, энди бошқа уюмга ўтишганда Боймирза қорюв келиб қолди. У йироқдан остидаги чўбирни аямай қамчиллаганча, сомончилар устига довулдай бостириб келарди. Аслида, Боймирзанинг ваколоти аллақачон тугаган, чунки у ўрим бошлангунча қоровул, ўрим бошлангандан кейин донга ҳам, сомонга дахлдор эмас. Бироқ, Боймирзанинг бу билан иши йўқ, ҳамон чўбирини қамчилайди, ҳамон одамларга дағдаға қилади: «Ноинсофлар, каззоблар! Мен бунинг ҳаммасига каллам билан жавоб бераман! Мен Квантун армиясига қарши жанг қилиб юрганимда, сенлар хотинларингди қўйнида ётгандиларинг! Менга буюрилган! Нонни ҳалоллаб ейиш керак!»

Боймирза келмасдан улгуриш лозим эди. Равшан аввал-бошдан шуниси ўйлаб хавотирда эди. Мана энди... «Бунга Боймирза эмас, манови шўртумшўқ айбдор!» деб ўйлади укасига қараб.

Боймирза тележкага сомон ортаётганларга қарамади, аммо уларга ҳам сиёсатни қанда қилмади: «Инсоф дегани бир жамоат эл бўлади, ҳей бойлар!», деб ўтди ва қизи билан бирга сомон жойлаётган Урол бобонинг ёнига келгач, ғайратга минди:

— Урол чол, бу нима, Хўжа Аҳрорнинг молими? Сўрамай-нетмай!..

— Норбойдан сўраганман.

— Норбойингизни экиб қўйдим! Тўқинг анови қопдагини! Учтаси етади!

У чўбирдан ирғиб тушиб, яримлаган сомонли қопни қизинг қўлидан тортиб олди, силкилаб тўкиб ташлади. Кейин қамчини билан ёғи чиқиб кетган ағдарма этигига қарсиллатиб урганча чўбирга кўнди.

— Хў тирранчалар! Сенларга сомон йўқ, қани, жўнанглар-чи! — дея уша еқдан қамчин тўлғаб кела бошлади у.

Абдумурод энди ҳиқиллашга шайланган эди, аммо Боймирза уларни ҳам, бошқа сомончиларни ҳам сўка-сўка комбайнлар тарафга ўтиб кетди.

— Нега у бизни уриб, сомонни тортиб олмади? — деб сўради бола. — Е отамдан кўрқармикин-а?

— Кўзингга қара, тентак! — дея бақириб берди Равшан. — Мана бундай оч қопни! Нарёғини! Нега мунча «отам»лаб қолдинг?!

Сомонни Урол бобо билан биргалашиб ордилар — ҳар эшакка иккитадан тенг қилиб. Кейин қишлоққа жўнадилар. Урол бобонинг қизи Тўтигул қўшиқ бошлади. Овози ширали, майин эди. Абдумурод завқи келганидан эшакларни хипчин билан савалаб борарди.

— Тўти опа, эрингиз армиядан қачон келади? — дея ашулани бўлиб сўради у.

Тўтигул «Эби!» деб лабини тишлади, қора-паранг юзи лоладек қизариб кетди. Боланинг орқасига хипчин билан уриб, яниди:

— Ҳа, сенгина қўрмагур! Ҳар балони биласан-а! Лекин мен ҳали бировга текканим йўқ, ўргилай!

— Барибир Носир акага тегасиз-да! У билан тўйда ўйинга тушгансиз, армияга жўнаётганда йиғлагансиз!..

Бу гаплардан Урол бобо беҳабар, у олдинда эди.
Эшаклар йўлни чангитар, Абдумурод уларни қувалар,
Тўтигул оҳиста қўшиқ айтар эди:

Қора тоғдан учиб ўтган сўналар,
Арзи ҳолим ўша ёрга дегайсиз...

Елғиз Равшангина жим борарди. Осмонда яккам-дуккам милтираган юлдузларга тикиларкан, Элтўриқни эслади. Юлдузларни кўрганда доим шундай, у ёдига тушади. Ахир, Элтўриқ ҳам юлдуз-да! Улоққа кирганда юлдуздай учади!

Отаси унча-мунча кўпқариларда уни чопмасди. Урол бобонинг Саманини ёки бошқа бир жайдари отни минарди. Элтўриқни Равшан бош зот ташлағунча совитиб юрарди. Отаси уни фақат «охири»¹ улоққа миниб киради. «Охири» улоқ энг муҳими-да! Одамлар ҳам «Охири»ни қайси от олди?», деб сўрайдилар. Улоқнинг гўшти бурда-бурда бўлиб, чарвиси жунига аралашиб кетади, барибир «охири» — «охири»-да!

Катта кўпқариларда Элтўриқнинг кунни туғади. Беш юз, олти юз от йиғилган қалин тўдаларда иш беради. Улоқни олсанг, тўдада силкиниб-силкиниб, минг бир ҳунар билан ўқлоқдай отилиб чиқади. Улоқ унга текканда тўда бир қалқиб, бўри қуваган сурувдай тирқираб қолади. Лекин, Урол бобонинг фикрича, зўр тўдаларда уни сурдовдан, яна ҳам яхшиси, четдан қўшган маъқул. Бўлмаса, юрак олдириб қўйиши мумкин.

Элтўриқ от бўлиб улоққа киргандан бери не-не чавандозларнинг юрагига доғ солмаган. Минг бир машаққат билан тўдадан чиқдим деганда у шамолдай елиб улоқни олиб кетарди. Эҳ, Элтўриқ, Элтўриқ! Сен от эмассан, юлдузсан, юлдуз!

Боланинг юраги ёнди!..

Қора тоғдан учиб ўтган сўналар,
Арзи ҳолим ўша ёрга дегайсиз...

VII

Ез ҳам ўтди. Уни ҳеч бир куч — одамларнинг тер тўкиби ишлашлари ҳам, қирларнинг ловуллаб ёнишию Боймирзанинг чўбирга қамчи босишлари ҳам тўхтатиб қололмади. Тафти қайтган саратон бўз адирлар узра ҳорғин кўр тўкиб ётарди. Ҳосили ўриб олинган ангорлар офтобнинг бўз рангида оҳорсиз кўринади. Йироқда саф тортган Кўрагон тизмалари... Бу мағрур тоғ узун саратонни сукутда ўтказган, чунки мўйсифиднинг соқолидай, ҳануз кўксиде қор товланиб ётар эди.

Буюк жаҳонгирнинг бу тоққа даҳли бордир, балки йўқдир, лекин Оқсувнинг боши унинг номига қолган. Айтишларича, унда Темурнинг ёри ҳам бор эмиш, бир учи Самарқанддан чиқармиш. Балки бу ҳам Равшан отасидан эшитган қирққизлар афсонасининг давомидир. Отаси чўпонлардан тери йиғиш учун Оқсувнинг бошигача борган, бу горда ҳам бўлган. У, тошга айланган қирққизларни ҳам кўрган эмиш. Уртада шокосадаги сув янглиғ тиниқ кўл бормиш. Қизлар севгилиларидан айрилиб бу ёқларга келтирилганмиш. (Нега бундай қилингани тўғрисида гап йўқ, балки турк подшосининг ҳарамидеги қизлардир. Агар у жуда зўр подшо бўлган бўлса, ҳарамни шу ёрга кўчиргандир. Ахир, ҳукмдорларнинг қўлидан келмаган иш борми!) Қирққизлар кечаю кундуз кўзёш тўкармишлар, кўл суви шу ёшлардан йиғилармиш. Бу сувдан ичган одам мангу навқирон қолармиш. Отаси ана шу сувдан ичганман, деб мақтанган эди. Балки ичгандир, балки йўқ. У қирққа кирди, ҳали йигирма беш яшар йигитдай навқирон, гапи чин бўлиши ҳам мумкин.

Бу гапларни отаси унга кичкиналигида, отига мингаштириб чўпонларнинг қўшхонасига бораётганда айтиб берган эди. Равшан ишонқирамай сўраган:

- Ким ичса ҳам ёш бўлиб қолаверадими?
- Ҳа, ким ичса ҳам.
- Нега бўлмаса Урол бобом бориб ичмайди?
- Ичиб нима қилади Урол бобонг?
- Еш йигитга айланади, кейин Бибиш момомни қўйиб

¹ Кўпқари охирида чопилган улоқнинг ўзи ташланади, шунга ишора.

юбориб бошқа хотин олади. Ана шунда ўғил кўради, ахир ўғли йўқ-ку?!

Равшан Урол бобо одамларнинг тўйидан қайтиб, «Манглайм кўрсин, бу бадбахт манглайга худо битта ўғилни аяди!», деб йиғлаганини, кампири уни қаргаганини, кейин қўшилишиб йиғлаганларини кўп кўрган. Бир марта чол ҳатто касал бўлиб ётиб ҳам қолган.

Олти ўғилнинг отаси, соқоли тўрвадай Шойқул бобо даврада бундай деганмиш: «Уролбой, қачонгача одамларнинг тўйини еб юрасиз? Аттанг, ҳаммаси у дунёга қарз бўлиб кетадиган бўлди-да! Асли у ёғингизда йўқ экан-да, начора, Уролбой! Худонинг иши!»

Урол бобо яккаю ягона қизини ҳам қариганда кўрди. Эр-хотинга қўшилиб ҳамсоялар, узанги-йўлдошлар энди қувонишганда Бибиш момо бошқа фарзанд кўрмади. «Чолнинг вақти ўтган, қариди-да», деган гаплар Равшаннинг қулоғига чалинган эди. «Демак, ёшроқ бўлганида ўғил кўриши мумкин экан-да! Бибиш момо эса фақат қиз туғади». Негадир, момонинг чорхин товоқдай қип-қизил юзига қараб шу фикрга келарди у.

Улоқчи оти борлар қир этагига жайдари арпа экишган, энди бу арпа ўрилиб, хирмонжойга тўда қилинган эди. Ҳозир ана шу хирмонлар янчилмоқда. Равшаннинг хўлида¹ уч яшар қизил жувона ва унинг қаватига қўшилган икки яшар тана бор эди, холос. Хуррам калтанинг хирмонида эса тўёқ кўп: тўртта жувона ва кетидан ўғиллари навбат билан миниб ҳайдаётган бўз от. Ундан нарёқда Жумабек аканинг хирмони. Урол бобонинг эллик боғча хирмони Равшанларнинг ёнида бўлиб, унга ҳали хўп қўшилгани йўқ. Хуррам калтанинг хирмони катта, ўзлари ҳам кўпчил. Уғиллари баъзан: «Бўзни мен минаман, хўпни мен ҳайдайман!», деб талашшар, гоҳо эса, биттаси ҳам ҳайдашга кўнмай, ўзаро жиққамушт бўлишар, отнинг устидагиси ҳам тушиб қочар эди, ана шунда безга қолган ҳўкизлар кўр² қавашга киришарди. Хуррам калта қўлидаги паншахани тўлғаб ўғилларни атрофдан йиғиб келгунча бақиравериб бўғилиб кетарди. Калта бўйли, гавдаси тарвайган бу хумқалла одам содда-муғамбир, унинг хумқаллалигига ишониб армонда қолиш ҳеч гап эмас эди. У ён кўшилари, лекин мана энди отаси кетиб қолганидан бери ҳатто гап ҳам қўшмайди. Абдумурод бўлса унинг болалари билан муштлашгани муштлашган. Бунақа пайтларда Хуррам калтанинг хўйини уни олдига солиб ҳайдаб келарди.

— Йигит ўлгур, бойқушининг боласи! Энанг ёмон-да сенинг, энанг! — дея уйга қараб шанғилларди у.

— Нима бўлди ўзи? Мушдай бола экиннингизга тушди ми? — деб уйдан энаси чиқарди ва кўп можарога қоларди — Ул, бойқуш, бу кунингдан! Эрсиз, есир! Ҳақберд девонани қақир, болангни тияди!

Равшаннинг юраги безилларди. Укасини қистовга олар бошқа уришмасликка қасам ичирар эди. Лекин, Абдумурод эртасигаёқ яна жиқиллашиб келарди.

Бибиш момонинг айтишича, эр-хотин билиб қовушган. Уғилой — доғули хотин. Отасини ҳам гап билан ўша айтган эмиш. Фойда чиқадиغانларнинг товогини ялайди-да! Бошқаларнинг рўзғори нотинч бўлсин, дейди. Ҳамма бўлса лўлидай хотинни мақтаса, бошқаларни ёмонласа, фақат у яхши бўлса! Боладан қолган хотинларни йиғиб, уларнинг гўрига фишт қалайди. Симён-да, симён!

Равшан бу фикрда эмасди. Симён-пимёни билан иши йўқ эди унинг. Хуррам калтадан хафа эди у. Ҳалол, мард одам эмас-да. Бировга бекорга илон ўлдиргани тош ҳам бермайди.

Равшан хирмон атрофини йиғиштираркан, хўп ҳайдаётган укасига олифталик билан гап уқтирарди:

— Гавронни ўйнама, четдаги танани ур, тезроқ тугатмасак бўлмайди, бошқа ишлар кўп ҳали.

Нурбиби ҳам шу ерда эди-да. У хирмон теварагини сунпурар, соч уримлари нозик белига чилвирдай чулғанар эди. Ақасининг унга қараганини сезса, Абдумурод қиқирлаб кулади. Чунки барча сиридан хабардор. Равшан гоҳо тилини тиёлмай унга дардини ёрган. «Сен нима дейсан,

¹ Янчиш учун хирмонга қўшилаётган моллар.

² Янчилиб битаётган хирмон.

тентак, у мени нима деб ўйларкин?» (Мени севармикан, деёлмасди.) Укаси аввал: «Сени яхши кўради, чин агар. Узим кўрганман, сенга атаб рўмолча тикиб юради», деб қасам ичар, кейин эса: «Бариси ёлгон! Шодини яхши кўради, унга расмини ҳам берган!», дея ҳафсаласини пир қилар эди. Равшан у билан сирлашганига минг-минг пушаймон ерди. «Эх, бу Абдумурод-эй, жудаям қув-да», дея ичдан ҳам ранжирди, ҳам эркалатарди.

Нурбиби отаси ва Хуррам калтанинг олдига дастурхон ёзди, уйдан олиб келган бир товоқ филминдини қўйди. Кейин Равшанлар тарафга бир назар ташлади-да, чой дамлашга тутинди. Отаси унинг қараш маъносини тушуниб, Равшанни чақирди. Равшан «Ҳозир» деди-ю, лекин хирмондан бош кутармади. Хуррам калтанинг болалари: «Сен қол, сен қол!», дея отнинг жиловини бир-бирига иргитиб жанжал қилмоқда эди. Оталари уларни муросага келтирди:

— Қўй хўпни, қўлларни ювиб келинглр бу ёққа!

Абдумурод унинг ўғиллари филминининг қаймоғини оқизиб оғизларига солишларига ҳавас билан термиларди. Овқатнинг таъмини туйгандек тамшаниб қўярди. Филминди — хамири юпқа, мулойим тўйимли таом. Юзига сурилган қаймоқ ҳам оғизда шарбатдай эриб кетади. Чамаси, унинг ҳам егиси келарди. Бу ҳақда Равшанга гапирши эса бефойда.

Жумабек амаки уларнинг бормаслигини фаҳмлабми, Нурбибидан овқат бериб юборди.

— Ана, бизга ҳам оп келяпти! — дея қувончини ичига сиғдиролмади Абдумурод. Лекин катта дастурхонда, катта одамлар билан овқат ейиш бошқача бўларди-да!

— Овқат еб олинглар, кейин ҳайдайсизлар, — деди Нурбиби Равшанга. — Қаерга қўяй?

Равшан бирпас аланглаб турди-да, кейин белбоғини ечди.

— Еғ бўлади, майлими?

— Сиз ювиб берасиз-да акамнинг белбоғини! — Абдумурод пиқиллаб кулди.

Равшан «Шу ерда ҳам оғзингни юмолмадинг-а!» деган каби укасига ўқрайиб қаради, лоладай қизариб кетган Нурбибининг қўлидан овқатни оларкан, бармоқларига қўли тегди. Қизнинг бармоқлари чўгдек эди...

VIII

Тушдан кейин кампири билан Урол бобо келди.

— Саломалейкум, хирмончи бойлар! Хирмонга барака! — деди чол.

— Умрингизга барака! Келинг, Урол бобо! — деб жавоб қилди Жумабек амаки. — Бу, кеч қолдингиз, нима гаплар?

— Гап кўп, — деди чол отдан тушаркан. — Областдан келган катта директори мизни ишдан олиб ташлабди. Яхшига кун йўқ экан-да...

— Улуғ кишиларга тил теккизманг бобой, — деди Хуррам калта. — Улар нима қилиш кераклигини сиздан сўрамайди.

Урол бобо ҳам бўш келмади:

— Нега, Хуррамбой? Биздан сўрайди-да, ахир! Биз халқмиз, бўтам, сўраши керак.

— Мановини ушланг! — дея кампири унинг қўлига тананинг бошвоғини тутқазди. — Намунча жағингиз очилиб қолди, чол?!

Таналар тихирлик қилди, уларнинг бошини бир ерга қовуштириш чолга қийин эди. Кампири эса ингичка шохли қора танадан қўрқиб ўляпти!

Чол таналарни эплай олмади. Жумабек ака билан Равшан хўпга қўшиб берди. Урол бобо ўроқ билан арпа боғламларини бир-бир кесиб, ўртага ёйиб ташлади. Узи қанча? Бирпасда бўладиган иш. Аммо қартайган чол-кампирга тоғдай бир гап-да шу ҳам. Равшан тананинг арқонидан тортиб хирмон устида айлантира бошлади. Сўнг Саманни эгарлаб миниб олган чолга бошвоқини тутқазди-да, ўзининг хирмонига ошиқди. Уларда туёқ оз, орқада қолиб кетишса, «Қўлматнинг болалари дангаса экан», дейишлари мумкин...

Хуррам калтанинг ўғли Шоди ҳам шу ерда. У Равшандан катта, ўнинчи синфда ўқийди, бурни узун, ўзи ҳам бўйчан бола; Нурбибига ҳазил гаплар айтиб кулдилар, ўзи ҳам кулар, кейин «Қандай!» дегандай улар томонга қараб қўяр

эди. Равшаннинг вужуди титраб кетади гўё аллақачон Шодининг ёқасидан олиб кўтариб ерга ургандай, қўллари ихтиёрсиз ҳаракат қилади. Қани энди олишса, лекин бу ерда ёқалашиб бўлмайди-да! Қизнинг қиқирлаб кулгани эса дилини ўртаб борар, унинг кулгидан ловиллаб кетган чеҳрасига, хиёл бўртган кўкракларига тикилиб даҳшатга тушар эди...

Равшан Шодининг супургини оламан деб қизнинг сочига чанг солганини кўриб қолди. (Жумабек ака отини сўғориш учун булоқ бўйига кетган эди.) Нурбиби сочини тортиб олди, қўлидаги янтоқ супурги билан унинг башарасига урди. У «Воҳ!» деб орқага қочди, юзини тиканлар тилиб кетганига қарамай кулар, қиз ҳам қиқирлар эди. Равшан қўлидаги гаврон билан тарғил жувонанинг орқасига жон аччиғида туширди: «Бир боппайман-ку ҳали, бурнингдан чиқармасам!»

— Утин тергани бормаймизми, Шоди? — деб қичқирди у калласига келган баҳонадан қувониб.

— Утинни нима қиламиз? — деди Шоди дўриллаб.

— Ахир, кечкурун исиниш керак-ку!

— У сени уради, Равшан, — деб қўлоғига шипшиди Абдумурод. — Кейин укалари менга кун бермайди, — сўнгра акасининг парво қилмаганини кўриб, огоҳлантирди: — Белингни унақа сиқиб боғлама! Поллонлар бўш боғлайди, мен кўрганман.

— Ишинг бўлмасин!

Равшан билан Шоди гўё қалин ошналардай, хирмонжой тепасидаги арчазор дўнглик томон ўрлаб кетдилар.

— Нурбиби жуда зўр қиз-да, оққўнгил! — деди Шоди бояғи ҳазил-ўйиннинг таъсирида.

Равшандан садо чиқмади. У Шодининг бўй-бастини чўтлаб кўрмоқда, хирмондан пана бўлишлари билан унинг ёқасидан олмоқчи эди. Кейин ўйлаб туриб фикридан қайтди. Ахир, номига бўлса ҳам ўтин териш керак эди-да. У бирпасда ер бағирлаб ўсган пастак арчалар остидаги қуриган шохларни сўғуриб, бир ерга тўплади. Шоди шох-шабба тергилаб юришга бўйни ёр бермай, шудгор четида ётган арча молани судраб келди. У баҳорда кесилган, ишини бажариб бўлиб узун саратонда қовжираб кетган эди. Шоди уни Равшан тўплаган ўтинлар ёнига ташлади ва «Уҳ!» дея қўлларини белига тиради. Равшан жанжални нимадан бошлашни билмай гаранг, аввалги аччиғидан тушган, Шоди энди кўзига унчалик баттол кўринмай қолган эди.

— Ановиларни қара, — деди сой бўйидаги чанг йўлдан ўтаётган юк машиналарига тикилиб турган Шоди. — Худди кўнғизга ўхшайди, чангдан ўзиб кетолмайди. Ана униси зўр экан. Олдиндаги. «Урал» бўлса керак. Мен ҳам шо-фёрликни битирсам, «Урал» ҳайдайман!

Аммо, хирмонга қайтиб боргач, унинг нима хунарлар кўрсатишини ўйлаб, Равшан қалт-қалт титрай бошлади. Охири портлаб кетди:

— Эй, сен лайлак! Менга қара, Нурбибини ўз ҳолига қўшанми, йўқми?!

Шоди бақадек қотиб қолди.

— Нурбибини?

— Ҳа, Нурбибини!

— Нима бўпти унга?

— Нима бўпти? Нималигини кўрасан, лайлак!

Шоди унинг елкасидан босиб масхара қилди: «Бўйинг пастлик қилади», дегани эди бу.

— А-ҳа, биз ҳали ошиқмиз, дегин?! Вой полвон-эй! Сен қайда-ю, Нурбиби қайда?! Тўрвадай қилиб бошига урадимми?! — Шоди қаҳ-қаҳлаб кулди, бироқ ияги остига келиб тушган муштан гандираклаб кетди, ўзини ўнглаб Равшанга ташланди. Улар ёқалашиб кетдилар.

Абдумуроднинг айтгани келди. Шоди Равшаннинг сиқиб боғланган белбоғидан маҳкам ушлаб олган, бу узун, қайишқоқ қўллардан сира қутулиб бўлмас эди. Ниҳоят, Равшан унинг елкасидан оша чангаллаб қўшчил солди-да, кўтариб ерга урди.

— Бодиликни ташлайсанми?! Айт, ташладим, де! Ташладим, де!

Шоди жавоб бермас, бир амаллаб унинг чангалидан холос бўлишга уринар эди. Кутилмаганда ердан тупроқ олиб Равшаннинг юзига сочди. Равшан «вой!» дедию кўзини

ишқалаб қолди. Пайтдан фойдаланган Шоди жойидан ирғиб туриб унинг елкасига тепди.

— Ана энди каратэ қиламиз! — дея хирилларди у ғайратга миниб.

Лекин шу маҳал «Хов болалар!» деган овоздан чўчиб, иккиси ҳам тек қотди. Ун қадамча нарида, пастак арчанинг биқинида Жумабек ака турарди. У булоқдан отини суғориб қайтаётган эди.

— Уялмайсизларми? Кап-катта бўлиб-а?!

«Балки ҳаммасини кўрган, балки Нурбиби ҳақидаги гапни ҳам эшитгандир!» Равшан уятдан ерга кириб кетаёзди. Шоди валдираб қўямасин, деб шоша-пиша жавоб берди:

— Ҳазил қиляпмиз, Жума ака!

Жумабек ака лабини қимтиганча отининг бошини бурди. Шоди бояғи арча молани, Равшан шох-шаббаларини кўтарди, гўё ҳеч нима бўлмагандай...

— Калтак ебсан-а? — деди Абдумурод унинг қизариб турган кўзларини кўриб.

Равшан «Учир овозингни!» демоқчи эди, аммо укасини куруқ гап билан ишонтириб бўлмаслигини тушуниб, индамади. Укаси уни ёлғончига чиқардимми — тамом, али деса бали деб тураверади. Уни сира алдаб бўлмайди.

IX

Хирмонни энг олдин Жумабек ака янчиб бўлди. Улар сомон ва доннинг қолган-қутганларини йиғиштириб йўлга тушдилар. Нурбиби қўлидаги супургини ташлаб, рўмолини, соч ўримларини тузатганча Равшанлар тарафга қия қараб, ҳаяллаб турарди. Равшан эса уларнинг кетаётганини кўрган, қизнинг қараётганини ҳам идрок қилиб турар, хирмондан бошини кўтармас эди. Нурбиби чопиб кетди. Бирдан Равшанга хирмоннинг ҳеч бир қизиги қолмагандай туюлди.

Энди паншахани абжирлик билан ишлатишнинг ҳам, Абдумуродга ақл ўргатишнинг ҳам кераги йўқ. Хирмонжой, Бўзадир, то Кўрагон тоғларигача бўм-бўш, ҳувиллаб қолгандай, Шоди билан еқалашиш ҳам беҳуда, бошқа чиранишлар ҳам беҳуда...

Оқ адирлар совуқдан дийдираб, қора тўнини кийди. Оқшом кўнди. Бирпасдан кейин тоғлар ортидан ой кўтарилди. Ун тўрт кунлик тўлин ой чинни лагандай, қоп-қора борлиқ узра чайқалиб келарди. Адирлар сутга чайилгандай оқликка кўмилди. Урол бобо қари Саманнинг устида, терма айтарди:

Майдалар қилгин, кўрайин,
Шохинга гуллар ўрайин,
Сенга келган балони
Тоғу тошга жўрайин.

Ҳориб, шашти қайтган таналар бир-бирига суяниб кўрни айланар, от эгасининг ҳазин, мунгли овозига қулоқ тутгандек улар кетидан йўртар эди.

Шунда Абдумуроднинг ҳам терма айтгиси келиб қолди. Урол бобонинг оғзидан олиб:

Азаматим, олмосим,
Босган изи толмасим, —

деди-ю, қолганини эсидан чиқариб қўйди. Аммо бўш келмай, бу ёғига ўзича шеър айта бошлади.

Таналар кўрни айланар, орқада Саман ҳорғин йўртар эди. Урол бобо бола шеърини айтиб олсин дебми жимиб қолган эди, чийилдоқ овоз тингач, яна термасини бошлади. Мунгли қўшиқдан ой нури гўё сутга айланиб, тоғу тошларни, адирларни оқликка беларди...

Эртаси чошгоҳ маҳали чол ҳам хирмонини янчиб бўлди. Кампири келди. У овқат олиб келган эди. Биргалашиб ўтириб едилар. Кейин Урол бобо зарангдан ясалган



паншахасини қўлга олди. Бир пайтлар хирмон совуришда унга етадигани йўқ эди. Қолхознинг юз ботмонлик катта хирмонларини ҳам бир ўзи эпларди. Қаватида йигитлар паншаха кўтариб, мадад бўлиб туришса кифоя эди. У хирмонлар қани энди! Бугунгилари бари ҳавасаки, отулови бор битта-яримта одам қишинг ғамида мана шундай хирмон қилмаса, кимга зарур кепти!

Урол бобо хирмоннинг ярмини ҳам совурмасидан чарчаб паншахага суюнди.

— Хуррамбой, келинг, тўрт шоха ташлаб беринг, — деди хирмони ёнида қўлларини ортига қилиб турган Хуррам калтага қараб.

Хуррам калта индамади.

— Бор, Шоди, чолга қарашиб юбор, — деди бир пайт ўғлига.

Шоди ўгирилиб ҳам қарамади, у қўшхонада қоплар уюмига суюнганча сочини тарарди. Кир босган сочлар алвастиникидай елкаларига тушган, уларни тараб бир ёқли қилиб бўлмас эди. Абдумурод қиқирлаб кула бошлади.

— Ака, қара, яна сочини тараяпти!

Урол бобо пешинга бориб хирмонни қўлдан чиқарди. Кампирига сомони қоплайверишни буюрди. Узи эса хирмонжойни ойнадай қилиб супурди-да, баракатошни келтириб қўйди. «Бисмилло» деб ғалвирни қўлига олди.

— Шунинг нимасини элайсиз? Эринмаган чол! — деди Бибиш момо. — Тагин баракатошга бало борми!

— Ия, нега баракатош бўлмасин энди?! — деди тош устига арпа элаётган чоли. — Ахир, ҳосил бу! Ҳосил эса баракатошсиз бўлмайди, ношукурчилик қилма, кампир!

Арпаси чиндан ҳам оз эди, чол уни бирпасда ғалвирдан ўтказиб қўйди. Кечкурун жўнаётганида тоза арпадан бир ҳовуч олди-да, хирмонжойга сочиб ташлади. Бу, хирмонжойдан файз кетмасин, келгуси йил ҳам бог-боғ арпалар янчилсин, дегани эди. Афтидан, чолнинг бундан бошқа ҳам ўй-ниятлари бор эди. У энди қартайди. Катта хирмонларни янчишга ярамай қолди, балки манови икки қоп арпа энг сўнгисидир...

Кетаётиб Урол бобо баракатошни, ғалвирни ва заранг паншахасини Равшанларга қолдирди. Паншаха бутунлай тўкилиб адо бўлган, дастасига чатилган тасма ҳам ситилиб кетган эди.

— Қолдириб нима қиласиз, бобо, бунингиз хирмонга ярамайди, — деди Абдумурод.

Чол ажабланди:

— Нега ярамас экан? Ярайди, ҳали кўп хирмонларга ярайди, болам. Сен билмайсан-да! — У бу гапни чуқур ҳасрат, айни дамда ишонч билан айтди. — Ҳа, майли, ишқилиб Қўлмат чавандознинг бахтига омон бўлинглар, — деб қўйди.

Урол бобо нега эналарнинг эмас, уларни ташлаб кетган оталарнинг бахтига омонлик тилаганига Равшан тушунолмади. Ахир, отаси уларсиз ҳам бахтли-ку! Донғи кетган чавандоз, Элтурқидай оти бор, районда... Чол нимани назарда тутган бўлса экан?

Учинчи кун Хуррам калта ҳам хирмонини янчиб бўлиб, кўч-кўронини кўтарди.

Яна оқшом кўнди, яна ой кўтарилди, адирлар яна кумушдай ярқиради. Хирмонжойда эса ёлғизгина қўшхона қолган эди. Равшан кўрни ағдараркан, туриб-туриб хўрлиги, йиғлагиси келар эди. Лекин бундай қилолмасди — Абдумурод шусиз ҳам базўр турибди...

Шу кеча Равшан тушида Элтурқи кириб кўрди. У билан аллақайда, жуда олис сафарга кетаётганмиш. От устида Алпомишдай ўтирармиш: эгнида совут, белида олтин камар, бошида дубулга эмиш. Адирлар ва тепалар, сойлар ва чўллардан Элтурқи елдириб борармиш. Бог-роғли қишлоқларда одамлар, сатил кўтарган қизлар ортидан тикилиб қолармиш. Ниҳоят у қалмоқларнинг устидан чиқди. Бу ёғи энди достоннинг ўзи эди: Барчиной, Бойсарибий, алплар, уларнинг сардори Кўкалдош... Барчиной шартларини айтди. Поёга бошланди. Олдин алплар от қўйишди, кейин Элтурқи билан у. Боботоғ этакларида алплардан ўзиб кетди. Қоронғида Боботоғ виқор билан қад ростлаб турармиш, тепасида юлдузлар чарақлармиш. Ана шу юлдузларга етиш керак, Боботоғнинг ўзи кифоя қилмайди! Элтурқининг Бойчибордан зўрлиги ҳам шунда-да! Ахир,

авлодидан ўзмаса у зуред бўлармиди! Қутилмаган ҳодиса юз берди: Элтурқининг жилови қўлидан чиқиб кетди. Уша захотибек ерда кўрди ўзини! Элтурқи эса ёлғиз, дол бўйинини чўзиб юлдузлараро учиб борармиш. Туёқлари остидан ҳам юлдузлар отилармиш, отилармишу тўзон бўлиб атрофга сочилармиш. У сўнги марта гулдираб кишнади, чиройли бошини буриб Равшанга қаради. Бу унинг хайрлашгани эди. Шамолда байроқ каби ҳилпираган кокиллари тагидан қашқаси сўнги бор ярқиради. Элтурқи юлдузларга қўшилиб кетди!..

Равшан тушини Абдумуродга айтмади. Бу бировга айтадиган тушлардан эмас эди. У ҳали ёшлик қилади, масхаралаб кулиши ҳам мумкин. «Элтурқи соғингандирсан-да, сен ўзи ҳар нарсага шундай ичкаверасан!» дейиши аниқ.

— Отамни соғиндим, ака, — деди Абдумурод эрта-лаб. — Сен шунга нима дейсан?

У ҳам туш кўрибди. Тушига отаси кирибди. Уни райондаги уйига олиб борганмиш. Олган хотини чиройли эмиш. Абдумуродни тиззасига ўтказиб юзларидан ўпганмиш. Кейин у бозордан хўрозқанд олиб берибди. Урол бобо ҳам бор эмиш. У, пенсия пулимни тўғрилайман, деб юрганмиш. Кечкурун озғидиғи носни гиламининг остига туфламоқчи бўлганида, аёл: «Мана бунга туфланг, бобожон!», деб зарҳал тувакча тутганмиш. Қўллари момик, билагузуклари тилла эмиш...

Равшан бу тушга қойил қолмади. Уникининг олдида нима деган гап!..

X

Элтурқи илк марта Равшанларникига келганда ҳали жуда ёш, гижинглаган бир той эди. Аммо ўшанда ҳам чиройли эди. Бошини баланд тутушидан, кенг манглайдаги ярқираган қашқасидан учқур от бўлиши кўриниб турарди.

Уни ўтқинчи бир киши олиб келган эди. Отаси оламан деб унча жон кўйдиргани йўқ, арзонроқ туширишни ўйлабми, муғамбирлик билан уни аврамоқчи бўлди.

— Бу тойчоқни нима қиламан олиб? — деди у катта йўл устида. — Қовурғаси саналиб ётипти. Бели узук, от бўлмайди, узр, оқсоқол!

Отжаллоб бош чайқади:

— Ўғлим, худо назар солган йигитга ўхшайсиз, олинг шу тойни. Армонда қолманг. Кўҳна араби отларнинг авлодидан, қулоғини қайчи қилиб туришини кўринг. Араби учқурларгина шундай бўлади. Бошига қаранг, суҳсурнинг ўзи, юлдузни кўзлаб турипти! Қаёқдандир Урол бобо пайдо бўлди. У сал бўлмаса ажойиб савдодан қуруқ қолаёзган, энди вақтида келганига қувониб отжаллоб билан қуюқ кўришди.

— Ҳорманг, ёшулли!

— Узингиздан сўрасак, бойбобо?

— Шуқур!

Урол бобо чопонининг барларини белбоғига қистириб, тойчоқни айланиб кўра бошлади. Қўли билан пайпаслаб қовурғасини санаб чиқди. Ортига ўтиб, бутларининг орасига қаради. Кейин отаси тойнинг жағини очиб турди, чол унинг тишларини кўздан кечирди.

— Қўй, бўлди! — деди у қаддини ростлаб. Сўнг отжаллобга юзланди: — Меҳмон, тойчоқни қаердан олдингиз?

— Деновнинг бозоридан, бойбобо.

— Хў-ўп, яхши! Эгасидан сўрамадингизми, ёши неччида экан?

— Сўрадим. Еши тўртда, бойбобо, дўнан. Эгаси художўй одам эди, ёлгон гапирмас, ўзи ҳам кўриниб турибди-ку. — Отжаллоб калта қузалган, оқ оралаган соқолни қашлади.

— Хў-ўп, ундай бўлса, сўранг, меҳмон, қанча тилайсиз? Аммо Қўлмат чавандоз эътироз билдирди:

— Мен ҳали оламан деганим йўқ, ахир. Берадиган нақд пулим ҳам йўқ, қўйинг, Урол ака!

— Пулни мен бераман, — деди енгини ҳимариб олган Урол бобо. — Сен отни олавер, пули билан ишинг бўлмасин. Хў-ўп, қанча дейсиз?

— Мен айтсам, катта айтаман-да. Минг сўм дедим, хўш, ана олинг.

— Беш юз. Бўладими?

— Кам, бойбобо.
— Бўлари олти юз эллик, ана, бор денг! — Урол бобо унинг кўлини силкиларди.

— Кам, бойбобо.
— Сиз ҳам тушинг-да энди, ахир! Боринг, нақд етти юз, бўлдимми?

Отжаллоб ўйлаиб туриб кўлини силкиди:

— Бўпти, бердим. Барака топинг!

— Сиз ҳам барака топинг!

Урол бобо дарҳол шу атрофда айланишиб юрган Равшанни чақирди:

— Уйга чоп, момонга айт, кичкина пўлат сандиқдаги қопчигимни берсин.

Лекин отаси бунга ҳам кўнмади:

— Бировдан қарз бўлиш ярамайди. Узи нима ҳам қилардиқ шуни олиб? — Кейин бир зум ўйлаиб туриб, деди: — Урол ака, кўнғир жувонани берсак-чи? Шу нархга тўғри келиб қолар-а?

— Келади, кўнғир жувонанг тўғри келади! — деди қувватлаб чол.

— Хўкизи оласизми, меҳмон? — деб сўради отаси.
— Биз, бозор халқи, нима бўлса олаверамиз, молдан қайтиш бизга урф эмас. Олиб келинг жувонангизни!

Равшан сойда ўтлаб юрган жувонани ҳайдаб келди. Кўнғир жувона отаси олаётган тойчоққа иккита келарди. Молашоҳ, наслдор мол. Отжаллобнинг ҳам кўнгли тўлди шекилли, бирдан бошига арқон солди. Тойчоқни эса отаси етаклаб олди.

Урол бобо катта йўл устида фотиҳага кўл очди:

— Илоҳи омин, олган ҳам барака топсин, сотган ҳам, тўйларига буюрсин, оллоҳу акбар! Энди тушиб, туз-намак бўлинг, меҳмон, — дея таклиф қилди.

Отжаллоб Қарангкўлга ўтиб кўнишини, у ерда ошнаси борлигини, шом тушмай етиб олиш кераклигини айтиб, хайр-хўшлашиб йўлга тушди.

Дўнан, Урол бобонинг гапи билан, уч йил улоққа кўшилмади, боқув ҳам кўрмади, совутилмади ҳам. Фақат саратонда шира еди. Шира дегани — кўгал арпа. Эндигина баш тортган, аммо дони қотмаган жайдарни арпа. Отаси отга қарамасди. Тери йғиш, тери топшириш, кейин эса меҳмондорчиликлардан кўли бўшамасди. От ўз-ўзидан Равшанга қолди. «У сеники, ўзинг қарайвер! Менга кўп ишонма», дея отаси олган кўниёқ уни Равшанга топширган эди.

От йўрға эмасди-ю, лекин юриши йўрғадан қолишмас, эркаланиб, рақс ташаётгандай оёқларини ўйноқлаб босар эди. Гўё чу деса, учиб кетгудай чоғи бор. Арқондан бўшалавермас, отлар билан ташлашмас эди. Аммо бир дафла қизиқ бўлган. Урик пишган кезлар эди. Равшан болаар билан ўрикка андармон бўлиб, яйловдаги отини эсдан чиқарди. Урол бобо унга ишониб, тегирмонга кетган эди. Қишлоқнинг устидаги дўнглиқдан Боймирза қичқириб қолди: «Отинг бўшалди-я, Қўлматнинг боласи, каллангни узаман-а!»

Равшан оёғини кўлга олиб адирга чопди. У ерда отни қуллаб юрган ўроқчиларни кўрди. Улар минг бир ҳийла билан унинг олдини тўсиб чиқмоқчи бўлишар, аммо от думини ҳам тутқизмай, экин оралаб юрар эди. Равшан ташвишга тушди: тўтиб бўлармикан? Аксига олиб бошида нўхта ҳам йўқ. У таваккал қилиб отнинг манглайдан борди. От унга қарадио оғзидаги бошоқни чайнашдан тўхтаб, қулоғини қайчи қилиб енгилгина кишнади. «Кетди, энди!» — Равшаннинг юраги шувиллади. Бироқ, от жойидан қимирламади. Равшан бориб унинг бўйнидан ушлади; от қўлларига суяканар, ниманидир қойил қилгандек зўр бериб пишиқарар эди. Равшан уни уватга етаклаб кетди. «У, уккағарнинг оти, мушдай болага тутқизди-я!», деб ёқа ушлаб қолишди ўроқчилар.

Еттига тўлгандагина отни бойловга ташладилар. Емини бир охурга, сувини бошқа охурга. Кейин, совусин деб ҳовли ўртасига олиб чиқилди. Ушанда у димиқиб қолган экан, сал бўлмаса отасини суриб кетаёзди, Урол бобонинг кўмагида гулмихга зўрға боғладилар. Унинг тулаган, тўлишган сағриси йилтирларди. Уйноқлаб гулмихни айланаркан, сўқсурдай боши гижингларди.

Равшан шунда Урол бободан сўради:

— Отни олаётганингизда қаерларини синлаган эдингиз, бобо?

— Қаерини бўларди, керакли, белгили жойларини-да! — деди чол. — Мана, бошига қара, юлдузни кўзлаб турибди! Манглайи текис, бурунлари кенг, икки мушт бемалол сиғиши мумкин. Кўзининг баланддан тикилишини қара! Кейин, озиқтиши ёрмаган эди. Одатда, дўнанликда озиқтиш чиқади, лекин зотдор отларда кечроқ...

— Демак, бу яхши отми?

— Албатта, яхши от-да! Шу вақтгача мен сенга матап ўқияпманми, бўлмас!

— Бўлди-е, боланинг ҳам қулоғини кўлига қоқиб бердингиз! — деди отаси. Аммо унинг ҳам отдан хурсанд эканини, ичида қувониб ўтирганини Равшан пайқади. Отаси шундай: қувонса ҳам, ранжиса ҳам бировга билдиравермайди.

Отга Элтўриқ деб ном бердилар. У ўша йилиёқ Оқсув ўрасида олди от бўлиб танилган эди. Мана энди бу яқин атрофларда унга тенглашадигани йўқ. Балки Саманга ўхшаб қариганда у ҳам назардан қолар, лекин ҳозирча олди от! Қишлоқда эса уни кўролмайдиганлар ҳам бор. Бултур Ҳасан магазинчи отига бостирмоқчи бўлган, Элтўриқ арқонни узиб, уни кўкрагидан тишлаб чалқанча ағдариб ташлаган. Боймирза айтиб берган эди. Ҳасаннинг оти ҳам улоқчи, лекин Элтўриқнинг олдида нима деган нарса!..

XI

Эртаси тушга яқин арпани янчиб бўлдилар.

Терлари қотсин деб бир чеккага боғлаб қўйилган таналарни Равшан сувга ҳайдаб кетди. Таналар совиган отдай ингичка тортиб қолган эди. Унинг ўзи ҳам ўлгудай чарчаган, бунинг устига хирмонни янчиб бўлганидан унчалик хурсанд эмас эди. Ахир, янчишга янчилди, энди уни ким панишахадан чиқаради, ким элайди? Бултур хирмон янчганларини эслади. Уни отаси билан икки кундаёқ саранжомлашган эди. Абдумурод аралашгани ҳам йўқ. Аммо, «қол», деганларига қарамай, кўзи-улоғини ташлаб бу ерга келган, «Мен отман, мен Элтўриқман!» дея кўр устида айланиб ўйнаган эди. Лекин энди булар бари ўтиб кетган гаплар...

Равшан булоқдан қайтиб хирмонжойнинг дўнгига чиққанида қишлоқ тарафдан келаётган эшаклини кўрди. Эшак устидаги, одамдан ҳам кўра, каттакон бўз саллага ўхшарди. «Урол бобо!», деган қувончли ўй кечди дилидан. Юғуриб унга пешвоз чиққиси, чолнинг тарам-тарам ажин босган юзидан ўпғиси келди. Аммо, чолнинг салласини чуватишнинг нима кераги бор? Шундоқ ҳам қувонганини билади. Кўкси тўлиқиб кетди...

Абдумурод кўр устида ухлаб ётарди. Маъсум юзини сомон гарди қоплаган, оёқлари учидан чумчуқлар пир-пир учиб-қўниб донлаб юришар, у булардан беҳабар, маст уйқуда эди.

— Ҳорманглар, асл деҳқонлар! — деди Урол бобо узокдан. — Чарчадингларми? Оббо, хирмонни янчиб қўйибсизлар-ку! Беҳабар қолибмиз-да, бу ёғи қандоқ бўлди энди?

Равшан унинг ўсмоқчилаб, кўнгилларини кўтармоқчи эканини билиб кулимсиради. Чол кўрнинг яқинига келиб Абдумуродни кўрди.

— Оббо, шоввоз-эй! Алпомишдай ухлаб ётибди-я! Алпомиш ҳам алпларни йиқитиб, бунча қаттиқ уйқуга кетмагандир-ов! Равшанқул, Алпомишни уйғотинг-да энди, хирмонни бўшатсин!

Равшан Абдумуродни кўрнинг устидан судраб туширди. Бола уйқусираб сўкинди, Хуррам калтанинг ўғиллари номини атаб мушт ўқталди.

— Оббо, ғафлатда қолибсиз-ку, бекзодам! — деди унга Урол бобо. — Алплар қочиб кетибди-ку!..

Бола уялиб жилмайди, керишиб кўзларини уқалаганча ўрнидан турди.

— Қани менинг гавроним? — деб чийиллади Равшанга.

— Сизлар чой ичиб олинглар, — деди Урол бобо. — Қатиқли кесган ош келтирдим, мурч сепилган, аччиққина. Энанг пишириб берди. Қовурдоқ ҳам бор, есаларинг. Узи ҳам Ойна келин илҳақ бўлиб йўлларингга кўз тўтиб

ўтирипти. Сизларни роса соғинган. Икковинга ҳам беқасамдан тўн қавиб қўйди, борганда киясизлар. Айтмоқчи, эртага — тўй. Бир ясанасизлар-да энди. Тўтини узатяпмиз, Носир армиядан келди.

— Уҳ-ув! Чинми? Қачон келди — кечасими, кундузи? Суюнчини ким олди? Погонлари борми, медали-чи?.. — дея Абдумурод бир зумда чолни саволга кўмиб ташлади. Урол бобо: «Борганда кўрасан», деди. Бола эса: «борганда кўрамиз, борганда кўрамиз!», дея ирғишлай кетди.

Болалар нонуштага ўтирдилар. Урол бобо эса, чопони барларни белига кистириб, бўз салласининг пешини қайирди-да, «Бисмилло» деб ўзининг қадрдон — заранг паншахани кўлига олди. «Е ҳазрати Мирҳайдар!», дея хирмон совуришга киришди. Чол бугун илгариги, қариб футурдан кетган Урол бобога ўхшамас, яшаргандай, ажинли юзи ҳам ёришгандай!... «Кўёви армиядан эсон-омон қайтганига суюнаётгандир», деб хаёлдан кечирди Равшан.

Нонуштадан кейин у Урол бобонинг қаватида туриб кўр ташлаша бошлади.

— Мана бундай қилиб кўтар, — деди унинг ишига бир зум зеҳн солган чол. — Аввал ердан чаққон ол, сўнгра паншаханинг учини шамолга қайиргин. Ана шунда дон билан самон ўз жойини топади...

Равшаннинг кўли келиша бошлади. Урол бобо мамнун илжайди, соқолини қашлаб қўйди. У илжайдими, соқолини қашладими — демак хурсанд, кўнгли тўлган.

— Энди, буталарим, арпани элаймиз. Баракатошни келтиринг, — деди чол хирмонни совуриб бўлишгач.

У баракатошни супурилган чимликка қўйди, арпани галвирга олиб элай бошлади. Баракатош арпага кўмилиб кетди. Тез орада баланд чош ҳосил бўлди. Галвир эланар, чош устига кўкимтир дон марвариддай тўкилар эди. Арпа жуда мўл эди. Равшаннинг кўзлари қамашиб кетди. Ахир, бу ҳазилкам ҳосил эмас! Уни қиши билан талайгина мол ёб адо қилолмайди, чунки бу одатдаги оч, рандакли арпа эмас, балки каптар тергандай тўк, ширали арпа. Бўзадирнинг шамоли бошқа-да. Бу шамолда етилган дон мана шундай кўзни қамаштиради. Эҳ, бунга энди Элтурӣқ бўлса!.. Юраги увишиб кетди унинг. Элтурӣқ билан боғлиқ эски армон яна кўнглини бузди. Бу йил катта кўпқариларда унинг ҳоли нима кечаркин? Бўзадирнинг сарин шамолида баданини қотирди. Шамолдай учқур бўлишининг боиси шунда-да. Энди бўлса...

«Уни олиб келаман!»

XII

Тўтигулнинг тўйи қизийдиган бўлди. Оқсув ёқасидаги қишлоқларнинг ҳаммаси айтилди. Тўй катта бўлиши керак эди-да. Ахир, Урол бобо қизини, якяю ягона фарзандини узатяпти. Унинг ҳам ўзига яраша ёр-биродарлари, узанги-йўлдошлари бор, элнинг тўйини еган. Яна бундай тўй қилиш чолга насиб этармиди? Қиз бўлса ҳам зурёд-да. Ҳам қизи, ҳам ўғли шу — Тўтигул. Майли, одамлар айтиб юришсин: «Урол чол ақлдан озди, қизига катта тўй берди!» десин. Майли, нима дейишса оғизларига сиққанича гапиришсин, фақат ҳақ сўзлаша бўлган! Ахир, сен ҳақингда сўзлашмасан, дунёга келиб нима қилдинг? Зурёдинг бўлмаса, нимангни ёдлашади, нимангни сўзлашади?!

Чол ҳовлисига гурра-гурра кириб келаётган, ош еб, лаблари, мўйловлари мойга ботиб чиқаётган одамларни кузатаркан, чамаси, мана шуларни хаёлидан кечирарди. Унинг ўзи ҳам бекор тургани йўқ. Қассобларга қарашди, ошпазларга кераклик нарсаларни тахтлаб берди. Қишлоқ оқсоқолларини ва олисдан келган меҳмонларни Равшанларнинг меҳмонхонасига жойлаштирди.

Овулга оқшом қуноҳиб келди. Тоғларни зулмат қоплади. Арчали адирлар яна ҳам ваҳимали, яна ҳам сирли бўлиб қолди. Лекин, қоп-қора осмонда юлдузлар чарақларди, овулдаги қўрғонлардан бирида ҳам олов ловилларди, кўкка чирмашарди. Гўё оқшом тушмагандай, қуёш ботмагандай. Гўё бу ҳовли вақтинча бўлса ҳам қуёши ботмайдиган афсонавий масканга айланган. Қиз-жувонларнинг қўли-қўлга тегмайди, аммо бу юмушлар шу қадар мароқлики...

Ахир, тўй ҳар куни бўлавермайди-да! Шунинг учун ясанишган, оро беришган ўзларига. Солланиб у ёқдан-бу ёққа ўтишлар шунинг учун. Тилла балдоқлар, қумуш зебигардонлар тақилган, таъриф кетган хонатластар кийилган. Бу нарсалар кечагина бўхчаларда ётган эди. Тўй дегани шу-да!

Қайнатила шўрва тортилди. Кейин катта лаганларда гўшт олиб келинди. Бировга оз, бировга кўп, ахир, баковул янглишиши мумкин-да. Араз урганлар ҳам бор.

— Мен элдан чиққанми? Менинг ўғил-қизим йўқми? Элга тўй бермаганми? Менга манови кезанак иликни кўйишди! — деди Шойқул бобо.

Енида қат-қат салласини қоядай қилиб ўраган кампири Холча момо эгачилари билан ўтирарди. У ҳам дарғазаб эди.

— Олти улли бойнинг тили оғзига сиғмайди, етти улли бойнинг еру-кўкка сиғмайди, Бибиш чеча! — деди айвонда қайнонатовоқ ҳозирлаётган хотинлардан бири.

— Ҳа, топиб айтдинг, Ҳайитхон, — деб қўйди Бибиш момо. Ортиқ бир нарса деёлмай тилини тишлади.

Ошга фотиҳа ўқилди, дастурхон, идиш-товоқ йиғиб олинди. Бироқ, тўйнинг қизиги энди бошланмоқда эди. Келин дугоналари билан ҳовли бурчагига тикилган ўтовда ўтирар, қуёв эса ташқарида, жўралари билан гулхан ёнида турар эди. Мулла Жўра айвонда никоҳ ўқишга ҳозирлик кўрарди.

— Рухсат беринг, мулла бобо, қуёвнинг иззатини қилайлик, — деди Равшаннинг энаси унинг олдига келиб.

«Қуёв келсин, қуёв келсин!», деган овозлар эшитилди. Қуёв жўраси билан келиб қуроқ пустиак устига тиззалади. Равшан уни шундагина яқиндан кўрди. Носир қадди расо ийигт эди. Эгнидаги кийимларидан нур ёғиларди. Белбоғига ипақ ҳошиялар тикилган, ранг-баранг пистонлар қадалган. Бу белбоғни Тўтигул тикканини Равшан биларди, балки шунинг учун бунчалар чиройли, эртақлардаги каби сеҳрлидир?

— Қани, таъзим берсин қуёвлар!

Носир жўраси Азамат билан ўрнидан туриб, энгашиб таъзим қилди.

— Нима бало, тиззаси қотиб кетганми саллотликда, букилмайди! — деб қичқиришди келин томондан.

Бибиш момо қуёвнинг бошидан бир сиқим танга сочди, атрофида болакайлар уймалаша кетдилар. Янгалар ҳамон қўйишмасди.

— Ҳа, яна, яна эгилсин! Ана шундай, қиз олмоқ ҳазилми, биз ойдай қизимизни беряпмиз, ахир!

— Бўлди-е! — деди кексароқ хотинлардан бири. — Болақакирни қийнавординглар!

— Вакил оғалари келиннинг ваколатини сўраб беринсин! — деди мулла Жўра.

Равшан билан Холиқберди почтачи сўраши керак эди ваколатни. Равшан ўзини почтачининг панасига олди, чунки ҳамма сирдан бохабар қизлар Нурбибини туртишиб кула бошлаган эдилар. Равшан тушларидаги каби эртақлар оламида, сирли, фараҳбахш хаёллар оғушида юрарди, гўё ўтовдаги қизлар оддий овул қизлари эмас, балки Кўҳи-қоғда базм қурган парилар эди. Тўтигул — юзига ҳарир парда тутилган малика. Нурбиби ҳам Нурбиби эмас — Гулқиз пари! Равшан қизларнинг шойин-атлас кийимлари, қўлларига беихтиёр тегиб кетар, муаттар ҳидлар димоғига урилар, буларнинг бари уни сархуш қилиб қўйган эди. Тўсатдан қизлардан кимдир унинг қўлидан силтаб тортиди. У Нурбибига рўбарў бўлиб қолди. Қизлар қиқирлашар, Нурбиби уялиб уларни турткилар эди. Равшан илкис бошини кўтариб:

— Уялма, Нурбиби! Шу тентақларнинг нимасидан уяласан? Буларнинг ўзлари ҳам яхши эмас! — деди тилига бу гаплар қаёқдан келиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб.

Нурбиби зар рўмоли билан юзини тўсиб, «рахмат» дегандай майин жилмайди. Равшаннинг кўз ўнги жимирлашиб кетди...

Бу ерда келинчақлар ҳам, бўй етган қизлар ҳам бор. Атрофда йигитлар. Бунда ҳеч ким тортиниб ўтирмас, барча сирлар аён, орзулар тизгинни узар, кўзлар кўзга тушганда юраклар жизиллар эди. Бунда ҳар икки тараф бир-бирига талабгор, бир-бирига интилади. Эртага ҳамма иш-иши

билан бўлиб кетади, шунинг учун бу оқшом отни қамчилаб қолиш керак эди!..

Ниҳоят, Тўтигул ҳаммининг тоқатини тоқ қилиб: «Ваколатимни оғаларим — Холиқберди билан Равшанбойга бердим», деди.

Никоҳ маросими тугади, ёр-ёр бошланди.

Келин тараф:

Ой олдида бир юлдуз,
Ой боласи, ёр-ёр.
Келинойим сўрсангиз,
Бой боласи, ёр-ёр, —

деса, кув томон:

Хулкар билан Тарози
Тенг келипти, ёр-ёр.
Келин-куёв — иккиси
Хил келибди, ёр-ёр, —

дер эди.

Ёр-ёр садолари орасида Равшаннинг қулоғига ғалати, ўкраган овоз эшитилди. Кимдир бостирма устидаги ғарам ортига ўтиб кетди. Равшан ўша тарафда тургани учун кўриб қолган эди. У секин даврандан чиқиб, ғарам ортига ўтди. Ғарамга суюниб кимдир ўтирарди. Равшан тикилиб туриб, бўз салласидан таниб қолди. Бу Урол бобо эди. Равшан шошиб қолди, чунки чол юзини кафтлари билан тўсиб йиғларди.

— Бобо, нега бундай?.. Нима, ким хафа қилди? — деб сўради у тутила-тутила.

Чол жавоб бермади. Унинг елкалари силкинарди. Бу, юракка тошдай чуқадиган оғир йиғи эди. Кекса одамнинг йиғиси дахшатли бўлишини Равшан шундагина билди. Чол оёқларига суйкалиб гингшиётган итни қўли билан итариб ташларди. Равшан уни ҳеч ким хафа қилмаганини чолнинг кўнгли ўзга нарсалардан вайрон бўлганини англаб, «Кампирни чақириш керак», деган фикрга келди, чунки ҳозир унинг тилига тушунадиган бирдан-бир инсон шу кампир эди. Равшан шоша-пиша бостирмадан тушди, айвонни тўлдирган хотин-халажани четлаб ичкарига юрди. Бибиш момо аёллар билан Тўтигулнинг кўчини ўров қилмоқда эди.

— Мана бунга тугинг ўровни, Ойнахол бойбичи, бунисига тегманг! — дея у Равшаннинг энаси ерга ёзмоқчи бўлаётган гилами олди.

Гилам тоза ишдан шу қадар пишиқ тўқилган эдики, ерга қўйса тик турарди, гуллари ажабтовур, хаёлни олиб қочарди. Келинлар орзу қиладиган бу гилам Тўтигулнинг сепи, уни Бибиш момо тўқиган эди. Равшан аввал уни ишдан чалғитгиси келмади, аммо пичан ортида ўтирган чолни эслаб:

— Бибиш момо, Бибиш момо, бу ёққа юринг! — деди.

Момо «нима дейсан» дегандай анграйиб қаради, сўнг: «Бу боламинг шу олди-тутди маҳалда нима иши бор экан менда?», дея ғудранганча унга эргашди.

Момо йиғлаб ўтирган чолни кўриб ҳайрон бўлди.

— Бу нима ҳунар яна? Энаси урган боладай бу ерга ўтириб олибсиз?.. — деди уни турткилаб.

Чол индамади. Лекин, кампир: «Уят бўлади, гўдак бўлманг, меҳмонлар жўнашсин, бафуржа йиғлайверасиз», деявергач, бурнини қоқиб:

— Сен нега келдинг, кампир! — деди. — Ишингни қилаверсанг-чи, менга жин урармиди! Нега йиғлардим? Ана, уйим тўлди, уйимда ёр-ёр айтиляпти! Эҳ!.. — У тағин ўкраб юборди.

Уни юпатаман деб, энди кампири ҳам кўзёши қилди. Қоронғида, дўмпайган ғарам ёнида қариган, футурдан кетган чол-кампир қўшилиб йиғлашарди. Шу пайт аллақим улар томонга чайқалиб кела бошлади. Бўлим бошлиғи Бобошер экан.

— А? Ким бу ёр-ёр айтаётганлар, а? — деди у мастона товушда. — Нега энди, Урол бобо? Сиз, кап-катта одам... Кулиш керак, бобой, кулиш! Сиз, сиз бўлса, нима...

Бу пойинтар-сойинтар сўзлар дарров кучини кўрсатди. Урол бобо уридан турди, кампири билан етаклашиб уйга кириб кетди.

Ховлида эса, ловиллаган гулхан атрофида юракларни зириллатиб ёр-ёр айтилмоқда эди!..

Қулмат чавандознинг районга кетиб қолиши ҳақида кишлоқда ҳар хил тахминлар юрарди. Негаки, қандайдир хотинни деб элини, бола-чақасини ташлаб кетиши ақлдан эмас-да. Бу ерда хотини ҳам ноппа-нозиндай, болалари, рўзғори бор. Обрў-эътибори жойида, ўзи манаман деган чавандоз. Амали ҳам чаккимас, Тери йиғсанг ҳам, ахир, амал — амал-да.

Лекин, бошқа бировлар бу фикрга қўшилмасди. Уларнинг назарида, Қулмат чавандоз директор билан чиқишолмади. Бу ҳам бўлса кўпқарининг устидан. Қулмат унинг отида улоқ чопарди, бироқ от йиқиладиган одат чиқарди, чавандозга эса жон керак, минмай кўйди. Шундан кейин директор уни аста четлатиб юборди. Ҳазиллашма арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!

Аёлларнинг фикрича, ҳамма гап Ойнахолда. Эрини ўзига ром этиб ололмади, аслида ўжар хотин-да. Қулмат аллақачон шундай қилиши керак эди... «Менинг эрим бир ёққа қадам босиб кўрсин-чи, ўша куни дунёни остин-устун қиламан! Ерга кирса қулоғидан тортаман, осмонга чиқса оёғидан! Ҳамма гап хотинда!», дер эди Хуррам калтанинги симёни.

Равшан эса буни нега гапириб юрганларига тушунолмади. У аллақайси китобдан ўқиган: «Баъзи инсонлар уятли ишларини унуттиш, пардалаш учун ғийбатга зўр берадилар ва шу билан кўнглиларини тўқ қилиб юрадилар. Иқтидорсизлар ҳасадга мойил бўладилар. Негаки, бошқаларнинг қўлидан келган ишни мен ҳам қиламан, аммо бунга улар халақит беришяпти, деб ўйлайдилар».

Улуғ алломанинги фикрлари равшан эди, бироқ у бу фикрларни ақл ҳудудига сиғдиролмади. У ҳам овулдошлари каби, бўлиб ўтган ишдан ҳайрон эди...

Равшан кечқурун молдан қайтганда энаси ошхонада кўғирмоч пиширарди. Унинг олдида дастурхон ёзиб, бир коса қатиқ кўйди. Дастурхонда нон йўқ эди, Равшан ҳайрон бўлиб энасига қаради.

— Унимиз қолмабди, болам. Кеча борини хамир қилиб, Тўтигул опангни тўйига қатлама пиширдим. Сенга айтаман, деб эсимдан чиқибди, — деди энаси. — Арпани кўғирмоч қиялпман, ейсанми?

Равшаннинг таъби тирриқ бўлди. Эрталабдан буён оғзига туз олгани йўқ. Лекин ун бўлмаса, энасига аччиқ қилишнинг нима кераги бор!

— Тегирмон юряптимики?.. — деди Равшан ўйланиб.

— Юргани билан буғдой бўлмаса... Е, арпадан тортиб келсанми?

Равшан «бўлмайти» дегандай бош чайқади.

— Пул бўлса, магазиндан ун олардик. Ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳа, айтгандай, Холиқберди почтачи: «Жумамуродга гувоҳнома олинсан, нафақа пули чиқади», деди. Лекин ким районга боради?..

Жумамурод ўтган қишда туғилган, аммо уни қайддан утказиш бировнинг хаёлига ҳам келмаган. Бўлмаса, отаси иш билан ҳар ҳафта районга қатнарди.

— Мен бораман, — деди Равшан ўйлаб туриб. Энаси жим қолди. У, чамаси, менинги ҳам, ўзининг ҳам кўнглини кўтараётгандир, деб ўйларди. — Бориш қийинмас. — Равшан энасининг шубҳаларини тарқатиш мақсадида қаддини ростлаброқ ўтирди. — Йўловчи машинага тушиб кетаверман-да.

— Ҳўп, болам, борсанг бор. Ҳам анови манжалақини кўриб келсан.

— Отамними?

— Уни кўрмай юрибсанми? Туғмас ойпарисини айтаман! Равшан тилини тишлаб қолди. Отасининг райондаги хотини тўғрисида гап кетганда у шунақа музтар бўларди. У эртасига йўлга чиқди. Ғалла ташибётган машиналардан бирига ўтириб районга жўнади. Йўл нотекис, ўрли-қирли, аммо кузов ғаллага тўла бўлгани учун машина унчалик силкинмасди. Равшан буғдой устига ўтирди, оёқларини узатиб юборди. Районга бориб нималар қилиш лозимлигини дилида пишитиб кетди.

Машина Гаваз чангалзорларини орта қолдириб, Бош-чорбоққа нишаблади. Кўкка бўй чўзган оқ тераклар ва уларни кумуш тасмадай оралаб ўтган саёз дарё кўринди.

У гоҳо кўринмай кетар, гоҳо эса кутилмаганда сойнинг бурилишида ялтираб намоён бўлар эди. Машина Бошчорбоғни четлаб ўтиб, тош йўлдан елиб кетди. Тўғонга етгач, мўйлови офтобда жизганак бўлиб куйгандай шофёр бошини кабинадан чиқариб сўради:

— Ҳей бола, қаерда тушасан?

— Деҳқонободга бораман.

— Буни ўзим ҳам биламан, қаерига?

— Узига, райсобесга бораман. — Равшан ишончли бўлсин деб қўшиб қўйди: — У ерда отам ҳам бор.

— Хе, отангдан ўргилдим! Ундай бўлса қимирлама, бортдан қоранг кўринмасин, билдингми?!

Равшан энгашиброқ ўтирди. Бир оздан кейин қишлоқлар, улар кетидан икки қаватли бинолар қаторлашиб чиққа бошлади. Машина шу уйлاردан бири ёнида тўхтади. Шофёр кабинадан бошини чиқарди:

— Ҳей бола! Туш, келдик!

Равшан машинадан тушди, гўё шофёрга кира ҳақи бермоқчи бўлгандай киссаларини кавлаштирди. Аммо, энаси почтачидан олиб берган уч сўм ҳали бошқа жойда асқатишини у яхши биларди.

— Отангга салом айт, биродар, агар тополсанг! — деб қичқирди шофёр машинани жилдираркан.

«Яхши одам экан, — дея хаёлдан кечирди Равшан. — Пул бер, деб кисталанг қилмади». Бирпасда у одамлар билан гавжум кўчада кўрди ўзини. Ҳаммаси тепасига «аптека», «ателье», «фалон магазин» деб ёзилган биноларга кириб-чиқиб юрарди. Уларнинг Равшан билан асло ишлари йўқ эди. У йўриғини йўқотиб қўйди, йўлда пишитиб келган режалари хом бўлиб қолди. Бу, бир-бирига қўйиб қўйгандай ўхшаш сон-саноксиз бинолар орасидан райсобесни топиб бўладими! «Аввал бозорни айланайлик-чи, кейин бир гап бўлар», деган қарорга келди у. Бозорнинг ўртасида очик жойда бир неча уюм қовун-тарвуз, каппонлар тагида, кирдан қорайиб кетган пештахталарда мева-чевалар. Пештахта ортида семиз-семиз хотинлар, соқоллари ўсган эркаклар — мол эгалари харидор қақирарди:

— Кепқолинг Каттапайнинг лалми олмасига!

— Бойсуннинг майизидан опкетинг!

— Яхши помидор, иссиқда роҳатижон!..

Равшан бу нарсаларни кўриб, эгаларининг мақтовини эштитиб озги сув очди, улардан егиси келди. Аммо... Тескари ўгирилди.

У одамлар оқимидан кимнидир қидириб чор атрофга алангларди. «Ишқилиб, отамга дуч келиб қолмайин-да», деб қўярди ичиди. Аслида эса, излаётган одами ҳам шу — отаси эди. Кейин у райсобесни сўраш учун маъқулроқ одам излади. «Хў, анови йигитдан сўрайман. Узи ҳам идорада ишлайдиган кўринади», деб ўйлади. Бироқ, йигитга яқинлашгач, юраги пўкилади. Йигит жуда ҳам олифта кийинган эди. Тилла тишлари ҳам бор. Сўнг, белбоғини бўш боғлаган гавдали кишини мўлжаллади Равшан.

— Тога, мен шу, анови рай... райсобесга бормоқчи эдим...

Гавдали киши ўгирилди.

— Райсобес! — деди Равшан яна.

— Ҳа, мендан сўраясанми? Райсобесни, болам, ўзим ҳам қидириб юрибман. Пенсиямни тўғрилашим керак. Билишимча, янги марказда. Ҳув анави ерга борсанг, автобус келади, ушанга ўтирасан...

— Узингиз бормасизми, бўлмасам? — Равшан бу одамни қўлдан чиқаргиси келмади.

— Мен ҳали нос оламан бозордан, болам. Кўзим юмилиб кетяпти. Кейин излайман райсобесни. Билсанг, бизнинг Қизилчада Шукур чол қазо қилгандан бери носга ёлчимай қолдик. Тамаки экадиган одам йўқ.

Равшан кўчанинг нариги бетига ўтди. Автобус кечикиб келди. Одамлар ур-сур билан эшикка ёпирилдилар. Равшан ҳам уларнинг орасида қисилиб-туртиниб чиқиб олди.

Қорашинага етгач, у тушасолиб йўл жиягига қайт қилиб юборди. Тепасига «Райгаз» деб ёзилган бино олдидаги водопровод сувида оғзини чайди. Ҳали ғалла ортинган машинада чанга беланган уст-бошини қоқиб, атрофга аланглади. Янги марказ жуда обод эди. Кўчалар кенг, равон, у ёқдан-бу ёққа енгил машиналар елади. Бинолар ҳайбатли, магазинларнинг ойналари кўзни қамаштиради.

Кун пешинга қараб бормоқда. Шошилиш керак эди. У ўйлаб ўтирмай, биринчи дуч келган одамдан райсобесни сўради.

— Ана-ку! Райгазнинг ёнидаги райсобес-да.

Равшан икки табақали ойнабанд эшикдан эшикка кирди. Коридорга очилган эшиклардан бирига бош суқди. У ерда, қоғоз тула шкаф олдидаги столда икки қиз ўтирарди. Юз-кўзлари бўялган, аммо қаримсиқ, ҳорғин кўринишади. Равшан уларга мурожаат қилди:

— Райсобес шу ер бўладими?

— Ҳа. Ким керак эди? — деб сўради қизлардан бири эринчоқлик билан.

— Менга каттаси керак. Нафақа тўғрилайдиган...

Аммо, қизларнинг шарақлаган кулгиси унинг капалагани учирди.

— Кичиги бўлмайдами, укажон?

— Бўлади, тўғрилаб берса бўлди менга. Шу бугун қайтишим керак.

— Нима ишинг бор эди?

— Утган қишда укам туғилган, шунга...

— Туғилганлиги ҳақида докторнинг справкиси борми?

— Йўқ.

— Нега келдинг бўлмаса?

— Мана, бошқа ҳаммамизнинг гувоҳномамиз бор. —

У писанда қилгандай, рўмолчага туғилган ҳужжатларни столга қўйди.

— Бефойда. — Уларга қайрилиб ҳам қарамади қизлар.

— Ахир, қоғоз нима керак? Мана, менга ишонмайсизми?

Юқори овуллик Олмос момони ўзим айтиб келганман. У долик қилган...

Қизлар яна кулиб юборишди.

— Олмос момо справка бермадими, укажон?

Кейин улар сал инсофга келиб, кенгаша бошладилар. Бошлиқ йўқ, курортга кетган. Уринбосаридан илтимос қилиш керак. Барибир бундан бир иш чиқмайди-ю, шундай бўлса ҳам...

Равшан гўё иш битгандай қувониб кетди. Аммо, ўринбосарга учрагач, тарвузи қўлтигидан тушди. Калтабақай, тепакал ўринбосар қатъиян рад қилди. Афтидан, у қачонлардан бери бошлиқ ўрнига ўтириб, идорани мустақил бошқариш иштиёқида юрарди. Энди бўлса, қаёқдаги бир ўспирин справкасиз келиб гувоҳнома сўраб ўтирибди! Равшан унга ҳам «Мана, менга ишонмайсизми?» демоқчи эди, бироқ ўринбосарнинг вазоҳатини кўриб, вақтида тилини тийди. Ишнинг пачавасини чиқариши тепакал бошини орқага ташлаб хўроздай ўтиришидан шундоқ кўриниб турарди. Лекин кетатуриб Равшан ўтакетган телбалик қилиб қўйди:

— Сизга поря берсам-чи? — деди ўсмоқчилаб.

Уринбосар тахта бўлиб қолди. Кейин чийилдоқ овозда хонани бошига кўтариб қичқирди:

— Йўқол, итвачча!

Равшан йўлакка қочиб чиқди. Тамом, расво бўлди! Поряга берадиган пули бўлганда ҳам майли эди! Ахир, ноумид шайтон, ўринбосар хом ваъдага учиб ишни тўғрилаб юбориши мумкин, деб ўйлаган эди-да! Энди бўлса...

XIV

Офтоб аллақачон ботиб кетган эди. Кўчада одамлар сийраклашиб қолган, чойхона ва ошхоналарнинг эшигига тамба урилган. Равшаннинг эса қорни очиб, ичаклари сурнай чалмоқда. У кўчада тентираб юриб, пастак мусофирхона эшигига келиб қолди. Узун, қоронғи йўлакка кирди. Биринчи хонанинг очик эшигидан мўралади. Адёл ёпилган диванда озгин бир нуғой кампир телевизор кўриб ўтирар, қоқсуяк қўллари эса, тўқиётган пайпоғи устида йўғалашдан бир зум ҳам тўхтамас эди. Енида қоп-қора, семиз мушук парёстикқа бошини қўйиб хур-хур ухларди.

— Нийи келдигиз? — деб сўради кампир.

— Менга жой берсангиз. Кеч қолдим.

— Жой юк, не ғилармиз инди?

— Билмадим.

— Билмасангиз, мен қойдан билай? Қориндошларигиз бардир?



- Ҳеч кимим йўқ.
- Ий-йи, йитимчамисан?
- Йўғ-э, нима деярсиз? Районда ҳеч кимим йўқ, райсобесга келганман.

Шу чоқ ташқаридан қадам товушлари эшитилди. Келганлар кампирга бош ирғаб, коридорнинг тўрига ўтиб кетдилар. «Қалайсиз, Марям момо?» деган овоз эгаси ҳам ўтди. Равшан турган жойида бир сесканиб тушди. Овоз жуда ҳам таниш эди. Отасигина шундай ўқтамлик билан сўзлаши мумкин. Равшан ўгирилиб қаради, аммо келганлар аллақачон ичкарига кириб кетишган эди.

— Мана шу кейинги одамни танийсизми? — деб сўради у кампирдан, аъзойи бадани ҳам севинчдан, ҳам ташвишдан қалт-қалт титраганча.

— Танирман. Не филарсиз?

— Ким?

— Норбўтаев. Загототделин бошлиғи бўла. Бошимни қотирмасангши, бола!

Равшаннинг юраги ҳаприқди. Ахир, отаси шундоқ ёнгинасидан! Анов хонага кирса бўлди, вассалом! Лекин бунинг иложи йўқ эди. У ота бўлса ҳам, барибир бегонадан ёмон, уларни маломату гафоларга қолдириб, ташлаб кетган одам. Бу тахлит оч, юпун, борар жойи йўқ қолда унга кўрина олмайди. «Мен кетиб, хор бўлибсизлар, кўриб турибман. Қадримни билинглар-да», дейиши аниқ. Аммо уни кўздан қочириб ҳам бўлмасди. Бир кўриб қўйса, ишлари қалай, Элтурки қаерда, соғ-саломатми — бўлиб қўйса зиён қилмасди. Уни соғиниб ҳам қолган ўзи. «Эҳтимол таъна қилмас? Йўқ, бўлмайди. Бу ердан кетиш керак!», дея Равшан энди йўлакка юрмоқчи бўлган эди, ҳалиги хонанинг эшиги тарақлаб очилди. Ундан чиққан одам гурс-гурс қадам ташлаб кела бошлади. Равшан негадир унинг отаси эканига шубҳа қилмади. «Қочиш керак!», деган ўй кечди хаёлидан, бироқ вақт ўтган эди. Яна нўғой кампирга ўгирилиб олди.

— Марям момо, меҳмонларга қарашинг. Эрталаб ўзим хабар олам.

— Хавотир олмағиз, — деди кампир. Отаси эшикка йўналди. Равшан тиззалари қалтираб, ҳализамон гурсиллаб йиқилар алфозда турарди, буни кўриб енгил тортди. Бироқ, отаси тўсатдан бир нима эсига тушиб қолгандай, йўлакдан изига қайтди.

— Марям момо, манови бола нега турипти? Жой беринг, мусофир йигитчага ўхшайди, — деди у. Кейин Равшаннинг ўзига мурожаат қилди: — Қани, менга қара-чи, қаерликсан ўзи?

Энди қарамасликнинг иложи қолмаган эди. Равшан шунда ҳам ўгирилмади, юзини хиёл у томон бурди. Отаси унга тикилиб қаради таниб, ўзгарган товушда хитоб қилди:

— Равшан?!

— ...

— Сенмисан, Равшан? Сен қандай... Уғлим!..

У Равшанни қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпди. Бола унинг вужудидан келиб турган таниш ҳидни туйиб гангиди. Кампирнинг тўқиётган пайпоғи ерга сирғалиб тушди. У ажабсиниб тикилиб қолган эди. Мушуги ҳам бу маҳал ўғониб, кўзларини катта очганча уларга тикиларди.

— Қачон келдинг?

— Бугун, туш пайти.

— Шу вақтгача қаерда юрибсан? Нега уйга боравермадинг? — деди отаси гўё Равшан уникка келиб юргандай. — Уйлар тинчми? Абдумурод, Ҳалима, Жумамуродлар соғми? Қани, юр. Ҳа-а, Марям момо, ҳайрон бўлманг, бу менинг ўғлим. Сал бўлмаса кўрмай кетаёзибман. Ҳали кирганда кўзимга иссиқ кўринувди-я!

Кампир ҳеч бокиси йўқ, дегандек тагин пайпоғини кўлига олди, қоқсуяк бармоқлари яна симлар билан рақс туша кетди. Мушуги ҳам томоша тугаганини билгандай, аста кўзларини юмиб хуриллаб бошлади.

Отасининг янги ҳовлиси бозор орқасидаги дўнглиқда экан. Ҳовли эмас, нақ саройнинг ўзгинаси! Дарвозадан кирганларида Равшаннинг димоғига атиргул ҳиди урилди. Гуллар ҳовли сахнини тўлдириб шамалоқдек очилиб ётар, баланд айвон пештоқиға ўрнатилган электр чироғи нурида ранг-баранг товланар эди. Эшитишига қараганда, бу уйнинг эгаси — бадавлат бир киши беш йилча яшаб, бола бўлма-

гақ, бошқасига уйланиб кетган, ҳовли аввалги хотинга қолган.

Ҳовли этагидан от тезагининг ҳиди келарди. Равшан аланг-жалаңг ўша ёққа кўз югуртирди. Отаси буни пайқади:

— Ҳа, дарров Элтуркини эсладинг-а! Балки ўшани кургани келган чиқарсан?..

Элтурки кишнаб юборди. У каттакон бостирмада улар тарафга тикилганча қотиб турарди. Манглайидаги қашқаси нуқрадай ярқирайди. Боланинг юраги жижиллаб кетди, югуриб унинг олдига боргиси келди.

— Ҳали улгурасан. Вақт кўп, дам олволайлик олдин, — деб отаси шаштини қайтарди.

У даҳлизга кириб уйнинг эшигига қўл чўзган эди, эшикнинг ўзи очилиб кетди. Остонада елкасига попукли рўмол ташлаб олган гўзал бир жувон кўринди. Равшан тўсатдан пайдо бўлган бу аёлга тикилиб ҳайратдан лол қотди... Жувон Равшанга бошдан-оёқ назар солиб чиқди. Унинг сутга чайилгандай гўборсиз юзида диловар бир табассум зоҳир бўлди.

— Ҳаммом ёқилганми? — деб сўради отаси. — Кир, Равшан, нега турибсан? Қўй, этигингни ичкарида ечасан...

Жувоннинг юзидаги табассум отаси сунди. Аммо у кутилмаганда Равшаннинг бошини аста ғушига олиб, юзидан ўпди. Боланинг димоғига гулсафсар ҳиди урилди.

— Келинг, Равшанжон. Хуш келибсиз, — деди жувон паст, лекин ёқимли овозда.

Равшан илгари бундай майин овозни сира эшитмаган эди, овоз гўё вужудини силаб эркалагандек бўлди.

— Ҳаммомга ҳозир ўт ёқаман, — деди жувон.

— Керакмас! — дея рад қилди отаси эғнидаги кийимларни ечиб, унинг билагига ташларкан. — Равшанни ўзинг ювинтириб кела қол, сув совуқ бўлса ҳам.

Равшан жувоннинг кўмагида ювинишга ийманди. Ҳовлига ўзи чиқиб, водопровод тагида ювинаркан, бостирмада унга тикилиб турган Элтуркидан кўзини узмасди, бироқ ҳозир унинг олдига боришнинг мавриди эмасди. Жувон каттакон пахмоқ сочич тутиб даҳлизда турарди.

— Бахтиёр қаёқда? — деб сўради отаси хонага қайтиб кирганларида.

— Меҳмонхонада. Кеча тўйда бўлиб, ухломмаган экан, — дея жувон шундоқ ҳам саранжом-сарошта уйни йиғиштиришга киришди. «Демак, ўғиллари ҳам бор экан-да!» деб хаёлидан кечирди Равшан, дастурхон ҳозирлаётган жувонга зимдан қараб. Аммо отаси: «Уканга айтиб қўй, саёқ болалар билан кўп юрмасин. Мен айтсам ноқулай бўлади», деганидан кейин масала ойдинлашди.

Жувон бирпасда дастурхонга турли ноз-неъматларни уйиб ташлади. Ошхонага чиқиб овқат сузиб келди. Шўрва қайноқ, сергўшт, мазали эди. Равшан тоғда яшаб ҳам тотиб кўрмаган турли тоғ гиёҳларидан солинган эди унга. Унинг қўлига тахи бузилмаган қордек оппоқ сочичча тутқаздилар.

Овқатдан кейин отаси биқинига жувон иккита пар ёстиқ келтириб қўйди. Равшанга ҳам бермоқчи эди, у кўнмади. Отаси болишга ёнбошлаб чой хўпларкан, унга тикиларди. Равшан ҳам отасини зимдан кузатарди. Улар икки қирғийдек бир-бирларини назардан ўтказишарди. Отаси анча тўлишиб, салобатли бўлиб қолибди.

— Қалайман, сенинча, тузукманми ҳали?

Отаси ҳаммаша у билан эркин, теппа-тенг сўзлашарди. Шу одати йўқолмабди.

— Аммо сен ўзгарибсан, — деди у сўзини давом эттириб. — Елкаларинг бинойидек бўлиб қопти, бўйнинг ҳам. Сенга ҳализамон хотин олиб бериш керакми дейман-да! — дея ҳузур қилиб кулди отаси...

— Бизга шу ерга жой солиб бер, — деди у жувонга, чой ичиб бўлингандан кейин. Узинг Бахтиёрнинг олдига чиқиб ёт.

XV

Равшан ҳовлига чиқди. Элтуркининг олдига борди. От гўё ҳаммасини тушунгандай, энди бемаҳалда кишнашнинг ҳожати йўқ, шундоқ ҳам қуришаверамиз, дегандай у томон бир талпиниб «ҳи-ҳи»лади. Равшан унинг бошини қучди, манглайидан ўпди. Элтурки яна ўпгин деган каби манглайини тутди.

— Ана, бўлди-ку, Элтурки! Аҳволлар қалай энди? Соғиниб қолдингми? Кўп соғиндингми? Ез бўйи сени шу зиндонда сақлашган кўринади. Тўлишибсан, аммо машиниң паст. Нима? Ҳа, бир нима егиниң келяптими? Шошма-чи, мен сенга Бўзадирнинг арпасидан опкелганман... — У ҳар эҳтимолга қарши шиминиң киссаларини арпага тўлдириб олган эди, уни сиқимлаб отга егиза бошлади. — Ҳа, ҳа, Бўзадирнинг жайдари арпасидан! Сен уни шира маҳали ердинг, бу йил эса йўқ эдинг, биз арпани Абдумурод билан ўриб-янчиб олдик. Ун улов чиқди ўзиям. Мана кўряпсан-ку, бу йил айниқса мағзи тўқ, шамол яхши бўлди-да ёзда...

Равшан Элтурки билан хаёлан сўзлашар қуртиллатиб арпа чайнаётган отнинг сўлаклари кўзини ивитиб юборган эди...

«Нима дейсан? Ҳа-ҳа, Самани сўрайсанми? Оғанг-да, оғангни унутмабсан, эсинг бор. Аммо, одамлар ҳам оғаларини шундай унутмасалар эди!.. Саман ўтлаб юрибди, қариб қолган, Урол бобо ҳам қариган. Яқинда у Тўтигулни узатди. Эсингдами, сенга ипақдан чивинқуригич тўқиб берган қиз-чи? Носирга тегди. Сен уни ҳам биласан, бир марта устинга минганида олиб қочгансан... Шунақа гаплар. Сен кетгандан кейин у ёқда Ҳасаннинг қорабайири олди от бўлиб қолди. Ҳасаннинг ўзи шу фикрда, унга қолса қорабайир сендан ҳам учқур! Оббо, бефаросат-эй! Сенга етадиган от бормикин бу дунёда. Яна нима гаплар бор, дейсанми? Гап кўп, оғайни. Бизнинг ишларимиз чатоқ. Отамиз бу ёқда, биз булсақ у ёқда қийналиб қолдик. Рўзғордан эмас, сен асло бу хаёлга борма. Биз маломатга қолдик, биродар! Ҳеч ким бизни одам сонига қўшмайди. Отамиз дўст деб кўп душман ортдириб юрган экан. Албатта, ҳаммани эмас, бир хилларни айтяпман-да... Лекин сен бу гапларни унут, ошна. Йўлдан қолма, оёғингни тикка бос доим! Сен юлдузсан, ахир юлдузларни кўзлагин! Сенга насиҳат қилишнинг кераги йўқ, бир айтдим-қўйдим-да. Бу, отамизнинг аҳволи қалай энди? Хотини, анови шайтондан яралган ойпари йўлдан оздирганича бор экан. У сенга қарайдими? Бахтинг чопган экан, оғайни, Гўрўглининг Фирқукайдай! Гўрўғли ҳам унга банот тўрвада кишишдан ем берган, қирқин қизга боқтирган, Фирқук сенинг авлодинг, аммо у хаёлий от, сен эса ер фарзандисан, хаёлий бедовларнинг ердаги зуредисан! Сенга бу танозиннинг қўллари нозиклик қилади, алдоқчи қўллар у! Армонда қолмагин тагин. Сени олиб кетишим мумкин-у, лекин сен отамизнинг отисан-да. Агар олиб кет, деса тайёр тур! Сен, айтмоқчи Нурбинни ҳам биласан-а! У жуда сулув қиз, эсли! Хирмонда Шодининг юзига супурги билан туширганини кўрмагансан-да. У мени яхши кўраркан, яқинда ўзи айтди. Йўғ-э, айтмади, ўзим билдим. У бунақа гапларни айтармиди! Абдумуродимиз ҳам катта бўлиб қолган. Ҳали борганда кўрасан. Бир қилиғи ёмон-да, кўп уришади, худди отамизнинг ўзи! Ана, отамизнинг ўзи ҳам чиқди, бизнинг гурунгимизни ёмонликка йўйиб юрмасин тагин. Кетгунча ҳали сен билан тўйиб-тўйиб гурунглашамиз...»

Равшан от олдида унга термилганча қотиб турарди. У севимли Элтурки билан унсиз сирлашди, ҳасратларини унга тўқиб солди, қушдай енгил сизди ўзини. От бошини эгиб гўё жимгина тингларди. У тонгача тинглаши, Равшан эса тонгга қадар ҳасрат қилиши мумкин эди. Лекин, сарпойчан ҳовлига чиққан отаси уни чақириб қолди:

— Ҳа, отинг билан сирлашяпсанми? Яхши. Мен ўйладимки... Кел, ётамиз, шамоллаб қолмагин тагин...

Уринга ётганларида отаси унга саволлар бера бошлади, бироқ у ҳамма гапни отига айтиб қўйган экан, «ҳа», «йўқ», деб жавоб қила-қила, охири ухлаб қолибди...

XVI

Кечаги нозик меҳмонлар жўнаб кетгангина отасининг қўли бўшаб, Равшаннинг иши билан машғул бўлди. Айтишчи, улар областдан келган комиссия бўлиб, унинг устидан тушган шикоятни текширгани келишган экан. Равшан буни эшитиб, Жумабек ака айтган гапларни эслади: отаси очофатлик важдан вазифасини суистеъмол қиладиганлардан эмас! Ахир, тери топшириб юрган кезларида ҳам бу ишни қилмаган, шунинг учун директор билан келишолмай бу ёқларга келиб қолган. Директор эса тери йўқ бўлса ҳам ҳужжатлаштирасан, менга план керак, деб туриб

олган. Одамларнинг бу билан нима иши бор? Отаси билан директор аллақайдан тушган чўтал пулни бўлишолмай уришиб қолган, деб бичиб-тўқишган...

Отасининг ўзи бу гапларни унга айтолмайди, «Отанинг аҳволи бизникидан ҳам ноҷор экан», деб ўйлашдан кўрқади. Унинг руҳини туширгиси келмайди чоғи. Мард, довурак бўлиб ўссин, дейди-да. Дилини ёрмагани билан, ишонган тоғи улар эканини отаси билади.

Отаси Равшанни ишхонасига бошлаб келди. Идора кўча томондан бинойидек кўринарди. Аммо орқасида — бозордаги каппонларга ўхшаш тимлар остида эса қоракўл терилар, жун тойлари қаланиб ётар, ачимсиқ бир ҳид димокни ёрар эди.

Отасининг хонаси деворларига сур терилар қия қилиб осилган, улар рангдор, сержило эди. Ичкари киришлари билан у ерда икки-уч киши пайдо бўлди.

— Норбўтаев ака, ўзингиз бир нима денг. Бир машина теридан юзтасини қайтаришди. Илгари ҳам шундай қилишган. Мана приёмшиқ, ўзи айтсин! — деди улардан бири.

Приёмшиқ — семиз Бўрибой қўлларини орқага қилиб пишиллаганча хонада нари-бери юрарди. У бир оғиз ҳам гапирмас, гўё тумшуги шифт билан сўйлашар эди. Охири Равшаннинг отасига ўгирилди.

— Бунинг терисини ололмайман, қолганини ҳам қайтариб бераман. Билмадим, бунинг сойлардан териб келинган, сичкон кемириб ташлаган терилари қачон тўғайди?!

Отаси қўлларини столга тап этиб қўйди:

— Сизлар терихонага бориб туринглар. Кейин ўзим ҳал қиламан.

— Йўқ, сиз бир ёққа кетиб қоласиз. Ҳозир ҳал қилинг, ака!

Тери олиб келган йигит унинг олдига кела бошлаган эди, отаси бақириб берди:

— Нарн тур! Манови менинг ўғлим, қишлоқдан келган, сенлар ҳар қуни шу ердасан. Унинг ишини битирай, ахир! Йигит нари туришни хаёлига ҳам келтирмади. Унинг бундай тортишувларда обдон пишиб кетгани шундоққина кўриниб турарди.

— Мен ўзим жўнатаман ўғлингизни! Бозорлик қилиши керакми? Юр, ошна, нима оласан?

Лекин отаси: «Гап бор, ука», дея секин елкасига қоқиб уни эшикка чиқариб юборди. Бўрибой олдинроқ чиқиб кетган эди. Отаси ялтироқ стол устидаги телефон трубкасини кўтарди.

— Алло, райсобесми? Исматиллаевни чақиринг! — деди. — А? Курортга кетган? Урнида ким? Махсумов? Яхши, раҳмат! Узига қўнғироқ қиламан. — У бошқатдан номер терди. — Алло, салом-алейкум! Яхшимисиз, Махсумов? Бу мен, ҳа, Қўлмат чавандоз, деяверинг! Менга қолса, шу лақабим зўр! Бу-у, бизнинг ўғил олдингизга бордимиз? Ҳа, кеча пешинда. Йўғ-э... Менга ўхшаган-да! Лекин уни бир сафарга кечиринг. Билмаган-да, дейман. Хў-ўш, шу ишни тўғрилаш керак. А? Ҳа энди, йигитчилик, ака! Шунақа бўлиб қолди. Расмий ажрашмаганмиз, йўқ... Хўп, ака, бир оғиз сўзингиз. Справками? Узим топиб бераман, ҳозир буни жўнатайлик. Ҳа-ҳа, хўп! Омон бўлинг! — Отаси кула-кула трубкани қўйди.

Аммо шу заҳоти юзидаги табассумдан асар ҳам қолмади, қовоқлари уюлиб кетди, ҳатто «Падарингга минг лаънат!», дея сўнкиди. Унинг нега бунчалик торикқанини Равшан тушунолмади.

— Сен ҳозир тагин ўша ерга боргин, тўғрилаб беради. Узим борсам ҳам бўлади-ку, лекин фарқи нима?

...Махсумов уни кўриб ҳайрон ҳам бўлмади, қимтинмади ҳам. Кечаги можарони кўзгаб ўтирмади. Фақат, отаси нега бошқа хотин олгани ҳақида бафуржа сурштирди.

— Нега судга бермадиларинг? — деб сўради у. Равшан индамади, акс ҳолда яна гап чувалиб кетарди. Бусиз ҳам Махсумов уни роса тергаган эди. У кечаги қизлардан бирини Равшанга айтиб чақиртириб келди-да: — Манови биланинг ҳужжатларига асосан янги туғилган укасига гувоҳнома ёзиб, менга олиб келинг, — деб буюрди.

Гувоҳнома отаси билан энасининг никоҳ қоғози ҳамда Равшаннинг оғзига изоҳларига биноан ёзилди, ўринбосар имзо кечди, думалоқ муҳр босилди.

— Мана, дўстим, Қўлмат чавандознинг ўғли, энди

қишлоққа қараб қамчи боссанг ҳам бўлади. Нафақа пулини почтачи олиб боради, тушундингми?

Равшан яп-янги, ниманидир иси келиб турган гувоҳнома-ни ҳужжатларга қўшиб рўмолчасига ўради-да, хайрлашиб эшикка йўналди.

— Отанга айт, сур терининг зўридан битта олиб кўйсин-а! — дея ортидан қичқириб қолди ўринбосар.

У ўша кунидек қишлоққа қайтмоқчи эди, аммо отаси негадир бу ҳақда оғиз очмади, уни кеча меҳмонхонада ухлаган бўйчанроқ бир болага кўши:

— Бахтиёр, укангни айлангир, шахрингни кўрсат. Магазинларга кириңлар. — У киссасидан бир даста пул чиқариб Равшанга узатди. — Нима олсанг, ихтиёр сенда!

Бунча пули кўриб, хайратдан Бахтиёрнинг кўзлари аланг-жаланг ўйнади. Унинг сочи худди Шодиникига ўхшаб бўйнига тушган, ўзи тор жинси, чарм камзул кийиб олган эди. Магазинларни бир-бир айланишаркан, у фақат урган, кўрқитган болаларидан гапирарди. Айтишича, қишлоқи болаларни бемалол кўрқитса бўлармиш.

— Чунки улар каратэни билмайди, бу янги чиққан! — дерди у мақтаниб.

Равшан қойил қолишини ҳам, масхара қилиб кулишини ҳам билмас, боланинг вазоҳатидан гаплари чинга ўхшар эди. Узига қарасанг... нимжон! Лекин, магазинлар ажойиб экан, ранг-баранг моллар қалашиб ётибди. Ҳасанининг дўкони билан буларни тенглаштириш кулгили, албатта. У ерга одамнинг киргиси ҳам келмайди. Қишлоқда одамлар ўшанга ҳам зор. Ишқилиб, магазин магазин-да!

Бахтиёрнинг назарида сарфлаб ҳеч тугатиб бўлмайди-гандек туюлган пулини Равшан уч-турт магазиндаёқ хавжлаб қўйди. Энасига кримплендан кўйлақлик олди, Ҳалимага зар рўмол, Абдумуродга худди Бахтиёрникидай камзул харид қилди, Жумамуродга эса — бешикка тақадиган ўйинчоқ... Узига катталарникидай бежирим тикилган костюм-шим олди, ўша магазинда илғиқ турган пальтога ҳам кўнгли кетди-ю, бироқ инсоф қилиш керак эди. Ҳали Урол бобо билан кампирига ҳам бир нима олиш лозим — қайтиб борганида албатта ҳол сўрагани келишади...

Бирорта ҳам магазинни қолдирмай айланишди. Бир пайт унинг кўзи «Китоблар» деган ёзувга тушиб ўша томонга юрган эди, Бахтиёр енгидан тортди:

— У ерда китоблар бор, холос!

— Китобларни кўрамиз-да, — деди Равшан.

— Ундан кўра пиво ичайлик?..

Равшан ўз билганидан қолмади — магазинга киришди. Китобларнинг кўплигидан унинг кўзлари ўйнаб кетди. «Ўзбек бадий адабиёти» бўлимига ўтиб, зарҳал муқовали китобларни кўздан кечира бошлади. Аммо бу том-том китоблар орасида у излаганлари йўқ эди. Тўтигул олasi ўқиб юрадиган севикли шоирнинг китоби ҳам, бошқаси ҳам. Унинг таъби тирриқ бўлаёзганда нигоҳи машур бир ёзувчининг китобига тушиб, қувониб кетди, иккитасини харид қилди. Бири — ўзига, иккинчиси... Балки Нурбигига берар? Ахир, бу ёзувчининг китобларини мақтаб юради у...

XVII

— Мен сенга «зарубежный»лардан кўйиб бераман, — деди Бахтиёр уйга келганларида.

У, устига бахмал ёпиниқ ташланган думалоқ столда турган радиоланинг қулоғини буради, қопқоғини очиб, пластинка қўйди. Дераза тоқчасидаги жигарранг карнайидан музыка садолари янгради. Аллақандай бўғиқ, қайноқ қўшиқ эди бу. Бахтиёр деразани ланг очиб юборди. Қўшиқ ҳарвойи музыкага қўшилиб, гуллар билан тўла ҳовли саҳнига ва ундан ҳам нарига таралди.

— Таниш қизлар менинг уйда эканимни билишсин-да, — деди Бахтиёр бозор томонни кўрсатиб.

«Наҳотки, таниш қизлари шу бемаъни қўшиқни эшитса?!», дея ичида ҳайрон бўлиб ўтирарди Равшан. Аммо меҳмонхона ажойиб эди. Унда гулсафсар исига ўхшаш ёқимли ҳид уфурарди. Ялтироқ мебеллардан, турли-туман ойналардан кўз қамашар, деворга илинган гиламнинг нақшлари худди эртақлардаги каби сирли туюлар эди. Равшан бу жиқозларга тегиб кетишдан чўчиб, қисиниб-қимтинарди.

Бахтиёр эса диванда талтайиб ўтириб олган, оёқларини музика оҳангида ликиллалар эди.

— Зур қизларим бор-да! Истасанг таништириб қўяй, битта Оля дегани бор, во! — У бош бармоғини кўрсатиб кўзини қисди.

Хонага унинг олasi — кечаги жувон кирди. Эгнида этаклари тўпигига тушадиган пуштиранг ҳарир халат. У норози бўлгандек қошларини чимирди:

— Бахти, кўйсанг-чи шунингни, қулоқдан қолмади-ку! Чикиб қўлларингни ювиб келиңлар, овқат тайёр.

Жувон улар билан бирга овқатланди. Афтидан, у Равшан билан сўзлашгиси, уни-буни суриштиргиси бор эди-ю, аммо бу сир бермас мағрур бола унчалик чоғига келмасди. Равшан миқ этмай ўтирарди. Аёлниг нимасидир уни чўчитар, аммо уни ёмон кўриб ё ундан нафратланиб ҳам бўлмас эди. Айни чоғда, бу аёл ундан шу қадар йироқ эдики, у билан ҳатто бир ҳаводан нафас олиш ҳам азоб эди. Ундан жуда ҳам нарига, изига қарамай қочгиси келарди...

У наҳорда босинқираб уйғонди. Кўрқинчли туш кўрибди. Аслида бу, тез-тез кўриб турадиган туши эди, бироқ охири одатдагидан ташқари дахшатли... Қоп-қоронғи кечада белеён саҳрода Элтуркини учуриб кетаётганмиш. Ҳаммаёқда қат-қат қум барханлари. Бирдан гирдида сур махлуқлар галаси пайдо бўлибди. Қоронғида кўзлари совуқ ёнармиш. У «дод!» дея ёрдамга чорлармиш, лекин атрофда зог йўқ! Бўрилардан бири Элтуркининг думидан тишлаб шундай қаттиқ тортдики, от бир лаҳза жойида қотди, кейин ўқдай олдинга учди... У бошини кўтариб қараганида Элтуркини бурилар ўртага олган эди. Унинг гажилган бўйнидан шариллаб қон отиларди. Бўйини гажига она бўри тўсатдан ҳарир кўйлакли гўзал жувонга айланибди. Унинг оғзи, ҳаммаёғи қип-қизил қон эмиш. Чўл ҳам қип-қизил қонга беланганмиш...

Равшан жиққа терга ботиб тўшада ётарди. Отасининг ўрни бўм-бўш! Меҳмонхона тарафдан шивирлашган овозлар эшитиларди...

Эрталабга яқин отаси кириб ўринга чўзиларкан, Равшан унинг вужудидан келаётган совуқни ҳис этди. Отаси унинг сирғалиб кетган бошини авайлаб ёстиққа олди. Қўллари нам ва муздай эди...

Нонуштадан кейин (Равшан туз ҳам тотмади) нарсаларини тўрхалтага жойлаётганида отаси ҳайрон бўлди:

— Ҳа, Равшанбой, йиғиштирињасиз?

— Йўлга чиқиш керак. Совхознинг машиналари кетиб қолади.

— Нима, кетмоқчимисан! Беш-олти кун турарсан, деб ўйлаб эдим. Ё бу ер сенга ёқмадики?

— Йўғ-э, гап бундамас. Бориш керак!

— Сен билан ҳали гурунғ ҳам қилганимиз йўқ эди...

Жувон эшик олдида сочиқ ва офтоба ушлаб турар, отаболанинг сўхбатига жим, осойишта қулоқ солар эди. Афтидан, у ҳам Равшаннинг бунча тез отланганига рози эмасди...

— Мен отни олиб кетсам қандай бўлади? — дея Равшан ахйир тилининг учиде турган гапни айтди.

— Отними? Олиб кетсанг бўлади. Лекин у ҳозир бойловда, хомлаб қоладими... — деб минғирлади отаси. Кейин жувонга бир қараб кўйиб сўзида давом этди: — Узим олиб бораман, ташвиш қилма. Сенга ташлаб келаман, кўзгача ўзинг совутасан. Бу ерда минадиган одам ҳам йўқ...

Равшан кўнди. Чиндан ҳам, уни шу ҳолича узоқ йўлга миниб бўладими? Отасининг «бораман» деганидан эса қувониб кетди. Ҳеч бўлмас, бир борсин! Уларни ташламаганини, эсидан чиқармаганини одамлар кўриб кўйсин!

Аммо бирпасдан кейин ичида ўзини койиди. Ҳар ҳолда, Элтуркини олиб кетиши керак эди. Нега бир гапда туриб олмади? Эҳ, каллаварам! Уни яхшилаб совутарди, кейин отаси чопса бўлаверарди. Лекин энди вақт ўтди. Равшан Элтуркининг ёнига бориб у билан хайрлашмоқчи эди, бироқ одамларнинг кўзи олдида бундай қилгиси келмади, отга шунчаки қараб қўйди, от ҳам унга тикилиб тик қотди.

Уни кузатиб қўйдилар. Жувон манглайдан ўпиб хайрлашди:

— Бизникига яна келин, Равшанжон, ўз уйингиз. Сизни яхши кўриб қолдик.

Отаси уни ғалла топшириб қайтаётган бир машинанинг кабинасига ўтқазиб жўнатди.

— Энангга айт, унчалик ҳам ҳалигидай... Қисқаси, бардам бўлинглар! Бировга сир берманглар...

— Сиз айтмасангиз ҳам... Биз-ку...

— Мени айтмоқчисан, билдим, лекин... Хўп, майли, кейин тушунарсан, омон бўлсанг бас!

Машина ўрнидан жилди. Қайрилишга етганда у кабинадан бошини чиқариб қаради: отаси ғалла қабул қиладиган пункт ёнида ортидан тикилиб турарди. Унинг узун гавдаси йўл устида сўппайиб ғалати кўринди.

Машина катта йўлга тушиб олди.

XVIII

Катта чилла яримлаб қолган, қишнинг қирчиллаган авж палласи эди. Изғирин қор ялаб, адирлар узра бўридай увлайди. Белибойли йўлида икковлон от елдириб боришмоқда. Отларнинг думлари тугилган, жуллари қайтарилган. Олдинда, жийрон отдагиси Жумабек. У ортига қайрилиб қарамас, от сағриси узра қамчин кўтариб, шу билан гўё ҳамроҳига «тез ҳайда!» дея ишора қилиб борар эди. Орқада ҳорғин йўртиб келаётган Самандаги йўловчи бизнинг Равшан эди. Урол бобонинг тайинлашича, ярим йўлда едилрилган арпа ҳам фойда бермаган, қари от ҳолдан тойган эди. Асли, уни мишининг кераги йўқ эди. Бобо кўймади-да! Азонлаб Равшанни уйғотди:

— Тур, Жумабек борар экан, ҳамроҳ бўласан! Белибойлида тўй, Эрдон Тоғай деган машхур раиснинг тўйи. Элтўриқ келади у тўйга. Бориб, чопишини кўриб кел. Узим борардим-у, кўриб турибсан, узоқ йўлга ярамайман, бирор жойда ўлиб-нетиб қолсам нима бўлади?

Чол аллақачон Саманни эгарлаб кўйган эди. Равшанни кўярда-кўймай кийинтирди.

— Ойна келин, хўржунига нон тугиб сол, йўлда еб кетади.

Бироқ, энаси «Бормайди», деб туриб олди:

— Эҳ-эй, Белибойли қайда, биров қайда! Йўлда музлаб қолиб ўғлимдан айрилайми? Эримдан айрилганим етмай-дими!?

— Равшан — бўзбола, қайтага суюги қотади, келин. Жўнатиб юбор, фотиҳа бер!

Охири энаси кўниб, хўржунига нон ва яхна гўшт солиб берди. Чол тутган ерини кўймасди-да!

Равшан эгнига отасининг эски пўстинини кийиб, телпагининг қулоқларини тушириб олган эди. Лекин кирза этикда оёқлари музлаб қолаётди. Қари Саман ҳансирар, азбаройи толиққанидан гандираклаб, тез-тез йўлдан чиқиб кетар эди.

Ниҳоят, сой ёқалаб чўзилган Белибойли кўринди. Қишлоқ пастак оқ қоялар этагида жойлашган, каттагина, уларниқича келар эди, лекин атрофи яланг, кўкка буй чўзган мағрур тоғлару ҳадсиз арчазорлар қайда!

— Тўйга от кўп йиғилган, қўшхона тегмасе керак, — деди Жумабек ака ўзича. — Қишлоқнинг бошида бир тегирмончи отахоним бор, шункига кўнамиз.

«Дўзахга бўлса ҳам кўнамиз, ҳали-ку тегирмончи экан!» дея дилидан ўтказди от устида музлаб қолаётган Равшан. Тегирмончиникига кўндилар.

— Отларни ўзим саришта қиламан. Сиз, Жумабек, бола билан исиниб олинг, — деди тўрвадай соқоли кўксига тушган баёвгина чол.

Унинг меҳмонхонаси каталакдай кичкина, бурчаклари ҳам тўғри олинмаган; тўрга — темир сандиқ устига тахланган гилам, киргизлар эскириб кетган, аммо печка жуда иссиқ эди. Ичига тўлдириб тикилган юлғун чирсиллаб ёнарди. Тегирмончининг кампири ўн беш-ўн олти ёшлардаги қизи ёрдамда печ ёнига кигиз, унинг устидан қалин пўстак тўшади.

Жумабек ака чол билан бундан ўн беш йилча бурун Жарқўрғон бозорига мол ҳайдаб борганида ота-бола киришган экан. Бу гап, чол отларни саранжомлаб келгач маълум бўлди: улар ўтган-кетганни эслашди.

Кампир печ устида шақиллаб қайнаган қумғонни олиб чой дамлади.

— Қизингиз тўйхонага бораман дейди. Уйин бўлаётганмиш, — деди у.

Тўйхона бу ердан баралла кўриниб турарди. У ерда тўс-тўполон авжида. Хотин-халаж, бола-бақра, узоқ-яқиндан келганлар босиб кетган. Отлар кишнайтиди, мотоцикллар тариллайди, бариси аралаш-қуралаш, қизиги ҳам шунда-да!

— Ким? — деб сўради чол.

— Қизингиз.

— Меҳмонларга ким қарайди? Ким овқат пиширади?

— Билмасам... — Кампир «ўзингиз эпланг» дегандай писанда қилди.

Чол соқолини тутамлаганча ўйлаб туриб, рухсат берди:

— Борақолсин, тенгдошлари бораётгандир-да. Ке, кампир, шулар кўрсин энди, бизнинг давримиз ўтди.

Нариги уйдан эгнига шойи кийган қиз чиқиб, тўйхонага қараб чопқиллаб кетди. Тўйхонада, айвонга ўрнатилган карнайдан Қодир бахшининг дўмбраси ва ширали овози янграрди. Бахши шавқларга тўлиб тўй эгасини таърифлаб куйларди. Кейин у «Алпомиш»ни бошлади. Равшан сойлардан елиб ўтган Бойчиборнинг шамолини тўйди, тўёқларининг гусурини эшитди. Алпомишбек қалмоқ элига ёрини излаб борарди!..

Равшаннинг ҳам боргиси келди, бахшининг овози уни беҳаловат қилган эди. Бироқ катталар олдида тортинди.

— Бугун қандай отлар зот айирди, ота? Биз етолмадик... — деди Жумабек ака.

Чол кимқандай от билан, неча марта ва қандай зот айирганича батафсил сўзлаб берди.

— Кўпкарининг ичидамингиз?

— Йўқ, тепада эдим. Бизда от нима қилсин!

— Қойил! Тепада ўтириб ҳаммасини кўрдингизми?

Қулмат деган чавандоз келмаганми, билмадингизми?

— Келди, улоқнинг охирида келди. Тоза кийимлари билан майдонга кириб, тўриқ қашқа отда «охири»ни айирди. Бу, ўша сизлар томондаги учқур тўриқми, Жумабек?

— Ҳа, ўша.

— Уккағарнинг оти от эмас, юлдуз экан! Лекин, қорнини тортмапти, ҳали совумаган.

Равшаннинг ичи қизиди, аммо чол Элтўриқдан бошқа гапирмади. У энди болаларининг ноқобил чиққанидан сўзларди. Кампири ора-сира унинг гапини маъқуллаб ўтирарди.

— Каттасининг аёли ёмон чиқди, ҳеч бошвоққа келмади, — деди кампир. — Охири тепадан том солиб, рўзғорини бўлак қилиб бердик. Бориш-келиш йўқ. Невараларим келишса, келиним олдига солиб ҳайдаб кетади.

— Кичик ўғлингни айт, кичигинг нима каромат кўрсатди?

Гўё Жумабек акага айтишса мушқуллари осон бўлади-гандай, бор ҳасратларини тўкиб солишарди улар.

— Шу денг, Жумабек, сиз ўғлимсиз, барига тушунасиз. Ҳозирги болалар нега мунча беоқибат бўлиб боряпти-я? Шу, кенжа ўғлимиз армиядан келди. Уйлантирайлик дедик, йўқ, ўқишга кетаман, деди. Кўндик, жувона билан қуйларни сотиб, уни ўқишга юбордик. Лекин ўғилдан дарак бўлмади. Бир йил деганда келди. Афтига қараб бўлмади — сочи алвасти, эгнидаги кийимлари ҳам бир алвон, тугмалари ялтир-юлтир. Университет деган ўқишга кирганмиш. Яхши, дедик, қайтаётганда кассасига пул солдик. Шундай қилиб, йилда бир келиб-кетадиган бўлди. Биз бўлсак, ўғлимиз ўқияпти, деб юрибмиз. Қайда! Бир, сочи кесилганга уйланган экан. Уйланиш қаёқда, шунчаки. Никоҳ йўқ, бошқа йўқ... Энди бўлса бошқа гаплар чиқиб қолди. Хотини уйдан чиқариб юборганмиш: «Сени боқаманми, болангга қарайманми?», деб. Гаффорнинг ўғли айтиб келди. Шунақа гаплар...

— Энди бу ёққа келса ҳам гўрга эди, — деб кўйди кампир.

Жумабек: «Келади, насиб бўлса, яхши йигит бўлиб келади ҳали», дея чол-кампирнинг кўнглини кўтарди.

...

— Тамадди қилиб кетинглар, Жумабек, — деди чол эрталаб улар жўнаётганда.

— Кўпқаридан қайтишда кўниб ўтамиз, ота, ахир абзалларимиз қоляпти-ку!

— Ихтиёрингиз. Бир ҳисобда бу ҳам тўғри, улоқ чиқади, кечикасизлар, — деб қўйди чол соқолини тутамлаб.

Улар қишлоқни оралаб ўтиб, адирга ўрлаётган отлиқлар кетидан эргашдилар. Икки томони адирга туташган ҳаввор — кўпқари майдони ҳали бўм-бўш эди. Отлиқлар пиёда томошабинлар тўдалашиб турган дўнгликда эдилар. Турли — гардишли, кўнғир, ола барра теллак кийган, ранглари қув учган чавандозлар депсиниб туришарди. От эгалари отларини яланғочлаб, қор устига ағанатардилар. Отлар гоҳо оёқларини осмонга қилиб орқалари билан қор устида туриб қолишар, кейин бир силкиниб туриб кетишар эди. Бунақа пайтда эгалари хурсанд бўлиб: «Қара, отимнинг бугун димоғи чоғ, жуда энгил», дейишарди.

Ниҳоят, юк машинасида баковуллар келишди. Машина усти гилам, кигиз ва тўнлар билан лиқ тўла эди. Кейин кўпқарига ташланадиган моллар кўринди. Уларни ҳайдаб келаётган йигит, устига гулдор бахмал ёпинчиқ ташланган ғунон тойни етаклаб олган эди. Мана шу ғунон бош зот эди. Уни ким олиши ҳақида от эгалари, томошабинлар ҳозирдан баҳс қилишарди. Ҳамма ҳам уни олгиси, тилга тушгиси келарди. Ахир, бахтли тасодиф билан унинг оти айриб қолиши ҳам мумкин-да!

Улоқ майдонга ташланди, лекин ҳали бу ушоғ эди. У энгил, ёш чавандозлар ўргансин учун. Бўзболалар отни қамчиллашди, Равшан ҳам Саманни улоққа солди. Қари жонивор бундай кичик тўдаларда улоқни биров бермас, ҳали ҳам айририш иштиёқи Равшанга қараб қийқиришар, отасига алланима дея хахолаб кулишар эди. Равшан уларнинг ичиб олишганини, бариси иззатли одамлар эканини билди. Негадир отасининг ҳам юзи қип-қизил, оғзини кулгидан йиғиштиролмас, худди ёнидагиларга ўхшаб қолгандай эди.

Равшан қамчинни тишлаб энгашди ва улоқнинг пойчасидан кўтариб олди.

— Жиловни қўй, тақимингга бос! «Хув», десанг-чи! — дея ҳовлиқиб қичқирарди аллаким.

Равшан бу сабрсиз, ўктам овоз отасиники эканини билди. У ҳавворни бир айлантириб, улоқни ташлади ва узоқдан қаради: отаси қандайдир шапоқ қашқа от миниб, бир тўда одамлар қуршовида турарди. Улар башанг кийинган, юзларидан қон томғудай кизаришган, Равшанга қараб қийқиришар, отасига алланима дея хахолаб кулишар эди. Равшан уларнинг ичиб олишганини, бариси иззатли одамлар эканини билди. Негадир отасининг ҳам юзи қип-қизил, оғзини кулгидан йиғиштиролмас, худди ёнидагиларга ўхшаб қолгандай эди.

Равшан Элтуркини кейин пайқади. Уни қимматбаҳо телпак кийган башанг бир киши миниб олган эди. От эски одатини тарк этмаган, сўқсурдай бошини ғоз кўтариб, қулоғини қайчи қилиб турар, одамлар донғи кетган бу учқурни томоша қилиш учун атрофида айланиб юришар эди.

Равшан отасининг олдига бормоқчи эмасди. Отаси ваъдасида турмади — қишлоққа келмади. Отасининг ўзи бояги ҳамроҳлари билан унинг олдига келди. Ҳол сўради. Ҳамроҳига қараб шодон овозда деди:

— Қаранг, Нусрат Боқиевич, менинг ўғлим! Шунча йўлдан келти! Улоқни опқочишини кўрдингизми? Бутун Белибойлида бундай полвон бола йўқ, қаранг!

Катта улоқ ташланди. Беқасам тўн устидан оқ белбоғ боғлаган баковул Элтуркини миниб турган одамга тавозе билан сўз берди. У киши шундай маъруза қилди:

— Азиз меҳмонлар, чавандозлар! Бугун районимизнинг ҳурматли одамларидан бири тўй қияпти. Эрдон оға йиққан-терганини ўртага қўяди. Зот беҳисоб. Йиқилмай-суринмай, мурсога қилиб чопинглар!

Кейин баковул зотни эълон қилди:

— Ол, бир гилами эллик сўм пули бор!

Бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Узангилар қарсиллар, қамчинлар шатирлар, отлар кишнар эди. Отаси боя миниб тургани — қашқа от билан чопарди. Эгаси ҳар замонда: «Қулмат, маҳкам бўл!», деб қўярди. Аммо қашқа ҳеч улоққа яқин бормасди. Бу орада талай зот айрилди. Отаси диққат бўлибми, от тисарилиб чиққанда ҳалиги савлатли одамга бир қараб қўйиб, тагин улоққа ҳайдарди. Ниҳоят, у бир амаллаб улоқни тақимлади. «Қўйма, четгирлар!», деган овозлар эшитилди. Шапоқ қашқа тепага ўрлаётиб

тўдага қисилиб қолди. Отаси уни аямай қамчилади, от жонҳолатда чўзилиб жўнади, бироқ тик нишабда ўзини тутолмай мункиб кетди. Отаси от бошидан учиб қорға йиқилди. Улоқни дархонлик четгир чавандоз айирди. Отаси шапоқ қашқага тагин минмоқчи бўлаётганида боя ваъз айтган одам:

— Буни мининг, Норбўтаев! — деб Элтуркига ишора қилди.

Отаси Элтуркини миниб, сағрисига зарб билан қамчин урди. От осмонга тикка сапчиди. Отасининг аччиғи келдими, майдонга ўқдай учиб кирдию ўша заҳоти улоқни айириб чиқди. Олқишлар янгради. Отасининг савлатдор ҳамроҳлари қийқириб юборишди.

...Четгирлар мўр-малахдай ёпириллар, Элтурки қайтиб-қайтиб улоқни айирарди. Уни икки марта тўдада қисиб қўйдилар, бироқ Элтуркини тўти бўлармиди, нариги томондан худди қиличдай кесиб чиқарди! Шунда отасини ҳамроҳлари олқишлаб, яна тўдага ундар эдилар. Жумабек лабларини маҳкам қимтиб, бош чайқади:

— Отнинг илгариги шашти йўқ. Чўзилиб, суст чопаетир. Баданидаги терни қара! У шундай терлармиди?! Бир жойда кўп ётган-да. Тўлпор бўлгани учунгина минг бир ҳўнар билан айираетир.

— Бош зот ташлангани йўқ... — деб қўйди Равшан.

— Шунинг учун айтаман-да. Унгача от соб бўлмас эди...

— Жумака, сиз жийронни миндиринг, мен Элтуркини бир совутиб келай.

Жумабек ака ошнасининг олдига бориб отини кўндаланг қилди, бироқ ҳалиги ҳамроҳлар эътироз билдиришди:

— Элтуркининг ўзи яхши! Яшасин Элтурки! Элтурки, Элтурки!..

Қийқириқлардан Равшаннинг қулоғи битиб қолди. Баковул чийилдоқ овозда бош зотни эълон қилди:

— От эгасининг айтгани бекор, ҳалоллаб оласан, араз урганларга ялинмаймиз, ол!..

Отаси Элтуркини бош зотга ҳайдади. Равшан қулоғини қайчи қилганини кўрди, аммо унинг сағрисидан дувиллаб тер тўкилар, бадани дириллар эди. Равшан: «Отни беринг!» дея қичқирди, бироқ отаси эшитмади. Болани ваража тутди: нима бўларкин? Айирармикан? Айирмасмикан? Элтурки бош зотни айирмаса, қишлоққа нима деб боради?! Урол бобога нима дейди? Чол уни нимага жўнатган бу ёққа? Ҳозир бетоқат бўлиб йўлига қараб ўтиргандир, боёқша!

Аввал Дўса чавандоз улоқни саман от билан икки марта олиб жўнади. Четгирлар қамаб-қувиб, айиргани қўймадилар. Қизилчаллик чавандоз ҳам тўдадан чиқавериб улоқни ташлаб юборди. У, айирдим, деб баковулнинг олдига келди, лекин баковул унинг дэъвосини рад қилди. Кўпқари эса қизигандан қизирди. Майдон денгиздай кўпирар, узангилар шарқиллар, отлар жон аччиғида тўдага яқинлашолмай кишнашар эди...

«Элтурки, Элтурки! Қўйма, четгирлар!» деган қийқириқлар янгради. «Хўшёр бўл, энди Элтурки!» деди ичиди Равшан. Элтурки сал бўлса ҳам тўданинг сийраклашини пойлаб ҳаяллади, кейин шитоб билан олдинга интилди. Чавандозларнинг қўллари улоқдан бирин-кетин ситилиб қола бошлади. Аммо Элтурки пастга қараб қуюндай учиш ўрнига, негадир тепага чўзилиб жўнади. Унинг шу йўсин амаллаб қутулиб кетмоқчи эканини сезди Равшан. Бироқ олдинда совутилган, дам берилган, балки умуман улоққа қўшилмай асраб турилган отлар ҳали кўп эди. Отаси сўнги кучини йиғиб, улоқни қўшқўллаб тутганча товуш берарди: «Ху-ув! Ху-ув!»

— Қайтариш керак! — дея қичқириб юборди Жумабек ака.

У шу ниятда олдинга ўтиб, Элтуркининг жилловини пастга буриб юбормоқчи бўлди, аммо чавандозлар уни бир зумда тўда ортига суриб ташлашди. «Қайтар жилловни, Қулмат!» дея жон аччиғида қичқирди у. Лекин дўсти қўлини бўша-толмас, жиллов отнинг ёлида эди. Энди от нимани ихтиёр этса шу бўлади! Элтурки худди шундай қилди: пойлаб туриб орилиқдан шартта изига қайтиб кетди. Чавандозлар доғда қолишди. У аллақачон сурдовни тирқиратиб ҳавворда якка ўзи юлдуздай учиб борарди.

— Ҳало-ол! Бўлди, ҳалол! Отангга раҳмат! — дея бор овози билан чийиллади баковул.

Равшан ўзи сезмаган ҳолда Саманга қамчи босди. Элтуркиқ, одати бўйича, майдонда ярим доира ясаб изига қайтди, манглайдаги қашқаси ярқираб кетди!

Аммо шунда кўз кўриб; қулоқ эшитмаган даҳшат содир бўлди! Элтуркиқ қалқиб турган оломонга яқинлашавериб гулдираб кишнади, оёқларини букиб, ўзини бирдан ерга ташлаб юборди. Равшан унинг нега бундай қилганига ҳали ҳам ақли етмай каловланиб турарди. Атрофдан «Пичоқ!» деган овозлар янграганда даҳшатдан қотиб қолди. Элтуркиқ қор устида типирчилар, бошини кўтариб ўрнидан туришга интилар, аммо боши яна тарсиллаб ерга тушиб кетар эди.

— Пичоқ келтиринг! От ёмонлаб қолди, ёмонлаб! — деган овозлар келди.

Ғала-ғовур кучайди. Отаси ерда типирчилаб ётган оти ёнида серрайиб турарди.

— Пичоқ берингла, деяпман! — деб чийиллади сабри тугаган баковул. — Ахир, ҳаром ўлдирмоқчимисизлар?! Сўй, йигит, мол топилади, иккиланмай тортиб юбор! — У аллаким узатган пичоқни отасига иргитди.

Отасидан садо чиқмади. Кейин у отнинг жиловидан, узангисидан жон-жаҳди билан торта бошлади. От ўмганини кўтарди, олдинги оёқларини ерга босди, бироқ қайтадан гурсиллаб қулади.

— Бўйнидан тортиб юбор! Ҳаром ўлмасин!..

Шундан сўнггина Жумабек ака жийрондан ирғиб тушди. Ошнаси отни суёлмаслигига, от ҳаром ўлишига унинг кўзи етган эди. У борасолиб, оғзини каппа-каппа очаётган отнинг бўйнига пичоқ тортиб юборди. Шариллаб қон отилди. От кейинги оёқларини базўр қимирлатди — жони чиқаёзган эди. Жумабек аканинг этиги қип-қизил қонга беланди. У қонга ботган пичоқни от ёлига артди...

Равшан чинқириб юборди, Самандан сакраб тушиб, қорда ўлиб ётган от устига ўзини ташлади. Элтуркиқнинг тердан жиққа ҳўл, илиқ қорнини кучоқлаб фарёд қиларди бола.

— Элтуркиқдан айрилдик, Равшанжон! Югурик бедовлар зурёйдан айрилдик! Лекин сен йиғлама, болам! Мана, мен борман, мен — отанг! Уксима, кўзим, мен қайтаман, қайтмай нима қилардим?! Элтуркиқ қанотимни қайириб кетди, аммо сен менинг қанотимсан, ўғлим!..

Равшан отасининг овозини эшитди, бошини кўтариб қаради. У жуда йироқдадек туюлган эди, йўқ, ёнгинасида — ўлиб ётган Элтуркиқнинг тепасида турган экан. «От!» дея унга талпинди, аммо кўзларига қип-қизил қондан бошқа ҳеч нарса кўринмади.

Бола ҳўшдан кетган эди...

У қоп-қора зулмат қаърида тулпор отда учиб кетаётганмиш. Атрофда юлдузлар чарақлармиш, аммо улар шу қадар йироқ эмишки, қанча учган билан етиб бўлмасмиш... Кўз олди жимирлашиб кетди. Энди тулпор ёлғиз, дол бўйини чўзиб борармиш, туёғидан юлдузлар отилармиш, отилармишу тўзон янглиғ атрофга сочилармиш...

Тулпор юлдузларга қўшилиб кетди!

Боланинг кўкси ўт бўлиб ёнди. Тулпор от сўнгги бор бошини буриб гулдираб кишнади, овози еру кўкни титратди, тоғлар садо бериб фарёд қилди. Отнинг кокиллари байроқдай ҳилпиради, манглайи сўнгги бор ярқираб абадий ғойиб бўлди!

...Қор босган далада икковлон от йўртдириб борарди. Улар тоғ тарафга йўл олганлар. Отларнинг думлари тугилган, жуллари қайтарилган. Улар йироқ йўл босиб келишади...

Жийрон отли олдинда шитоб билан елади, Саман минган бола эса йўл-йўлакай йиғлаб келади, милдираган кўзёшлари эски пўстин ёқасига думалайди. Бола уларни артмайди, чунки иккала қўли ҳам банд: бир қўлида жилов, иккинчиси билан эса, ҳолдан тойган қари отга шифалаб қамчи босади...

Дехқонобод



Равшан
Файз

Эгатдаги аёл

Охири кўз илғамас оппоқ пахта пайкали.
Теримчилар кулгусин ҳар ён ташийди шамол.
Кун ботгунча бир терак бўйи бўлса-да ҳали,
Эгат бўйлаб шийпонга чона кетди бир аёл.

Даставвал оқ шийпонга термулиб боқди аёл,
Сўнг, таажжуб, тўсатдан этагин қоқди аёл.
Теран бор пахтасин ҳам эгатида қолдириб,
Шийпон сари сув бўлиб, сел бўлиб оқди аёл.

Дунё, сен кўкрагинг кериб бу лаҳза,
Кимларнинг тўйида ўқиятсан шеър.
Ё қўлинг минбарда қилганча пахса,
Мажлислар устида тўкмоқдасан тер.
Сенинг йиртиғингга ямоқ бўлар, деб,

У тунлар гўдагин бағрига босар.
Чарогон кундузлар сенинг ғаминг ёб
Ййдоқ шийпонларга беланчак осар.

Билдингми, аёл нега ишларин уйиб кетди?
Эгат бўйлаб чопганча ичлари кўйиб кетди?
Билмасанг бил, гўдаги йиғлашга тушиди аниқ, —
Ахир унинг кўкраги ич-ичдан ийиб кетди.
Шул сабабки баъзида ортига боқар аёл
Ва барига қўл силтаб этагин қоқар аёл.
Кўз ўнгидан ўтаркан беланчаги, боласи,
Шийпон сари сув бўлиб, сел бўлиб оқар аёл.
Менга эса бу ҳолат болаликдан таниши, ёд
Сўзлаганим балки рост, балки сенга ёлғондир...
Лекин менинг кўрганам шундай умр, шу ҳаёт
Эгатда чопган аёл — онам — Ўзбекистондир!



**Нормурод
Норқул**

Хандалак

Ўтибман:
Кўзим уйғоқ,
Ҳисларим ўйноқ.
Туйғуларга торлик қилур
Кўкрак қафасим.
Пайкал аро сирғалади
Ўтли нафасим.

Ўтибман:
Димоғимни қитиқлайди
Гиркапалак бўйларнинг сайри.
Ўтибман:
Оғушимда жилмаяди
Бир туп гулхайри.

Ўтибман:
Юлдузларни қучоқлаб,
Упиб.
Ўтибман:
Ойни ҳидлаб,
Эркалаб
Ўтибман:
Ёз шамолин фижимлаб,
Чайнаб...
Уйшун қирларида
дошқозондай
Ҳисларим қайнаб!..

Куннинг умри

Тонг.
Куйшли уфқ,
Майсазор.
Майсазорда куннинг гўдаклиги
Эмаклайди қийқириб;
Юрагида умид гунчаси,
Юзларида қувонч чечаги,
Кўзларида омад шуғласи!

Туш.
Майсазор.
Майсазорда ўспирин кун
Ҳаллослайди шер мисол:
Юрагида шиддат тўфони,
Юзларида ҳайрат гулхани,
Кўзларида ғайрат чақмоғи!

Шом.
Майсазор.
Майсазорда сукунат сайри!
Кексайган кун
Ёнбошлайди қирга ҳансираб:
Юрагида хаёл тўлқини,
Юзларида ҳасрат учқуни,
Кўзларида армон булути...

* * *

Борлиқ — туғруқхона,
Лаҳзалар — доя...
Туннинг тўшагида
сочлари тўзиб

жувон — тонгнинг
ёриди кўзи!

Чўққилар севинчи —
Тоғни қитиқлар...

Ҳаяжондан...
Мендан юлдузлар —
«Кўрмана» олишни унутиб,
Бошим — осмонимга
Социб қувончни,
Кўлларимга ташлаб кетди
Гўдак — Куйшни!..



Сирдарёлик ёш шоира Е. Ҳасанова билан хоразмлик ёш қаламкаш О. Одилхонова семинар кунларида танишдилар.

Б. МИЗРОХИН фотолари



Баҳодир
Муродалиев

Кампирнинг ўғли келди

ҲИКОЯ



рик сояси сийраклашиб, офтоб Кўпайсин холага баралла тушди. Унга эғнидаги қора бахмал камзулнинг ҳам, саратоннинг ҳам ис-сиғи билинмаётгандай. У кўзойнак тақиб, тиззасига кўндаланг ташланган сариқ шойи кўрпачани қавир, кўрпача четидан унинг куруқшаган оёқлари чиқиб турар эди. Сал қимирлағудек бўлса, мўъжазгина сўри бемор қариянинг инграшидек ночор ёчирлайди. Сўри пояларининг қуббаси йиллар шамолида уқаланиб, қўзиқоринга ўхшаб қолган.

Танига қулоч етмайдиған ёнғоқ остидаги дарвоза шарақлаб очилди-да, етти-саккиз ёшлардаги қизалоқ чолиб кирди. У кампир олдига етиб келгач, ҳансираб гапира бошлади:

— Турғун акам келди, Турғун акам келди, суюнчи беринг!

Кўпайсин хола эшитмади. Кафтини қулоғи орқасига қўйиб яқинлашди.

— Қаттиқроқ гапир.

— Уғлингиз келди, деяпман. Суюнчи беринг.

Кампир ҳайрон бўлиб қолди.

— Ким айтди?

— Узим кўрдим. Тезроқ бўлинг.

«Узим кўрдим», дея ўйчан такрорлади хола.

— Қаерда?

— Магазин олдида, ҳозир шу ёққа келяпти. Ишонмасайиз чиқиб кўринг.

Кўпайсин хола барибир ишонмади.

— Ёлғон гапираётган бўлмагин?

— Йўқ, рост айтяпман, рост.

Шу пайт елкасига сумкасини илиб, Исроил почтачи кириб келди.

— Қани, суюнчини чўзинг — ўғил келди!

Кампир тамоман довдираб қолди. Шошганидан кўзойнагининг ипини узди, кўрпачани қайириб ташлаб сарпойчан чопди. Кўчага чиқиб, магазин томондан уч-тўрт кишининг оғушида келаётган ўғлига кўзи тушди-ю, қучоғини очиб югурди. Азбаройи тезлаганидан бошидаги рўмоли ҳам учиб кетди. Бу ҳам камлик қилгандек, қоқиниб тупроқли йўлга йиқилди. Бояги кишилар дарров келиб, холани турғиздилар. Хола бир дам олазарак қараб, ўғлини маҳкам қучоқлади-да, йиғлаб юборди.

Расмии М. ШАМСИДИНОВА чизган

— Сениям кўрадиган кун бор экан-а!
Кейин хушидан кетди. Одамлар уни кўтаришиб, уйга олиб кириб ётқизишди. Кимдир юзига сув сепди, совуқ чой ичирди.

У кўзини очганида жамоат жам эди: бошида ўғли, атрофида хотин-халаж. Ташқаридан эркакларнинг гангир-гунгур овози келарди.

— Тузукмисиз? — деди Турғун энгашиб.

Хола ўғлининг бошини силади.

— Қаттиқроқ гапир, болам, қулоғим оғирлашиб қолган.

— Ҳолингиз яхшими, деяпман.

Кампир бош қимирлатди.

— Ҳа, қанчага келдинг?

— Бутунлай.

— Алдама.

— Рост айтяпман.

— Ҳали ярим йил бор эди-ю.

— Яхши ишлаганимга олдинроқ жавоб беришди.

Кампир ўғлининг бошини кўксига босди, кўзларида ёш милтиллади.

Кўпайсин холанинг ўғли келибди деган хабар бир зумда қишлоққа тарқалди. Қўни-қўшнилари чиқиб ҳовлини супиришди; жой қилинди. Кимдир ҳовли этагидан қўчқорни олиб келиб ағдарди. Кимдир қозон осиб, шўрва ташлади. Қўйинги, тўй бошланди.

Шу кўни меҳмонлар кеч тарқалди. Узоқ-яқиндан келганларга ташқарига, она-болога уйга ўрин тўшашди. Ҳеч қанча вақт ўтмай меҳмонлар пинакка кетди.

Кўпайсин хола шипга тикилиб ётган ўғлига анча маҳал термилиб ўтирди. Пешонасига икки толим ажин тушибди. Бўйи ўсибди, тўлишибди, оқарибди. Кўп ўйланадиган бўлиб қолибди.

— Тугади, деб кўнглим учун гапирмадингми, болам? Турғун онасига қараб кулимсиради.

— Ҳалиям ишонмаяпсизми! Қоғозимни кўрсатайми?

— Йў-ўқ, ишоняпман-у... ҳали эрта эди-да.

— Айтяпман-ку, қилган ишимга қараб, олдинроқ жавоб беришди.

Турғун ўрнидан туриб, дераза қанотларини каттароқ очди. Сигарет чиқариб тутатди.

— Зикр аканикидан ҳеч ким келмади? Ё эшитмадимкин?

— Эшитмай қоладими-я, болам, — дея кампир уф тортди.

— Бирор нарса бўлганми? — деб сўради Турғун сигаретини деразадан улоқтирар экан.

— Қўявер, бу ёғини сўрама.

— Аниқроқ гапираверинг, буви, ё дилингизни оғритдимми?

— Кошкийди шундай бўлса. Эҳ... — Хола қўлларини мушт қилиб силкиди. — Улмай юрсам, шундайини топай, ҳаммасининг оғзи очилиб қолсин! Келолмаганики, бети шувит. Кўнглинг бузилмасин, деб сенга ёздирмаган эдим. «Менга ишонинг... бошга тушгани кўз кўрар», деб жўнатган дилгиромингни олгандан кейин, орадан бир ҳафта ўтмай хотини келди. Яхшилаб кутиб олдим. Сомса ёпувдим, иссиқина олдиға қўйдим, чой дамладим. Бир маҳал, дегин «Энди опа хафа бўлмайсиз», деб турибди. «Ҳа, нима, очикроқ гапиринг», десам, «Зикирингиз тагин «ўтирган»га қиз бермайман деяпти», деди. Узимни йўқотиб қўйибман, қанақа қилиб кузатганимниям билмайман. Эртасига, дегин, тушга яқин ҳалиги тирранчаси валасапитда тугунимни олиб келибди. Қўлидан олдим бошимга рўмол ташлаб қайтариб оборсам, ўламан саттор олмади. Ялиндим, ёлвордим. Йўқ, тарвузим қўлтигимдан туши-иб қайтиб келдим. Салоҳиддин қорини орага солдим. Унга бор гапни — хат бериб-хат олиб юришинлардан тортиб, кинога тушганиларгача айтиб жўнатсам, кечқурун ҳафсаласи пир бўлиб кириб келди: кўнмабди. Салоҳиддин қори зийрак-да, авзойим бузилганини кўриб, «Опа, ғам қилманг. Йигитнинг бошига не савдолар тушмайди, Турғунбой саломат келсин, менинг қизларимдан хоҳлаганингизни келин қиласиз», деди. Ана одамнинг эркаги! Шунақа қилиб кўнглимни кўтарди, дегин. Йўқ, сафар ойдан кейин Қорақўрғонга бериб юборди. Тўйи кўни тоза йиғладим.

— Шунга йиғладингизми-я, буви...



— Қизини бериб юборганига йиғлаганим йўқ. Қадримга йиғладим, болам, қадримга! Уйимда бели боғлигим бўлмаганига йиғладим. Отанг тирик бўлганида, Зикр қизини йигирма йил ҳам ушлаб турарларди. Бари шунинг эртарақ қазо қилганидан бўлди... «Утириб чиққанга қиз бермайман», эмиш. Ҳа, ўша йигит ўлгурнинг ўзини отанг раҳматли неча марта турмадан қутқариб олган. Шу-да, одамзотга жир битса қора кунини унутворади.

— Гап бу ёқда экан-да, — деди Турғун бошини сараксарак қилиб. — Хизматдалигимда хат сийраклашиб қолди. «Нима гап?», деб ёзсам, жавоб бўлмади. Кейин бор-э, деб мен ҳам ёзмай кўйдим.

— Ажаб қипсан. Узи-чи, қизи илимилиқ экан. «Шундан бошқасига тегмайман!», деб туриб олганида, Зикр ҳеч нарса қилолмасди. Мана, ғойиб чўлоқнинг қизи Хуринисо: «Ушанга тегаман дедим, тегаман!» деб туриб олди. На отасининг гапига кулоқ солди, на онасининг. Акалари бирам урди-ей, бирам урди, шўрликнинг еган калтагини от еса ўларди. Ҳафталаб қамаб кўйди, овқат бермади. Барибир, гапидан қайтмади. Охири нима бўлди — ҳаммасини шарманда қилди: бир кунги ўша суюшган йигити матасинкада келса, шарт мингашиб жўнаворди. Ғойиб чўлоқ ётиб қолди. Одамлар «Баттар бўлсин», дейишляпти. Узи чўлоқ майда гап-да, кўчага кам чиқади. Ҳа, тузукроқ бўлганида қизи билан бунчаликка бормасди, фотиҳа қилиб юборса бўларди.

— Ғойиб ака тузук бўлиб кетганми? Кўринмади?

— Соппа-соғ. Кирди-қиқини йиғштириб кўйганмиз. Утган йиллимиди... Ҳа, ўтган йили баҳорда сан-манга бориб қолдик. Бу товук боқмай ўлгур, дегин, ё ўртани тўсмайди, ё қамаб боқмайди. Халиги ғули-ғули дегани бор. Вой-вой, бундай беор махлуқ дунёда бўлмаса керак. Товук ҳам сал ориятли — кишт десанг кетади. Бу — без, ҳайдасанг, қайтиб келаверади-ҳайдасанг, яна қайтиб келаверади. Олдин айтдим: «Хў-ў, Ғойиббой, буларни қаманг, ҳаммаёқни титворди», дедим. «Хўп», деб эртасига катакка қамади, индинига яна чиқарворибди. Бунга нима дейсан! Учаскишгандай, ҳар доим маккани учтадан ташлаб экадиган одам, ўшанда «молга ўт бўлсин», деб қалинроқ экибман, қирилгурлар титиб-титиб еворибди. Бозорда бир кило уруғлик макка фалон сўмга чиқиб кетган. Пулини ундирмоқчи бўлсам, тофанг «Назарингизни паст қилманг», деб уришиб берди. Алам ўтган эканми, бир кунги тандирга ўт ёқиб турсам, «ғули-ғули, ғули-ғули» қилиб, галалашиб ўтиб қолди-я! Биттасини косовинан бир урувдим, ўзи ҳайватли бўлгани билан жони йўқ экан, типирчилаб қолди. Қанотию оёғини бир-икки силкитиб, «ғийқ» деди-ю, тамом бўлди. Биров кўрмадимки, деб у ёқ-бу ёққа қарасам, ҳеч ким йўқ, девордан ошириб отвордим. Эртасига Ғойиб чўлоқ гажоак бўлиб чиқибди. Ҳе йўқ-бе йўқ, индамасам, жа ахтариб сўжяпти. «Хў-ў, оғзингизга қаранг», десам, йўқ — авжи баланд. Мен ҳам гапириб қолувдим, дегин, иннайкейин пасаиди. Шунақа қилиб, орага совуқчилик тушди...

Шу пайт ташқаридан хўрознинг қичқириви эшитилиб, Кўпайсин холанинг гапи бўлинди.

— Вой тонг ёришибди, болам. Ановиларни уйғотай, ҳовлиларни супуриб сидирсин. Ишга борадиганлар эрта кириб келишади. Унгача сен жиндай мизғиб ол.

* * *

Ўғлининг келганига, мана, бир ой бўлди ҳамки, Кўпайсин хола қувончи босилгани йўқ. Ким келса, кўнглини очади, Турғунбойнинг соғ-саломат келганини, вазмин бўлиб қолганини қайта-қайта таъкидлайди. Энди уйига битта келин камлик қилаётганмиш, ҳамма нарсаси тахт, Турғунбой «Хўп» деса, шу бугуноқ тўй бошлармиш.

Кампирнинг фикрича, ўғлини кўргани қишлоқдагиларнинг барчаси, ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам одамлар келибди. Қариндош-уруғларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Одам шунақа кўп келибди-одам шунақа кўп келибди, эскикўргонлик Мирғозибой ўғил уйлантирганда ҳам бунча бормаган экан.

Кампир кирмаганлардан хафа бўлмади. Иккитаси шаҳарда шофёр, иккитаси касал, биттаси азадор, аммо Ғойиб чўлоқнинг чиқиши лозим эди. Бир ерда яшаб, ҳар ҳолда

кўшилги бор. Ҳазилими Ахир, Кўпайсин холанинг қариганда топган Турғунбой икки йил аскарликда, бир ярим йил «у ёқ»да юриб келса-ю, ён қўшни одам, уришиб қолганмиз, деб чиқмаса. Ҳа, майли, у ҳам йиғин қилар.

Кампир кирган-чиққанга «Ҳаммаёқни одам босиб кетди», дер эди-ю, ўзи ҳануз бунга қониқмас эди. У ҳамон одамларнинг аввалгидек тўп-тўп бўлиб кириб келишларини, бир-бирига навбат бермай ҳол-аҳвол сўрашларини хоҳлар эди. Бироқ кампирнинг истаги — истак, одамлар турмуш қомига шўнғиб кетган. Айниқса, қишлоқдагилар бу дамда товуғига мояк кўйишга фурсат тополмайди.

Уч кундан буён бирортасининг қадам изи қилмагани Кўпайсин холаи безовта қилди. У тонг-саҳар туриб олди. Шу бугун кимдир кириб келадигандай бўлиб туюлаверди. Эрта бўлсам ҳовлига сув селиб супирди. Примусга чой кўйди, чойнакни кул билан ювди. Бу орада Турғунбой турди, сочиқни елкасига ташлаб, анҳорга кетди.

Нонушта пайтида кампирнинг пиёласида шама-чўп кўриндию унинг умиди янада ортди. Шошиб чойини ичди, кирган одамга ёмон кўринмасин, деб тандир олдидаги ярим боғ ғўзапояни гарамга кўшди, қолган-қутганини йиғштириб ўчоққа тикди. Кейин, «кўй-кўй»га ҳам кулоқ солмай оғилнинг тушиб кетган ерини урмоқчи бўлиб лойга унмаган ўғлига ёрдам берди. Сув ташиди, гуваласига қарашди, лекин бир лаҳза дарвозадан кўз узмади. У ҳамон кимгадир интиқ эди.

Ҳаво дим, ғир этган шабада йўқ. Кампир ишини тугатган бўлса-да, лоҳас. Ўғли ювингани кетган, ҳовлидаги жимлик уни баттар қийнайди.

Кўпайсин хола ўзи сезмаган ҳолда кўчага чиқди. Кўчада Жамол бригадирдан бошқа ҳеч ким кўринмади. У газетани елпиғич қилиб, йўл четидаги терак соясандан секин юриб келарди. Унга қараб туриб, холаи ўй босди: «Жамол кирганми, кирмаганми?» Кўп ўйлади, кирмагандай бўлаверди.

Бригадир ҳам холанинг фикрини тушунгандай рўпарасига келгач тўхтади.

— Ғўза қуриб кетяпти-ю, Нишонбой экинига сув очибди. Ҳа, майли, очма эмас, оч. Кечаси оч. Дўппини опке деса, калласини кўтариб келадиганлар қанча!

— Муроса қиласан-да энди, Жамол, иложинг қанча! — Ҳаммаси жонга тегди! Бу ёқда сувчилар жаврайди, шароитни тушунмай улар у ёқда вайсайди, яна маҳалла-кўйчилик. Улигинга, тирингига аскотадиган шулар.

Бригадир жаҳл билан қўл силтаб, шиппон томон юрган эди, кампир чақирди.

— Ҳой Жамол, ўғлим келган, кирмайсанми?

Бригадир тўхтаб, аста қайрилди, ўзини мажбур қилиб кулимсиради.

— Кириб роса ўтириб, ошингизни еб чиққанман-ку. — Нима қипти, яна кир!

Бригадир бир дақиқа жим турди, кейин қўл силтади.

— Бўпти, кирганим бўлсин. Сизинг ўғлингиз келадиган-ю, киришдан қочаманми!

Кампир хурсанд бўлиб кетди. Бошлашиб уйга киришди. Хола чой дамлади, примусга ташлаб қўйган қайнатма шўрвадан қуйиб келди. Анча маҳал қақчақлашиб ўтиришди. Бригадирнинг ҳам кайфияти кўтарилди. Сўнгра сувчилардан хабар олишини айтиб, уридан турди. Кўпайсин хола уни кузатиб кўчага чиқди. Жамол бригадир кетгач, йўлнинг уртасида ўйланиб қолди. Бир оздан кейин гузар томонга юрди.

Магазиндан ёшроқ бир йигит чиқиб, деворга суяб қўйилган велосипедини олаётган эди, хола уни тўхтатди.

— Кимнинг боласин, болам?

— Абдурахмон новвойнинг.

— Ҳалиги, шаҳарда ўқийди дегани сенмисан?

— Йўқ, ундан кичиги.

— Бўйларинг ўсиб, танимайдиган бўп кетибсан-а. Айтгандай, аканг-чи, Турғун аканг, битириб келди.

— Кўрдим. Биргалашиб ўтирдик ҳам. Майли, хола шошиб турувдим.

Йигит кампирнинг жавобини кутмай велосипедини миниб жўнади. Кўпайсин хола атрофга ноҳуш қараб қолди. Шу пайт сартарошхонадан Ашур шофёр чиқди. У йўгон-



йўлпигина бўлиб, лапанглаб юрарди. Шунинг учун ҳам унинг кайфи борлигини кампир сезмади.

— Ашурали, ўғлим келди, кир. Гаплашиб ўтирасизлар. Урикнинг тагига сув сепаб жой қилиб қўйганман.

— Қуруғ-а? — деди Ашур шофёр қўлларини ёзиб.

— Мен сендан умидвормасман: кирган одамнинг қўлига қарамайман.

— Йў-ўқ, — деди мийиғида кулиб Ашурали. — Қуруқ гаплашиб ўтирамизми, деяпман.

— Овқат-повқат қиларман. Олдин кир-чи.

— Овқатни бошга урадимми, «яримта» бўладими?

— «Яримта»нг нимаси?

— Ароқ, а-роқ. Тушундингизми? Беш сўм! Ажалнинг уруғидан ҳам қиммат. Қалай, розимисиз?

— Йўқ, — деди кампир кескин.

— Бўлгандаям кирмасдим. Биринчидан, Турғунбойиз одамгарчиликдан чиқиб, ичмайдиган бўп келганмиш. Иккинчидан... — Ашурали чайналди. — Хўп, омон бўлинг. Хола унинг ортидан анграйиб қолди.

— Она! Хў-ў, она!

Кўпайсин хола қайрилиб қаради. Сартарошхона деразасидан укаси Назир бир қўлида кўпикка беланган чўткани тутганча, унга қараб турарди.

— Бу ёққа келинг. — Хола яқин борди. — Нима қиласиз бировга ялиниб? Хоҳласа — кирсин, хоҳламаса — йўқ. Мажбур қиласизми?

— Ишинг нима? Менинг бошқа келадиган ўғлим йўқ. Фақат шу кирмади. Битта қишлоқдан бўлгандан кейин кирсин-да. Пулдорларники бўлса, ҳафталаб ётиб олишади. Укаси норози ёғинди.

— Билганийзи қилинг.


Хола уйи томонга қараб кетди. Дарвозага етай деганида тўхтади, ўйланди, секин ғойиб чўлоқнинг уйига кўз ташлади. Чўлоқнинг келини эшик оғзида боласини кўтариб турарди.

— Ҳой келин, — деди кампир, — қудачилик — бир йилчилик, қўшничилик — минг йилчилик, деган экан машо-йхлар. Аччиқ-тирсиқ қилиб юрсак яхши бўлмас. Дадангизга айтинг, кирсин: ўғлим келди...



Хуршид

Йўлакдаги одам



ҲИКОЯ

ор кўчанинг бошидан охиригача сув сепиб супурилган, ланг очик дарвоза рўпарасидаги узун столга дастурхон тузалган, унинг бир томонида қатор ўтирган мўйсафидлар тараддудда — ҳадемай куёв жўралари билан келади.

— Ҳой тирранчалар, нарироқда уйнанглар! Куёв келиб кетсин, тўйхона сизларга қолади!

— Ол-а! Куёв келиб кетса, болалар тўйхонада нима қилади? Ҳиҳ!..

— Нима қиларди, ўйнайверади! — Мўйсафидлар сафининг бошида ўтирган орик, гўштсиз юзи қип-қизил киши «Ия, менга киноя қиладиган одам ҳам туғилган эканми?» деган мақомда бўйинини чўзиб, луқма ташловчига угирилди. Қаторнинг охиридаги одамнинг ёнида иккита стул бўш, ундан нарида Тоживой узоқ ва оғир хаёлга чумгандек боши эгик, тикилган нуқтасидан куз узмай ўтирар эди. У ҳеч нарса эшитмагандай қимир этмади, ўзига-ўзи гапирган каби гўлдиради:

— К-куёв кет-тгач, тўйнинг қизиғи қоладими?

— Э-э, қийиқ, мен билан олишишни сенга ким қўйибди?!

Тоживой ғилайлашиб кетаётган кўзларини базўр очиб, қаторнинг бош томонига қаради.

— Абдаз ака, с-сиз осмондан оёқ узатиб т-тушган-сиз, б-биз, ердан кў-кариб чиққанмиз... шу...дай демоқчисиз-да?

— Узингдан катта бир гап айтганда сен тилингни тийиб ўтиравер, жиян! — Абдаз ака лов этиб ўт олганича ҳали шаштидан тушмаган эди.

— Оғир-роқ гапириб-б юбор-дингизми дейман-да... — Тоживой иккала кафтини тиззасига тираб, бошини аранг тутиб турар, унинг шолғомдек қизариб кетган юзидан, сархуш кўзларидан на жаҳл, на осойишталикни уқиб бўлар эди.

— Оғир ботса менинг чакагимни очма!

— Битта гапдан қолинглар энди, — деди мўйсафидлардан бири. — Абдаз, сен тушунган одамсан-ку, ҳар қалай.

— Ана, Абдаз ака тушунган одам, биз — ғалча, юрт кўрмаган...

Шу пайт иккита меҳмон келиб, тавозе билан тўйхонага қараб юрди.

— Бу ерга тушунмаган одам йўқ, — деди ўзини оқлашга ўриниб бояга мўсафид, — омади гапни айтдим-қўйдим-да. — У ёнидаги қарияга маъноли кулимсиради.

— Биз ҳам уллат кўрган йигитмиз... Ҳа энди, Зокир акамиз озиб-езиб би-ир қиз чиқараётган эканлар, шунга... жиндек хурсандчилик қилсак... шунга...

— Жиндайлиги кўриниб турибди!

Тоживой ўтирган стул синиб кетаёзгудек беўшхов гичирлади, унинг ўзи суянчиққа тираниб ўрнидан оғир турди, стулнинг орқа оёғи ерга ботди. Тоживой Абдаз ака томон икки қадам ташлади.

— Эрталабдан хизматти жойига қўйдик, Зокир акам абитта яримта қўйдилар, шунга... Фахр билан майдаладиқ. Тортмайди, деб сустиқ қилди... Дўстинг учун... Узим оворибман, акам. Яримтангнинг кўплиги қаёққа борарди?

— Оз дейсан-у, одамлик сиёғинг қолмабди, Тожи! На гап-сузингга, на юриш-туришингга тайин бор!

Тоживой узига ўқрайиб турган Абдаз аканинг кўзларидан нигоҳини узмай унга яқинлашди. Гўё Абдаз ака кўзларидаги кўринмас бир ип билан чирмаб ўзи томон секин-секин тортиб олаётгандек, Тоживой алпанг-талпанг қилиб келди-да, унинг рўпарасида тўхтади. У ортиқча эгилганидан шундоқ ҳам чувак гавдаси баттар кичрайган, устига устак, бўйини елкалари орасига тортиб янада аянчли тус олган эди.

— Шунақами... Аб-бдаз ака, одам...лик сиёғимиз қолмабдими?... Ундан кура юзимга би-ир шапалоқ тортинг. Мана, «финг» деган номард!

Ўтирганлар уртаси, а энгил, беғараз кулги кўтарилди. Улар Тоживойни, Аб, аз акани юпатган бўлишди. Зокир амаки оғзини очмай кулди. Абдаз ака «Одамлар келиш-япти», деб меҳмон кутувчига им қоқиб, Тоживойга ишора қилди. Тимқора мўйловли киши ўрнидан туриб Тоживойга рўпара келди:

— Йўлда туриб қолибсан, ука, чеккароққа ўтгин.

Меҳмон кутувчи тезгина яқинлашди-да, Тоживойнинг билагидан чангаллаб уни боя ўтирган томонга судрагудек етаклади. Тоживой чалишиб-қоқилиб бориб жойига ўтирди. Меҳмон кутувчи шу заҳоти изига қайтиб, майин табассум билан келувчиларга юзланди.

Тоживой чўнтагини узоқ кавлади. Кавлай-кавлай эзилган папирос донасини топди. Енига ўгирилиб, бошини кўтарди — икки қадам наридаги қўшнисига қаради. У Тоживойга орқа ўгириб ўтирар эди. Тоживой кўл силтади. Костюм чўнтакларини тимирилди, сўнг ўрнидан туриб шимининг чўнтагидан гугурт олди. Биринчи чўп синди, иккинчиси чиээ этдию ўчди. Учинчиси ёнди. Тоживой оғир уфлади. Папирос тутунини чуқур-чуқур ичига тортиб, бир нуқтага тикилганича ўтираверди. Ниманидир эслади, бошини сарак-сарак қилиб чайқади. Мувозанатни йўқотмаслик учун ўрнидан секин кўзгалди. Бир-бир қадам ташлаб ўтирганлар олдидан ўтди. Улар Тоживойни жимгина уйга кетаётганга йўйиб, узларини пайқаманга олишди. Тоживой қатор бошидаги бўш стул ёнида тик турган Абдаз ака рўпарасига келиб тўхтади.

— Одамлик сиёғимиз қ-қолмадими, Абдаз ака? Қирқдан утганда-я!.. Майли! — Тоживойнинг билакдек ингичка, чўзиқ бўйни дош беролмагандай боши шилқ этиб эгилди. — Майли, битта... дилдан чиқариб... «финг» десам...

Абдаз ака тишлари орасидан кулиб чолларга, Зокир амакига, кейин Тоживойга қаради.

— Сен-чи, қийиқ, уйингга кир-да, бир уйкуни ол. Бор!

— Ия! Хо-хо! Куёвни кутмай-м-мизми? Ичиб кетаверишми! Йў-ўқ. Зокир акам биззи ҳурмат қилдиларми — сийлаш биздан. Тан бердим, Зокир ака! — Тоживой Зокир амаки томонга ўгирилаётиб оёғи чалишди. Ўзини аранг ўнглаб, боядан бери юзидан табассум аримаётган Зокир амакига жилмайди. — Келин-куёв қўша қарисин, омин! — Тоживой кафтларини юзига тортиди, кўзини очди. — Уғил-бола гап — қўша қаришсин!

— Дуо қилишни ҳам уддалайди, — деди ўтирганлардан бири.

Тоживой яна Абдаз акага юзланди:

— Куёв кевотти-ю, акам-м, мен ухлар эканманми? Унақаси кетмайди!.. Бизда ҳам қиз бор, икки ўғил бор-р... Хотиннинг мияси бутун — қудалик бўлай деяпсиз, ичини ташланг, дейди.

Шу аснода катта кўча томондан ноғоранинг тараклаши эшитилди. Болалар «Куёв кевотти! Куёв келди!», деганча ҳовлидан дувиллаб чиқишди. Тоживой ҳавасланиб, улар изидан мамнун тикилди.

Катталар ҳам жонланишди. Мўсафид меҳмон кутувчига, Зокир амакига кўрсатма берди, улар йўлакка кириб ўзларидан ёшроқларга, ёшроқлар эса ўзларидан кичикроқларга ул-бул юмушларни эслатишди.

Тоживой кучоқ очиб, йўлакдан чиқиб келган Зокир амакининг бўйнига осилди.

— Роҳатини кўринг! — деди у Зокир амакининг юзидан чўпиллатиб ўпиб. — Куёвингиз ҳам келиб қолди... Бизга ҳам ш-шунча куёвлар учрасин!

Зокир амаки «Айтганинг келсин», дея бўйини Тоживойнинг кўзларидан авайлабгина бўшатди-да, хижолатомуз кўзлари билан кимнидир излади. Ҳовлидан икки-уч нафар йигит чиқди, Тоживойга қараб аста пикирлаб ўтишди. Карнай-сурнай, доира-ноғора тор кўчани бошга кўтариб яқинлашаверди.

Зокир амакининг холи қололмаётганини кўрган мўсафидлардан бири ўрнидан туриб келди-да, Тоживойнинг билагидан тутди, унинг қулогига нимадир деб шивирлади. Тоживой қўлини силтаб тортиди, чайқалиб, гандираклади. Зокир амаки билан бояги киши «ҳой-ҳой»лаб уни суяб қолишди.

— Нарироққа олиб турадиган бирор кимса йўқми? Ҳозир ҳаммани шарманда қилади!

Қариялардан бири шу гапни айтиб улгурмай Абдаз ака шитоб билан келди-да, Тоживойнинг қайишидан чангаллаб ушлади, кўзларини янаям қисиб, унга ўқрайди.

— Қийиқ! — дея ушқирди Абдаз ака паст, лекин дўқиддао аралаш, тишлари орасидан тупук сачратиб. — нари тур, нақ майиб қилиб қўяман, бола!

Тоживойнинг енидаги мўсафид, «Майли, майли, ҳозир утамиз», деб Абдаз акани тинчлантирди-да, Тоживойни гапиришга ҳам қўймай чеккага судради. Кўча муюлишида шух-шух сакраб ўйнаётган ўспиринлар кўринди...

— Сенда гапим бор, зарур гап, — деди мўсафид Тоживойга. — Сени укам деганман-у, Тожи, менга қулоқ солмайсанми, жигар? Юргин.

Тоживой мўсафидга итоткорона эргашди, кетатуриб: «Майли, Абдаз ака майиб қилсин, майли», дер, шунинг орасида: «Сиз акамсиз», деб қистириб кўяр эди.

Куевнаварлар қариялар рўпарасида ярим давра қуриб ўйин кўрсатишди. Ноғорабазм авжига чиқди.

— Агар мени акам десанг, шу ерда туратурамиз, — деди мўсафид босиқлик билан. — Куёвлар уйга кирсин, кейин бирга жойимизга ўтираминиз.

— Хиз-мат қиламиз. Утирами-из!.. Менда ҳам қиз бор, икки ўғил бор. Эрта-индин қудалик бўламан... Хотиннинг мияси бутун...

Тоживой гапира туриб ноғоранинг ўиноқи тараклашига монанд сакрашга тушди, қўлларини кўтариб, гўё ноғорани қаршисидagi қария чалаётгандек ва мўсафид унинг қилиқларидан ҳузурланаётгандек тобора тезроқ, чаққонроқ ирғишлай бошлади.

Карнай-сурнай нағмаси ҳовлига кучди, бир оз ўтиб унга «Тўйлар муборак» уланди.

Кўча жимжит бўлиб қолди. Жойларига қайтиб ўтирган қариялар сафи энди сийрақлашган, ўрта ёшлар ичкарига киришган эди. Тоживойни орқада қолдириб қайтаётган мўсафид Зокир амакининг «Қани, бўлмайсанми?» деганини эшитиб, «Мана биз тайёр-да», дедию йўрғалаганча ўзини йўлакка урди.

Тоживойнинг назарида дунё ҳувиллаб қолди. У пешонасидаги терни сидириб, чайқала-чайқала қатор охирига яқинлашди. Уч-тўрт нафар нуроний қария охишта гаплашиб ўтирар, Зокир амаки у ёқдан-бу ёққа ўйчан юрар эди. Тоживой жойига ўтиришини ҳам, ўтирмаслигини ҳам билмади. Гудранди.

— Қирқдан ўтиб қобман-у... Қирқдан-а!.. Утиб қобман-у!.. Ов-рў шу бўлдимми?!

Ҳовлидан ўрта ёшлардаги бир киши чиқди. Зокир амакига нимадир деб орқасига қайтаётганида амаки уни тўхтади, қулогига пичирлади. У боши берк кўчага кириб қолган мўсафирдек серрайиб турган Тоживойга қаради.

— Тожи, нега қаққайиб турибсан? Қани, юр ичкарига. Ия, ўртоқ, тўйхонага кирамиз. Юр!

Тоживойнинг эти жимирлашди. Узидан бошқа Тоживой ҳам бордек ён-верига аланглади. У дарвозахона томонга йўл кўрсатиб турган одамни аниқ-тиниқ кўраётганидан тамоман ғалати, яқин-орада туймаган алланечук алфозга тушган — худди маст эмасдек, умуман мастлик ҳолати нима эканини асло билмайдигандек ҳушёр тортган, кўз олди, мияси тиниқлашганидан кўкси, бутун вужуди майин шабададан қониб ҳузурланаётгандай масрур эди.

— Нима, бегонамисан, туришингни қара, ичкарига юр, деяпман!

У киши Тоживойни кўлтиқлаб йўлакка олиб кирди. Ҳозир ҳовлида елиб-югуриб хизмат қилаётганлар, чекка-чеккада турган одамлар Тоживойга қарайди, «Қани Тожи!», деб унга илтифот кўрсатишади, «Юқорига, юқорига!», деб ҳовлининг тўрига бошлашади...

Тоживой сергакланди, кўлагининг ечилган тугмасини қадаб кўкрагини беркитди, мижғалоқ дастрўмолини олиб қизарган, тер қуйилиб келаётган юзи, бўйинини қайта-қайта артди. Қирғийникидек қайрилма бурнини ўзгалар кўзидан яширгудек энгашди-да, кўлтиқлаб олган киши кўрсатган — йўлакнинг ўнг томонидаги тор, бир қанотли эшик остонасига қадам қўйди. Тоживой энди мастлигидан эмас, балки ҳаяжондан тутилиб-тўтилиб гапирар эди:

— Бизда ҳам ов-рў бор! Бизам юрт ичида юрган, улпат кўрган йигитларданмиз, ҳа. Биззи ҳам ҳурматимиз бор, ҳ-ҳ... ҳурматимиз...

Намат устига эски, тақир кўрпача билан юпқагина ёстиқ ташлаб қўйилган тор хужрада ҳеч зоғ йўқ, у ер жимжит эди...

**Зафар
Комипов**

Бир этак пахта

*Мен деҳқон эмасман, оддий ҳашарчи,
Эгатга киргандим мағрур, мақтаниб,
Шитоб-ла терардим мен ҳам башарти,
Тердим энди ярим этак пахтани.
Мазах қилгандайин устимдан кулар
Оғзини очганча чаноқчалари.
Бармоқларимни ҳеч аямай тилар
Ғўзанинг қуруқшоқ бармоқчалари.
Бунчалар момиқсан, пахтажон,
Бунчалар қаттиқсан, пахтажон!*

*Кўллар аста-аста маромга келар,
Ғўзалар кафтида тутар бойлигин.
Этак ҳам оҳиста олтинга тўлар,
Кўриб қўй ғўзанинг хотамтойлигин.
Атиги бир пудмиш бир килоси кам:
Ночор тарозига боқдим норози:
Ахир синиб кетай деди-ку елкам
Сенга етунимча, хасис тарози!
Бунчалар енгилсан, пахтажон,
Бунча зил-замбилсан, пахтажон!*

*Мен-ку амаллардим терлаб, тирмашиб
Нозик бармоқларим чайир ғўзага.
Кимдир йўлин топди, олар алмашиб
Бир этак пахтани битта бўсага...
Бор вужудим бирдан келди титроққа,
Айтишим шарт эди, сўкинмоғим шарт:
Деҳқон ҳалол терин тўккан тупроққа*

*Ҳаром сўлагингни оқизма, номард!
Қайдасан, бормисан, пахтажон,
Шунчалар хормисан, пахтажон!*

*Пахта — пахта эмас, кўзларим нури,
Даламнинг бокира лолаларидир.
Гаровга қурирма пахтанинг шўрин,
Пахта бу деҳқоннинг болаларидир.
Яхшиям сендеклар пахтазорда оз.
Яхшиям ғўзанинг забони йўқдир.
Йўқса куйдирарди сени ул овоз,
Пахтанинг кўкси ўт, юраги чўғдир.
Оқ кўнгил, оппоқсан, пахтажон,
Беабон тупроқсан, пахтажон!*

*Мен деҳқон эмасман, оддий ҳашарчи,
Шаҳардан қошинга келган бир меҳмон.
Суйиб терарканман мен ҳам башарти,
Ўзимни пахтакор сездим, пахтажон.
Кузатар эканман сени йўлингга
Ҳар ким сени мендек кўрарми дейман.
Ушбу сўзларим ҳам, халқим, кунингга
Бир этак пахтача ярарми, дейман.
Шарафим, шонимсан, пахтажон,
Тўкилган қонимсан, пахтажон,
Ризқ-рўзим, нонимсан, пахтажон,
Юрагим, жонимсан, пахтажон,
Ўзбекистонимсан, пахтажон!*



Набижон
Боқиев

ҒЎЗАПОЯ МИНГАН БОЛА

Эртакдек ҳикоя



овлимизга кираверишда, дарвозанинг чап томонида каттакон тош бор. Узоқдан силлиқ кўринади. Яқинроқ келсангиз, бужир-бужир: кичкиналигида чечак чиққан — ўшанинг изи... Билсангиз, шу тош меники.

У знамдан бесўроқ ўйнагани кетиб қолмайди, мушуги тешик-кулчасини еб қўйган боладек аразлаб ётаверади. Жаҳлим чиқиб, тепсам ҳам индамайди... На дардини айтади, на йиғлайди! Манови кирпига ўхшаб тумтайиб олгани-чи! Дарров тошни унутаман, знам оёқ-қўлимни ювиб ўринга тиқиб қўймагунича шу кирпига термилиб ўтиравераман. Юршини кўрмоқчи бўламан-да. Игналарига помидор санчиб қўйсам ҳам, барибир — юрмайди.

— Эна, кирпининг оёғи борми?

— Бор.

— Нега бўлмаса манови юрмаяпти?

— Оёғининг панд беришини билиб турибди. Шунинг учун калласини ишлятапти.

— Ие, калласи ҳам борми?! Кўринмаяпти-ку...

— Калла кўз-кўз қилинадиган ўйинчоқ эмас, калла — ишлайди, билдинг!

— Ишлаётган бўлса, шовқини эшитилмаяпти-ю?

— Кирпининг калласи тарактирмидики, ишлаётганда шовқин чиқарса, аҳмоқ!

— Ҳа-а... эсимдан чиқибди.

Мен кампирлар даврасида кўп бўламан. Шунинг учун «тоғдан» гап бошлаб қўйиб, «боғдан» давом эттириб кетавераман. Одатда, кампирлар шунақа қилишади.

Тошимнинг эси кўп, ичи гиж-гиж ақл. Шокирнинг қари итига ўхшаб ухлагани ухлаган. Менинг эсим сал камроқ — кўп ухламайман. Шокир мендан ҳам кам ухлайди — эси йўқ ҳисоб. Тошим эслигина. Ирилламайди, суяк ташлаган кишининг оёғини ҳам яламайди. Шокирнинг ити доим шунақа қилади. Лекин, қўрқоқ. Тиқилиброқ қараб қўйсангиз — бас, дарров жуфтани ростлаб қола-

Расмин О. БОБОЖОНОВ чизган

ди... Тошимнинг устига миниб ўтиришни яхши кўраман. Шокирнинг ити эса миндирмайди, сўрининг тагига қараб қочади. Қулогидан, думидан тортиқлаб чиқармоқчи бўлсам, фингшийди, вангиллайди, ярамас.

— Итти қийнаманглар! — деб бақиради Шокирнинг энаси.

— Узи қочиб кетмасин-да. — Шокир йиғламсирайди.
— Ит эшак бўлсаки, устига минсанг! Яна мингашганинг нимаси!

— Авазининг тоши қочиб кетмай кетмайди-ку?

— У — тош, ит эмас, эшак!

— Эшак эмас, тош... — дейман хафа бўлиб.

— Эшак! Эшак ҳам эмас, қўтос! — дейди Шокирнинг энаси тутқииб.

— Қўтос эмас, тош!

— Бор-э, турқинг қурсин! Кап-катта одам билан гап талашади-я, аргиндик! Бети йўқ, уятсиз!

— Шокирингизни тошимга миндирмайман...

— Миндирмасанг миндирма, қуриб кетсин ўша тошинг! Еғи артилмаган «тириллоқ» бўлгандаям бир нави эди ордона қолгур! Тошига миндирмасмиш!.. Ана, ўзининг ити бор — миаверади.

— Қизганчиқ, қиз бола! — Энасининг ён босаётганини пайқаган Шокирвой шартта ёкамга ёпишади.

— Узинг қиз бола!

— Мана сенга!

— Ҳой, хулиган, чотиға ёпишма! Фирром!..

Олишув Шокирнинг бурни қонашию энасининг сўридан тушиб, дағдаға қилиши билан якунланади. Қочаман. Шокир ортимдан қувлайди.

— Қоч-қоқ! Ул-а, қўрқдинг-ку! — дея чапак чалади Шокир.

— Энангга айтгин, бурнингни артиб қўйсин, Тарзан!.. Узимнинг тошим яхши. Шокирнинг ити тош эмас, эшак! Эшак ҳам эмас, қўтос!

Кечга яқин Шокир келади. Энасининг қутисидан бир дўппи ёнғоқ ўмарибди. Хурсанд, оғзи қулоғида.

— Яна калтак егинг кепқолдимми?

— Аваз ўртоқ, ёнғоқ емайсанми?.. Узим чақиб бераман.

— Нега эмас эканман, сени қара-ю...

— Тошингга минди-ир...

— Майли, мингаш. Фақат белимдан ушламай ўтирасан. Биласан-ку, қитиғим бор. — Шокир ёнғоқ чақиб, мағзини менга битта-битталаб узата бошлайди. — Уртоқ қаерга ҳайдай?

— Масковга.

— Бензиним кам.

— Яна ярим дўппи олиб чиқсам-чи?

— Бир дўппи!

— Хўп, фақат бугун эмас... Ёнғоқни кўп ема, товушинг битиб қолади.

— А-а, — дея бепарво қўл силтайман, — жин ҳам урмайди, ўрганиб кетганман.

— Дўппингни бер бўлмаса, энам ухлаб ётибди, кириб опчиқай.

— Судралиб юрма тагин, кетиб қоламан-а!

— Зув этиб кираману зув этиб чиқаман.

— Кўзингни оч, қўлга тушиб қолмагин!

Шокир зум ўтмай қайтиб келди. Мамнун.

— Хўш, оғайни, тўппа-тўғри Масковга ҳайдайми ё Ҳиндистонга қўниб ўтамизми?

— Ҳиндистонда нима қиламиз?

— Ҳинд чойи керак эмасми?

— Мен чой ичмайман, қаймоқ яхши.

— Ундоқ бўлса, колхоз пермасига тушиб ўтамиз.

— Э-э... бўлмайди. Пермада сигирлар арқонсиз юрармиш, Мамир акам айтган. Сузонғичига дуч келсак борми!.. Аваз ўртоқ, тошинг бугунча от бўлақолсин, майлими? Бирам кишнагим келяптики!..

— Бўпти, қизилларнинг оти бўлади.

— Босмачиларникиям зўр: ви-и-ий!..

— Уларники дарров ўлиб қолаверади — ёмон.

— Барибир чопагон, қизиллар етолмайди.

— Этиб олишади, қочиб қаёққа ҳам боришарди! Бизни-килар пистирмада туришади-да.

— Биласанми, Аваз ўртоқ, уларнинг ичида битта кўри бор. Жуда хунук! Нукул қўрқитади.

— Қаерда кўргансан?

— Чуваланчидаги клубда.

Оқшом пайтлари энам тошимнинг ёнига чиқиб ўтиради. Биргалашиб одамларнинг даладан қайтишини томоша қиламиз.

Кимёхон деган семиз хотин бор. У мени «куёв» дейди. Бир куни чақалогининг қулогини тишлатган. Барибир қизини олмайман. Уша аёл: «Қани куёв, ўпиб қўяй-чи!.. Оҳ-оҳ, мунча ширинсан! Уяляпти. Ҳайт, бўйгинангдан холанг айлансин!», дейди нукул.

У ўпишни билмайди, ўпган жойини хўллаб қўяди. Шуям ўпиш бўлди-ю! Ибодат ая яхши ўпади: чўлп этказади, холос, тилини бетимга текизмайди. Нафасимни бўғиб, юзимни бағрига босмайди. Орқамни сийпалаб «Полвон, полвон!», деб қўяди.

Болали хотинлар ўтиб бўлгач, жуфт-жуфт бўлишиб қизлар келади. Қизлар қизиқ, доимо нималарнидир пичирлаб юришади, ашула айтишса бўлмайди! Энамнинг гапига қараганда, қиз боланинг битта «сир»и бўлармиш...

— Уста Ортиқнинг қизи бўй этиб қолди. Совчи келатгандир-а, нима дединг?

— Билмадим, эна. Чақирайми?

— Кимни?

— Умида опамни-да.

— Нимага?

— Ўзидан сўраймиз.

— Қўй-э, уялади. Шокирнинг энасидан сўраб кўрармиз.

— Бўпти. Мана, чўнтагимга кесак солиб қўяяпман, бу — уста Ортиқнинг қизига совчи келяптимикан, деганим. Эсингизда турсин!

— Эҳтиёт қил, ушаланиб кетмасин.

— Ушалмайди — шўҳак.

Энг кейин валасапидини ғийтиллатиб бригадир ўтади.

— Энам, қалайсиз? Невара катта бўляптими? Радиёл гапиряптими? Қўшнингиз замиканий қилмаяптими ишқилиб?

— Гапиряпти, гапиряпти, худога шукр!

— Яхши-яхши, гапираверсин.

Одамлар ўтиб бўлиши биланоқ олдимизга Шокирнинг энаси келади.

— Қундузбуви, неварангиз ёмон бола бўляпти, ҳар куни Шокирни уриб қолади.

— Нега урасан?

— ...

— Ўзларидан ўзлари бирдан гап талашиб қолишади.

— Шокирингиз сал бетамизроқ, битта гапдан қолса Асакаси кетадими!

— Нодон-да, нодон.

— Эси кириб қолар.

— Ишқилиб, омон бўлишсин... Худо хоҳласа, келаси йилдан мактабга боришади.

— Аваз, эшитяпсанми? Бу йилдан кейин мактабга борасан.

— Бормайман.

— Ие, мановини қаранг, бир умр шу тошни миниб ўтиб кетаман деб ўйляпти, шекилли... Борасан, ўзим қулогиндан чўзи-иб ташлаб келаман.

— Шокир ҳам боради, икковларинг гангир-гунгур қилиб юрасизлар, зерикмайсизлар.

— Мен солдат бўламан!

— Бекорларни айтибсан, раис бўласан!

— Раис бўлмайман, раис семиз-ку-у!

— Уксима, сен ҳам семириб кетасан.

— У-ў, семирмайман!

— Майли, шундай юраверасан кўкрагининг четани чиқиб, менга нима!

— Унақа деманг, Қундузбуви! Авазингиз Дамин қассоб-дек, юзидан ёғ томадиган йигит бўпкетди, мана кўрасиз!

— Қизларбуви, уста Ортиқнинг қизи бўй этиб қолибди-ми, а?

— Ҳа-я, шуни айтинг!

— Эрга бериш керак.



— Тўғри, қиз бола — бировнинг хасми.
 — Вақтида тенгига узатиб, қутулган яхши. Совчи келатгандир?
 — Қайдам.
 — Йўлдош товўқбоқарнинг ўғли Алпомишдек йигит бўпти.
 — Кўзим тушмаган.
 — Кўринг. Тошқанда дўхтирликка ўқияптиймиш.
 — А-а...
 — Эна, бошим оғрияпти.
 — Маҳалламизга битта дўхтир керак.
 — Эна, бултур мени районга олиб боргансиз-а?
 — Ана, эшитдингизми, районга боришдан қутулиб қолармидик...
 — Мен турай, Қундузбуви...
 Ниҳоят, энам мени уйга судрайди.
 — Эна, тошимни биров ўғирлаб кетмайдими?
 — Кимга керак бу сабилинг!

...Шокирни Америкага олиб кетаётган эдим (қира ҳақи — бир чўнтак туршак), кўчамиздан «Диги-Диги» бува ўтиб қолди. (Энам уни урушдан эси оғиб қайтган, дейди). Егоч оёғини дўқиллатганча келиб пешонамиздан ўпди, соқолини бурнимизга ишқаб қитиғимизни келтирди: ҳирингладик.
 — Ҳа-а, хўрозлар, нима қиялпсизлар? — деб сўради у.
 — Уйнапмиз, — дедим.
 — Диги-диги ўйнамайсизларми, жуда зўр ўйин!
 — Милтиғимиз йўқ.
 — Чакки, чакки... — У бошини сарак-сарак қилди: хафа бўлди чоғи. — Мен сизларга ўғилбола ўйин ўргатайми?
 — Ургатинг!
 — Ургатинг!
 — Ундоқ бўлса, қани отдан тушинглар-чи, полвонлар.
 — От эмас, тош, — деди Шокир.

— Самолёт-ку, аҳмог-эй! — дея жўрттага «газни кучайтирдим». — Гув-в-в... гув-в-в-в... Бува, моторни ўчираверайми?
 — Учирақол, қулоқни батанг қилдинг-ку, хумпар!
 — Гув-в-в... виқ! Учди.
 — Айтинглари-чи, қайси биринг зўр?
 Шокир менга қаради, мен унга. Иккаламиз ҳам индамадик.
 — Доим бирга ўйнаб, бирга юриб ким зўрлигини ажрим қилиб олмасизлар-да, аттанг!
 — Биз уришмаймиз.
 — Аваз менинг ўртоғим.
 — Жуда яхши! Мен сизларни уриштирмақчи эмасман.
 Кураш — ўйин, уриш эмас. Қани, белларни ушланглар.
 — Мен йиқиламан, — деди Шокир.
 — Ие, ўғил бола ҳам шундай дейдими? Ушла, маҳкам ушла, ўзим ёрдамлашиб юбораман.
 — Мен курашмайман, қитиғим бор.
 — Қиз боламисан, нима бало! Қитиғи бор эмиш...
 — Курашсак, уришиб кетамиз.
 — Бор-э, тирранчалар! Вақтимни бекорга кетказиб, сенларга ўғилбола ўйин ўргатаман деб ўтирибман-а! Айтиб қўяй, икковингдан ҳам солдат чиқмайди...
 Ҳар кунгидек, энам иккаламиз кўчада ўтирардик. Бетартиб оломон сафининг охирида бригадир келди. Валасапидини етала-аб. Балони тешилибди.
 — Қани, йигитча, пастга тушинг-чи!.. Қачон қарамай, неварангиз шетта ўтиради-я, эна?
 — Тошни яхши кўради.
 — Кимники ўзи шу? — деди бригадир тошга ўтираркан.
 — Меники!
 — Бизники, болам.

— Э! Қизиқсиз-а, эна, худди хат-хужжати бордай,
«бизники» дейсиз-а!
— Қанақа хужжат?
— Паспортга ўхшаган-да.
— Ҳеч жаҳонда тошниям паспорти бўларканми?
— Бўлиши керак, ҳатто валасапидники ҳам бор.
— Валасапитти зовутта чиқарншган.
— Во-во-во... шунинг учун ҳам тош сизники эмас.
— Кимники бўлмаса?
— Кимники бўларди, халқники-да. Тошни шийпонга
обориб кўямиз.
— Кўтариб бўпсан!
— Бу ёғини бизга кўйиб берасиз: халқнинг оғирини енгил
қиладиган техника бор.
— Бекорларни айтибсан! Буни неварам ўйнайди.
— Шийпонда темир-терсак тўлиб ётибди, марҳамат,
бориб ўйнайверсин.
— Темир-терсагинг бош-шингдан қолсин!
— Тушунсангиз-чи, мунча оми бўлмасангиз, ахир, бу
тош бизга керак, деяпман-ку!
— Кимга?
— Бизга... халққа!
— Халқ бу тошнинг устига чиқиб, қошига ўсма кўядими,
нима бало?!
— Йўғ-э! Нутқ сўзлайди, билдингиз?
— Ерда туриб гапирсанг одамлар қулоқ солмаяптими?
— Во-во-во! Топдингиз. Тўғри танқид. Ташвиқот усу-
лимни ўзгартирмоқчиман. Баланддан гапирсам...
— Гапингда туз борми ўзи?
— Бўлди-да энди, мен оғзимдан капчённий балиқнинг
ҳидини эмас, буйруқ чиқариб ўрганганман. Хўп, эртага ҳал
қиламиз.
— Бригадир кетиши билан калишини судраганча Шокирнинг
энаси келди.
— Қундузбуви, эшитдингизми, уста Ортиқ қизини эрга
бермасмиш!
— Бўрдоқига боқармикан? — деди энам жаҳли чиқиб.
— Шунақага ўхшайди... Анави нима деяпти?
— Тошни олиб кетармиш!

— Вой! Қаёққа?
— Шийпонга.
— Нимага?
— Харидор бўлиб келди. Минбар қилармиш.
— Унда гўзапояга алмаштириб юборавермадингизми,
сиздан нима кетди?
— Вой ўлай, шу нарса эсимга келмапти-я!
— Эна, алмаштирмайлик?
— Сен жим тур, қоқбош!
— Алмаштиринг, Қундузбуви! Узим ўртада тураман.
— Уддасидан чиқасизми, ахир?
— Улибманми шунинг уддасидан чиқмай! Неччи боғ
ғўзапоя керак?
— Итим билами!
— Нега билмайсиз?
— Қайдам. Ҳеч тош сотиб кўрмаганман.
— Айтаверинг, оғзингизга сиққанича айтинг! Бозор
шунақа бўлади ўзи.
— Узингиз сўрай қолинг.
— Йигирма боғ десам-чи?
— Берармикан?
— Бермаса, бошқа харидор толамиз. Бозор шунақа
бўлади, деяпман-ку.
— Бир бопланг, Қизларбуви!
— Хотиржам бўлинг...
Шундай қилиб, ҳаммаси тугади. Тош кетди. Афсус, жуда
арзон кетди-да. «Бир пақирга». Энам Шокирнинг энасидан
хафа. Шокирнинг энаси — бригадирдан, бригадир — нов-
войдан, мен эсам ҳаммадан хафаман. Чунки дулдул отим
ғўзапояга алмашиб кетди! Менинг отим, отгинам...
— Барибир, тош зўр эди. Энди у йўқ. Урнига ўн икки боғ
ғўзапоя олдик. Эсиз, гўзапоя тош эмас-да. Эшак ҳам эмас.
Шокирнинг итиям ундан яхши. Ғўзапояни миниб бўлмай-
ди... Масков бориш ҳам қолиб кетди. Уни фақат тандирга
қалаш мумкин. Тандирга қалаб, энам дўлтали кулчалар
ёпади. Нонни кўп еса, одам семиради (энамнинг гапи).
Семирса, раис бўлади (бу — менинг гапим). Уф-ф! Ахир,
солдат бўлмоқчийдим-ку! Е... Раис бўлиб қолсам-а?
Йўқ, барибир солдат бўлмоқчийдим-ку!!

Эшқобил Шукуров

*Хайрли тун, сайроқ қушларим,
Хайр, сизга, сирли дарчалар.
Ой нурига тўлинг, тушларим,
Сокин ухланг яйдоқ кўчалар.*

*Хайр сизга, омон бўлинг-эй,
Туяқушдай қотган гарамлар.
Юрагимга меҳмон бўлинг-эй,
Юрагимдан кетган санамлар.*

*Хайрли тун, кунги кулгулар,
Хижолатли хатолар, хайр.
Хув қорайган ўтовлар ичра
Қолиб кетган, оталар, хайр.*

Хайрли тун



*Бугдойзорлар куйин кашф этган
Девонаваш шамоллар, хайр.
Эрларига ўғил бахш этган
Пок париваш аёллар, хайр.*

*Далалардан насиба терган,
Қаро кўзли сингиллар, хайр.
Бугунгина муҳаббат кирган,
Ўн олти ёш кўнгиллар, хайр.*

*Хайрли тун, хилват қишлоқлар,
Ва сершовқин шаҳарлар, хайр.
Хайрли тун, тунги чироқлар,
Хайрихоҳлар, дўст-ёрлар, хайр.*

¹. «Қаёқдан билай», «билмасам» маъноларида (шева).



ГРАЖДАН БЎЛМОҒИНГ ДАРКОР...

*Семинар кунларида Ўзбекистон
ССР Ёзувчилар Союзи «Ёшлар ижодида гражданлик
ва замонавийлик» мавзуида давра гурунги
ўтказди. Унда ёзувчилардан
Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов,
Саъдулла Кароматов, Нурали Қобул,
Шомил Аядин, Вильям Александров,
шоирлардан Гулчеҳра Жўраева,
Ҳалима Худойбердиева, Йўлдош Эшбеков,
олим ва танқидчилардан Пирмат Шермуҳамедов,
Нинель Владимировна ва ёш танқидчи
Лола Содиқова ёшлар ижоди ҳақидаги
ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.
Қуйида шу давра гурунги
материалларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

Саъдулла **КАРОМАТОВ**. Партия ва ҳукуматимиз адабиёт ҳақида, ёшлар ҳақида бетиним гамхўрлик қилаётган бир пайтда ёш ижодкорларнинг, умуман, ҳар бир ижодкорнинг биринчи галдаги вазифаси ўз-ўзига талабчанликни ошириш ва яхши асарлар яратишдан иборатдир. Бугунги суҳбатимизда яхши асарларнинг энг муҳим икки хусусияти — замонавийлик ва гражданлик ҳақида, ёш ижодкорларга хос бўлган ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикрлашиб олсак мақсадга мувофиқ бўларди.

МИРМУҲСИН. Дарҳақиқат, гражданлик ва замонавийлик мавзуи энг актуал масаладир. Мен 30-йиллар шеърини билан ҳозирги шеъринимизни таққослаб, шунинг хулосага келдимки, бугунги шеъринимиз беқийс даражада юксалибди. 30-йиллар шеърини технологиясига хос бўлган примитивлик бугунги шеъринимизда йўқ деса бўлади. Аммо 30-йиллар шеърини ижтимоийлик, гражданлик руҳи кучли эди. Ҳозирги шеъринимиз шакл жиҳатдан мукамал эканлиги кишини қувонтиради. Бироқ биз шеърларимизга гражданлик, замонавийлик руҳини кўпроқ сингдирсак, бугунги шеъринимиз том маънода мукамаллик касб этган бўларди.

Вильям АЛЕКСАНДРОВ. Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи семинарда асосий эътибор бадий асар технологиясига қаратилганди. Бу жуда тушунарли ҳол эди. Чунки у пайтда ёш ижодкорлар эндигина фронтлардан қайтган, ҳаётини тажрибаси кучли бўлса ҳам, бевосита бадий адабиёт технологиясидан асосан беҳабар эдилар. Ҳозир эса агар бадий асар технологияси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ёшларимиз деярли профессионал маҳорат билан ижод қилмоқдалар. Аммо ҳар доим ҳам мана шу профессионаллик ортида ҳақиқий талант кўринмайди. Чунки ижодкор одамнинг юрагида ўти бўлмаса, фақат адабий малака билан бирор натижага эришиш қийин.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ. Тўғри, чинакам талантсиз ижодда бирор натижага эришиб бўлмайди. Лекин биз кейинги пайтда талант ҳақида кўп гапиряпмиз-у, унинг йўналиши ҳақида гапирини унутиб қўйяпмиз. Достоевскийнинг ўлими олтидан учта одам унинг олдига келиб, ҳар бири «мен талантман» деб мактанган экан. Улар кетгандан кейин Достоевский хотинига: «Талант бўлса, нима қилибди. Аввало унинг йўналиши ҳақида ўйлаш керак, ахир», — дебди. Демокриманки, талантли ёшлар ҳам, агар тўғри йўналишга эга бўлмасалар, охир-оқибатда адабиёт учун имкониятлари даражасида фойда келтира олмайдилар. Бунини, маълумки, ҳақиқий талант эди. Дунё адабиётида классиклардан бири ҳисобланган Бунин чет элда ўлими олтидан бундай деган экан: «Талант — бу ҳали ҳеч нима эмас. Мен талант эдим. Лекин заминимдан ажралдим. Она Ватанимдан ажралдим — менинг талантим йўқ бўлди.» Демак талантнинг йўналиши бўлиши ва у она Ватаннинг заминини мустаҳкам туриши керак.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА. Гап талантининг йўналиши ҳақида борар экан, Демьян Беднийнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Шоирлар ичида мен сиёсий арбобман, сиёсий арбоблар ичида мен шоирман». Менимча, ижодга худди шундай нуқтаи назардан қараш лозим, яъни ижодкор одам аввало гоёвий йўналишини аниқлаб олиши, гоё учун курашиши керак. Ҳақиқий талант аввало ўз халқининг тили, дили бўлмоғи лозим. Гражданлик деганда мен халқ номидан гапиря олишини тушунаман. Агар талант ўз халқини кўрсата олма, у ҳақиқий ижодкор эмас. Афсуски, кейинги йилларда гражданлик мавзуида яратилаётган шеърларнинг аксарияти бадий жиҳатдан пухта эмас. Бадий жиҳатдан пишиқ кўринган шеърларда эса гражданлик руҳи камроқ.

Саид АҲМАД. Бунга кўпгина ёшларимизнинг ҳаётини яхши билмасликлари сабаб. Халқнинг дилидагини айтиш учун, халқнинг ичида бўлиш керак. Мана, масалан, Нурали Қобул чўпон бўлиб, колхозчи бўлиб ишлаган. Ҳаётини чуқур ўрганган. Шунинг учун унинг асарларидан тоғнинг ҳиди келади, қўзиларнинг маъраши эшитилгандек бўлади. Баъзи бир ёш ижодкорлар, айниқса шоирларимиз эса ҳаёлий оламлар яратамиз деб ҳаётини бўлмаган воқеаларни тасвирлайдилар.

Умури олганда, фақат шеър билан яшаган одам яхши шоир бўлмайди. Ишчи оддий очеркдан, репортаждан бошлаш керак. Иложи бўлса газетада ёки нашриётларда ишлаш керак.

Саъдулла КАРОМАТОВ. Тўғри, газета мактабини уташ ижодкор учун фойдадан холи эмас. Жорж Сименондан «Қандай қилиб романист бўлиш мумкин!» — деб сўрашганда, у шундай деб жавоб берган экан: «Газетага ишлашга боринг, эликти ўрнига ўнта одам ишлайдиган газетада ишланг.»

МИРМУҲСИН. Албатта, газета ижодкор одами тарбияланади. Шеърятдаги гражданлик руҳи ҳам жуда муҳим. Шеърят адабиётининг нектари. Аммо адабиётни фақат шеърят белгиламайди. Гражданлик масаласи тилга олинганда, проза ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Катта ўзгаришларни қатрларда — шеърда акс эттириб бўлмайди. Инсоннинг серқирра, мураккаб руҳий оламини фақат прозада тўла тасвирлаш мумкин.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ. Гап прозадаги гражданлик позицияси ҳақида кетадиган бўлса, ёшлар ижодидаги айрим нуқсонларини кўз юммасдан айтишимиз керак. Масалан, сўнги йилларда ёшлар ижодида халқнинг этник қатламига мурожаат этиш кучайди. Удумларимиз ҳақида ёзила бошланди, тўйлар, улоқлар, ҳар хил маросимлар ҳақида ёзила бошланди. Бу яхши, ўша ёзувчининг миллий ҳаётга бўлган қизиқиши, миллий ҳаётни чуқур ўрганишга бўлган интилиши, ҳаётимизга хос бўлган нозик жиҳатларни қаламга олиши яхши. Лекин ижтимоий мезон, эстетик мезон, гражданлик позицияси сифатида фақат мана шу маросимларнинг тасвири билан чекланиб қоладиган бўлса, биз кўп нарса ютқазамиз. Биз ҳаётнинг мураккаблигини унутиб қўямиз. Салмоқли ижтимоий фикрларни унутиб қўйган бўламиз. Масалан, Тоғай Муроднинг чизган эпизодлари ўқувчининг кўз олдида жонли гавдаланади. У истеъдодли адиб. Аммо у шу ҳолда ижодини давом эттирса, мана шу этник маросимлар билан яна, масалан, юз асар ёзадиган бўлса, унда унинг ижоди бир ёқлама бўлиб қолади. У энди чуқур ижтимоий фикрларни ҳам ўйлаши керак.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко шундай масалани ўртага қўйди: «Совет жамятининг иқтисодий, социал ва маънавий тараққийтини янада кўпроқ узвий равишда ўзаро боғлашни таъминлаш ҳам ғоятда жуда муҳимдир. Зарур социал ва мафкуравий шарт-шароитларни яратмай туриб, экономикани сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариб бўлмайди. Худди шунингдек, иқтисодий ва социал сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворига таянмай туриб, социалистик онгни ривожлантиришнинг етук проблемаларини ҳал этиб бўлмайди.» Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, бадий асар аввало кишиларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши лозим.

Нинель ВЛАДИМИРОВА. Бу жиҳатдан ёш прозаикларимизнинг асарлари асосида адабиётимизнинг бугун қандай юксакликларга эришгани ҳақида гапирсак бўлади. Мен бунда яқин пайтларгача ҳикоячилигимизга хос бўлган ва энди сезиларли тарзда йўқолиб бораётган сентименталликни назарда тутаятганим йўқ. Муҳими шундаки, бугунги ёшлар прозаси ғоявий-эстетик жиҳатдан анча муваффақиятларга эришди. Социалистик реализм ёзувчининг маънавий позицияси юксак ва аниқ бўлишини талаб қилади. Инсон шахсига аниқ бир дунёқараш билан ёндашилмаса, уни бадийи англаш асло мумкин бўлмай қолади. Ёзувчининг ахлоқий қарашлари фақат гуманистик юксакгина бўлмай, балки тарихан конкрет ҳамдир.

Мен ёш ўзбек прозаикларининг келажаги ёрқин услубий изланишлари ҳақида бир неча оғиз гап айтмоқчиман. Ҳозир биз ёрқин бадийи индивидуалликларни, услубий алоҳидаликларни ва тематик қизиқувчанликларини таққослаш имконига эгамиз. Агар мен кейинги йилларда ҳикоя ва қиссачилигимизга янги услубий йўналишдаги санъаткорлар кириб келди десам янглишмаган бўлам.

Мен бу ерда ҳаётни ва турмуш икир-чикирларини шунчаки биллишни айтмоқчи эмасман. Биз бу ерда моҳирлик билан коста тагида нимқоса яширилганини кўриб турибмиз. Сўз ёшлар ижодида фақат ахборот воситасигина бўлиб қолмай балки маънонинг аниқ ва мукамал, асар тилининг ширали чиқишида асосий омил ҳамдир. Худди шу нарса асарнинг бадийи мукамаллигини таъминлайди. Тоғай Муроднинг асарлари ҳам аини шу томондан ибратлидир. Умуман, ҳозирги ёшлар прозасида инсон бахти проблемасига жиддий эътибор бе-

рилмоқда. Тургеневнинг «Ася» ҳикояси қаҳрамони айтгандай, бахтнинг эртаси ҳам, ўтмиши ҳам йўқ, у ўтмишни ҳам, келажакни ҳам ўйламайди, унинг бугуни бор, аниқроғи бахт фақат бир неча дақиқа давом этади.

Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги қаҳрамонлар эса бу бахтли дақиқаларни бутун умрга чўза олганлар.

Бу қисса — фожиавий ҳикоят эмас. Бу — севги ҳақидаги қўшиқ, бахт ҳақидаги қўшиқдир. Қисса қаҳрамонининг бутун умри бўйича ардоқлаб юрган аёлига бўлган муҳаббати унинг она заминга, қадрдон далаларга, чўлга, ўзи етиштирган боғга, хуллас, Ватан деб аталмиш ҳамма-ҳамма нарсага бўлган муҳаббати билан чамбарчас боғланиб кетган. Шу тарзда бу қисса Ватан ҳақида қўшиқ, Ватанга қасида деса арзийди. Мен қиссада ёзувчининг гражданлик позицияси деганда асарнинг қон-қонига сингдириб юборилган инсонпарварликини, аввало, қаҳрамонларга хос инсонпарварликини, одамийликини тушунаман.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ. Аммо айрим асарларимизда баъзи қаҳрамонлар, оддий бозордаги чоллар олимлардан ақллироқ гапларни, кибернетика ҳақидаги гапларни айтипти. Бу, энди, ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Реалист бўлиш керак. Оддий одамларга эътибор берган яхши, аини замонда ижтимоий фикрлаш, ижтимоий юк, бугунги ҳаётнинг мураккаб масалаларини ҳам унутмаслик керак. Ахир гражданлик деган тушунча ижтимоийлик деган тушунча билан боғлиқдир.

Нинель ВЛАДИМИРОВА. Тоғай Мурод, Эркин Аъзамов, Зоҳир Аълам, Маматқул Ҳазратқулов, Хайриддин Султонов каби ёш ёзувчиларнинг ҳикоя ва қиссаларида гражданлик ҳамма вақт ҳам очикдан-очик кўринмайди. Балки кўпроқ туйғуларнинг бойлиги, ранго-ранглиги, маънан барқарор қаҳрамонлар, уларнинг ҳаётни тушунишлари, ҳаётга муносабатлари, одамларга, қадрдон чўлларнинг, қишлоқ ва она заминининг ранги ва ҳидига эътиром билан муносабатларида акс этади.

Масалан, Хайриддин Султоновнинг «Бир оқшом эртаги» ҳикоясида ҳам гражданлик ва замонавийлик яланғоч ҳолда берилмаган. Бу ҳикоянинг қаҳрамони ўта таъсирчан, пенсияга чиққан, илмсиз чол. Уни яхши овозингиз бор, элга хизмат қилишингиз керак деб ишонтиришади: «...пенсадаман деб, узун кекириб ётаверманг, милтқининг ўқидек овозингиз бор экан, юртнинг хизматини қилиб туринг, кам бўлмайсиз». Қори «Маҳаллий хушовоз хонанда бўлиб қолди...» Узининг одамларга хизмат қилиши кераклигига астойдил ишонган чол ўз вазифасини виждонан бажара бошлайди. Тўйларда Муқимий, Машраб каби классикларнинг ғазалларини ашула қилиб айтиб юради ва бу ашуласи одамларга ҳам ёқиши керак деб ўйлайди.

Аммо бир кун тўйда чол жингалак сочли, нейлон кўйлак кийган бир йигит тимсолида жоҳиллик, қўрслик билан юзма-юз тўқнашади: «Бошимми қотирманг! Ашрап-машрапингиз билан ишим йўқ. Давай, бир «Лаълихон»ни тортинг, ҳа, қани шу оймача бир йўргаласин!.. Дў-ўст-т, қаддиндан!..» Бу ерда шунчаки маст одам эмас, балки ёввойи жоҳиллик, қўрслик, нодонлик билан тўқнашув тасвирланган. Ҳикоя охирида чолнинг тўйдан кетаётганда кўчага чиқиб кўксини тўлдириб нафас олиши ва «Эй, сарвиноз, гулшани боғи малоҳатингни...» деб қуйлаши бежиз эмас.

Эркин Аъзам ижоди ўз-ўзини таҳлил қилишга мойиллиги, услубий изланишлари билан ажралиб туради. Бу, хусусан, унинг «Жиян», «Кўк эшик», «Отинининг тўғилган йили» каби асарларида яққол кўринади.

Зоҳир Аълам ижоди эса ёш, ҳаётга эндигина кириб келаятган, ёшлик қизиқувчанлигини йўқотмаган, шу билан бирга воқеаларни чуқур ҳис қиладиган, таъсирчан қаҳрамонлари билан [масалан, «Икки ҳикоя», «Кийик кўзлари», «Бахтли билет»] ажралиб туради.

Умуман, ҳозирги ёшларимиз прозасида услуб бадийи акс эттириш воситаси сифатида янада узвий яхлитлик касб этмоқда. Ёшлар асарларидаги баъзан сюжетга бевосита боғланмаган ўринлар ҳам маълум бир вазифани бажариш учун хизмат қилади. Булар ҳеч бўлмаганда ширали тили, оҳанглилиги билан диққатни тортади. Масалан, Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасида бевосита сюжетга боғланмаган ўринлар ҳам бор, аммо булар ҳам асарнинг умумий муסיқаси мукамаллигини таъминловчи оҳанг кабилдир. Бу қисса ҳақида Н. Худойберганов «Дружба народов» журналида эълон қилган

мақоласида, асарнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапира туриб «қўшиқ» деган сўзни айтади. Дарҳақиқат, бу асар қўшиқдир ва яна она замин ҳақидаги қўшиқдир. Бу асарда улоқ ўйини шунчаки тасвир этилган эмас. Улоқ чўпонлар-чавандозлар ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Уларда табиатга, подага, отга муҳаббат жуда кучли. Асардаги от асосий қаҳрамонлардан биридир. Тоғай Мурод отни алоҳида меҳр билан тасвирлайди. Бу меҳр от асар қаҳрамонининг ҳаётини сақлаб қолган учунгина эмас. У от тимсолида чинакам дўстни кўради, у отнинг характери, унинг кўникмалари ва ҳатто қизиқишларини яхши билади. У отга ишонади. Толстойнинг «Холстомер»и ёки Куприннинг «Зумрад»ини эсланг. Тоғай Мурод ҳам ўз асарида мана шундай жиддий образ яратишга ҳаракат қилган.

Одил ЕҚУБОВ. Умуман, биз ёш ёзувчилардан ёрқин граждонлик руҳи билан сўғорилган асарларни дарҳол кутишимиз, талаб қилишимиз адолатдан эмасдир балки. Ўйини замонда бугун бу мавзуну ўртага ташламаслик ҳам тўғри бўлмасди. Чунки граждонлик ва замонавийлик бадний асарнинг боқийлигини таъминловчи омиллардир.

Нинель ВЛАДИМИРОВА. Шунини унутмаслик керакки, ҳар қандай жанрдаги асарда, хусусан, лирик асарларда ҳам граждонлик руҳи бўлиши мумкин ва лозим. Чунки янги жаҳият тугилиши — янги ахлоқ, кишиларнинг янгича муносабати пайдо бўлиши шу билан бирга кечаги яхши муносабатларнинг бугун ҳам сақланши демакдир. Шундай қилиб, бугунги кунимиз эртанги кун билан боғланади.

Гулчехра ЖУРАЕВА. Менимча, бошқа жанрдаги асарларга нисбатан ҳам, аввало, шеърин асарларда ижтимоийлик, граждонлик руҳи кучли бўлиши лозим. Қолаверса, халқнинг, Ватанининг, бутун ер юзининг бугунги кунини, порлоқ истиқболи ҳақида қайғурмаган шоир граждонин сифатида ҳам ҳурматга сазовор эмас. Зеро, улуг рус шоири Некрасов айтганидек, шоир бўлмаслик, мумкин, аммо граждонин бўлиш шарт. Шу ўринда мен ёш шоир Йўлдош Эшбековнинг «Йиғлаётган қиз» шеърдаги граждонлик руҳини таъкидлаб ўтгани истардим. Келинг, яхшиси шу шеърни авторнинг ўзидан эшитайлик.

Йўлдош ЭШБЕКОВ.

Бу оғир бог ичра оғир қадамлар
Ташлаб кетаётган оғиргина қиз.
Дунё кўзларингдан дунё аламлар
Томчилар ҳар бири бир улкан юлдуз.
Томчилар кўзингдан норасидалик,
Сўзга айланмаган ёниш томчилар.
Бешафқат дийдорим оғир жудоник,
Йўқотиш томчилар, топиш томчилар.
Йўқ, сени алдаган, биров алдаган,
У сени севгандир, йўқ, йўқ севмаган.
Кўксингга чиройли ўқлар қадаган,
Бировлар алдаган, биров алдаган.
Томчилар кўксингдан келаётган жуз,
Оғулар томчилар, гуллар томчилар.
Яқин хотиралар... ндрок фаромуш,
Виждонингни ўйиб урар томчилар
Виждонсиз номусли никобин қўймас,
Виждонинг ҳар дами руҳини изтироб.
Виждонсиз хатосиз кунлардан тўймас,
Виждон бу хатодан ўлғайган азоб.
Сени юпатмоққа журтат йўқ менда,
Сен менинг кечмишим, умрим бўлагин.
Фақат мен қайғулар тиларман сенга,
Каттақон қувончининг унсиз ўланин!
Алданмоқ тиларман сенга кўп марта,
Алданмоқ — дунёга назар, англамоқ.
Алданмоқ — кўз ёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,
Алданмоқ — курашга отланмоқ демак.
Йиғламоқ тиларман қайнаб йиғлагин,
Тишларингни секин қайраб йиғлагин.
Унта мард ўғлонинг бўлгунча йигла,
Юзта мард ўғлонинг бўлгунча йигла,
Мингта мард ўғлонинг бўлгунча йигла,
Паймонанг тўлгунча, тўйгунча йигла!
Улар лаззатхўрлар, қароқчилардир,
Умрлари узун, соб бўлмас эсиз.
Бу дунё аслида алдоқчилардир
Бу дунё аслида йиғлаётган қиз!
Мен сенга қўшилиб йиғлаи олмасман,
Фақат бош эгман қайғунгга сўзсиз.
Мен сенга толпиниб асло толмасман,
Мен сенга севаман, йиғлаётган қиз!

Одил ЕҚУБОВ. Биз одатда севги ҳақида ёки ҳаётда учрайдиган ҳар хил майда икир-чикирлар ҳақида ёзиб ҳам катта ёзувчи бўлиш мумкин деб ўйлаймиз. Бу фикр, умуман олганда, тўғри фикр, баъзан классикаримиз севги мавзуда ёки бизга арзимас туюлган мавзуларда ўлмас асарлар яратганликлари ҳам маълум. Аммо «Фарҳод ва Ширин», «Бой ила хизматчи», «Утган кунлар», «Жамила» каби асарлар шуниси билан бизга қадрлики, буларда интим туйғулар тасвири юксак граждонлик руҳи билан қўшилиб кетган ва бу асарлар катта ижтимоий аҳамият касб этган.

Нинель ВЛАДИМИРОВА. Шуниси қувончлики, ҳозирги ёшлар прозасида ҳам муҳаббат темаси интим характерда эмас. Балки бу тема инсонийлики, ҳаётга, бутун оламга жиддий муносабатда бўлиш, граждонликининг замонавий кўрinishи нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Қаҳрамонларнинг маънавий поклиги, неқбинлиги шунчаки эътиборини жалб этмайди, балки ўзларига ҳурмат билан қарашга, улар ҳақида ўйлашга мажбурий элади. Менимча, бу аввало уларнинг шунчалар пок қалб билан яшай олишларига, яхшиликка очик ишоншлари, бахтни кутишларига ҳурмат белгисидир.

Масалан, Х. Султоновнинг «Бир йигитнинг бахти» ҳикоясининг коллизияси бир қарашда традицион усулни эслатади: ҳикоя қаҳрамони севмаса ҳам ота-онасини аяб турмуш қуради. Илгари бундай никоҳлар мажбурий бўлар эди. Ҳикоя қаҳрамони эса ўз хоҳиши билан уйланади, аммо унинг туйғулари ҳисобга олинмайди. У гаройиб бир қизга бўлган муҳаббат орзуси билан яшайди. Буни эса у ўзи тўқиб чиқармаган, балки Хемингуэй асарларини ўқиб топган. Ҳиссиётнинг бефарқликдан, беларволикдан, эътиборсизликдан тугилиши ўзига хос оригинал ифодаланган.

Бу ерда миллий традициялар билан алоқани ҳам, аксинча, узилишни ҳам сезиш мумкин. Илгари замонда камдан-кам ҳолларда севишганлар висолга эришганлар. Аммо бу дегани, илгари ҳамма ҳам севгисиз, оилавий бахтсиз яшаган, дегани эмас. Мажбурий никоҳдан кейин ҳам севишиб қолганлар бўлган. Ҳамма гап шундаки, бу ҳикояда сентименталлик йўқ, бу ерда туйғуларнинг ранг-баранглиги, жозибадорлиги бор. Ёзувчи муҳаббат пайдо бўлаётган атмосферани кўрсата олган. Бу ҳикоя — унда тугалланма йўқ. Ҳали қаҳрамонлар тақдири ҳал бўлгани йўқ. Гап фақат келинчакнинг ўз қалб бойликларини кўрсата олганида ҳам эмас. Бу ҳикояда, асосан, муҳаббат учун муҳим бўлган нарса, яъни қаҳрамоннинг «кўзи очилиши» momenti акс эттирилган.

Лола СОДИҚОВА. Бугунги кун китобхони учун мана шундай асарлар, яъни дунёга бугунги кун кишининг кўзи билан қараб ёзилган асарлар керак. Чунки замонавийлик дегани аввало дунёга бугунги кун кишининг нигоҳи билан қараш, дунёни бугунги кун кишининг онги билан англаш демакдир.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Замонавийлик, граждонлик ҳақида мен фақат бир фикрин айтиб ўтгани истардим: бугунги кунимизга, тўғрироғи, она заминнинг бугунги кунига бефарқ қарамаслик, аини замонда, ўз тақдирини унинг келажаги билан, дунё тақдири билан боғлаш замонавий, граждонин ижодкорнинг бурчидир.

Шомил АЛЯДИН. Ижод билан шугулланувчи киши ҳеч қачон, аиниқса, ҳозирги даврда ўзининг аввало ижодкор эканини унутмаслиги лозим. Чунки ижодкорнинг тақдири кўпинча ўзи истагандай бўлмайди... Аммо ҳақиқий талант эгаси бўлган ижодкор ўз асарлари билан кўплаб одамларнинг тақдирида ўзгариш ясаши мумкин. У одамларини тўғри йўлга сафарбар қилиши ва аксинча китобий ҳаётнинг чалкаш сўқмоқларида адаштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ижодкор ўзининг тақдир яратувчи эканини бир дақиқа ҳам унутмаслиги керак. Шу маънода замонавийлик, граждонлик бевосита ижод масъулияти тушунчаси билан ҳамоҳангдир.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ. Бизнинг адабнётимиз учун ҳозир биринчи навбатда замонавий кишилар — замондошларимиз образини яратилидан муҳимроқ, зарурроқ вазифа йўқ. «Новый мир» журналининг 1982 йил 2-сонида эълон қилинган сўхбатда танқидчи Анатолий Бочаров ва Евгений Сидоров бадний асар қаҳрамони қандай бўлиши керак деган масалага алоҳида тўхталиб ўтадилар. Евгений Сидоров ижобий қаҳрамонга халқона характерни қарама-қарши қўйиш нотўғри эканини айтади. Бочаров эса халқона характер ижобий қаҳрамон тушунчасига нисбатан чуқурроқ ибора эканини, умуман, шахс

концепцияси мураккаб табиатли инсон тушунчасини ўз ичига олишини айтади.

Шу гаплардан кейин бизнинг танқидчилигимизда ҳам ижобий қаҳрамон керак эмас, мураккаб одам керак, қабилидаги фикрлар кўпроқ айтиладиган бўлди. Яқинда эса «Литературная газета» бизга ижобий қаҳрамонлар керак деган фикрни кўтариб чиқди. Хўш, қандай одам мураккаб-у, қандай одам ижобий ҳисобланади! Биз бу саволга, умуман, бу масалага бир ёқлама ёндашмаслигимиз керак. Ҳар қандай инсон ҳам мураккабдир. Биз масалага граждандлик ва замонавийлик нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, адабиётда бугунги кун кишининг тўлақонли образини яратишимиз лозим. Айни бир одамга хос бўлган ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятлар рўй-рост кўрсатилган образгина ҳаётини чиқари. Бизга фақат бир ёқлама тасвирланган образлар керак эмас. Бизга адабиётимизнинг қаддини тутадиган қаҳрамонлар керак. Бадий асар қаҳрамони, ижобий қаҳрамон ёки мураккаб одам сифатида тасвирланишдан қатъий назар, ижтимоий мазмун касб этгандагина адабиёт учун, халқ учун қадрли бўлади.

Нурали ҚОБУЛ. Бу фикр жудаям тўғри айтилди. Аммо кўпинча инсоннинг ижтимоийлик моҳияти унинг фақатгина меҳнати билан баҳоланиши тўғри эмас. Албатта, адабиётимизнинг бош темаси — меҳнат. Лекин адабиётимизнинг бугунги биринчи қаҳрамонлари бўлган пахтакорлар, чорвадорлар, ишчилар туну кун фақат иш ҳақида ўйламайдилар, балки онла, бола-чақа, рўзгор ташвиши билан ҳам яшайдилар. Бас, шундай экан, граждандлик деганда кишининг меҳнат фаолиятининга тушуниш нотўғри. Кишининг маънавий олами ҳам граждандликка кирди. Аниқроғи, адабиётдаги граждандликни — одамлар ҳақида ўйлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, уларга маънавий озуқа бериш, уларни тўғри яшашга

ўргатиш, яъни уларнинг маънавий оламини бойитиш деб тушуниш керак.

Одил ЕҚУБОВ. Бу борада ҳар бир ёзувчининг олдида, унинг зиммасида жуда катта масъулият туради. Айниқса, ҳозирги даврда, ҳар бир ижодкор бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бир пайтда, ёзувчи майда ҳою-ҳаваслардан ўзини тия олиши, ҳар бир дақиқанинг қадрига етиб ишлаши, бор имкониятларидан унумли фойдаланиши керак.

Нурали ҚОБУЛ. Асосийси ёшларга эътиборни янада кучайтириш зарур. Уларга шароит яратиб бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Тўғри, адабиётни шахслар — ҳақиқий талант эгалари яратишади. Аммо ҳақиқий талант кўпинча маънавий ёрдамга муҳтож бўлади.

Саъдулла КАРОМАТОВ. Тўғри, биз адабиётдаги граждандлик, замонавийлик ҳақида гапирганимизда, аввало ўзимиз том маънода граждан бўлишимиз кераклигини унутмаслигимиз лозим.

Умуман, ёшлар ижодидоғи граждандлик ва замонавийлик руҳи ҳақида қисқа бир сўхбатда батафсил тўхталиш қийин, албатта. Аммо бугунги сўхбатимиздан ва семинар кунлари бўлиб ўтган учрашув, муҳокамалардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги ёш ижодкорлар ўстоз ёзувчиларимиз аъналарини муносиб тарзда давом эттирмақдалар.

Семинар кунлари 60 дан зиёд ёш ёзувчи, шоир, танқидчи, драматург қатнашди. Улардан кўчилигини биз истеъдодли қаламкашлар сифатида кашф этди. Адабиётимизнинг муносиб давомчилари етишиб келаётганидан хурсандимиз. Уйлаймизки, улар бугунги сўхбатимиздан керакли хулосани чиқариб оладилар. Ўз навбатида, биз ҳам улардан замонавийлик ва юксак граждандлик руҳи билан сўғорилган асарлар кўтишга ҳақлимиз.

Мақсуда
Абдуваҳобова

Юракка сафарингиз бехатар бўлсин...



Республика ёш ижодкорларининг III анжумани ҳали номлари кўпчиликлари танқис бўлмаган Абдували Қутбиддинов, Эшқобил Шукуров, Исроил Субҳон, Фулом Фатҳиддин, Дурдона Худойбердиева, Мақсуд Бекжонов, Баҳодир Исомов, Марзия Эрдонова, Зулфия Мўминова, Ойгул Суюндиқова, Яҳё Тоғаев каби кўплаб истеъдодли шоирларни кашф этди. Улар ижодидоғи классик шеърятимиз аъналарини, халқ оғзаки ижодининг ўлмас руҳи, тарихни англаш, оламини ўзига хос образли мушоҳада этиш етакчи ўринини эгаллайди.

Абдували Қутбиддинов олам, табиат, бутун борлиқ билан уйғунлашган руҳини шеърга солади. Унинг шеърларида бизнинг баъзи шонрларимизда унут бўлиб кетаётган миллийлик руҳи ҳукмрон. Бу руҳ шеърларидаги ҳар бир сўз, ибора, ташбеҳ, образ, манзаралар асосини белгилайди. Унинг шеърларида таҳайюл кучли, фикр кўламини кенг, ишлатилмаган образлар учрайди. Абдувалининг баъзи шеърларида шарқ поэзиясининг энг асосий хусусиятлари — муסיқавийлик, сўзларнинг кўп маъноли товланишлари, шеър бадий санъатларини ранг-баранглиги мўжассам.

Бошининг чайқатиб, қўшиқ кўялайсан,
Бўронлар доирада уш чалмади.
Қўшлар тушшунг ила тиниб барган
Айтгин, туманданим иккоҳ кўялагинг.

Яхши шеърлар ҳақида гапирилганда, «сатрларидан бир сўзининг ҳам ўринини ўзгартириб бўлмайди» деган иборани кўп

эшитамиз. Бу иборанинг моҳияти яна сўзларнинг ички муносибатида келиб тақалади. Маълумки, ўзбек тили синонимларга энг бой тил. Шоир синонимлар бир хил маъно англатади деган фикрга ёпишиб сатрларда ўзи истаган сўзни ишлатавериши керак эмас. У шеърининг руҳи, қолаверса, шу сўзнинг олдида турган ёки орқасидан келаётган сўзлар билан маълум маънода ҳисоблашмоғи лозим. Шундагина, сўз, сатр ва ниҳоят шеърнинг қўрғошиндек мустаҳкамлиги вужудга келади. Абдувалининг шеърларида ана шу мустаҳкамликни кўриш мумкин.

Бухоролик ёш шоир Исроил Субҳон шеърларида тарихнинг ёруғ ва қоронғи нуқталарини объектив ифода этиш кучи мавжуд. Унинг шеърлари туйғу ва гидрокиммизни аврамайди, юракнинг оғриқ жойларига тегиб кетади. У ўтмиш бизга қолдириб кетган адабий, тарихий мероснинг буюклигини тасаввурга сиғдириб, англаб етади. Унинг идеал қаҳрамонлари Иби Сино, Рудакий, Хўжа Насриддин, Аҳмад Дониш ва бошқалар. У ўз шеърларида олис аждодларининг овозини тинглайди, нигоҳларини ҳис қилади, ўлмас меросларини зиёрат этиб, руҳини поклайди.

Булларнинг ҳаммаси илк таассуротлар жараёнида Абдували ва Исроил Субҳон шеърлари сеҳри синоатининг биз англаш улгурган айрим нуқталари холос. Уларнинг шеърлари баъзи нуқсонлардан ҳам холи эмас.

Абдували баъзи шеърларида образларни кетма-кет қалаштириб ташлайди, бунинг натижасида фикрий нотугаллик,

чўзиқлик пайдо бўлади, ўқувчи образларнинг моҳиятини тушунмай қолади. Бир шеърда шундай мисралар бор:

Мен куйган мушукнинг боласини тун,
Бадтарин чақмоқлар эмизди!
У — Момоқалдиरोқнинг қизи!

Бу мисраларнинг давомида, ёки олдидан образларнинг моҳиятини англатадиган ишора, уларни бир-бирига боғлаб турувчи ички бир занжир йўқ. Исроиел Субҳон шеърларида баъзан фикрлар яланғоч айтилади, бу нарса бадий асар қимматини оширмайди. Унинг шундай сатрлари бор:

Еввойи бўсалар тилади қалбим,
Бетоқат кишнаган одек бу лаблар.

Адабий давра, йиғинларда ҳозирги ёшлар шеърлятида ижтимоийлик, гражданлик руҳи етишмайди деган гаплар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Ҳозирги ёш шоирлардаги ижтимоийлик, гражданлик яланғоч формаларда, риторик сўзларда эмас, образли, бадий жиҳатдан етук шеърларда намоён бўляпти. Уларнинг гражданлик руҳидаги шеърлари юракдан ёзилган, самимий. Ўқувчини сўзларга, туйғуларга ишонтиради. Семинар қатнашчиси ёш шоир Жамол Сирожиддиновнинг Улуғ Ватан уруши мавзусидаги бир шеърини тўла келтираман:

Олма шохларига анни навбахор,
Болаларин осди фашистлар қатор.
Осмон тунд боқарди, чақин чақарди,
Тонггача олманнинг сочи оқарди.

Тўрт қаторда бутун бир халқнинг фожиаси образлар, манзара орқали очилган. Баҳор, гуллаган олма дарахти ва унда осилиб турган бегуноҳ гўдаклар... Бу манзара ёвузлик ҳеч қачон ғалаба қилолмаган, ҳаёт ҳамиша давом этган, деган фикрни, фашистларга бўлган чексиз бир нафратни ифода этапти. Сурхондарёлик ёш шоир Эшқобил Шўкуров «Менгим момонинг йўқлови» шеърда Ватанга, эл-юртга бўлган чексиз муҳаббатни ҳорижда кўз юмган бир ҳамқишлоғи фожиаси орқали ифодаляпти:

Гўрим ўз юрагимда,
Юракда бордир Ватан.
Қишлоқдан кийиб келган
Кўйлагим бўлсин кафан.
Вой Менгим-а, шўр Менгим.

Эшқобил «Тинчлик ҳусусида нутқ» шеърини шундай тугалляпти:

Кунлар ўтадилар осойишта.
Мен бахтнинг қиролни бўлиб чиқаман
Бахтли кун аталган намоийишга.

Ёш шоир тинчлик замонидagi ҳар бир кунни байрамга қиёс этади.

Пахтакорларга бағишланган ёшлар шеърлари қуруқ мадҳия-бозликдан йироқ, пахтакор ҳаётининг ҳамма жабҳалари бежамай кўрсатилмоқда. Уларнинг бахти, бахтсизлиги, роҳатно азоблари шеърлятимизга кириб келмоқда, бу тўла маънодаги ҳаққонийликдир. Масалан, Яҳё Тоғаевнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ғалаба райони «Коммунизм»

совхозидagi комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Турдихон Қосимовага бағишланган шеърда шундай сатрлар бор.

Пайқалнин сув босса
ҳаловатни йўқотган,
«Оқ олтин»да умрининг
тароватини толган.
Сўнгсиз хирмонларига,
тилсиз армонларига
умри қоришиб кетган,
илк шонани кўрганда,
илк кўсақ ёрилганда
кўнгли ёришиб кетган
механизатор олам,
Момодеҳқоним,
Турдихон опага
Кўллук!

Ёки, ёш шоир Зафар Комилов қуйидаги сатрларида пахтакор меҳнати сурурли ҳамда айни пайтда заҳматли эканлиги ҳақида сўзляпти:


Кўллар аста-аста маромга келар.
Ўзалар кафтида тутар бойлигини.
Этак ҳам оҳиста олтинга тўлар,
Кўриб кўй ўзанинг ҳотамтойлигини,
Атнги бир пудмиш бир килоси кам,
Ночор тарозига боқдим норози:
Ахир синиб кетай деди-ку елкам
Сенга етганимча, хасис тарози!
Бунчалар енгилсан, пахтажон,
Бунча эил-замбилсан, пахтажон!

Семинарда шеърларини муҳокамага қўйган шоирлар даражасини бир хил деб бўлмайди. Баъзи ҳаваскор шоирларнинг шеърларида сўзга эътиборсизлик, кайфиятнинг бетайинлиги, манзараларни жонсиз тасавирлаш ҳоллари учрайди. Жиззахлик ҳаваскор шоира Сайёра Тўйчиеваннинг «Баҳорни соғиниб...» шеъри шундай бошланади:

Мен соғиндим қорлар тагида,
Мудрашини энтикиб, замин.
Мен соғиндим қорлар тагида
Шивирлашини кўкратининг майин.

Наҳотки, автор мудраш билан энтикиш бошқа-бошқа ҳолат эканини англай олмаса?! Шеър худди шу тарзда давом этаверади. Унинг бошқа шеърларида ҳам шунга ўхшаш мантиқсизлик кўп учрайди. Сайёра ҳали ўз шеърини оламини, йўлини кашф эта олмаган. Бадий асарларни эълон қилишга эса шовилмаслик керак. Шоир шеърлари фақат ўзини эмас, ҳақиқий шеърни тушуниб, юракдан ҳис этувчи халқини қониқтирсагина у адабиёт оламида бирор из қолдиради. Бу гаплар фақат Сайёрагагина эмас, наманганлик Боқимирзо Умурзоқов, самарқандлик Ермамат Рустамовга, қорақалпоғистонлик Фотима Мирзабоева, ўшлик Раҳим Каримов каби қаламкашларга ҳам тааллуқли.

Қўлига қалам олган ҳар бир шоир халқ олдидан масъулият ҳис қилса, истеъдод даражасини, нималарга қодир-у нималарга кучи етмаслигини билса, қисқароқ қилиб айтганда, ўз-ўзини англаса шеърлятимиз қудратига қудрат, кучига куч қўшилган бўларди. Бу илк таассуротларим сўнггида ҳар бир истеъдодли ёш шоирга Абдували Қутбиддинов таъбири билан «Юракка сафарингиз бехатар бўлсин» деб айтгим келади.



Максим
Горький

ЕЗИШГА ҚАНДАЙ ЎРГАНДИМ



Бундан ярим аср муқаддам совет ёзувчиларининг тарихий I съезди бўлиб ўтган эди. Бу улкан анжуманда СССР Ёзувчилар Союзи тузилиб, унинг устави қабул қилинган эди. Энг муҳими, съездда социалистик реализм адабиётининг асосий принциплари, адабиётда партиявийлик, юксак гражданлик, замонавийлик, совет ёзувчиларининг ғоявий бирлиги ва ниҳоят ёш ижодкорларга ҳар тарафлама доимий ғамхўрлик қилиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Журналимиз «Адабий сабоқ», «Мутолаа», «Устозларимиз»

рубрикалари остида атоқли санъаткорларнинг ижодий тажрибалари, адабиёт ҳақидаги фикр-ўйларини

мунтазам равишда эълон қилиб келмоқда.

Бу сонда СССР Ёзувчилар Союзи ташкил этилганининг 50 йиллиги олдидан совет адабиётининг асосчиси

Алексей Максимович Горькийнинг

«Ёзишга қандай ўргандим» номли мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўйлаймизки, улғу пролетар адибининг

маҳорат сирлари билан танишув

ёш қаламкашларимиз

учун ибратли бир сабоқ бўлади.



зишга қандай ўргандим тўғрисидаги саволга жавоб бераман. Мен бевосита ҳам турмушдан, ҳам китобдан таъсирландим. Турмушдан олган таассуротларни хом-ашё билан, китобдан олган таассуротларни ярим фабрикат билан қиес қилиш

мумкин, аниқроқ бўлсин учун, кўпол қилиб айтганда, биринчи ҳолатда менинг кўз олдимда қорамол турган бўлса, иккинчиси ундан шилиниб олинган ва яхши ишланган чармдай бир нарса эди. Мен жуда кўп жиҳатдан чет эл адабиётидан, айниқса, француз адабиётидан миннатдорман.

Менинг бобом золим ва зикна эди, лекин мен Бальзакнинг «Евгения Гранде» романини ўқиб чиққанимдан кейин бобомни яхши билиб, тушуниб олдим. Евгениянинг отаси чол Гранде ҳам зикна, золим ва умуман, менинг бобомга ўхшаш эди, лекин у менинг бобомдан кўра аҳмоқроқ бўлиб, у каби қизиқ эмас эди. Француз билан таққослаганда мен ёқтирмаган рус чол — бобом анча устун келар эди. Бу ҳол менинг ўз бобомга бўлган муносабатимни ўзгартира олмади, лекин бу менинг учун катта кашфиёт эди: китоб инсонда мен кўрмаган, билмаган нарсаларимни менга исбот қилиб бериш қобилиятига эга эди...

Мен ёмон китобларни беҳисоб кўп ўқидим, лекин улар ҳам мен учун фойдали бўлиб чиқди. Турмушдаги ёмонликни ҳам яхшиликни билгандай аниқ ва пўхта билиш керак. Мумкин қадар кўпроқ нарса билиш керак. Тажриба қанчалик ранг-баранг бўлса, у кишини шунча юқори кўтарди, тушунча шунча кенгайди. Чет эл адабиёти ўзининг ажойиб бадий маҳорати билан мени ўзига мафтун этиб, жуда кўп нарсаларни таққослаб кўришга имкон берди. У, одамларни шу қадар жонли, пластик қилиб тасвирлар эдики, мен уларни жонли кишилардай ҳис этар эдим ва шу билан бирга бу одамлар менга рус кишиларига қараганда ҳаммиша активроқ бўлиб кўринар эдилар, улар камроқ гапириб, кўпроқ иш қилар эдилар.

Менинг ёзувчи бўлиб етишувимга «улкан» француз адабиёти — Стендаль, Бальзак, Флобер ҳақиқий ва чуқур тарбиявий таъсир кўрсатди. «Ҳаваскор» ёшларга бу ёзувчиларни ўқишни

жуда тавсия этардим. Булар ҳақиқатан гениал санъаткордирлар, бадий шаклнинг энг буюк ўстозларидирлар; рус адабиёти ҳали бундай санъаткорларга эга эмас. Мен уларни рус тилида ўқиганман; лекин бу ҳол французларнинг сўз санъати кучини ҳис қилиш учун менга монелик қилмади. Бирталай «бемаза» романларни ўқигандан кейин, Майн — Рид, Купер, Густав Эмар, Понсон дю-Террайл асарларидан сўнг, буюк сўз санъаткорларининг ҳикоялари менда ажойиб таассурот қолдирди.

Флобернинг «Содда юрак» асарини ҳайит кун, одамларнинг байрамдаги кайфиятларидан яшириниш учун кечқурун, саройнинг томига чиқиб олиб ўқиганим эсимда. Ҳикоя мени бутунлай ҳайратда қолдирди, гўё қулоқларим эшитмас, кўзларим кўрмас эди, ҳеч қандай қаҳрамонлик кўрсатмаган, ҳеч бир жиноят қилмаган, жуда оддий бир оқсоч хотиннинг афт-ангори баҳор байрамнинг шовқин-суронларини кўз ўнгимдан пана қилди. Оқсоч хотиннинг «кўримсиз» турмуши тўғрисида бир киши томонидан ёзилган ҳикояда бу оддий, менга таниш сўзларнинг нима учун мени бу қадар ҳаяжонлантирганни аниглаш қийин эди. Бунда киши билолмайдиган жумбоқ яширинган эди, гапларим ёлгон эмас: мен бу жумбоқ сирини сатрлар орасидан топишга уриниб, ҳалиги саҳифаларни худди ёввойи одамдай, бир неча марта ёруғликка солиб, тезтез тикилиб қарадим.

Сирли ва қонли жиноятлар тасвирланган ўнларча китоблар менга маълум эди. Лекин Стендалнинг «Италия хроникаларини ўқишим биланоқ яна ундаги гапларга тушуна олмай қоламан. У бераҳм, золимларни, қасоскор қотилларни тасвирлади, мен бўлсам, унинг ҳикояларини худди «авлиёлар тарихи»ни ўқигандай ўқийман, ёки дўзахдаги одамларнинг «азоб-уқубатлари» ҳақидаги «Биби Марям туши» қиссасини эштаётгандай бўламан.

Бальзакнинг «Сағри тери тилсим» романида банкирниқидани эфрат, унда 20 тача одамнинг бараварига гапиришгани, уларнинг тартибсиз шовқин-суронлари тасвирланган саҳифаларни ўқиган вақтимда бутунлай ҳайратда қолдим, мен уларнинг ҳар хил овозларини гўё эшитгандай бўлдим. Лекин энг муҳими шундаки, Бальзак банкирниқидани меҳмонларнинг афт-башараларини, гавдаларини тасвирламаган бўлишига қарамай, мен уларнинг овозини эшитиш билан бирга, эфратда ким ва қандай гапираётганини, одамларнинг кўзларини, илжайишлари, қилиқ ва ҳаракатларини кўриб турдим.

Бальзак ва француз ёзувчилари ижодида, умуман, одамларни сўз билан тасвирлаш, уларнинг нуқтини жонли ва эшитиларли тарзда акс эттириш санъати, диалоглардаги мукамал маҳорат ҳамиша мени ҳайратга солди. Бальзакнинг китоблари гўё мойли бўёқ билан ёзилгандай эди ва мен Рубенс картиналарини биринчи марта кўрганимда дарҳол Бальзакни хотирладим. Достоевскийнинг ажойиб китобларини ўқиб, мен унинг ҳар жиҳатдан худди шу буюк роман устасидан кўп нарса ўрганганини ҳаёлимга келтирмай тура олмайман. Гонкуровнинг қалами билан чизилган сувратдай, қуруқ, аниқ-таниқ қилиб ёзилган китоблари ҳам, Золянинг қора бўёқлар билан чизилган тунд расмлари ҳам менга ёқди. Гюго романлари мени қизиқтирмади, ҳатто «Тўқсон учинчи йил»ни мен лоқайдлик билан ўқиб чиқдим, бунинг сабаби Анатолий Франсининг «Худодлар ташна» романи билан танишиб чиққанамдан кейин менга маълум бўлди. Стендаль романларини турмушдаги кўп ҳодисаларга нафрат билан қарашни ўрганганимдан кейингина ўқиб чиқдим ва унинг осойишта нуқти, масҳараомуз киноялари менинг нафратимни жуда муштаҳамлади.

Китоблар тўғрисида айтилган шу сўзлардан кейин, ёзишни французлардан ўрганганим маълум бўлади. Бу тасодифан шундай бўлган эди, бироқ ёмон бўлмаган деб ўйлайман ва шу сабабли буюк санъаткорларни асл нусхада ўқиш ва сўз санъатини улардан ўрганиш учун француз тилини билиб олишни ёш ёзувчиларга жуда маслаҳат кўраман.

«Улкан» рус адабиёти — Гоголь, Толстой, Тургенев, Гончаров, Достоевский, Лесковни мен анча кейин ўқиб чиқдим. Лесков тилни ажойиб равишда билиши ва тил бойлиги билан менга, шубҳасиз, таъсир этди...

Чет эл ва рус адабиётининг ривожланиш тарихини билиш ҳар бир ёзувчига зарур, деган фикрни такрорлаш учун бу адабиётларнинг ўзаро алоқасини ва бир-бирига кўрсатган таъсирини қайд этиб ўтаётиман.

Мен кўрган, бошимдан кечирган, эшитган нарсаларим ичида

одамларга айтиб бериш лозим ва ҳатто зарур бўлган бирталай нарсалар борлигини йигирма ёшларимда тушуна бошладим. Мен билган ва ҳис қилган нарсаларим, баъзи жиҳатлардан бошқаларникига қараганда ўзгача бўлиб кўринди; бу эса мени ташвишлантирар, безовта қилар ва кўп гапиришга ундар эди. Ҳатто Тургеневдек сўз усталарининг китобларини ўқиб, мен базан, масалан, «Овчи мактублари»нинг қаҳрамонлари ҳақида Тургенев тасвирлаганидан бошқача қилиб ҳикоя қилишим мумкин-ку, деб ўйлар эдим. Уша йилларда мен ажойиб ҳикоячи бўлиб қолган эдим, булкачилар, «ялангоёқлар», дурадгорлар, темир йўл ишчилари, «муқаддас жойларга борувчи дарвишлар» ва умуман, мен яшаган муҳитдаги ҳамма одамлар ҳикояларимни диққат билан тинглар эдилар. Ўқиган китобларим тўғрисида ҳикоя қилиб туриб, мен нотўғри гапираётганимни, ўқиганларимни бузиб, уларга ўз тажрибамдан бирон нарса қўшиб гапираётганимни кўпинча билиб қолар эдим. Бунинг сабаби шундаки, менинг дилимда турмуш фактлари билан адабиёт яхлит бир бутун бўлиб қўшилиб кетар эди. Китоб ҳам одам каби турмуш ҳодисасидир, у ҳам одам каби гапирадиган жонли нарсасидир, одамзод томонидан яратилган ва яратилаётган буюмлардан кам бўлмаган «буюм»дир.

Зиёлилар менинг ҳикояларимни эшитар ва:

— Ёзиб кўринг! Ёзишга уннанг, — деб маслаҳат берад эдилар.

Кўп вақтда мен ўзимни худди маст кишидай сезардим, мени қийнаган ва қувонтирган нарсаларни гапириб, «ҳумордан чиқиш учун» гапонтик тутқаноғи тутгандай, ичимдан сўз тўполон билан отилиб чиқмоқчи бўлгандай бир ҳолатни кечирар эдим, «ўзимни енгиллатиш» учун ҳикоя қилишим истардим. Гоҳо шундай азоб-уқубатли пайтлар бўлардики, худди тутқаноқли одамдай, менинг «томоғимга юмалоқ бир нарсаси» тиқилиб қолар эди ва мен: ойначи Анатолий, менинг дўстим, жуда талантили йигит, агар унга ёрдам берилмаса, ҳалок бўлади; фоҳиша Тереза инсон эканлигини, унинг фоҳишалиги адолатсизлик эканини, ундан фойдаланувчи студентлар эса буни сезмаётирлар, шунингдек улар қашшоқ кампир Матица ёш, ўқимашли доя хотин Яковлевадан кўра ақллироқ эканини кўрмаётирлар, деб қичқиргим келар эди.

Мен, ҳатто яқин дўстим, студент Гурий Плетнёвдан яшириниб, Тереза, Анатолий тўғрисида; кўкламда қор ифлос сувга айланиб кўчадан булкачилар ишлайдиган подвалга оқиб тушиш учун эрмаётганлиги тўғрисида; Волга гўзал дарё экани, булкачи Кузин Иуда—хоин экани, турмуш эса, ёппасига ифлослик ва руҳни ёзувчи қайғу-ҳасрат экани тўғрисида шеърлар ёзардим.

Менга шеър ёзиш осон эди, лекин уларнинг ёмон шеърлигини билдим ва ўқувсизлигим, истеъдодсизлигим учун ўзимни койидим. Мен Пушкин, Лермонтов, Некрасовни, Кюрокиннинг Беранжедан қилган таржималарини ўқидим ва ўзимнинг бу шоирлардан ҳеч қайсисига сира ўхшамаслигимни жуда яхши билиб олдим. Проза ёзишга журъат этмадим, у шеърдан кўра қийинроққа ўхшаб кўринди. Проза жуда нозик нуқталарни кўришни, бошқалар кўрмаган нарсаларни ўткир кўз билан кўриш ва пайқаш қобилиятини, сўзларни одатдан ташқари пухта, маҳкам қилиб жойлаштиришни талаб қилар эди. Лекин барбир ўзимни прозада ҳам синаб кўришга жазм қилдим, бироқ оддий прозага кучим етмайди деб, «ритмик» проза стилини танлаб олдим. Оддий ёзишга уриниш тўғридан-тўғри кўнгилсиз ва қулгили натижаларга олиб борди. Мен ритмик проза билан «Кекса дуб қўшиғи» деган каттакан «поэма» ёздим. Янглишмасам, «Знание» деган илмий журналда босилган эволюция назарияси ҳақида баҳс этувчи «Ҳаёт гирдоб» деган мақола юзасидан бўлган ўз мулоҳазаларимни баён қилган бу ёғоч «буюм» («поэма»)ни В. Г. Короленко ўнта сўз билан то тубигача тилка-порасини чиқариб юборди.

Асаримдан «Мен мураса қилмаслик учун дунёга келдим» деган бир жумлагина хотиримда қолган ва ҳақиқатан ҳам эволюция назарияси билан сира мураса қилмаган бўлсам керак.

Лекин Короленко «ритмик» прозага бўлган қизиқиш касалидан мени тазатган эмас экан. Орадан беш йил ўтган, у менинг «Архип бобо» деган ҳикоямни мактаб, ҳикояга «аллақандай шеърга ўхшаш нарсанинг» бекорга аралаштирганимни айтди. Аввал мен унга ишонмадим, лекин уйда ҳикояни кўриб чиқиб, қўлдаги жала тасвирдан иборат бутун бошли бир

саҳифа худди ўша лаънати «ритмик» проза билан ёзилганига инониб, хафа бўлдим. Бу иллат ҳикояларимга яширинча ва ноқўя илашиб, ўзоқ вақтгача мени таъбиқ этиб юрди. Мен ҳикояларимни аллақандай оҳангдор жумлалар билан бошладим; масалан: «Ой ёғдилари наъматак шохлари ва чангал дарахтнинг ўрашма бутқоқлари орасидан ўтди» каби, кейинчалик, матбуотда «ой ёғдуларини» «ой ёғдидай» ўқилганини кўриб уялиб кетдим, «ўтди» сўзи ўринсиз ёзилган сўз эди. Иккинчи бир ҳикоямда, «извозчи чўнтаги зийидан халтача излади» жумласи бор, бу ўринда, «з-и» товушларининг қаторма-қатор келиши ўқубатли қашшоқ ҳаётга у қадар мувофиқ эмас эди. Умуман, мен «чиройли» қилиб ёзишга ҳаракат қилар эдим.

«Маст киши фонарь устунига сўяниб ўз соясига илжайиб қарар эди, сояси қимирлаб турарди», ҳолбуки, менинг сўзларимга қараганда, кечаси жимжит ойдин эди, бундай кечаларда эса фонарлар ёқилмас эди, агар шамол бўлмаса ва фонарь липилламай ёнаётган бўлса, соя қимирлаб туролмас эди. Бундай «хатолар» ва «янглишлар» ҳар бир ҳикоямда деярли учраб турар эди. Бундан қаттиқ хижолат бўлар эдим.

Мен: «денгиз кулар эди» деб ёздим ва ўзоқ вақтгача бу жумлани яхши деб юрдим. Гўзаллик орқасидан қувиб, тасвирнинг аниқ бўлишини унутиб, хато қилиб қўяр эдим, воқеа содир бўлган ўриндаги буюмларни жой-жойига қўямас эдим, одамларни нотўғри ёртар эдим.

Л. Н. Толстой, «Йигирма олти ва бир» деган ҳикоям тўғрисида гапириб: «Сизнинг печингиз жойига тушган эмас» деб даки берган эди. Маълум бўлдики, булка печкасининг олови мен тасвирлагандай ишчиларга ёруғ сочолмас экан...

Майда бўлган бундай хатолар катта аҳамиятга эгадир, чунки бундай хатолар санъат ҳақиқатини бузади. Умуман, аниқ сўзларни топиш ва уларни кам сўз билан кўп маъно аниқлашдан қилиб жойлаштириш ғоятда қийин, «чунки сўзлар сиқик, фикрлар батафсил — кенг бўлиши керак», яъни сўзлардан жонли картина яратилиши, улар образнинг асосий белгисини лўнда қилиб кўрсатиши, тасвирланадиган кишининг ҳаракати, сўзининг оқими ва оҳангини китобхон хотирасида дарҳол нақшлаб қўйиши керак. Одамлар ва буюмларни сўз билан «чаплаб ташлаш» — бошқа гап, уларни «пластик», жонли қилиб тасвирлаш — бошқа гап; Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи қаҳрамонларини кўп вақтда одам қўл билан ушлагиси келганидай, ҳар қандай тасвирда ҳам тасвирланган нарсаларни одам ушлаб кўргиси келсин.

Менга Урта минтақадаги уезд шахарининг сиртки кўринишини бир неча сўз билан ёзиб беришга тўғри келиб қолди. Бунда қуйидаги гапни тузиш мақсадида сўзларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун тахминан уч соатча ўтирдим.

«Тўлқинли текисликнинг ҳамма ёғини бир хилда йўллар қабартириб ташлаган эди ва унинг ўртасидаги олақуроқ Оқурус шахарча кенг буришиқ кафтдаги ғалати ўйинчоқ каби турар эди».

Бу ёзганларим менга яхшига ўхшаб кўринди, лекин ҳикоя босилиб чиққандан кейин маълум бўлдики, менинг тасвирим ўймакор пряникка ёки чиройли конфет қўтичасига ўхшаб қолибди...

Менинг муваффақиятсизликларим ҳаммаша шоирнинг шу аччиқ сўзларини эслашга мени мажбур этади.

«Сўз азобидан кўра кучлироқ азоб оламда йўқ». Лекин бу ҳақда А. С. Горнифельд 1927 йилда Давлат нашриёти томонидан босилиб чиққан, «Сўз азоблари» китобчасида мендан кўра яхшироқ гапириб беради.

Бу жуда яхши китобчани, «қаламқаш ўртоқларим бўлган ёшлар»га тинмай тавсия қиламан.

«Қашшоқ тилимиз совуқ ва ожиз», деб Надсон айтган бўлса керак ва тилнинг қашшоқлигиндан шикоят қилмаган шоир кам топилди.

Менимча, рус тилигина эмас, балки умуман одамзод тилининг «қашшоқлиги» борасида бўлган шикоятларга сабаб шуки, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган ҳис-туйғулар ва фикрлар ҳам бор. Горнифельднинг китобчаси худди мана шу тўғрида жуда яхшилаб гапириб беради...

Шуни эсда тутиш лозимки, тилни халқ яратади. Тилни адабий ва халқ тилига бўлиш фақат «хом» тил ва ёзувчилар томонидан

ишланган тил борлигинигина кўрсатади. Буни биринчи марта тушунган киши Пушкин бўлди, халқнинг сўз материалидан қандай фойдаланиш кераклигини, уни қандай қилиб ишлаш зарурлигини ҳам биринчи марта у кўрсатиб берди.

Санъаткор — ўз мамлакати, ўз синфининг сезги аъзоси, унинг қўлоғи, кўзи ва юрагидир. У — ўз даврининг овози. У мумкин қадар кўпроқ билиши шарт ва ўтмишни қанча билса, ҳозирги замонни шунчалик яхшироқ тушунади ва шу билан бирга, у, замонамизнинг кўп қиррали революционлиги ва замонамиз вазифаларининг кенглигини шунчалик кучли ва чуқур ҳис этади. Халқ тарихини билиш, албатта, зарур ва шунингдек, халқнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини билиш ҳам зарурдир. Олимлар [маданият тарихшунослари, этнографлар] халқнинг ижтимоий-сиёсий фикри эртаклар, афсоналар, мақоллар ва ота-боболарнинг ҳикматли сўзларида ифода-ланганлигини кўрсатиб ўтадилар. Халқ оmmasининг фикри, айниқса мақоллар ва маталларда ибратли равишда тўлалик билан ифодаланган ва бу материал билан танишиш ёш ёзувчилар учун ғоят фойдалидир, бунинг сабаби, мақоллар ва маталлар ёш ёзувчиларни сўзини тежаб-тергаб ишлатишга, нутқ сиққилигига ва образли ифодалашга жуда яхшилаб ўргатиши-дагина эмас, балки бунинг сабаби қуйидагичадир: Советлар мамлакатидега сон жиҳатидан жуда кўпчиликни ташкил этган аҳоли деҳқонлардир; тарих барча ишчилар, мешчанлар, савдогарлар, руҳонийлар, амалдорлар, дворянлар, олимлар ва санъаткорларни деҳқонлар тупроғидан яратди. Деҳқонларнинг фикри давлат черковидаги ва ундан тарқалган мазҳаблардаги черковчилар томонидан жаҳд-жадал билан парварниш қилинди. Бу фикр кўпдан бери тайёр, қотиб қолган формалар доирасида ўйлашга ўргатиб келди, мақоллар ва маталлар шундай формалардан бўлиб, уларнинг кўпи черковчиларнинг таълимларидан бошқа нарсга эмасдир...

Умуман, меҳнатқаш халқнинг бутун ҳаётини, ижтимоий-тарихий тажрибаси мақоллар ва маталларда намунали ифодаланган; ёзувчи сўзларни сиқилган муштдай ихчам ишлатиш учун ва бошқалар томонидан қаттиқ сиқиштирилган сўзларни ёзилтириб юбориш, уларда яширинган, давр вазифаларига қарама-қарши бўлган умри тугаган нарсаларни фож бўладиган даражада ёзилтириб юбориши учун мақолларни ўрганиши зарур.

Мен мақоллардан, бошқача қилиб айтганда, ҳикматли сўзлар билан фикрлаш усулидан жуда кўп нарсга ўргандим... Мақолнинг қандай яратилишига доир мана бир мисол: Нижний-Новгородда вабо тарқалди ва аллақандай бир мешчан докторларнинг касалларни ўлдираётганлари тўғрисида гап тарқата бошлади. Губернатор Баранов уни қамоққа олишга ва вабо баракига санитар қилиб ишга жўнатишга буйруқ берди. Мешчанин бир қанча вақт у ерда ишлаб, бунинг учун губернатордан гўёки миннатдор эканлигини билдирди. Баранов эса унга:

«Пешонанг бир ерга тақ этиб тегмагунча, ҳақиқатни билмайсан», деди.

Баранов кўпол, лекин ақлли киши эди, менинг фикримча, унинг шундай сўзларини айтган бўлиши мумкин. Майли, ахир бу гапни ким айтган бўлса-да, барибир эмасми!

Мана шундай жонли фикрлар устидега мен бош қотиришга ва ёзишга ўргандим. Қоровуллар, адвокатлар, «собик» ва ҳар хил ёшқа одамларнинг бошқача сўзлар либосига ўралган бундай фикрларини китоблардан топдим, шундай қилиб, турмуш ва адабиёт фактлари ўзаро бир-бирини тўлдирар эди.

Сўз усталарининг «типлар» ва характерларини қандай яратишлари тўғрисида мен юқорида гапириб ўтдим, лекин тубандаги никита қизиқ мисолни кўрсатиб ўтсам, чакки бўлмас.

Бадиий ижоднинг энг яхши маҳсулларидан бири Гётенинг «Фауст»и дарҳақиқат, «уйдирма», тўқима ёки фикрнинг образда мужассамланишидир. «Фауст»ни мен йигирма ёшимда ўқиган эдим, орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин билдимки, немис ёзувчиси Гётедан икки юз йилча илгари инглиз Кристофер Марлоу деган киши ҳам Фауст тўғрисида ёзган экан. Пан Твардовскийнинг поляк тилидаги «Хом-хатала» романи, шунингдек французий Пол Мюссеннинг «Бахт қидириб» романи ҳам «Фауст» ҳақида экан. Фауст тўғрисидаги ҳамма китобларнинг асосида шахсий бахтга етишиш ва табиат сирлари устидан, кишилар устидан ҳукмонлик қилишни орзу қилиб, шайтонга жонини сотган бир одам ҳақида ўрта асрларда айтилган афсона ётар экан. Бу афсона ҳаётни кузатишлардан ва

олтин ясашга, обихаёт ишлаб чиқаришга ҳаракат қилган ўрта аср «альхимик» олимларининг ишларидан вужудга келган эди. Бу одамлар орасида соф виждонли хаёлпарастлар, ўз мақсадини амалга оширишга жондидан берилган кишилар бор эди, лекин улар орасида фарибгарлар, алдамчилар ҳам йўқ эмас эди. Мана шундай шахсларнинг «олий ҳокимият»га етишиш учун бекорчи уринишлари, ҳатто шайтоннинг ўзи ҳам ҳамма нарсани билиб олишга ва ўлмай абадий қолишга ёрдам қила олмаган ўрта аср доктори Фауст саргузашти мисолида ҳажв қилинган эди.

Бахтсиз Фауст сиймоси билан бирга ҳамма халқларга маълум бўлган яна бир сиймо яратилди: Бу Италияда Пульчинелло, Англияда Понч, Туркияда Қорает, бизда Петрушкадир. Бу халқ кўғирчоқ комедиясининг жасур қаҳрамонидир, у ҳар кимни ва ҳамма нарсани: полиция, поплар, ҳатто шайтон ва ўлимни ҳам енгиб чиқади, ўзи эса ўлмай қолаверади. Меҳнат-каш халқ бу кўпол ва содда образда ўз хусусиятларини, оқибат пировардида ҳамма нарсани ва барча душманини енгиб чиқишга бўлган ишончини мужассамлантирди.

Бу икки мисол юқорида айтилганларни тагин бир марта тасдиқлайди: «аноним» ижодиёт, яъни аппақандай бизга номаълум одамлар ижодиёти ҳам, абстракция қонунларига, биронта ижтимоий гуруҳнинг характерли хислатларини ажратиб олиш ва конкретлаштириш, бу хислатларни ҳалиги гуруҳдаги биронта шахс қиёфасида умумлаштириш қонунларига бўйсунди. Санъаткорнинг бу қонунларга жиддий риоя қилиши «типлар» яратишда унга ёрдам беради. Шарл де-Костер фламандлик одамнинг миллий типи «Тиль Уленшпигель»ни, Ромен Роллан бургундик «Кола Брюньон»ни, Альфонс Додэ провансаллик «Тартарен»ни шундай метод билан яратди. Уткир мушоҳадага эга бўлган, нарсаларнинг бир-бирларига ўхшаши ва фарқини кўра билган тақдирдагина, фақат ўқиш, ўқиш ва ўқиш асосидагина «типик» одамларнинг ана шундай ёрқин портретларини яратиш мумкин бўлади. Аниқ билимга эга бўлмаганда тахмин, фараз қилишга тўғри келади, ҳолбуки, ўнта фаразнинг тўққизтаси хато чиқади...

Ешлар менга «Нима учун «ялангоёқлар» тўғрисида ёзган-сиз», — деб савол берадилар.

Шунинг учунки, резги мешчанлар орасида яшаб туриб, бирдан-бир интилиши одамзод қонини муттаҳамларча сўриш, қонни тийинларга айлантириш, тийинлардан сўмлар ясашдан иборат бўлган одамларни кўриб, менга хат ёзган ўн тўққиз яшар йигит сингари мен ҳам бир йилда чиққан бир мирилик мис чақалардай бир-бирига ўхшаш, росмана одамларнинг бу ифлос турмушига қарши «бўтун ғазабим билан» нафрат билдирдим...

Ялангоёқлар орасида ғалати одамлар бор эди, уларнинг кўп қилигини мен тушунмасдим, лекин менинг уларга ён босишимга сабаб шу бўлдики, улар турмушдан нолимас эдилар, «обивателлар»нинг роҳат ва фароғатли турмушини масхара-лаб, кесатиглар билан гапиришар, лекин буни ичи қоралиқдан эмас, «кўнгли хоҳласа ҳам, пуф сассиқ» қабилдан эмас, балки ёмон яшасаларда, «яхши» яшовчилардан кўра яхшироқ эканликларини англаганлари учун ифтихор билан шундай қилар эдилар.

«Собиқ одамлар» сарлавҳали асаримда тасвирланган мусофирхона эгаси Кувалдани мен биринчи мартаба қозихона судьяси Колонтаевнинг камерасида кўрган эдим. Жўлдур кийимли бу одамнинг судья сўроқларига дадил жавоб қайтаргани, полиция амалдорига, қораловчига, Кувалдадан калтак еган қовоқхона эгасига нафрат билан эътироз қилиши мени ҳайратда қолдирган. «Челкаш» ҳикоясида тасвирланган

ҳодисани менга гапириб берган одессалик ялангоёқнинг беғараз истеҳзосига ҳам мен ҳайрон қолган эдим. Бу одам билан Николай шаҳари [Херсонский] касалхонасида бирга ётган эдим. Унинг садафдай йирик, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайишини жуда яхши хотирлайман, у ўзи ишга ёллаган йигитнинг мунофиқлиги тўғрисида гапириб, «шундай қилиб, мен унга пул бериб, бор, аҳмоқ, бўтқа е дедим», — деб жилмайиб, ҳикоясини тугатган эди...

Қашшоқсимон мешчан типидagi одамларни эмас, балки «одатдан ташқари» одамларни тасвирлаш истаги тўфайли мен «ялангоёқ»ларга ихлос қўйдим. Бунда, албатта, чет эл адабиёти, аввало рус адабиётига нисбатан анча гўзал ва равшан бўлган француз адабиётининг таъсири ҳам бўлди. Лекин бу ерда, юқорида келтирилган ўн беш яшар қиз айтган «уқубатли қашшоқ ҳаёт»ни ўз «уйдирмам» билан бежаш тилаги биринчи ўринда турар эди.

Бу тилак, юқорида айтиб ўтганимдек, «романтизм» деб аталади. Баъзи танқидчилар менинг романтизмимни фалсафий идеализмнинг инъикоси деб ҳисобладилар. Менимча, бу нотўғридир.

Фалсафий идеализм бундай деб ўргатади: одамлар, ҳайвонлар ва одамзод яратган ҳамма нарсалар устида «ғоялар» ҳукмрондир, бу ғоялар уларнинг ҳаммасига бошчилик қилади; бу ғоялар одамлар яратган ҳамма нарсалар учун энг мукамал намуналар бўлиб хизмат этади ва инсон ўз фаолиятида уларга бутунлай боғлиқдир, инсоннинг барча иши ҳалиги намуналарга, «ғояларга» тақлид қилишдан иборат ва инсон, гўёки уларнинг вужудини ғира-шира ҳис қилади. Бу нуқтаи назардан, аллақерда, бизнинг устимизда, кишанлар ва ички ёниш двигатели ғояси, сил бациллалари ва тез отар милтик ғояси, қурбақа, мешчан, каламушлар ва умуман ер юзида мавжуд бўлган ва одамзод томонидан яратилган ҳамма буюмлар ғояси ҳукм суради. Бутунлай очик ва равшанки, бундан: барча ғоялар ижодчиси борлигини эътироф қилиш, нима учундир бургут ва битни, фил ва қурбақани яратувчи аллақандай мавжудотни эътироф этиш кераклиги аниқ-равшан бўлиб қолади.

Мен инсондан холи бўлган ҳеч қандай ғоя мавжуд эмас, деб ҳисоблайман, мен фақат ва ёлғиз инсонгина барча буюмлар ва барча ғоялар ижодчисидир, фақат унинг ўзи мўъжиза яратувчидир ва келажакда бутун табиат кучларининг устидан ҳукмронлик қилади, деб биламан. Бизнинг оламдаги ҳамма гўзал нарсалар меҳнат билан, одамзод кўли билан вужудга келтирилгандир. Санъат, фан, техника тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, бизнинг барча фикрларимиз, барча ғояларимиз меҳнат жараёнида туғилади. Фикр фактдан кейин туғилади. Одамзод қаршисида шунинг учун «бош эгаман»ки, дунёда унинг ақл-фаросати, унинг тасаввури, унинг ўйлаб топган фикрларининг мужассамидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худо ҳам, масалан, «суратнашлик» каби, одамзод ўйлаб топган нарсадир, фақат фарқи шундаки, «фотография» ҳақиқатан бор нарсанинг суратини чизади, худо эса инсоннинг ўзи тўғрисидаги, энг билимдон, энг қудратли, энг адолатли бўлишни хоҳловчи ва бўла олувчи мавжудот ҳақидаги уйдирмаларининг суратидир.

Агар «муқаддас» нарса ҳақида гапниш керак бўлса, фақат инсоннинг ўз ишидан қониқмаслиги ва ҳозиргидан кўра яхшироқ бўлишга интилиши муқаддасдир; унинг ўзи яратган, ҳар қандай турмуш ифлосликларига қарши нафрати муқаддасдир, ер юзидаги ҳасада, очкўзлик, жиноятлар, кассаликлар, урушларни ва одамлар орасидаги ҳар қанақа душманликларни йўқ қилиш тилаги муқаддасдир, инсоннинг меҳнати муқаддасдир.

¹ Биз бу ижодиётни «халқиники» дейишга ҳақлимиз, чунки у хунармандларнинг байрам кунларида сахнага қўйиш учун хунармандлик устaxonаларида вужудга келган бўлиши мумкин.



Манзура Эгамбердиева

Баҳор

Хонам узра сузиб юрар майин ҳаво,
Деразамдан ҳовуч-ҳовуч нур тўқар ой.
Куртакларнинг лабларида сирли наво,
Новдалардан мўралайди ажиб чирой.

Тонг саҳарда ойнам чертар ўрик шохи,
Кўз-кўз қилиб ҳарир пушти кўйлагини.
Изларимни қўмсаб яшил майсажонлар
Бир-бир босиб келар уйим йўлагини.



Хаёлларинг

Хаёлларинг беғубор, танги,
Ҳижронларнинг бағрин ўяди.
Висол дея нигоҳларимни
Суратингга боғлаб қўяди.

Хаёлларинг содиқ, фидокор —
Кўймайди ўз ҳолимга ташлаб.
Ёлғизликда қолмасин дея
Соғинчларни келади бошлаб.

Хаёлларинг ғамхўр, меҳрибон —
Иўлатмайди гумон, қайғуни.
Ёмон тушлар кўрмасин дея
Кўзларимдан қувар уйқуни.

Баҳорим бўл

Саховат бобида баҳордан ортиқ
Нима бор баҳордан мафтункор, гўзал?
Хатто қабристонга чечаклар сочиб,
Маъюс қабрларга ўқир у газал.

Мен ҳали тирикман, қўлимда гулим —
Келгил, сен баҳор бўл, севгилим.

Садоқатнинг асл маъноси битта,
Асрий қонун — буза олмаймиз уни.
Ҳақдир балки: ўзин ҳалок этармиш
Оққуш ўз жуфтидан айрилган кун.
Ҳали тугамади парвозим — йўлим,
Келгил, оққушим бўл, севгилим.

Дунёнинг ғамини енгиллат бир оз,
Гирдини босмасин «оҳ»дан туманлар.
Менсиз ҳам дунёда жуда кўп ахир
Сенсиз бахтли бўла олмайдиганлар.

Ҳамон сенга томон чўзилган қўлим —
Келгил, сен бахтим бўл, севгилим.



Мен тан олган ҳақиқат

Мана, қошимдасан сен яна,
Равшан тортар кўзларим гўё.
Соғинчларим қилар тантана,
Шодлигимга кўмилар дунё.

Борлигимни қамрар тотли ҳис,
Кечмишимнинг барин унутдим.
Бу дунёда фақат иккимиз...
Кўлларингни маҳкамроқ тутдим.


Қафтимдаги сенинг қўлларинг,
Демак, сенинг йўқлигинг ёлғон.
Мендан айри тушган йўлларинг,
Мендан айри ўйларинг ёлғон.

Демак, ёлғон барча изтироб,
Кўнглимга кин, араз тўлгани.
Юлиб ташлаб қалбимни шитоб,
Сени унутмоқчи бўлганим.

Қайтмас бўлиб кетганинг ёлғон,
Ўзгаларни ёр деб билганинг.
Ёлғон, ёлғон, барчаси ёлғон —
Ҳақиқатдир фақат келганинг!



Муҳаммад
Раҳмон



Еқубжон
Хўжамбердиев

Шоирсиз мамлакат

Шоир ўлди!
Қхмерлар ўлкасин сўнги шоири¹
ҳалок бўлди!

Диёрлар бор
ёғмайдиган қор,
диёрлар бор дарёсиз, тоғсиз.
Шоирсиз мамлакат борлигин аммо
ҳали ҳеч ким эшитмаганди:
Курраи арз харитасида
шоири йўқ юрт пайдо бўлди —
шоир ўлди!

Тўрт миллион ўз ватандошининг
бошига етган
қонхўр Пол Пот — қийшққўз Гитлер
қувонсин, майли.
Тўйдан олдин ногора қоқсин.
Ҳукм чиқармоққа шошилмаймиз биз!
Ҳаммаси олдинда,
олдинда чунки.
Чунки туғилади фақат,
шоир ўлмайди!
Халқ омон бўлса, бас.
Ватан, деган,
Ҳақ,
Эрк, деган халқ,
Мустабидга йўл берк, деган халқ
омон бўлсин —
шоир туғилади!
...Озод Ватанининг озод даласи.
Шоли ўтоқ қилар бола букилиб.
Шу қадар озгин у,
Сувга ботган оёқчалари билан
қўшпоя шолига ўхшар ўзи ҳам.
Ана,
кўзи унинг қамашиб кетди
ҳалқоб билан чайқалган нурдан!
Ана,
у қиқирлаб кула бошлади:
— Ойи, ойи, бўёққа келинг,
Кувёш ҳам шоликор!
Кувёш ҳам сув кечиб юрибди!..
Нима деган эдим сизга:
ш о и р т у г и л д и !

¹ Кампучияда ҳозир шоир зоти йўқ. Уларнинг ҳаммаси Пол Пот режими даврида қирилиб кетган.

...Боланинг ғазаби энг қадимий
исёнларга фарзанд.

ХАЛҚ СУЗИ

Болани алдашди, болалик қилиб
Ҳар сафар алдоққа кўниб юрди у.
Ой чиққан тунмиди, ёруғ кунмиди
дарё деб ишониб, югуриб-елиб
ариқчага алданганин кўрди у.

Сўнг йиғлади, ғазаб билан
йиғлади.
Мурғак қалбга алам бўлди оғир
юк.

Шу юк билан йигитликни йўқлади,
Ариқчага оқиб кетди болалик...

* * *

Дейдиларки,
Қалдирғочлар тарк этса уйни
Демак ёнғин эҳтимоли бор...
Қалдирғочлар... қайга кетдингиз.

Дейдиларки,
Чумолилар кетса дамбадан
Демак, тошқин эҳтимоли бор...
Чумолилар... қайда қолдингиз,
Хавф солади тошқин дам-бадам,
Лоқайдликнинг тошқини...

* * *

Қадамингда бахт келтиргансан,
Сочларингда орзу-хаёлин.
Сезмай қолдим бахтим экансан,
Сезмай қолдим сендек аёлни.

Тутқич бермай ўтмоқда умр,
Сочларингда бугун оқ хаёл...
Кетиб қолма, сен ёнимда тур,
Кетиб қолма, бокира аёл.



Луи
Арагон

Луи Арагон — француз шоири ва романисти, машҳур «Коммунистлар» эпопеясининг авторидир. Арагоннинг «Ҳақиқий ўлим», «Бланш ёки Уйғониш» каби романлари совет китобхонларига яхши таниш. Унинг «Юракка санчилди яна тиғ», «Кўз ва хотира», «Менинг карвонларим», «Тугалланмаган роман», «Эльза» ҳамда «Эльза ва Мажнун» каби шеърий асарлари жаҳон классик адабиёти хазинасидан жой олган.

Л. Арагон жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Халқаро Ленин мукофотига сазовор бўлган. Шунингдек, «Октябрь Революцияси» ҳамда «Халқлар дўстлиги» орденлари билан ҳам тақдирланган.

Адибнинг «Ҳақиқат ва бўҳтон» тўпламига кирган «Айғоқчи» ҳикояси озодлик учун курашнинг жонли бир лавҳасидир.

АЙҒОҚЧИ

ҲИКОЯ

Русчадан МУЗАФФАР таржимаси



Нима бало, оғзинга талқон солганмисан?!

Уни аямай калтаклашди. Тинмай, бетўхтов калтаклашди.

Инспектор Беллем ҳам маҳбуснинг даҳанига мушт туширди.

— Хўш, гапирасанми, йўқми?!

Ундан садо чиқавермагач, инспектор оғир хўрсиниб қўйди. «Улай агар, бунинг жони тошдан. Одам эмас, ҳайвон! Наҳотки, ярамасдан бирорта сўзни суғуриб ололмаса?! Бошлиқларнинг: «Инспектор ишлашни билмайди», деб кесатиши-чи!»

— Йўқотинглар! — Қутурган инспектор асирга устки кийимини улоқтирди.

Маҳбус кийинаётган пайтда назоратчилар унинг қўлтиғидан суяб туришди. Чунки у оёқда туролмас, бутун бадани мўматалоқ бўлиб кетган, абгор бир аҳволда эди...

Қаҳвахона. Инспектор пивони хуш кўрмайдиганлар учун шакар қўшиб тайёрланадиган шарбатдан симираар экан:

— Бурнимдан тортса йиқилгудек аҳволдаман, — дея ёнида ўтирган улфатига нолиди.

Ҳамкасби лоқайдлик билан бошини силкитиб қўйди. — Бунақа ишда кайфиятни кўтариш учун қиттак-қиттак бериб туришлари керак.

...Камера тор бўлишига қарамай, панжарали дарчадан тушаётган нур зах шифтга сингиб, хонани тузукроқ ёритмас эди. Эҳтимол оқшом чўкаётгандир... Нигоҳи ҳожатжойга тушди. Эмаклар бора олишга кўзи етмади. Унинг қопқоғини тиши билан кўтара олармикан? Занжирбанд қўлларининг ёзолмайсан, сирқираётган баданингни силаёлмайсан. Уриндан туриб юриш-ку ўлимдан қийин...

Қамоқхона маҳбуслар билан тўлиб-тошган. Аммо унга алоҳида «илтифот» кўрсатилган: камерада бир ўзи ёлғиз. Худди мана шу шароит унинг кўнглига озгина таскин берди.

Ахир, жиноятчи... ё бирор айғоқчи билан ўтириб қолишдан қаттиқ чўчиган эди. Назарида, унинг ёнига айғоқчи қўйиладигандек, бундан ортиқ хавфнинг бўлиши ҳам мумкин эмасдек.

Намиққан похол боғламлари устида тўлганар, хас-чўпларнинг учлари баданига ништардек санчилар эди. Устига-устак, терининг шикастланган жойлари иссиқдан ачишиб азоб берарди. Похол орасида ҳар хил қумурсқа фимирлар, пашшалар гув-гув елиб баданга кўнар, маҳбус эса оғир-оғир қимирлаб қўяр эди.

У баҳорда чиқадиган май кўнғизини эслади. Оғир, семиз кўнғиз елкаси билан ағанаб тушса, оёқларини бетўхтов ҳаракатлантирар, сира ўнглана олмас эди. Энди кўнғизнинг куни унинг бошига тушган. Баҳор қандай яхши! Гуллаган дарахлардан таралаётган хушбўй хид... Қоронғи, зах авахтада ўшани кўмсаш...

Хона ниҳоятда ифлос, нафас олиш азоб эди. Похол қипиқлари ярамас қумурсқалар мисол вужуд-вужудини ғажийди... «Мен ҳеч нарса демадим...» У фақат шу жумлани такрорлар, бу жумла унга далда берар эди. Кўкарган лаблари четида қон қотган. Дарғазаб инспекторнинг иши бу. Синган тишларини тили билан пайпасларкан, ўткир ва шўр таъми туйди.

«Мен ҳеч нарса демадим...»

Вақти-вақти билан назоратчи эшикни очиб, «Нон», «Почта» ёки «Жимлик!», деб қўяр эди. Баъзан ғазоби жунбушга келганда темир эшикни муштраб қолар эди-да. Албатта, бу ҳол уни калтаклашгунгача бўлган... Унга ҳамроҳ керак эди. Кимлигидан қатъи назар — пучқми, авсарми, чулчитми; у бир оғиз сўз эшитишга муҳтож. Ҳатто назоратчи кўп бор такрорлайдиган, чанг каби ҳавога сингиб кетгувчи «Жимлик!» сўзини эшитишга муштоқ эди... Энди у занжирбанд. Энди унга мушкул. «Жимлик!...» «Мен ҳеч нарса демадим!...»

«Почта». Аммо, бу сўз унга айтилмади.
«Нон». Ерда ярим бурда қотган нон ётибди. Ҳатто кружкада сув ҳам бор, аммо уни олиш ҳожатжойга судралиб боришдан ҳам оғирроқ. Бўйинини чўзиб, кружкани олишни чамалаб кўрди. Сувни тўкмасдан олиши керак. Ерилган лабларию томоғи ташналикдан қақраб кетган. Эрталабгача, назоратчи эшикни очгунга қадар чидашга мажбур. Ҳозир эса ярим тун. Одатда худди мана шу паллада қамоқхонада ҳаёт жонланар эди.

Деворлар тушунарсиз тилда суҳбатлаша бошлайди; ҳар томондан эшитилаётган бир меъёрдаги бўғиқ тиқирлаш ва зарблар «маъно»сини у аллақачон ўқиб олиши лозим эди. Деворнинг бир томони билан иккинчи томони савол-жавоб қилади. Мана шу палланинг умидсизликдан толиққан, занжирбанд киши учун кундалик азобга айланишини тасаввур қилиш... Қўшни камерада яшовчи маҳбус жавоб беришларидан умидвор бўлиб бир меъёрда деворни тақиллатар эди. Маҳбус деворни боши билан уриб бўлса ҳам жавоб беришни истайди. Аммо бунақа «тил»нинг сирини билмайди. Қолаверса, номаълум дўстига ўзининг ҳозирча ҳаётлигини маълум қилишга ҳам ожиз. Камералардан эшитилаётган жўр овозли кўшиқ қарахт бошида элас-элас акс садо берарди, холос. Ҳатто, овозлардан бирор маъно илғаб олишга ҳам бардоши етмасди.

Унга сукунат ёқадими ёки маҳбуслар «суҳбати»нинг деворларни тешиб юборгудек янграшими — ўзи ҳам биллолмас эди. Морзе алифбосини билмаган ҳолда мўъжаз радиочани қулоққа жо қилиб, денгиз фалокатига учраган кеманинг «ту-ту-ту»сини эшитаётган киши каби тишларини ғичирлатар, кўзларини юмар, аммо қулоқларини берки-тишга қурби етмас эди. Балки унинг иситмаси баланддир. Агар иситма бундан ҳам кучлироқ бўлганда уни касалхонага ўтказишармиди? Аммо, у касалхонага ўтказишларини ўйламаса ҳам бўлади. «Ҳечқиси йўқ, иситмадан ҳали ҳеч ким ўлмаган!», деб жавоб қилишади унга. Қулоқлари остида кўнғироқлар жаранглади. Девор ортидан заиф, лекин боягидек қатъиятли тиқир-тиқирлар ҳамон эшитилар эди.

«Э худойим-эй, булар бунча кўп гаплашмасал!»

Тун ўзининг рутубати билан уни баттар эзарди.

«Мен ҳеч нарса айтмадим!.. Мен ҳеч нарса айтмадим!..»

Гувиллаётган пашшалар бўйнига, лабига қўнганда яғир от каби ҳуркиб-ҳуркиб тушар эди. Ошқозони чидаб бўлмайдиган даражада ачишарди. Курагида бошланган оғриқ баттар азоб берди: иситма кучайди чоғи.

«Мен ҳеч нарса айтмадим...» Лекин бу сеҳрли жумла ўзининг маънавий кучини йўқотган, унинг хаёлида беихтиёр, маънисиз бир тарзда такрорланарди, холос. «Мен ҳеч нарса...» Юмуқ қовоқлар остида турли рангдаги кўланкалар гоҳ чақнаб, гоҳ хиралашиб, ноаниқ соялар айланар эди. Кимнингдир чеҳраси, кимнингдир лаблари, бежо кўзлари... Қора булут қопланган осмондаги манзарамикан? Қушлар макони, товуқлар, қўноқлар... Улжага ташланган тўр каби тун уни қуршаб олган эди.

Тушунарсиз шовқиндан, баданини тилаётган оғриқдан уйғониб кетди. Камера ҳамон қоронғи. Зулмат қўйнида аллақандай шарпани, беқарор нурнинг жилвасини илғади. Бу нур кузатувчининг фонаридан таралаётганмикан? Ҳушини йиғиб олмасидан эшик қарсиллаб ёпилди. Лекин камерада кимдир қолган эди. Маҳбус бунингдан ўтган кишининг шимидан сезди. Номаълум кимса унинг теварагида ўралашарди. Сурилди, қоқинди. Оёқлари нимага тегди? Биров нафас оляпти. «Бу ерда кимдир бор!» Иккисидан бири шундай деди: «Бу ерда кимдир бор?»

Улар танишишга шошилишмади. Маҳбус ёнига одам қўйилганини сезгани ҳамон сергакланди.

Айғоқчи. Бу албатта айғоқчи! Шак-шубҳасиз айғоқчи. «Мен унга ҳеч нарса демайман!» У оғир тўлғанди, инграб қўйди. Янги «меҳмон» эса, сўз қотди:

— Умидсизликка тушмайлик. Бу ер роҳатжон экан-ку! Келинг, танишайлик: Голье, Жозеф Голье...

Ҳа, кулгили, нима дейишингни ҳам билмайсан. У қандай экан — новчами, паканами ё озгинми, семизми? Барибир айғоқчи.

Янги келган киши кружкани қидириб топди-да, сув тутди.

— Иситмангиз бор-ку, қария.



Гавдаси кўринмаётган қўллар сенга сув тутса ғалати бўлар экан.

...Жирканч камерада оппоқ тонгни қаршилаш — бахтсизликнинг энг мудҳиш палласи. Биринчи маҳбус ёнбошлаб, бегонага — айғоқчига қаради. Турқи совуқ. Озгин баданга ҳалпиллаган кийим, кўзлари бежо, каламушникка ўхшайди. Ҳа, у ташқи кўриниши билан ёқимсиз таассурот қолдирарди.

— Улар сизни уришдими? — деб сўради янги келган маҳбус.

— Нима, ўхшамаяптими?

Бир-бирларига кўникиб улгурмасларидан темир эшик қарсиллаб очилди. Уларнинг ёнига баланд бўйли, сочлари ўсиқ, пешонасининг ўртаси тиртиқ учинчи бир кимсани киритишди. Камерадаги икковининг ҳам хаёлидан бир ўй кечди: «Мана буниси ҳақиқатан айғоқчи бўлса керак!»

Бадбўй хона наинки уч кишига, балки бир кишига ҳам торлик қиларди. Энди навбати билан ухлашга тўғри келди. Оёқ-қўллари кишанланган, калтакланган биринчи маҳбус похол тўшакни орзу қилмаса ҳам бўлади. Уларнинг орасида Жозеф Голье сергапроқ чиқиб қолди. Биринчи маҳбус тишларини гирра қилиб ётар, ўзини ёмон ҳис қилгани учунми ёки гапирса тилини тишлаб олишдан кўрққаниданми... ишқилиб сукут сақлар эди.

Барзанги — Дюпоншель бу ерга англашилмовчилик билан тушиб қолганини дўстона қилди.

Пашшаларнинг дови юришди, чунки энди уларга бир эмас, уч кимса емиш.

— Пуфф-эй, намунча сассиқ! — дея бурнини жийирди Жозеф. — Бунчалик бадбўй хид бўлиши мумкинлигига ишонгинг ҳам келмайди!

— Янглишиб, дейсанми? Қандай қилиб янглишиб мумкин? Ватанпарварлигинг чин бўлса, англашилмовчилик тўғрисида гап бўлиши мумкинми?

Бундай жойда тун куннинг ҳисобини йўқотиб қўясан. Тақсимчада шўрва ўрнига бериладиган ёвгон, икки суткага мўлжалланган бир бурда нон. Ҳолатжойини тозалаш ва шунга ўхшаш майда-чуйда юмушлар вақтни ўтказиш учун эрмак бўлмайди.

Аста-секин улар ўртасидаги суҳбат қовуша бошлади. Олдинги икки маҳбуснинг мясига айғоқчи ҳақидаги хаёл ўрнашиб олган, шу тўғрисида улар тилга унча эрк беришмас эди. Жозеф — монтер, Дюпоншель — кушхонада фармоначи экан. Биринчи маҳбус суҳбатга қўшилмаётганлиги учун унинг касб-кори, хизмат жойини билишолмади. Сўзларидан, ўзини тутишдан зиёли эканлиги кўриниб турарди. Қирқ ёшлардаги, оқ-сарикдан келган, юпка лаб, миқтигина пашшага таланаётган бу абгор кимсанинг авахтадан ташқарида нималарга қодир эканини билиш мушкул. Унинг сокол-мўйлови ҳақдан ташқари ўсиб кетган эди. Бугун эрталаб қўллари кишандан бўшатилди. Жандармерия ходимлари ундан бирор-бир гап чиқишдан умидларини узишган. Наинки ходимлар, ҳатто Жозеф билан Дюпоншель ҳам унга бирор гап қотишга чоғланишмади.

— Мен ҳеч нарса айтмадим, мен ҳеч нарса демадим! — дея такрорлар эди биринчи маҳбус иягига ёпишиб қолган қонни артар экан.

Унинг исми Андре Менар эканинигина билиб олишди, холос.

Учови ҳам ўзларининг сиёсий маҳбус эканликларини инкор этишмас эди. Балки, бу ҳамхоналарнинг бир-бирига сир бой бермаслик учундир? Бунақа ишларда ҳақиқатнинг тагига етиш — айтишгагина осон!

— Майор Арнонинг боши омонлигини билганимда эди, жонимни ҳам аямасдим! — деди Дюпоншель камерага кирган заҳоти.

— Голье ҳам гўдак эмас, уч ҳафта бурун ҳибсга олинган Майор Арно раҳбарлигидаги яширин армия орасида ҳали ҳам мавқеи баланд унинг. — Голье бепарво оҳангда Дюпоншельни гапга солишдан эринмасди.

Ярадор маҳбус эса уларнинг суҳбатига парво қилмас, баданидаги оғриқ янада зўрайган эди. «Шайтон ургур, айғоқчи! Мунча гўл бўлмас!»

Голье ярадор маҳбус билан куйиб-пишиб суҳбатлашар, барзанги эса пачакилашиб ўтирмас, оғзига келганини тап-тортмай айтаверар эди. Енингдагиларнинг қайси ташкилотга

мансублигини билиб олиш қандай яхши!.. Жозеф ҳазил-ҳузул, ҳийла-найранг билан тилдан илантиришга уринар эди: ёнидаги айғоқчи бўлса-чи? Балки Жозефнинг ўзи айғоқчидир?

— Адвокат танлашга имконинг бўлмаганидан кейин... — деди Дюпоншель тўсатдан. — Топилгани билан унга тезроқ юзлаштирадилар ҳам гўрга эди.

Уша куннинг эртасига Дюпоншельни адвокати чақиртирди.

— Омадинг бор экан! — дейишди унга.

— Ахир уни ўзим танлаганим йўқ-ку!

Менар иккиси ҳоли қолишганда Жозеф комил ишонч билан:

— Айёр йигит... Икки гапнинг бирида партияга мансублигини писанда қилади. Ишончимизни қозонмоқчи, — деди.

Менар миқ этмади. Айни паллада хаёлан «Барзанги Дюпоншель айғоқчиси ё Жозефми?..» деган жумбоққа жавоб изларди. «Балки Жозеф ҳам бирор нарсанинг ҳидини олишга уринаётгандир?..»

— Адвокатим мен билан учрашолмади, — деди Менар. — Чунки авахтада ёлғиз эдим.

Жозеф шу бир оғиз гапнинг мағзини чақди чоғи, бошқа ҳеч нарса сўрамади.

Барзанги айғоқчи ёки айғоқчи эмаслигидан қатъи назар, ҳар ҳолда, мана шу кунлар ичида ўзини анча олдириб қўйди. Унинг тоифасидаги йигитлар кўринишдан йўрғадек гижинглаб туради-ю, кутилмаганда попуғи пасайиб, шаштидан қайтиб қолади. Афтидан, бу хонадаги тартиб унинг мизожига тўғри келмади. Қасалга чалинди. Камерадаги халожони соатлаб банд қиладиган ҳунар чиқарди. Жозеф эса уни бетўхтов калака қиларди. Кулгили-да, ахир...

Дюпоншель врачга учрашиб пушаймон еди. Қамоқдаги бир минг икки юздан ортиқ маҳбуснинг мингтаси бетоблигидан врач қабулига уч кунда зўрга кириш мумкин эди. Менар юра олмагани учун Дюпоншель врачни камерага таклиф этган эди, у: «Дуч келган маҳбусни бориб кўравермайман, ишдан ҳайдалишни истамайман!», деб жавоб қилибди.

Жозефни ҳам бадбўй хид қийнай бошлади. Уч кишининг бир қарич жойда яшаши кун сайин оғирлашарди. Эрталаб сассикдан бурунлари битиб, нафас олишлари қийинлашиб қолар эди.

Адвокат Дюпоншельни яна чақирганида Жозеф:

— Кимда ким ҳақдан ташқари сурбетлик қилса, у ҳақлигини ҳеч қачон исботлай олмайди, — деди.

Бунақа ортиқча куончакликнинг нафи борми? Камерага кўпчиликнинг диққатини жалб қилмоқчиси бу? Врачлар, адвокатлар... уларнинг ҳаммаси тўнка!

Дюпоншель камерага янада сергапроқ бўлиб қайтиди. Гўё унинг ҳимоячиси маҳбусларнинг аянчли тақдирига ачинаётган эмиш. Буни эшитиб Жозефнинг тагин жазавасти тутди.

— Ҳе, ўша ҳимоячинини!.. Нима бало, жинни бўлиб қолдингми?! Бизга бирор егулик беришларини сўрамабсанда!

Ташқаридан лоақал майда-чуйда олишга рухсат берганларида эди! Очликдан ўлаётгани-ку! Ҳеч бўлмаса бир чимдим тамаки нима деган гап? Менар ҳибсга олингандан буён бир марта посилка олган. Бунга ҳам неча замонлар бўлиб кетди.

— Бунга ҳаққимиз бор! — деди Дюпоншель кўкрагига муштлаб.

— «Ҳаққимиз бор!» — Жозеф тўсатдан хахолаб юборди. — Ҳозир ичгим узилиб уламан! Ҳаққимиз бор, ҳаққимиз йўқ... Сенга хотинингнинг туғунчасини берган тақдирда ҳам уларга раҳмат дейсан, вассалом!

Ҳақиқатан ҳам улар очликдан ўлаётгани эди. Яна похол қипиқлари баданга ёпишиб, асабларини чертгани-чи!

Эшик бемаҳал шарақлаб очилди. Қорамғиздан келган янги назоратчи камерага кирди. Унинг ортидан бўлар бўлмасга бурнини қашлайверадиган озгин, новча йигит мўралади. Бу ташрифдан фойда чиқишига ҳеч кимнинг ақли етмас эди. Новча йигит ҳаммани ҳайратга солиб тўсатдан ғазабга минди. Унинг бу қилигидан ҳатто назоратчи ҳам ҳайрон қолди. Новча йигит Жозефнинг қўлини кафтига олиб, бармоқларининг орасини очиб кўрди:

— Ахир бунга қичма тошибди-ку! Бунисига ҳам...

Дюпоншель ўзини босолмай қўли эмас, ошқозони оғриётганини тушунтиришга шошилди.

— Мен сизга «қичима» деяпман!

Майли, унга шу хуш ёқса, қичима бўла қолсин. Новча йигит ҳақиқий доктор эди. У пашшани елпий-елпий учинчи маҳбус устига энгашди.

— Уят! Шармандалик! — деди у охириги товушларга урғу бериб. — Уят, шармандалик!

Бу сўзлар ҳаммадан кўра Жозефни ҳайратга солди. Назоратчи эса, бу «сассик ярамаслар»дан доим озодликка риоя қилиш кераклигини қатъий талаб қилиб келганини тушунтиришга тутинди.

— Жим бўлинг! Уят, шармандалик! Француз... Французлар шу аҳволга тушса-я!

Ана холос! Доктор назоратчини тузлади-ку!

Жозеф докторнинг сўзларини эринмай такрорлай бошлади:

— Уят, шармандалик! Уят, шармандалик!

Уша куни учовини шалағи чиқиб кетган панжарали машинада шаҳар ташқарисидаги касалхонага келтиришди. Қамоқ госпитали беморлар билан тўлган. Эндиликда ҳатто хусусий касалхона ҳам госпиталга айлантирилган эди. Қачонлардир улар учови ҳам эркинликда эди, озодлик учун кураш олиб боришган эди, эҳтимол, шу боис, ҳозир уларсиз курашаётган беҳаловат шаҳар бўйлаб ўтаётганларида вужудларини алланечук ғалати туйғу қамраб олди.

Госпиталнинг хоналари катта бўлса-да, ўта эскича — шифти паст эди. Урушгача бу ерда заводларда меҳнат қилган социал-таъминот қарамоғидаги ишчиларни даволашган. Касалхона турма ихтиёрига берилгандан кейин мутлақо ўзгариб кетибди. Фаррошу ҳамширалар назоратчилар кузатуви остида ишлар, палаталарда тун бўйи кук чироқ ёқиб қўйилар, алаҳсиб уйғониб кетган беморлар турма зулматидан кейин шу чироққа термилишар эди.

Касалхонага йўлланма берган врач ўша кунийёқ уларни бориб кўрди. Учаласи ёнма-ён ётишарди. Жозеф каравотини «камсуқум жаноб»га (энди у Менарни шундай деб агарди) яқинроқ суриб олган. Иккови ҳам айғоқчидан хавотирланишар эди. Дюпоншель эса ҳамон эзмалик қилади:

— Жозеф, айт-чи, Майор Арно тўғрисида ҳеч нарса эшитмадингми? Айтишларича, уни қаттиқ калтаклашибди.

Арзимаган қичима баҳонасида маҳбусларни касалхонада ушлаб туришганига ақл бовар қилмас эди. Бош ҳамшира шу гапни врачга айтиб балого қолди. Бу врач ҳақиқий эркак экан. Унга қолса, бутун турмани касалхонага кўчиришдан ҳам тоймайди! У жанжаллашишдан тап тортмас, ҳар гапида турмада тиф авж олганини таъкидлар эди. Ким билсин, балки ҳақиқатан ҳам шундайдир. Қолаверса, учови унинг доимий назоратида эди.

Инспектор Беллем Менарни сўроқ қилиши кераклигини айтганида департамент бош инспектори, яъни, даволаш ишлари бўйича префектор ҳисобланган врач:

— Мутлақо мумкин эмас, билдингизми! Бу ерда мен хўжайин, сиз эмас! — дея кескин жавоб қилди ва уни болохонадор сўзлар билан сийлади.

Беморлар маза қилиб кулишди. Ҳатто сўроққа чақирилиши лозим бўлган, «камсуқум жаноб»нинг ҳам чеҳрасида илк бор кулги жилава қилди. Саросимага тушган инспектор Беллем, оёғини қўлга олиб қочиб қолди.

Докторнинг ғазаби ҳамон босилмаган эди.

— Мен сизни вазифангиздан четлаштираман! Энди бундай ишларга чек қўйиш пайти келди. Уят! Шармандалик! Уят, шармандалик!

Доктор билан инспектор кетишгандан кейин уларнинг ўрталарида шу қадар аҳиллик пайдо бўлдики, ҳатто ичларида айғоқчи борлигини ҳам унутишди.

— Қизиқ, — деди Дюпоншель, — майор Арнонинг аҳволи нечук экан!..

Палатага сукунат чўкди. Жозеф Менарга сезилар-сезилмас имо қилди. Менар энди боғлоглиқ қўлларини букиб, бемалол ўтира олар эди. «Шошмай тур, озодликка чиқиб олайлик, айғоқчининг бошида ёнғоқ чақамиз!», дегандек бошини тебратди.

Ҳамширалар келиб, дори тарқата бошлашди.

— Албатта, бу ҳол узоқ чўзилмайди, — деди Жозеф. — Тез орада, азизларим, бизларни уй-уйимизга элиб қўйишади. Ҳамма нарсанинг чегараси бор, ахир. Тўғри, касалхона таомини шоҳона деб бўлмайди, аммо, ҳар ҳолда, чидаса бўлади: қарамли ёвғон, ҳатто бир марта картошка ҳам беришди-ку!

Касалхонанинг умумий палатаси турмадаги каталакдан ўн чандон катта. Бу ерда икки гапнинг бирида фалончи майорни биласанми, писмадончи полковникни кўрганман, деб сўрашдан нарига ўтмайдиган ҳамхоналардан бошқа сўхбатдошларинг ҳам бор... Оҳ, азизим! Бу ернинг ҳожатхонаси уйингдигидан қўлишмайди, дарчасидан ҳатто осмонни кўришинг мумкин. Иигитларнинг айтишича, операция хонасига олиб бориладиган йўлакдан юриш Менарга насиб этмабди. Чунки уни операция хонасига олиб боришмади. Яна айтишдики, у ердаги деразадан бутун шаҳарни томоша қилиш мумкин экан. Қоқ ўртасидан дарё ўтган улкан шаҳар, яъни, туну кун маҳбусларнинг хаёлини банд этган шаҳарнинг одамлари, уйлари, амалга ошираётган ишларию кўчалардан ўтаётган тўқ кўкиш мундирдаги солдатларнинг мотам маршини кузатиб турган сафдошларинг, бир сўз билан айтганда, вужудидан матонат, қатъият ва жасорат балқиб турган одамларни бағрига олган шаҳарни кўрасан!

Вақти-вақти билан узоқлардан портлаш садолари келиб турар, беморлар ўринларидан бош кўтариб бир-бирларидан (ҳатто эшикдан мўралаган назоратчилар ҳам) паст овозда: «Эшитдингми, нимадир портади?», деб сўраб қўйишар эди...

Ҳаммаси маромида кетаётган эди. Аммо... эрталаб кутилмаганда катталар келишди. Бири граждонча, иккиси ҳарбий кийимда. Ҳарбийлар касалхонага қуролларини ўқталиб киришди. Назоратчи ва ҳамширалар эсанкираб қолишди. Кимдир префект имзо чеккан ордерни ёки бошқа бирорта ҳужжатни кўрсатишларини талаб қилди. Аммо немислар тўппончаларини ўқталиб:

— Мана сизга ордер! — дейишди.

Граждонча кийимдаги киши чинқириб, «Гестапо!», дея назоратчиларнинг қаршиликка гарво ҳам қилмай, ҳамширалардан бирига учта маҳбус ётган палатага бошлашни буюрди.

— Қани, тез кийинишин!

Голье Жозефни биринчи бўлиб турғизишди. Монеълик қилмоқчи эди, солдатлардан бири унинг биқинига тўппонча ниқтади. Айғоқчи Дюпоншелнинг эса, келиштириб орқасига тепишди. Ҳаммадан ҳам Менарни кўпроқ қийнашди.

— Менар, Андре, тезроқ кийин!

У ҳали оёқда туролмас, яралари яхши битмаган эди. Фрицлар Менарни ҳалтаб турғизишди: «Тезроқ! Тезроқ!» Ҳамма мум тишлаб қолди. Гестапо офицери Жозеф билан Дюпоншелга Менарнинг қўлтигидан тутиб палатадан олиб чиқишларини буюрди.

«Ишлар чатоқ», дея ўйлади Жозеф ва айғоқчига кинояли боқди. Бечорага ҳам қийин бўлди: немислар ким айғоқчию ким айғоқчи эмаслигини суриштириб ўтиришмайди. Жозеф атрофга аланглар эди. Ҳамширалардан бири рўмолчасига кўз ёшларини артиб ачиниш билан термилиб турар, назоратчилар эса саррайиб қолишган эди.

Касалхонадан чиққанларида чарақлаган офтоб нурларидан Жозефнинг кўзлари қамашиб кетди.

Уйларнинг томи, пастликда оқаётган дарё кумуш нурга чулганган. Узоқда завод трубаларидан тўтун чиқмоқда; бериди ям-яшил хиёбон ястаниб ётибди. Уфқда эса эртақлардаги саройлардек оппоқ уйлар кўнка бўй чўзган. Трамвайлар шовқини қулоққа чалинади, кўчалар гавжум — кун чошгоҳга келган. Оҳ, ҳамма нарса эркин! Дўстлари ҳам эркинликда, улар ҳамон курашмоқдалар...

Ҳаёлга берилган Жозеф дўстини тутиб қолишга улгуролмади, у қоқиниб кетди. Гестапочи немисчалаб сўкинди. Шу пайт Дюпоншель Менарнинг қулоғига:

— Узингизни бардам тутинг, бардам тутинг, майор! — дея оҳиста шивирлади.

Буни эшитиб Жозеф ҳайратга тушди. Лекин у фавқулодда бу ҳолнинг маънисига тушунмади. Уларни шошилиш равишда ВН тамғали полиция машинасига чиқаришди. Улар билан тўрт соқчи ҳам чиқиб ўтирди. Машина

касалхонани ярим айлаиб ўтгач, бурилди. «Қара, биз ўннга қайрилдик. Демак, шаҳарга кетмаяпмиз!»

Гестапочи оғир хўрсиниб олган «камсуқум жаноб»га қаради:

— Менар, бизни кечиринг! Кўп азоб чекмадингизми? «Нималар бўляпти?!»

«Айғоқчи» эса тинмай хахоларди:

— Майор Арнони сўраган вақтимдаги башаранг ҳамон кўз олдимдан нари кетмаяпти, менинг бечора Жозефим... Қалай, Морис, мен бериб турган маълумотлар тўғри чиқдимми? Шу кишининг майорлигини бошида ўзим ҳам аниқ билмаган эдим... Кейин эса, доктор келиб ҳақиқатан ҳам бу жаноб майор эканини айтди... Доктор ишбилармон йигит экан!

Граждан кийимидаги киши тасдиқ маъносида бош силкиди.

— Сизлар докторга миннатдорчилик билдинглар — операцияни қойилмақом қилиб ўтказди. Адвокат ҳам зўр иш берди... Эҳ, едимдан чиқишига оз қолибди-ку, сенга хат бор. Хотинингдан... Нега хўмрайиб олдинг, Голье? Уқи, йиғламасанг бўлгани!

Албатта, Голье кўз ёш қилмоқчи эмасди. Лекин, боши маъсум эгилди.

«Морис, Морис... бу йигитни қаердадир кўрганман!» Майор Арно оҳистагина:

— Биласизми... мен уларга ҳеч нарса айтмадим, — деди. Тўсатдан Жозеф қийқириб юборди.

— Ҳа, албатта... Уттиз иккинчи йилда, В.нинг томорқасида... Ахир, бу — Торо-ку, танидим!..

Граждан кийимидаги киши эса унга жавобан: — Сенга исмимини «Морис» деб айтишяпти-ку, ахир! Шунча йилдан бери партиядасан-у, фаҳминг усмаганига ҳайронман!

Машина дала йўлидан борар эди. Жозефнинг ёнидаги солдат «Марсельеза» оҳангида хуштак чала бошлади.

— Шуниси етишмай турувди! — дея Морис тўсатдан қичқириб юборди. Юзлари қизарди. Кейин бирдан чунтак кавлай бошлади.

— Нима гап?

— Ваҳ, шунақа оvsарманми? Менга нима бўлди ўзи, унутибман-ку, ахир!

Ҳамма таъвишга тушди.

— Айтсанг-чи, нима гап?

Морис хиёл кулиб:

— Тўхта-чи. Ҳа, мана у! Сигаретам! — деди.



«Суратга оляпмиз!»



Байрам намойишида.

Р. АЛЬБЕКОВ фотолари



Абдулла
Орипов

МАНГУЛИК ҚАДАР ТЕРАН



Гениал зотлар ер юзида ҳамиша пайдо бўлмаганликлари сабабли уларнинг номлари кўпинча афсоналар билан чулганган бўлади. Чиндан ҳам даҳо санъаткорлар табнат мўъжизаси, ноёб ижтимоий ҳодисалар сирасига кирадилар.

Яқиндагина инсониятнинг ана шундай фарзандларидан бири Михаил Шолохов оламдан кўз юмди. Тирикликни тагин бир улуг зот тарк этди. Михаил Шолоховнинг вафоти кейинги асрда рус адабиёти учун Лев Толстой ва Максим Горькийдан сўнг энг оғир йўқотишдир.

Михаил Шолохов ижодининг оламшумул аҳамияти нимадан иборат! Маълумки, муҳолифларимиз социалистик реализм методига ҳужум қилишиб: «Бу метод ҳар қандай истеъдодни чеклаб қўяди, ёзувчини қатъий қолипларга мажбуран тикиштиради», — деб ҳисоблайдилар. Уларнинг даъвосига кўра, бу ўринда батафсил, ҳаққоний реализм партиявийлик талабларига номувофиқ келиб қолиши мумкин эмиш. Бу каби даъволарга улуг санъаткорнинг ўзи қатъий зарба бериб: «...Биз қалб амри билан ёзамиз, қалбимиз эса партияникидир», — деган эди. Михаил Шолохов асарларини, айниқса, унинг «Тинч Дон» эпопеясини ўқир экансиз, шафқатсиз ва буюк ҳақиқат олдида, ёзувчининг бетакрор услуби қошида таломан ҳайратда қоласиз. Шолоховнинг маҳорати шундаки, у муаллиф «мен»идан воз кечиб, холис кузатувчи сифатида ёзади. У қаҳрамонларнинг дарду ҳасратларини, қувончу иштиёқларини қандайдир талаблар нуқтаи назаридан атайлаб тўкиб чиқармайди ёхуд қаҳрамонларнинг ҳолатига қўшилиб ўз кайфиятини намоён қилавермайди. Бу услуб жаҳон адабиётида энг ноёб тажрибадир. Ана шу тарзда Михаил Шолохов мамлакатимизда янги тузум қай йўсинда барпо бўлганини, бу тузум учун бўлган курашнинг бутун тафсилотлари ва мураккаблиklarини тасвирлаб берди. Ҳа, Шолохов ҳаётни айнан тасвирлади, асло баён қилиб бергани йўқ. Шолоховнинг реалист ёзувчи сифатидаги, коммунист гражданд сифатидаги беқисс жасорати мана шундадир.

Михаил Шолохов ижодиётига ҳурмат ундан ибрат олиш билан белгиланмоғи керак. Гениал адибнинг ижодий мактабидан сабоқ олишни орзу қилган ҳар қандай ёзувчи бу мактабда ихлос билан тер тўкиб ўқимоғи лозим, Михаил Шолохов маҳоратининг энг назик сирларидан воқиф бўлишга интиломоғи керак. Михаил Шолоховнинг ижодий умри абадиёт каби чексиз, мангулик қадар терандир.

«...Урушга қарши ёзувчининг қўлида жаҳонда энг қудратли ёлғиз биргина қуро — ҳақиқат бор. Умидсизликка тушмай кураш олиб бормоқ учун шунинг ўзи етарли. Бунинг устига агарда барча тинчликсевар кишилар ва шулар қаторида қудратли сўз соҳиблари мана шу бош масалага ўзларининг бутун ақлу идроклари, виждон ва истеъдодларини бахшида этсалар, кураш муваффақият қозонади...»

Ҳали кеч бўлмасдан тирикликни ҳимоя қилайлик!»

Бу ёниқ хитоб Михаил Шолоховнинг сўнги сўзи бўлди...

Шолохов сабоқларидан бири...



Асримизнинг буюк ёзувчиси Михаил Шолохов ижоди билангина эмас, балки ҳаёти — яшаш тарзи билан ҳам биз учун улғу намуна бўлиб қолди. Аслида, ёзувчининг ҳаётидан ижодини, ижодидан ҳаётини ажратиш бўлмайди.

Лекин, Шолохов деганда ҳам, унинг тап-тайёр китоблари кўз олдимишга келади. Хўп, ана, сурати ҳам ёдда қолган бўлсин.

Ахир, ана шу асарлар ана шу суратдаги инсон томонидан яратилган-ку! Бу инсон уларни қандай қилиб яратган, бу йўлда нима машаққатлар тортган! Қийналган, қувонган! Ахир, бунни ўрганишнинг ўзи бутун бошли бир фан, шолоховшunosликнинг асосларидан бири. Шундай экан, сиз адабнинг барча асарларини севиб ўқигансиз, улардаги маҳорат сирларини таҳлилчи олимлар китобларидан ҳам ўқиб олиш мумкин ва уни ўзингиз учун кашф этиш, ундан ўзингизча сабоқлар олишингиз мумкин, деган ўйда... ёзувчининг бир жиҳати, ўша — ҳаёт тарзига диққатингизни бир оз жалб этмоқчиман. Бир оз...

Шу «бир оз» мулоҳаза юритиш, бунинг учун баъзи архив маълумотларига кўз ташлашга Шолохов вафотидан кейин, унинг: «Жасадим Дон бўйига қўйилсин», деган васиятини эшитгандан кейин тўғилган ажабтоғур бир савол сабаб бўлди. «Қизиқ-а, Шолохов Донда тўғилди, Дон бўйида яшади. Донда...»

Қизиқ!

Адабиёт тарихида истисно ҳол — бу.

Хўш, нега у шундай қилди!

Шу хулосага келдим: буюк адабнинг бу тарз ҳаёт кечиршида унинг ўзига хос ҲАЁТ ВА ИЖОД ФАЛСАФАСИ яширин.

Яширин эмас-э, яққол кўриниб турибди.

...Шолоховнинг фазилатлари ҳаддан кўп. Унинг қазоси муносабати билан кўпгина машҳур ёзувчилар матбуотда қайғу ва чуқур ҳурмат билан мақолалар ёзиб чиқишди. Ва, ажаб, ҳаммаси ҳам буюк адабнинг бир фазилатини алоҳида қайд қилишди: «ШОЛОХОВ РОСТҒҲЙ ЁЗУВЧИ ЭДИ!»

Кўп сиёсий романлар муаллифи А. Чаковский эса, «Литературная газета»да эълон қилган мақоласида бундай деди: «ШОЛОХОВ УМРИДА БИР ОҒИЗ ҲАМ ЕЛҒОН СУЗ ЁЗМАДИ».

«Тинч Дон» романини биласиз. Унинг бош қаҳрамони — Григорий Мелехов. [Асар эпопея дейилгани учун унинг бош қаҳрамони — халқ дейилади. Гап бу тўғрида эмас.] Григорий Мелехов қандай одам!

Иккиланувчи... На «оқ», на «қора». Аросатда. Асар охиригача шундай боради.

Шолохов бу образнинг моҳияти тўғрисида [1929 йилда] «Роман-газета» ўқувчилари билан учрашувда шундай деган эди: «Кўп ўртоқлар «Тинч Дон»нинг асосий қаҳрамони Григорий Мелехов нима учун «иккиланувчи» деб савол беришди. Менинг ақидамча, Григорий Мелехов — Дондаги ўртақол казакларнинг ўзига хос рамзидир. Донда кечган граждандар уруши тарихи, унинг жараёнларини биладиган кишиларга аёнки, 1920 йилга — иккиланишлар барҳам еганга қадар битта Григорий Мелехов эмас... ўнлаб Григорий Мелеховлар иккиланиб юришган эди. Григорий ҳаётда қандоқ бўлса, ўз ҳолича олиб тасвирлади. ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТДАН ЧЕКИНМАДИМ...»

Шолохов эслатган саволлар «Тинч Дон»нинг ilk жилдлари эълон қилиниши ҳамон тўғрига бошлаган эди.

...Кейин, ёзувчига маслаҳат бергувчилар чиқди: «Қанийди, кейинги китобингизда Григорий Мелехов қизил аскар бўлса! Ахир, тушунасиз-ку, граждандар урушининг қаҳрамони — қизил аскар.»

Кейин, талаблар чиқа бошлади: «Асар охирида Григорий Мелехов албатта қизил аскарлар тарафига ўтиши, қизил аскар бўлиши керак. Ҳаётнинг табиий оқими шунга тақозо қилади!»

Шолохов буларнинг барчасига вазминлик билан жавоб берарди: «МЕН ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИДАН ЧЕКИНМАЙМАН». Ёш Шолоховни бадном қилиш учун синфий душманларга «гап» топилиб қолади.

«Шолохов оқгвардиячини бош қаҳрамон қилиб олган. Узи ким экан!...»

Ростов-Донда нашр этиладиган «Большевистская смена» газетасида эса, Н. Прокофьев деган шахсининг: «Шолохов қулоқларга ён босмоқда...» деган мақоласи чиқди.

Буям ҳолва...

Адабнинг ilk ҳикоялар китоби «Ложувард дашт»ни ўз сўзбошиси билан чиқарган «Темир оқим»нинг автори А. Серафимовичга ўшанда ёзган хатини ўқинг:

«Сизга маълумдирки, «Тинч Дон»нинг олтинчи қисмини журнал босмай қўйди... Илтимос қиламан, жиндак вақт ажратиш, уни ўқиб чиқсангиз... Москвалик дўстлар ва китобхонлар хатлар ёзиб, мендан сўраяптилар: у ердаги миш-мишларга қараганда, «Тинч Дон»ни Голобушев деган танқидчидан ўғирлаган эмишман. Шу гап ростми эмиш...»

Нима қилай, Александр Серафимович! Шундоқ ҳам бошимдан мағзава тўкишган эди...

«Тинч Дон»нинг учинчи китоби тугаш олдида. Шароит эса бундай... Қўлим ишга бормаяпти, ўлиб қоладигандек туяман ўзимни. Нима гуноҳим бор эди!...»

...Шолохов журнал босмаётган олтинчи қисмини олиб, Василий Кудашев деган дўсти билан Италияга отланди. Соррентода даволанаётган Горькийнинг олдига бормоқчи. Шолохов у ёқдан виза-рухсатнома кутиб, Берлинда туриб қолади. Муссолини маъмурлари эса, виза юборишга шошилмади. Орадан уч ҳафта ўтгач Шолохов Донга қайтиб келади.

Кейин қўлёзма А. Фадеев орқали Горькийга етказилади. Горький асарни ўқиб юксак баҳо беради.

Роман «Октябрь» журналида босила бошлайди
...Шолоховни ҳеч нарса... на дўқ-пўписа, на фитнес-туҳмат ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАДИ.

Шу асарга алоқадор яна қизиқ бир нарса: Григорий Мелехов асар охирида ёлғиз қолади.

Уйига қайтади. Чакка сочлари оқариб кетган. Қўра эшигини оғзида. Ёлғиз ўғилчаси Мишатка чопиб келиб, унинг бўйнига осилади.

Шундан кейин Шолохов бу — бутун бошли роман-эпопеяни куйидаги жумла билан якунлайди:
«...Мана, ўша кичкина орзусига ҳам етди. Бу — бепоён ер устида, куюшнинг совуқ нурлари чарақлаб турган бу кенг осмон остида топгани шу эди».

Асар асосида фильм яратмоқчи бўлиб, сценарий ёзишади. Шолохов уни ўқиб кўриб, «Известия» мухбирига шундай дейди:

«Ҳақиқатни излаган, аммо чигал воқеалар гирдобнда адашиб, ундан айри тушган Григорий Мелехов ҳаётининг фожиавий якунини сценарист бахтиёр қилиб якунлапти... Григорий Мелехов Мишаткани кафтига ўтқизиб олармиш-да, қандайдир тоққа кўтарилиб кетармиш. Мундоқроқ қилиб айтсам, рамзий якун. Яъни, Григорий коммунизмнинг нурли чўққиси сари йўл олади... Кечирасиз, инсоннинг фожиавий

манзарасини бемаъни плакат билан алмаштириш эмасми бу!
ШОЛОХОВ ДОНДА ТУҒИЛИБ, ДОНДА ЯШАБ, ДОНДА ИЖОД ҚИЛИБ...

Партия XX съезди минбариди туриб айтган сўзлари:
«Ҳаммага аёнки, Лев Толстой рус мужигининг қалбини ҳеч бир замонавий ёзувчи тасаввур қила олмаган қадар билар эди. Горький бутун Россияни пиёда айланиб чиқди... Чехов касал ҳолига қарамасдан инсонга муҳаббати туфайли, ёзувчиликка ҳурмати туфайли Сахалиндек жойга бориб келиш учун ўзида йўқ кучни топа билди. Ҳозирги кўпгина ёзувчилар эса, айниқса, москваликлар «сирли учбурчақда» яшайптилар: Москва — дача — курорт...»

ШОЛОХОВ — РОСТГУЙ ЁЗУВЧИ.


ШОЛОХОВ ДОНДА ЯШАБ...

Ҳа, бу — унинг ҲАЁТ ВА ИЖОД ФАЛСАФАСИ эди.

Зеро, бу — Шолоховнинг авлодларга қолдирган сабоқларидан бири ҳамдир.

Машраб
Бобоев

БАРҲАЁТ ВИЖДОН



Шоирнинг ҳаёти қандай кечади! Шоирнинг ҳаёти деганда биз нимани тасаввур қиламиз!
Шоирнинг ҳаёти деганда биз кўпинча тунни, гўлни, булбулни, шуҳратни тасаввур қиламиз, холос.
Шоир деганда кўпинча фақат шеърини, майни, маҳбубасинигина биладиган одам кўз олдимишга келади. Эҳтимол, шундай шоирлар ҳам бордир. Лекин, буюк Навоийни, Пушкинни, Байронни, Маяковскийни эслайлик. Улар доҳий санъаткор бўлиш билан бирга ўз даврининг етук граждандари, демак, етук курашчилари ҳам бўлганлар.

Давримиз шеърятининг энг ёрқин намояндаларидан бири бўлган Муин Бсису ҳам шундай яшади. Унинг ҳаёти Фаластиннинг оғир, машаққатли тақдирига тўғри келди. Шунинг учун ҳам шоир ўзининг тақдирини Ватан тақдири билан қўшиб юборди: энди унинг учун ўз тақдири йўқ, тақдир тушунчаси фақатгина Ватан тақдири билан боғлиқ бўлиб қолди.

Бу нарса Муин Бсису ижодининг бош хусусиятини ҳам белгилаб берди. Унинг шеъряти асосини Ватан эркини куйлаш, Ватан ғанимлари, Ватан хоинларига нафрат ўқларини отиш ташкил этди.

Унинг, Ватани эрксиз қолган шоирнинг барча шеърида, барча туйғусида, барча амалида [севгисиди ҳам, меҳрида ҳам, нафратиди ҳам, илтижосида ҳам, киноясида ҳам] аччиқ бир алам қалқиб турарди.

«Парвардигорим!
Ерсиз ва осмонсиз,
Сўник ярим ой,
Ватаним менинг!» —

дея аламли бир меҳр билан мурожаат қилди у Ватанига.

Ватаним,
Мен сенинг
Мастликдан
Гандираклаб,
Ҳар хил хилватхона,
Ишратхоналарда
Санқиб юрганингни кўрганимдан бери
Қарзга ботиб кетдим бўғзимга қадар!» —

дея алам билан ўкиришдан уялмади.

Фаластин халқи салкам қирқ йилдан буён Ватан эрки учун курашиб келади. Лекин бу курашнинг пировард натижасига халақит бераётган майда буржуа унсурлари, эътиқодсиз хоинлар ҳам бор эди, албатта. Биз буни яқинда Фаластин Озодлик ташкилоти сафларида чиққан низолардан ҳам биламиз. Шоир эса, буни илгаридан билар ва ўша хоинларга нисбатан нафрат ўқларини отган эди:

«...Ҳамма нарса сотиб бўлинган.
Сотилмаган бир худо қолди.
Ҳуррак оҳудай
Ириллаган итлардан қочиб
Юрибди у бечора ҳам.
Уни сизга
Тутиб берайлик.
Оласизми, мадам!
Пулни тўлайверинг.
Ватанини сотган одам
Худони ҳам сотади.»

Шоир шеърятининг ижтимоий ҳодиса эканини бир лаҳза унутмагани учун, уруғи кўпайиб кетаётган шеърфурушлар устидан ҳам аччиқ кулган эди. Унинг назарида бундай «шоир»лар «савдони қизитиб юборган», улар «шеърдан эшик-даразалар, шолча, гиламлар ясай оладилар, катта одамларнинг сарқитини еб, унвонлар, орденлар оладилар», ҳар бир китоб учун «ялтироқ этикнинг табассумидек жандарм рўҳсатини» оладилар, лекин «шоирликни тарқ этишмайди.»

Инсон қай даражада мушкул аҳволга тушмасин, УМИД деган буюк неъмат донм унга ёр бўлади. Ана шу УМИД охиروقибатда унинг барча интилишларини рўёбга чиқаради. Шоирнинг шеърларида ҳам дард, алам, нафрат канчалик кучли бўлмасин, буларнинг ортида ўша УМИД ёгдуси бор эди.

«...Байроғимиз эса...
Ундан фақат
Биттагина ил қолган.
Лекин у ил шамолда
Улғайиб, кучга тўлар
Ва яна сенинг
Байроғингга айланар,
Ватаним!» —

дея хитоб қилган эди у қатъият билан.

Муин Бсису Совет Иттифоқининг, жумладан Ўзбекистонимизнинг ҳам катта дўсти эди. У Ватанимиз, халқимиз сиймосида Фаластиннинг энг хайрихоҳ дўстини кўрган, ўзи ҳам бизга дўстлик меҳрини қўйган, бу меҳр шоирнинг кўпгина шеърларида, шунингдек, насприй китобида ўз аксини топган эди.

Муин Бсисуни катта дўст, катта шоир сифатида эъзозлаган, қадрлаган Советлар диёрида унинг кўпгина китоблари нашр этилди. Ўзбек китобхонлари ҳам унинг юксак шеърятидан баҳраманд бўлганлар.

Муин Бсисунинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар ҳаммамизни ларзага солди. Мен «ҳалок бўлди» деб хато қилаётганим йўқ. У бутун онгли ҳаёти давомида курашда эди. Курашдаги одам вафот этмайди, ҳалок бўлади.

«Муин Бсису — ўз халқининг виждони», деган эди бир суҳбатда Сарвар Олимжонови Азимов.

Демак, Муин Бсису барҳаёт. Чунки, халқ ҳаёт экан, унинг виждони ҳам ҳаёт бўлади.

Мен шоирнинг бир мухлиси сифатида унинг «Ташриф қоғози» шеърини китобини ўзбек тилига таржима қилган эдим. Таржима давомида киши шоир билан жудаям яқинлашади, унинг юраги тубида ётган сирларига ошно бўлгандай бўлади. Уша яқинлашув натижасида шоирга бир шеър бағишлаган эдим. Яқинда, унинг ҳалок бўлганини эшитиб, яна бир шеър битдим. Бу иккала шеърни журналхонларга ҳавола этаялман. Ушбу шеърларни улкан шоир хотирасига эҳтиром сифатида қабул қилгайсизлар.



Муин Бсису монологи

Миллатни ким йўқотади,
Кизим?
Миллатни ким йўқотади,
Ким?

Тортиб олиб тупроғимизни,
Бошимизда қилич ўйнатиб,
Ватангадо қилганча бизни,
Ҳар қадамда соққонлар отиб,
Мана, салкам қирқ йилдан буён
(Кетди юртни билганнинг ярми!),

Таъқиб қилиб, қилиб қатағон,
Тинчимаган босқинчиларми?
Ташқаридан қарасанг, балки
Бу — қонуний бўлиб туюлар,
Йўқ! Минг ўлиб тирилса ҳамки,
Йўқотолмас миллатни улар!

Русь аталмиш буюк заминда
Буюк граф Толстой ўтган.
У тарихин битган замонда
Галати бир расм бор экан:
Кибор дея аталган насб
Жоҳил билиб она элини,
Рус тилини доим сансираб,
Сизсираркан фаранг тилини.
Йўқ дейсанми бугунги кунда
Насабидан беҳабар кибор?
Ушалардан қўрққин сен жуда,
Ушалардан келар ҳар озор.
Бу дунёда мабодо бир куч
Йўқотолса миллатни агар,
Йўқотади — ўша, таги пуч,
Насабидан маҳрум кимсалар!
Қадим шоҳлар кучига агар
Бош эгмаса бирон-бир ўлка,
Улар доим найранг ишлатар,
Маликани оларди қўлга.
Йўқ дейсанми бугунги кунда
Мулким — ҳусним деган гўзаллар?
Ушалардан қўрққин сен жуда,
Қўлларидан ҳар бало келар.
Бу дунёда мабодо бир куч
Йўқотолса миллатни агар,
Йўқотади — мақтовларга ўч,
Хиёнатга мойил аёллар!

Хали ўлмай туриб, қай ботир
Аёлини кузатар жангга?
Хали ўлмай туриб, қай ботир
Аёлига тутар узанги?
Йўқ дейсанми бугунги кунда
Ўлмай туриб ўлган ботирлар?
Жиловини бериб хотинга,
Тулпорликка даъвогар эрлар?
Бу дунёда мабодо бир куч
Йўқотолса миллатни агар,
Йўқотади — ўша, мағзи пуч,
Хотиндан ҳам хароб эркалар!

Тортиб олиб тупроғимизни,
Бошимизда қилич ўйнатиб,
Ватангадо қилганча бизни,
Ҳар қадамда соққонлар отиб,
Мана, салкам қирқ йилдан буён
Ҳаловатни билдирмай бир дам,
Таъқиб қилиб, қилиб қатағон,
Тинчимаган босқинчилар ҳам.
Йўқотолмас миллатни асло!
Дарахтни қурт, темирни ер занг.
Четдан келмас бошинга бало,
Ҳар бир бало чиқар ўзингдан!

Миллатни ким йўқотади,
Ким?
Билдингми,
Кизим?

Муин Бсисунинг сўнги шеъри

Мен — ўк эдим,
Таваллуд онимда онам бўғзидан
Ўзилган оҳ билан отилган бир ўк.
Ўқлигимча ўтдим то охирги дам,
Бундай,
Инсон бўлиб яшаганим йўк.

Умргузаронлик — чучмал бир эртак,
Шаробу шухратнинг таъми кўп тахир.
Инсонлик — Ватанга эгалик демак,
Ватансиз яшаган инсонми ахир!

Гарчи сен мавжудсан, бир рўё эмас,
Мен сени изладим қирк йилга яқин.
Ватаним,

Мен сенинг тупроғингдамас,
Яшаб келдинг менинг юрагимда сен.

Отилдим, отилдим, юрагимда — СЕН,
Не зотлар кўксини тилка қиларок.
Ўзинг битта эдинг, битта, Ватаним,
Ўк отар нишонинг кўп эди биров.

Гарчи оғох эдинг ғанимларингдан,
Харидорларинг ҳам аён-у, биров,
Туну кун фарзандлик даъвоси билан
Сени пуллаганлар эди хавфлироқ.

Барча ғанимларинг тошқора, зимдан —
Жазо топди менадан, топди жароҳат.
Мен мамнун эмасман шоирлигимдан,
Мен ўк бўлганимдан мамнунман фақат!

Афсуски, ўкнинг ҳам жони бор экан,
Мана, мен тугадим,
Куйиб битдим мен.
Ватансиз

Инсонман,
Шоирман деган
Зотларнинг устидан қулиб кетдим мен!

* * *

Замира Эгамбердиева

Баҳор бошланар

Шаҳарлик дугонамга

Уртоқжон, бу қорлар эриб битади,
Тоғларнинг кўзлари нурдан ёшланар.
Куюнма, сочларинг ўсиб кетади —
Қараб тур, ҳадемай баҳор бошланар.

Битта кўйлак билан юрасан енгил,
Бойчечак бойланар, замин ёшарар.
Сенинг ҳам юзингга тошади сепкил —
Кўрасан, кўп ўтмай баҳор бошланар.

Дадам-ку, ечмайди тунда этигин,
Эгатни сув билан бирга оралар.
Очилар михланган деразаларинг —
Тез кунда сен севган баҳор бошланар.

Ўзалар ўсади кўшқулоқ бўлиб,
Деҳқонни тинглашга улар чоғланар.
Бугун кетмоқдадир юрагим тўлиб —
Ҳадемай мен билган баҳор бошланар...

Балиқлар ҳеч ухлამас эмиш,
Туш кўришга улар интизор.
Туну кун ҳам қидириб емиш,
Сузиб юрар ҳамиша бедор.

Ҳушёрликдан қуриб тинкаси,
Айрилади бардошларидан.
Шўр эмас ҳеч — денгизнинг суви —
Балиқларнинг кўз ёшларидан.

Оқсакдан қарайман зангор осмонга,
Ўзимни ундан ҳам баланд сезаман.
Тонглардан ёруғдир менинг хаёлим,
Мен сизни гуллардан гўзал биламан.

Борса-қайтмас йўлга бурайлик изни
Оловли симларга ўзни ўрайман.
Айтмаслик гуноҳдир, айтиш ҳам оғир —
Мен сизни шеърдан ҳам кўпроқ ўйлайман!

Мени ёндиради иссиқ соғинчлар
Осилиб туролмай киприкларимда.
Сел бўлиб оқади ўтдек илинжлар
Мен вафо қилмаган кулгичларимда.

Кўз ёшнинг расмини бўлмайди чизиб,
Тўлқин урмайди-ку, сунъий денгизлар.
Юрагим бир мисдек кетади қизиб,
Онажон, мен сизни соғинган кезлар...



Дадахон
Нурий

ШАҲАР ЎРТАСИДАГИ БИР ТУП ОҚ ЎРИК

Ишлаб чиқарувчи кучларни ривож-
лантиришнинг ҳозирги миқёслари ва
суръатлари атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш ҳамда табиат ресурсларидан
оқилона фойдаланиш билан боғлиқ
бўлган масалаларга муносабатни ўзгар-
тиришни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитетининг
1983 йил декабрь Пленуми қароридан.

1. Эртақлардагидек шаҳар. Бироқ...

Бир туپ мевали дарахтга болта кўтарган одам минглаб
кишилар дастурхонидаги ризқни оёқ ости қилаётганини
билармикан?

Абдулатиф
ота ТУРСУНОВ,
кекса боғбон

Ҳиндистон ярим оролининг улкан шоири, Ҳинд тараққий-
парвар Езувчилар уюшмаси президиумининг раиси, яқин
дўстимиз Ғулом Раббоний Тобон жаноблари яқинда шаҳри-
мизда меҳмон бўлиб, қизиқ бир гап айтиб қолди:

— Мен Тошкентга келиб, ҳассасини йўқотган одамга ўхшаб
қолдим. Адашиб қолишдан қўрқиб, мусофирхона атрофидан
нари кетолмаяпман. Чунки шаҳар шу даражада ўзгариб
кетибдики, тасаввур қилиш қийин. Бугун мени бутун Тошкент
бўйлаб бир айлантисангиз!

Кун бўйи шаҳар кездик. Осмонўпар иморатлар, маъмурий
бинолар, санъат қошоалари, бежирим кварталларни томоша
қилиб юрарканмиз, меҳмон жўшиб кетар, нуқул «Тошкент
эртақдаги шаҳар бўпти, қойил!» дерди.

Кечқурун шоир Тошкентга бағишланган янги газалини ўқиб
берди. Кўп ўтмай бу газал Ҳинд элида матбуот саҳифаларида
эълон қилинди. Бутунҳиндистон радиоси мушоирасида ўқилди.

Гўзал пойтахтимиз шаънига айтилган бу мадҳияларни эшитиб
ғурурланмай бўладими!

Аммо, ҳар кимда таъб ҳар хил бўларкан: Тошкентнинг
шундоқ биқинида жойлашган пансионатда дам олаётиб эр-
хотин Черновлар билан танишиб қолдим. Улар узоқ Олтойдаги
М. И. Калинин номли трактор заводининг илғор ишчилари.

Валентин Лаврентович Чернов олдинлари ҳам иш юзасидан
республикамизда кўп бўлган, энди ўн йиллардан сўнг дам
олиш баҳонасида рафиқаси билан яна келибди.

Бир куни шаҳар айланиб юриб, у менга ёрилиб қолди:
— Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Кимга қандай билмади-
му... менга бир томони ёқмади...

Гапни унинг хотини давом эттирди:
— Бу ер ҳақида тасаввурим бошқача эди. Бозорларингизни
айланиб, ҳайрон қолдим. Мевалар нархи бизникидан қо-
лишмайди.

— Ҳа, мен Тошкентнинг боғкўчалари, бозоридаги тўкин-
сочинликлар ҳақида Алла Васильевнага кўп гапириб берган-
дим. Лекин боғлар қолмабди. Кўчалари ўзимизнинг шимолӣ
шаҳар кўчаларини эслатади. Бу гапни шунинг учун сизга
айтаяманки, қонимда оз-моз боғбонликка иштиёқ бор.
Бизнинг шароитда мева етиштириш осон эмас. Лекин мана,
рафиқам айтсин, дурустгина миришкорман. Гап бунда эмас.
Эҳ, сизлардаги ер, шарт-шароит бизда бўлганда эди...

Узоқ шимоллик оддий завод ишчисининг бу сўзлари
бенхтиёр фарғоналик боғбон Абдулатиф ота Турсуновни кўз
олдимда гавдалантириб юборди: фронтдан бир оёқсиз, бир
қўли ногирон бўлиб қайтган бу одамни бутун Водийда яхши
билишадди.



У киши Бешариқнинг бирон туп гиёҳ униб-ўсмайдиган, нуқул тошлоқдан иборат чексиз Шаварда даштига бориб, худди оқол қазигандай эмаклар юриб, чуқурчалар кавлаган, ўз аравачасида тупроқ ташиб, шу чуқурчаларни тўлдирган. Кўчат эккан. Бочкаларда сув келтириб сугорган.

Шундай қилиб бир неча йиллар давомида қақроқ дашт бағрида ақл бовар қилмайдиган 83 гектарли боғ яратган. Халқ ҳозир у ерни «Латифобод боғлари» деб атайдди.

Мана шу одам ўтган йили бизникида меҳмон бўлиб, «Тошкентга келсам, мевасиз дарахтлар қоплаб ётган сара ерларни кўриб, ачиниб кетаман. Кейин ўйганиб қоламан: шаҳарда мевали кўчат ўстириш мумкин эмасдир баки!» деган эди.

Бу гаплар кўп йиллардан буён қораламалар тушириб юрган ён дафтаримни арақлаб чиқишга яна бир туртки бўлди.

Шаҳарда мевали дарахтлар ўстириш мумкинми!
Мумкин! Ҳатто ҳозирги пайта зарур ҳам!
...Дарвоқе, олтойлик меҳмон аёлнинг гапларинда жон бор. Бизнинг бозорларимиз тўкин бўлгани билан мевалар нархи шимолий минтақалардаги шаҳар бозорларидан кам фарқ қиладиган бўлиб қолди.

Бундан бир йилча олдин марказий Олой бозорига янги бошлиқ бўлиб келган киши сотувчилар билан йиғилиш ўтказиётгани устидан чиқиб қолганим. У куйиниб гапирарди:
— Олма уч-тўрт сўм. Ёнғоқни беш, беш ярим сўм деб ўтирибсизлар. Нок етти сўм-а! Инсоф борми ўзи сизларда! Бу мевалар яқин-яқингача Тошкентнинг ҳар бир даҳасида ўсиб ётарди, ҳеч ким қарамасди!

Шунда орқароқдан кимдир «қани ўша мевалар» дея луқма ташлади.

2. Шаҳарнинг боғу боғкўчалари қани!

«Баъзан ҳаётда шундай бўладики, кимдандир чиққан номақбул гап тош босиб кетади, кейин ёмон ярадай авж олаверади. Бир пайтлар бизнинг архитекторларимиз орасида ҳам шунга ўхшаш иллат пайдо бўлган, улар мевали дарахт замонавий иморатларга кўрк беролмайди, одамлар синдириб юборади... деган бемаъни гапларга маҳкам ёпишиб олгандилар. Бу «гап» Ободонлаштириш бошқармасидаги ўртоқларга ёқиб тушди, уни авж олдиришди. Натижада шаҳар боғлари бу ёндану у ёндан туриб пароканда қилинди.

Мен бир меъмор сифатида шуни айтаманки, ҳамкасбларим Бутуниттифоқ миқёсида улкан ютуқларни қўлга киритиш билан бирга, шаҳримиз шарт-шароитини ҳисобга олмай, қусур ишлар ҳам қилдилар. Минг афсуски, бу «иллат» ҳали ҳам давом этмоқда...

Обид ЗАЙНИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган
архитектор, Ҳамза номидаги республика
давлат мукофоти лауреати.

Юқорида, бозорда қулоққа чалинган луқмада айтилгандай бир пайтлар «Мингўрик» номи билан аталган, яқин-яқингача ҳаммининг кўз ўнгида яшнаб турган Тошкентнинг боғроғлари — мевазору, нокзорлари қани!

Шу фикр хаёлимдан ўтди-ю, кечагидай, ёшлигимизнинг унутилмас гувоҳи бўлиб гуркираб турган боғлар кўз олдимда гавдаланиб кетди: шундоқ шаҳар билан ёндош Ленин номи хўжалик территориясига жойлашган музика билим юртида ўқирдик. Колхоз боғдорчиликка ихтисослашган эди. Ёз ойлари ҳашарга чиқардик. Мевазорлар шундай катта эдики, узокроқ кетиб адашиб қолишдан қўрқардик... Ҳозир ўша боғлар ўрнида студентлар шаҳарчаси қад кўтарган.

— Мана шу янги ўқув корпусимиз орқасидаги ихота дарахтлари экиб ташланган ерларда асрий ёнғоқзорлар бўларди... Кўриниб турган ётоқхона атрофидаги бўш майдон ўрнида эса, баҳайбат нашватилар ўсиб ётарди, — дея ҳикоя қилади В. И. Ленин номидаги ТошДУ биология факультетининг декани М. Н. Валихонов, — шу ерларда мева териб юрардик. Бир шамол турса ариқлар олма, ўрик, нокка тўлиб оқарди. Қурпиш бошланди-ю, зарурат бўлса-бўлмаса мева дарахтлар кесилверди. Энди улар ўрнига ҳар йили манзарали дарахтлар

ўтқазилади. Ариқлар қуриб ётибди. Ташқарида 43 градус иссиқ! Бизлар эса ўзимизни худди кўрик ерда ташкил этилган ўқув юртини бошқараётгандай ҳис этамиз.

Тошкентдаги марказий кўчалардан бири Фурқат номи билан аталарди. Эрта баҳор паллалари бу кўчадан ўтган одамнинг баҳри-дили очиларди. Ҳовли ва кўча бўйларида чаппар уриб очилиб ётадиган турли-туман мева дарахтлари, ҳаммадан аввал етилиб, тилни ёргудек, садафдай мева билан бурканадиган «Марварид», «Балх» тулларини айтмайсизми! Маҳаллани қушларининг чуғур-чуғури босиб кетарди... Шундан кейин гилос қизарарди... Хуллас, ҳақ қий бу боғ кўчада баҳор билан бирга тўкин-сочин пишиқчилик бошланарди. Бу яқиндаги гап!

Ҳозир-чи, Фурқат кўчаси ўзгариб, катта магистрал бўлди. Маҳобатли иморатлар қурилди.

Шубҳасиз, генплан бўйича ҳамма мевали дарахтлар олиб ташланиб, ўрнига манзарали дарахт экилди. Ҳатто, пионерлар саройи учун «боғ» деб ажратилган ер ҳам қарағайзор бўлиб кетди.

Шаҳарда мевали дарахтлар билан «ҳисоблашиш» ана шундай йўлга қўйилган!

Айтмоқчи, бозорда нега мевалар қиммат! Сабаби нимада!! Бу ҳақда бир неча йилдирик, республика матбуот органлари ҳам бонг урмоқда. Ушбу масалани кўтармаган биронта газета ёки журнал қолмади: қатор танқидий мақолалар, фельетонлар, рейд материаллари, мутахассисларнинг чиқишлари эълон қилинди.

Бироқ ҳеч қандай силжиш бўлгани йўқ. Нега шундай! Меваларнинг бу даражада қадр-қиммати ошиб кетишига бирон жиддий сабаб борми!

Бизнингча бунинг сабабини соддагина қилиб «Ўзингда йўқ — ўзада йўқ» деб айтилган ҳикमतдан қидирмоқ керак. Рўй-роостан олавериш лозимки, биз ўзимиздаги мавжуд йирик боғларни йўқотиб бўлдик.

Бу йўқотиш қачон, қаердан бошланди! Адашмасам, йигирма беш йилларча муқаддам Чилонзордан бошланди. Ушанда шаҳар атрофларида ҳали ўзлаштирилмаган, қурилишбоп минг гектарлаб ерлар тургани ҳолда архитекторлар бу ердаги серҳосил боғлар атрофида айланиб қолишди. Соя-салқин жойларда ўтириб, нималарнидир чизишди. Аслида эса уларнинг қўлида болта борлигини ҳеч ким сезмай қолди.

Кўп ўтмай бу ерда пойтахтнинг фахри бўлган янги массив қад кўтарди. Чиройли уйлар, кенг кўчалар хўп мақталди, ашулаларга тушди. Аммо, Чилонзор пойтахт аҳолисининг анчагина қисмини ширин-шакар мева билан таъминлайдиган тўкин боғлар, номи чиққан ўнлаб соҳибкорлар маскани бўлганлигини шу кунларда ҳам кўплар эслайвермайди. Тўғри, баъзан «Эҳ, Чилонзор боғлари қандай эди, ном-нишон қолмади-я» деб қўядиган одамларни учратамиз.

Ҳа, ўша боғлардан ном-нишон қолмади. Лоақал иморатлар орасидаги майдонларга, йўл бўйларида мевали кўчат экиб, озгина бўлсада йўқотилган боғлар ўрнини бутлаб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади.

Уйламай йўл қўйилган бу хатолик ўша вақтдаёқ кенг жамоатчилик норозилигига сабаб бўлган, республиканинг мўътабар матбуот органларидан бири катта танқидий мақола билан чиққанди. Ушанда шаҳарсозлар редакцияга расмий жавоб йўллаб, бундай хатолик энди минбаъд қайтарилмаслигини айтишган, кечирим сўрашган эди.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай, ўша ваъдалар унутилди. Қилинган танқидга ўчакишгандай, бутун қурилиш техникаси Чилонзордан олиб унинг ёнгинасидаги Чопонотанинг серҳосил боғларига ташланди. Ваҳоланки, яна қайтарамиз, беш-олти километргина нарида Дўмбробод мавзеидан бошланувчи қанчадан-қанча қурилишбоп ерлар ястаниб ётарди!

Мана энди қарийб ўн йил бўлди, генплан Юнусобод боғлари устида «болта»сини ўйнатиб юрибди. Колхоз-совхозларнинг қанча-қанча маблағи-ю минглаб кишиларнинг пешона тери билан барпо этилган мевазор-узумзорлар шу кеча-кундузда ҳам бульдозерлар филдираги остида пайҳон бўлмоқда.

— Экиб кўкартирган дарахтларимиз учун пул беришди. Лекин ҳақиқий боғбон ҳеч маҳал янги ҳосилга кирган боғини олтинга ҳам алишмайди, айниқса унинг йўқ қилинишини билса! — дейди идорасини ташлаб чиқиб кетаётган хўжалик раҳбари. Сўнгра ачиниш билан қўшиб қўяди, — Ҳеч бўлмаса шу боғнинг ўндан бирини янги уйларга кўчиб келадиган одамларнинг болалари учун сақлаб қолинглар, деб қурувчи-

лардан илтимос қилдик. Лекин улар, боғбонлик бошқаларнинг иши дейишди.

Ҳа, раис бува, сизлар мурожаат қилган одамлар қурувчи! Улар «иш бошлалсанми, аввало атрофни шип-шийдам қил — жой ҳозирла» деган ақидага қатъий риоя қилишади.

Замонавий боғ қандай бўлишиги эса, генпланда кўрсатилган. Бу планнинг бир нухсаси Шаҳар Ободонлаштириш Бош Бошқармасида. У ерда ҳам уддабурро кишилар стол эгаллаб ўтиришибди. Улар бир «боғ» яратишга тушиб кетишмасин! Сизнинг боғингиз ип эшолмай қолади уларники олдида! Ишонмасангиз, нарироққа бориб кўринг, «пули тўланган» мевазорлар ўрнида чинор, қайрағоч, қатранғилардан иборат шундай дарахтзорлар яратиб қўйишибдики, ёқангизни ушлайсиз!

Бобокалонларимизнинг «бирини кессанг — ўрни экин», деган гапи бор. Энди, бу ҳикматни чаппасига айлантириб юборган, шаҳарнинг айрим мансабдор кишиларига [улар бизни кечирсинлар, албатта!] қаттиқроқ тегадиган гаплар айтиш пайти келганга ўхшайди. Чунки, ҳамма «юмшоқ» гаплар айтиб бўлинган.

Шундай қилиб, Тошкент атрофидаги боғлар тугатилди ҳисоб. Энди навбат шаҳарнинг турли даҳаларида тасодифлар орқали сақланиб қолган боғларга келди. Бу борада ҳам шаҳарсозларимиз катта қурилишларни рўқач қилиб, айтганимиз-айтган, деганимиз-деган деб туриб олмоқдалар.

Гапимизни исботловчи фактлар тўлиб ётибди.

Тошкентнинг Оқтепа мавзеидаги «Заҳ» маҳалласида ҳам шундай ҳодиса юз берди.

— Кечагина бу ер яшнаб турган боғлар эди, — дея бизни ўйдим-чүкүр қилиб ташланган катта майдон томон бошлади шу ерлик Улуғ Ватан Уруши инваллиди Акбархўжа ота Муҳиддинов, — бульдозерлар келиб дарахтларни қўпора бошлаганда, маҳалла қариялари уларга ялиндик: «Ҳеч бўлмаса мана шу йўл бўйидаги қадимий нок дарахтларидан ўн-ўн бештасини қолдиринглар». Қулоқ солишмади! Бир кунда нокнинг ўзидан бир юз йигирматасини қўпориб ташлашди. Кўчамизнинг кўрки эди бу дарахтлар. Бир юз ўттиз, бир юз қирқ ёшли ноклар эди!.. Ахир шаҳардаги мевали дарахтларга шундай қирон келтирилаверса оқибат нима бўлади! Келажак авлод бизни кечирамикан!

Нохуш таассурот билан орқага қайтар эканмиз, беихтиёр бозор директорининг гаплари эсимга тушиб кетди: «Инсоф борми ўзи, сизларда!»
Бу сўз фақат деҳқонгагина тегишлими!

3. Юракдаги гаплар. Ассосиз жавоблар

«Дарвозани кимдир тақиллатди. Эшикни очдим, Узоқмпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон ота Юсуповга кўзим тушди.

— Қизим, отангиз уйда бўлсалар қақриб чиқинг, — деди у киши.

Отам чиқдилар. Сўрашишди.

— Биласизми, — дедилар Усмон ота дадамга маънодор қараб, — Ўзбек халқи мевасиз дарахтни ҳосиятсиз дарахт деб ҳисоблаган. Бунинг тағида ҳар ким ҳам дарров илғаб олавермайдиган катта маъно бор: чунки мевали дарахт ҳосилидан бола-чақа, ўтган-кетган, хуллас ҳамма баҳраманд бўлади. Мевали дарахт маъмурчилик нишонаси. Энди манаву дарвозангиз ёнидаги дарахтга келсак, биргаликда кўчириб ташлаймиз! Урнига яхши навли бир туп мева кўчати ўтказиб қўясиз. Кейин кўпчилик сиздан хурсанд бўлиб юради... Қани, арра бўлса олиб чиқинг!

Отам икковлари бақа теракни кўчириб ташлашди. Кўп ўтмай унинг ўрнида бир туп ўрик пайдо бўлди. Мана, орадан ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтибдики, ҳар йили ўша ўрик мевасига ўтган-кетганининг, кўни-кўшининг оғзи тегади, дастурхонимизни безайди».

Матлуба ҲАЙДАРОВА,

врач-кардиолог, Тошкент шаҳри

Ёз бошлари эди. Оиламиз билан йўлимиз тушиб, қардош Тожикистоннинг Исфара шаҳар боғида озгина ҳордиқ чиқариб ўтмоқчи бўлдик.

Айни пишиқчилик, гилослар қонталаш бўлиб ширага тўлган палла. Боғнинг қаерига қарамайлик, мева. Очилиб ётган турфа гуллар. Хиёбоннинг икки четида шода-шода ҳосилли гилос шохлари осилиб ётибди.

Бизнинг болалар бунақа шаҳар истироҳат боғини биринчи кўриши эмасми, чопганча бориб ўзларини гилос шохларига уришди. Хижолат тортди. Ҳай-ҳайлаб уларни тартибга қақирмоқчи бўлгандик, кекса чойхоначи отахон йўлимизни тўсди:

— Қўяберинглар, майли, яйрашин. Меҳмонга ўхшайсизлар, бемалол чойни ичаверинглар. Ҳали замон кўзлари тўяди-да, кейин қарамай қўйишади. Болаларнинг табиасти шунақа!

Ҳақиқатан ҳам озгина вақт ўтгач, атрофни тўлдириб ётган мевалардан фарзандларимизнинг «кўзи тўйди» шекилли, нарироқдаги майдонга бориб, арғимчоқ ўча бошлашди. Ушанда мен ичимда «қани энди бизнинг Тошкентда ҳам шундай шаҳар боғлари бўлса», деб қўйгандим.

Негадир бизнинг паркларга раҳбарлик қилаётган ўртоқлар мевали дарахт эмаслик ҳусусида «қонунлашган» аллақандай қарорлар борлиги ҳақида гапириб, сизни ҳам астойдил ишонтиришади! Эмишки, бу дарахтларни болалар синдириб юборармиш, унга чиқаман деб бирон жойини лат едирамисиз ёнки тош отиб бир-бирининг пешонасини ёрармиш ва ҳоказо.

Баҳонани қаранг! Мана шу хил мужжал важларга чиппа-чин ишониб боғ учун ажратилган ўз майдонларини турли мевасиз дарахт ва буталардан иборат чақалакзорларга айлантириб юборган мактаб ҳамда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари Тошкентда тўлиб ётибди. Шу сабабли ҳам ясли-боқчаларда «барг териш машғулотини» билан шуғулланиб юрган болаларни тез-тез учратиш тураимиз. Бу «машғулот»нинг эстетик тарбия бобида қандайдир фойдаси бўлса бордир. Аммо, атроф-муҳит, Она табият ҳақида илк мартаба тасавури шаклланаётган фарзандларимизга тўкин-сочин боғда сайр қилиш, мевалар териш янада фойдалироқ бўларди деб ўйлайман. Бунинг учун юқоридагига ўхшаш ақидаларга чек қўйиш керак.

Зеро, чек қўйганлар ҳам йўқ эмас.

Шу йил кузда Тошкент марказидаги 426-боғчада ажойиб тантана — «ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Бу ерда тарбияланувчи болалар мураббиялари раҳбарлигида олма, олхўри, шафтоли, узум каби мевалар теришди, ўзлари «деҳқончилик» қилиб ўстирган кичкина участкалардан турли сабзавот ҳосилини йиғиштиришди.

Шунинг ўзи болалар учун бир олам завқ-шавқ эди...

Қанийди энди, Тошкентдаги қарийб 600 дан зиёд ясли-боқчаларда ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлсак!

Ёки, шаҳардаги Аброр Ҳидоятлов номли 14-урта мактаб коллективини олайлик.

Мактаб боғи кичкина бўлса ҳам одамнинг ҳаваси келади.

— Бир неча йилки, болалар ўзлари етиштирган ҳосилини ўзлари йиғиб олишади. Ҳамманинг оғзи тегади. Ана шунда уларнинг хурсандлигини бир кўрсангиз эди! — дея қиёқа қилади кекса педагог, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Юсуф ака Зонтов.

— Кечирасиз, саволимиз галатироқ: дарахтга чиқиб, ёки тош тегиб бирон бола шикастландими! — деб сўраймиз у кишидан.

— Йўғ-е, — ажабланди Юсуф ака.

— Афсус, — дея сўхбатга аралашди мактаб илмий бўлим мудир Маҳмадҷон Зиёвуддинов, — янги жойга кўчяпмиз. Мактабимиз ўрнида қурилиш бошланмиш. Энди боғимизнинг тақдир ҳеч кимни қизиқтирмаса керак... Мен яқинда ГДРда, Венгрияда бўлдим. Уқув юртлари, мактаблар атрофида ҳам, кўча бўйлариди ҳам нуқул мевали дарахт. Биронта мевасиз дарахт ҳўзингиз тушмайди. Узимча ўйлашиб қолам, нега бутун жаҳонга донғи кетган, яқин пайтларгача боғроғлар шаҳри бўлган Тошкентимиздан мева дарахтлари сиқиб чиқарилмоқда. Сабаби нимада!!

Мен бу хилдаги саволини хизматлари юқори тақдирланган машҳур бир архитекторимизга бериб кўргандим, у киши кўп ҳамкасблари учун энг «оммавий» бўлган жавобини айтди:

— Ҳозирги Тошкентни бундан йигирма йил олдинги Тошкент билан солиштириб бўлмайди. Зилзиладан кейин шаҳар бутунлай қайта қурилди. Биринчи навбатда уларни жой билан таъминлаш зарур эди. Қолаверса ҳозир Тошкент аҳолиси икки баравар кўпайган. Архитектурада замон талабини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳозир космик давр!

Украина учун жанг қилган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан сўхбатлашсангиз улар Львов, Тернополь, Винница каби қатор шаҳар боғ кўчаларини шавқ-завқ билан эслаб гапирадилар. «Баъзан қуршовда қолганимизда шу боғлар меваси, йўл бўйларидagi ёнғоқзорлар бизни боққан», деб эслашади.

Уруш жафосини тортган ўша шаҳарлар кўлтепалар ўрнида бутунлай қайтадан қурилган. Урушдан кейинги даврларда бошпанасиз қолган кишиларни бошпана билан таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ бўлган. Бироқ, ҳеч кимнинг хаёлига йўллар атрофидаги мевали дарахтларни мевасиз дарахтларга алмаштиришдай, қош қўяман деб кўз чиқариш «идея»си келмаган.

Ҳозир Ғарбий Украинанинг ўнлаб шаҳарлари кўчалари ҳамда шаҳарлараро магистрал йўллари бўйлаб юрсангиз нашвати, олхўри, азим ёнғоқ дарахтларига кўзингиз тушади... Бозорда эса мевалар биздагидек киллограмлаб эмас, жуда арзон баҳода, пақирлаб сотилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Айни пайтда «мумкин эмасдир-да, мумкин бўлганда биздан ҳам ақллироқ шаҳар раҳбарлари бош қотиришган бўларди» деб юрайдиган мурасосоз кишиларни ҳам кўрганман.

Деярли ҳаммани қизиқтириб келаётган «Нега Тошкентда мевали дарахтлар аҳволи шу даражада абгор ҳолатга тушиб қолди» деган саволга жавоб беришга зиммадор Шаҳар Ободонлаштириш Бош Бошқармаси мавжудлиги ҳақида юқориде айтиб ўтгандик. Яна алоҳида таъкидлаб қўймоқчимизки, ушбу идора системасида 15000 (ўн беш минг) киши меҳнат қилади. Шулардан аллақанчаси «боғбон»лиги учун маош олади.

Ана шу мўътабар даргоҳ бошлиғи Шамсиддин Исломов қабулига кириш осон бўлмади. Мажлислар, йиғилишлар... Ниҳоят, учинчи кун қабулхона ходимаси «бошлик ўзларида-лар» деди.

Менинг хайрли иш хусусидаги кўпчиликни қизиқтираётган фикрларимни эшитгач, Шамсиддин Исломовичнинг ҳам чехраси ёришиб кетса керак деб ўйлагандим. Афсус тескариси бўлиб чиқди. «Бу масалада сизни қабул қилолмайман. Бир ҳафтадан кейин телефон қилинг» деди у киши.

Мен ҳам имкониятдан фойдаланиб қолиш, вақтни бой бермаслик йўлига ўтдим:

— Қисқагина икки-уч саволим бор холос...

Ўртоқ Исломовнинг жавоби қисқа ва лўнда бўлди:

— Ҳали ҳеч қайси шаҳарда мевали дарахт биздагидек кўп экилган эмас! Яқин ўн йиллар ичида ҳосилга кириб қолади. Сўхбатимиз давом этади.

— Нега бизда қардош республикалардаги, Исфара, Конибодом, Олмаота шаҳарларидаги каби боғлар йўқ!

— Конибодом, Исфарада бўлганман. У ернинг об-ҳавоси бошқа.

— Олмаотада-чи!

— Одамлар, шароит бошқа.

Ана холос. Шаҳар Ободонлаштириш Бош Бошқармаси бошлиғининг бу гапларини шарҳлаб ўтиришга ҳам истиҳола қиласан киши. «Одамлар, шароит бошқа» эмиш. Тошкент билан Олмаота ўртасидаги иқлим барчага маълум, бизда қўлайроқ. Лекин «одамлар»нинг қанақа «бошқа»лигини тушунмадик.

Майли, ўртоқ Исломов айтганидай, шаҳар об-ҳавоси, унинг кишилари «бошқача» бўлиб қолгандир. Лекин, ана шу «қийинчиликлар»ни енгиб, мевали дарахт экиш борасида бу идора ҳаммадан ўзиб кетган экан, ўша дарахтлар қани!! Қаерларга экилган!!

Шаҳарнинг ҳаммаси бўлиб саккиз минг гектар (!) ерини эгаллаб ётган қарағай, чинор, теракзорлар орасига ёки йўл бўйларидagi дарахтлар қаторига паналаб экилганмикан!! Ёинки шаҳардаги минглаб ишчи «боғбонлар» тер тўкаётган, энг сифатли ўғитлар билан ишлов берилаётган жаъми майдонини 550 гектарни ишғол этган 15 та истироҳат боғларидан биронтасини мевазор деб ўйларсиз! Йўқ, бу ерлардан ҳам ўша «экилди» деган мевали дарахтларни қидириб тополмайсиз. Мабодо улардан биронтасида бир тўп бўлса ҳам ўрик, гилос, олма, нок, олхўри, анор, анжир... ниҳолига кўзингиз тушса, ўша ерга муҳофаза ва эсдалик тахтаси ўрнатмоқ зарур бўлади.

Ҳа, анор, анжир дедик. Бу дарахтлар йил сайин шаҳардан узоқлашиб, анқонинг уруғи бўлиб бормоқда. Ахир Шарқда нафосат рамзи сифатида шоирлар назмида куйланадиган анор гулларининг, жой танламасдан самбит гулдай ўсаверадиган таисқ мевали анжир ниҳолларининг шаҳардаги кўпгина паркларда ардоқлаб ўстирилаётган хорижий буталардан нима

камлиги бор! Буларни Тошкент заминида ўсмайди деб ким айта олади!

Ёинки хурмо билан қайси манзарали дарахт баҳслаша олади! Бу субтропик меванинг бизнинг иқлимга мос нави яратилган. Тошкентдаги кўпгина хонадонларда, шаҳар четидagi боғларда хурмо гуркираб ўсмоқда, бир неча йилки, мўл-кўл ҳосил бермоқда.

Лоақал шу дарахтнинг ўзидан ҳеч бўлмаса истироҳат боғларида тўрт-беш тўпдан ўстирилганда эди, ўртоқ Исломовнинг гаплари сал-пал ҳақиқатга яқинроқ бўлармиди! Ахир ҳайвонот боғларида одамлар кўрсин, завқлансин деб бутунлай бошқа иқлимли мамлакатлардан келтирилган ҳайвонларни асраб-авайлаб парваришлашади-ку...

Яна шу ерда бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз: Оромгоҳ жойларда боғдорчилик ишларини йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисида Ўзкомпартия Марказий Комитети, Ўзбекистон Министрлар Советининг 1983 йил, 10 октябрда махсус қарори чиққан.

Шу қарордан кейин ҳам шаҳар оромгоҳ-паркларининг қиёфасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади...

Ҳар йили эрта баҳорда шаҳарнинг бир неча мўътабар кишилари «Тошкентни боғ-роғларга айлантирайлик» деган мурожаатнома билан чиқишади.

Газеталарнинг биринчи бетида йирик ҳарфлар билан эълон қилинадиган бу чақириқни ўқиб, хайрият-э, деворингиз келади.

Шундан кейин шаҳарга турли-туман манзарали дарахт кўчатлари, айниқса чинор «ёғилиб» кетади.

Кўп ўтмай корхоналар, ташкилотлар пландан ошириб кўчат ўтқазганликлари ҳақида ҳисобот берадилар. Уларнинг кўп-лигига ташаккурномалар эълон қилинади, мукофотлар ажратилади.

Баъзи вақтли матбуот саҳифаларида кўчат ўтқазиш ойлгига бош-қошлик қилиб турган кишиларнинг дезинформациядан иборат чиқишлари бошланади. Улар «Юнусободнинг чанги ўйнаб ётган ташландиқ ерларида боғ-роғлар яратдик» деган заминни нобоп фактлар келтириб, мақтанчоқлик қилишади. Аммо, ким қандай дарахт ўтқазганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ!

Энди бир нарсани аниқлаб олайлик. «БОФ» дегани нима ўзи!!

«БОФ»нинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси қуйидагича: «Мевали дарахтлар билан банд бўлган ер майдони боғ дейилади». Демак, бақатерак билан қарағай, акация билан чинор ўсган жойини «боғ» деб бўлмайди.

Бу ёғига энди ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Эзгу ният билан ҳамшаҳарларга қилинган мурожаатнома қаерда-ю, унга амал қилиш қаерда!! Аравани ким қаёққа тортапти!!

4. Қушлар шаҳарни тарк этмоқда

Мен чинор умрига ҳавас қилмай қўйдим.

Нега ҳавас қилай унинг бутуғига.

Қушлар ин қўймаса, яйрашолмаса,

Полапонлари-ла сайрашолмаса.

Соясида одам ёзмаса ҳордик,

Ҳаммадан аввало, ҳаммадан ортиқ

Чинор ўзин севса,

Еқласа ўзин.

Оғу ишлаб чиқиб

Сақласа ўзин.

Нега ҳавас қилай?!..

Гулчехра НУРУЛЛАЕВА

Биз шаҳарга маълум даражада оройиш берувчи манзарали дарахт, айниқса ҳар тўпи фалон сўм турадиган, бир қор ёққанда кейин шохлари синиб, «увадаси» чиқиб кетадиган арчаларнинг ўтқазилишига бутунлай қарши эмасмиз. Табиатда меъёр деган нарса бор. Ана шунга амал қилмаслик оқибатида кўп нохушликлар келиб чиқаётганлиги ҳозирги пайтда ҳаммага аён.

Чунончи, бизда ҳам шаҳардаги минглаб гектар майдонни эгаллаб ётган дарахтларнинг кўпчилигини чинор ташкил этади. Бу дарахт азалдан Урта Осиё шароитида аҳоли яшайдиган жойлардан нарироқ, қадамжо ерларга экинган. Шаҳарларда эса турли-туман мева дарахтлари, хусусан ўрик кўпроқ ўстирилган. Ҳамюртимиз Мирзо Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома»сида ҳар бир шаҳарга таъриф беришдан аввал унинг боғлари ҳақида гап юргизиши бежиз бўлмаган.

Хўш, нега ҳар қандай қурғоқчилик, ноқулай шарт-шароитга ҳам бардош бера оладиган, чиройли, умри «боқий» чинорлар шаҳарга экинмаган!! Бунинг асрлар оша синовдан ўтган сабаби бор, албатта.

Чинор ўзидан заҳарли модда чиқариб туради. [Унча-мунча касалликка чалинмаслиги, узоқ яшашнинг боиси шундан!] Апрель, май ойларида-у «гуллаган» пайтда чангидан азият чекадиган баъзи кишиларнинг қай аҳволга тушишини шифокорларимиз яхши билишади. Шуниси ҳам борки, чинорга қора қаргадан бўлак бирон қуш зоти яқин йўламайди.

Эндиликда Тошкент шу дарахт билан тўлдириб юборилганлиги туйғайли кейинги ўн беш йилча муддат ичида меваларсиз яшаш манбаи қолмаган бир юз ўттиз хил паррандадан эллик тури шаҳарни тарқ этди. Яна ачинарли томони шундаки, ўша қушлар шаҳардаги мевали дарахт ҳамда экинзорларнинг санитарии — зарарли ҳашоротларга қирон келтирувчи энг фойдалиси бўлган!.. Боғу парклардан булбулларнинг хониши эшитилмай қолди. Улар ўрнини ҳар бири қора бароқ мушукдай келадиган қаргаларнинг гала-говури эгаллади.

Мана, бир неча йилки, куз бошланиши билан сон-саноксиз бу махлуқлар мўр-малаҳдай шаҳарга эпирилиб келади. Бутун киши давомида ҳам гала-гала бўлиб чинордан-чинорга ўчиб юради. Улар дастидан йўлкалар, майдонлар усти ахлатга тўлиб кетади.

Тошкентлик кекса оринтолог олим Р. Н. Мекленбургцевнинг таъкидлашига қараганда, ҳозир шаҳарга ўчиб келаётган қора қаргаларнинг сони бир миллиондан ошибди. Эндиликда улардан қутулиш йўллари изланаётганимиш. Тошкент Давлат Университетининг биология факультетидан ёш бир олим қаргаларга қарши «хуржитгич» ихтиро этиб, шаҳар Советига тақдим қилибди.

Кўглили, шу билан ачинарли ҳол. Тўғри эмасми!

5. Баҳона эмас, имконият қидирмоқ керак

«Узимиздаги Закарпатье боғ шаҳарларида бўлганман... Кўрганларимдан оддийгина бир мисолни айтиб берақолай: ёз-пишиқчилик палласи эди. Тошкентда шафтолининг нархи отасининг баҳосида!.. Икки кундан кейин Венгрияда бўлдим. Кўча бўйларида шафтолилар фарқ пишиб ётибди. Хоҳлаган одам тўкилганларини олиб еркан, ёки йўл бўйларидаги махсус яшиқларга солиб кетаркан. «Шаҳарда шунчалик мевали дарахт ўтказса бўларкан-ку», деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, Тошкентимизнинг бир пайтлардаги Инжиқобод боғлари кўз ўнгимда гавдаланди. Ешлигимиз ўша мевазорлар ичида ўтган. Ҳозир эса шаҳримизда бундоқ номини айтиб мақтангудай боғ қолмади. Болаларимизнинг ёшлиги гиштин деворлар, бетон уйлар орасида ўтмоқда. Хайронман, бу ҳол қачонгача давом этаркин».

Шукур БУРҲОНОВ,
СССР халқ артисти

Сохибкор олимларимиз ҳиммат кўрсатиб, боғдорчиликда турли гибрид сермахсул мева дарахтлари яратиб беришди, шаҳарларни эса «илмий ёндошилган» манзарали дарахтларга тўлдириб юборишди. Бу ёғига энди катта магистрал йўл, парк ва хиёбонларбоп мева кўчатлари етиштириш хусусида ўйласалар ёмон бўлмасди. Ахир, манзарали дарахтнинг қай турини шаҳарга экиш ёки экмаслик хусусида катта-катта муассаса ходимлари бош қотираётган бир пайтда, нега энди мевали дарахт ҳақида ўйлаш мумкин эмас!

— Мумкин, қисман бу масалага эътибор берилаяпти, — дейди Урта Осиё Урмон хўжалиги илмий текшириш институти директори ўртоқ В. А. Абдураззоқов, — Масалан бир неча ўнлаб километрга чўзилиб кетган шаҳар ичкарисидagi ва

атрофидаги магистрал йўллар бўйига ёппасига манзарали дарахтлар экавериш шарт эмас. Ёнгоқ билан чинорни, арча билан беҳини оралатма қилиб экилса бўлади. Ушбу тажриба Шрейдер номли боғдорчилик илмий текшириш институти далаларига синовдан ўтказилди, қутилганидан аъло натижаларга эришилди ҳам. Бироқ бу янгилик боғ ичкарисидa қoлиб кетмоқда.

Шундай экан, шаҳар билан илмий текшириш институти боғи ўртасидagi деворни ким қулатиши керак! Тажрибакор олимлар, ё шаҳар раҳбарларими!

Энди шу ерда олимларимиз фикрларига қўшимча қилмоқчимиз. Шаҳар атроф йўл бўйларига фақат ёнгоғу беҳи экиш билан иш битмаса керак. Бошқа қатор имкониятлар ҳам бор.

Масалан, ҳеч иккиланиб ўтирмай экса бўлаверадиган ўрнини олиб кўрайлик.

Дарвоқе, Тошкент бир вақтлар «Мингўрик» номи билан аталган, шаҳарда ўрик дарахтлари яхши ўсган деб юқорида таъкидлаб ўтгандик. Бунга тагин мисол тариқасида Чилонзор, Чопонота боғларини эслатиш мумкин.

Аммо... «Ҳозирги пайтда нега ўрик экинмайди!» деб улгурмасингиздан оғзингизга урадиган мутасадди кишилар анчагина топилади. Сийқаси чиқиб кетган, ишлатилавериб кўпчиликнинг қулоғига қуйиб бўлинган баҳоналарни олдингизга гиштдай териб ташлашади:

«Биринчидан, — дейишади улар, — мева пишиб [айниқса ўрик!] тағига тўкилса, шаҳар санитария ҳолатини бузади.

Иккинчидан: мевали дарахтлар меҳнатталаб бўлади. Уларга доим қараб туриш керак».

Мана шу хил баҳоналарни рўқач қиладиган кишиларга айтадиган жавобимиз қуйидагича:

Биринчидан: Бу гап айрим маҳалла кўчаларида тасодифан экилиб қолган хашаки ўркининг палағда мевасини босиб олиб, бурнини жийириб ўтадиганлардан чиққан бўлса ажаб эмас. Чунки, ўша тоифадаги одамлар, Она табият яратиб қўйган беками-кўст китобни ўзлари нотўғри варақлаб қўядилар-да, кейин нундан нолиб, аюҳаннос солиб юрадилар... Бизда ўркининг юзлаб турлари бор. Айниқса унинг «Субхон» нави шундай шаҳарбопки, бўйдорлигу салобатда ман-ман деган чинор билан беллаша олади. «Субхон» ўригининг эрта баҳорда чамандай бўлиб очилиб ётиши, ёзда йирик меваларнинг лаълиранг бўлиб қизариши, унча-мунча шамолга тўкилавермай кўзни ўйнатиши... ва ниҳоят, кузда Пушп деган Гулдарахтига ўша баргларининг шафақдай ёниб туриши қайси одам юрагини тўлқинлантириб юбормайди дейсиз! Наҳотки, шаҳар хиёбонларига мана шу гўзаллик ярашмаса!

Тасаввур қилиб кўринг: пойтахтимизнинг Бош майдонининг тўрт томонида тўрт туп ўрик қийғос очилиб ётибди... Кўриб ким завқланмайди!

Иккинчидан: «Ишлашни хоҳлаган имконият қидиради, хоҳламаган баҳона қидиради» деган ажойиб гап бор. Ажабки, шаҳар Ободонлаштириш Бош Бошқармасидаги ҳамма ходимлар «меҳнатталаб» ишларни қиялаб ўтиб, осонига юғурдиган бўлиб қолишган бўлса! Ахир оддий деҳқон ҳам меҳнатдан қочиб, ўз ерини бегона ўтларга бостириб юбормайди, йил — ўн икки ой пешона тери тўкиб, дур ундиради-ку!

6. Еримиз қанчалар сахий...

Устоз Абдулла Қаҳҳор айтган гап яхши эсимда қолган. Ушанда у киши Дўрмондаги ўз боғида саккиз навадасига саккиз нава мева пишиб турган бир туп шафтоли дарахтига қараб шундай деганди: «Еримиз қанчалар сахий. Кузда деҳқон кетмонини далада қолдирса, баҳорда унинг дастасида гунча пайдо бўлади. Кузда мева узиб олади».

Бу образли гапда катта ҳақиқат бор. Еримиз шунчалар танти, сахий. Озгина меҳнат қилиб, тер тўкилса бўлгани, дур унади. Арзимас муддат ичида меҳнатингиз самарасини кўрасиз. Одамлар эса юз йилда бир маробата гунча ёзадиган кактусни парваришлаб, гуллайдиган даврини умид билан кутишади.

Ери абадий музлик бўлган шаҳарларда боғдорчилик қилаётган кишилар ҳақида марказий матбуот саҳифаларида ўқиб қолдим. Совуқ иқлимли бундай жойларда мевали дарахт,

хусусан олма вояга етиб, нишона кўрсатиши учун ўн-ўн беш йилдан зиёд муддат керак экан. Шунга қарамай, ўша шаҳар кишилари эзгуликка қўл ўриб, боғбонликни касб қилибдилар. Шаҳар раҳбарлари уларни рағбатлантирувчи бир неча тадбирларни амалга оширибди.

...Республикамизнинг Марғилон шаҳри кўчаларида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир.

— Боғкўчалар шаҳар кўрки бўлиши керак. Шунинг учун ўз ҳовлиси олдида кичкина боғ яратган соҳибкор ҳамшаҳарларимизни биз домм бошқаларга ўрناق қилиб кўрсатамиз. Ҳатто улар учун махсус ҳурмат тахтаси ҳам ташкил этдик, — дейди Марғилон шаҳар ижроия комитети раиси Дониёр Нурматов.

Ҳамманинг нигоҳи тушиб турган бизнинг Тошкентда эса бутунлай тескариси. Эшиги ёнига мевали дарахт экиб қўйиб, боши гавгодан чиқмай келаётган кўпгина кишиларни биламан.

— Мана шу дарахт учун ҳар йили баҳор ва кузда ижрокмдан келиб жанжаллашиб кетишади. Акт тузишади, маъмурий чора кўрамиз деб қўрқитишади, — дейди эски танишим, оддий ишчи Ҳакимжон ака Охунов йўл бўйида беозоргина ўсиб турган икки туп мевали дарахтни кўрсатиб. Мен бу одамни эски танишим дедим. Умуман Ҳакимжон акани, дарвозаси ёнидан ўтган йўловчи борки, албатта таниса керак. Чунки у киши катта магистрал кўчанинг гавжум йўлаги бўйига бежиримгина «дам олиш бекати» барпо этиб қўйган. Шундоқ ўтирган жойингизда олтиндай товланувчи ўзум бошлари, серҳосил олма шохлари осилиб ётади. Скамейка ёнидаги жўмракни бураб, муздай сув ичишингиз, салқинда бир лаҳза хордиқ чиқаришингиз мумкин.

Негадир шаҳарнинг оддий граждон ишчисининг мана шу ҳавас-иштиёқ билан қилинган эзгулик иши бошқармадаги баъзи одамларнинг ғашини келтираркан. Улар дапқир-дапқир газаби жунбушга келиб, жанжал кўтариб туришаркан!

Ҳа, шаҳар бошқармасида гапи бошқа-ю, иши бошқа ўртоқлардан ташқари ўзимиз экмаймиз, экдиришга қўймаймиз, дейдиган ходимлар ҳам борга ўхшайди.

Сохта «боғлар» яратишга чек қўйиш пайти келди. Ҳар йили эрта баҳорда тантана билан шаҳарга экиладиган бир миллион саксон минг туп манзарали дарахт ва буталар эгаллайдиган майдоннинг бир бўлагини инсоф билан мевали ниҳолларга ажратиб бермоқ зарур.

Миришкор боғбонларимизнинг хомчўтларига қараганда, агар минг гектар ерга олма, ўрик ёки нок дарахти экилса, 4-5 йилдан сўнг ўша ердан кам деганда 90000 тонна ҳосил йиғиб олиш мумкин, экан. Бу икки миллионли шаҳар аҳолисининг ҳар бирига қирқ беш килограмдан мева тўғри келади

демакдир. Ваҳоланки, территориясининг катталиги жиҳатидан Иттифоқда Москвадан кейин иккинчи ўринда турувчи Тошкентнинг 26000 гектар ердан 8000 гектарини турли-туман манзарали дарахт ва буталардан иборат ҳосил бермас «боғлар» эгаллаб ётибди.

Шундай экан шаҳарда мевали дарахтларни ўстиришдайд хайрли ишга тўғаноқ бўладиган ҳар қандай баҳоналар пайини қирқиш вақти келди. Токи шаҳарда боғдорчилик билан ободончилик бир-бирини тўлдирсин. Чунончи, партия, ҳукуматимиз ўртага ташлаган Озиқ-овқат программасини ҳал этишда, табиат мутаносиблигини сақлашда ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Шаҳарда нима кўп, «бош-бош»дан бошланувчи муассасалар кўп. Шулар қаторида ҳақиқий миришкор деҳқон — «Шаҳарнинг бош боғбони» раҳбарлик қиладиган бир идора таъсис этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Шунда «шаҳардаги ҳар бир туп мевали дарахт тақдири билан ҳисоблашиш» қонун тўсига кирса ажаб эмас!

7. Яхшидан... боғ қолади

Энди, юқорида шаънларига андак тил тегизиб ўтган ўртоқларга айтадиган икки оғиз «ширин» сўзимиз бор: ҳадемай ёз ҳам ўтиб, кузги дарахт экиш мавсуми бошланади. Ушанда бир донадан мева ниҳоли олиб, шаҳарнинг қоқ ўртасига ўтқазинг. Сўнг, орадан ўн йил эмас, икки-уч йил ўтди деб фараз қилинг.

Ана ўша дарахт остида ўтирибсиз. Шаҳар узра сарин ел кўзғолиб, бир дона оқ ўрик ёнингизга тушади. Уни шундоқ қаршингизда оқиб турган ариқнинг зилол сувида чайинг-да, енг! Қандай маза. Бу қадар ширин мевани умрингизда биринчи бор татиган бўласиз.

Бу хаёлот эмас, муҳтарам меъморлар!
Бу бор гап, ҳурматли қурувчилар!
Еримиз ана шундай сахий ва танти.

Унга ишонинг! Ахир халқимизнинг «Яхшидан боғ қолади...» деган ҳикматли сўзи бор-ку!

РЕДАКЦИЯДАН:

Езувчи Дадахон Нурийнинг мақоласида кўтарилган масалалар кўпчиликини, тошкентликларни ҳам, гўзал пойтахтимизнинг меҳмонлари ва муҳибларини ҳам ташвишга солаётгани сир эмас. Тошкент жамолига, унинг муҳташам саройлари, ораста кўчалари, истироҳат боғлари, оригинал ёдгорликлари, хуллас, кўркем қадди-бастига мафтун бўлмаган киши топилмаса керак. Аммо биз ҳаммамиз шаҳримизни янада жозибали, яшаш ва ишлаш учун қулайроқ, фаровонроқ кўришни истаймиз. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар, таклифлар ана шу яхши ният туфайли туғилган. Эҳтимол, муаллифнинг айрим мулоҳазалари баҳслидир, балки у баъзан ортиқча эҳтиросга берилгандай туюлиши ҳам мумкин. Бизнингча, буни ёзувчининг куюнчаклиги, шаҳримиз ҳусни-жамолига бефарқроқ қаровчи кимсалар билан бемурасалик белгиси, деб тушунмоқ керак.

Биз мазкур мақолада кўтарилган проблемага мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ўз муносабатларини билдирар, деб умид қиламиз.

Азиз журналхон! Сиз бу муаммога нима дейсиз? Фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.



Мажид
Самадов

Ўзбек Гастеллоси хамхонам эди...

Ветеран хотиралари



руш бошланганлиги ҳақидаги машъум хабарни эшитиб, юрагим музлаб кетди. У пайтлар ёшгина талаба эдим. Тошкентнинг Уқчи кўчасида жойлашган педагогика билим юртида ўқирдик. Уша, 22 июнь кuni ҳамкурслар билан биргаликда орастагина боғда ёзги имтиҳонларга тайёрланиб ўтиргандик.

Кундуз соат ўн иккида Совет ҳукуматининг бутун халқимизга мурожаати эшиттирилди. Турган еримизда қотиб қолдик. Кўксимизда фашистларга нафрат, она юртимизга садоқат туйғуси алангаланди.

Ўз-ўзидан митинг бошланди. Мураббийларимиз ва юқори курс студентларининг кўпчилиги Ватан озодлиги учун дарҳол фронтга отланиш истагини билдирдилар.

Кечагидек ёдимда, 1941 йилнинг 31 августи, якшанба эди. Эртага янги ўқув йили бошланади. Билим юртининг ҳовлиси китоб кўлиқлаган, папка кўтарган ёшлар билан тўла. Дарвоза тўғрисидаги катта ёнғоқ ёнида ётоқхонамиз бўларди. Ётоқхона олдида, ҳовлининг ҳар ер-ҳар ерида ўқувчилар тўп-тўп бўлиб туришибди. Фронтдаги янгиларни муҳокама қилишларини. Талабалар орасида битирувчи курс талабалари кўринади: Сарвар Азимов, Исмоил Мирҳожиев, Ахбор Аброров, Лазиз Ойтўғонов, Обида Болтахўжаева...

Кечки соат тўққизга яқинлашиб қолди. Репродуктор тилга кирди:

— Диққат, билим юрти радиоузелидан гапираимиз! Яна бир неча дақиқадан кейин Москва эшиттиришларини тинглайсиз.

Ҳаммамиз жим бўлиб, ёнғоққа илинган карнайга тикилиб қолдик. Ниҳоят, Бутунитифоқ радиосининг диктори Левитаннинг салобатли товуши эшитилди:

— Говорит Москва! Говорит Москва! — Левитан бир-иккита хабар ўқиди, ниҳоят, барчани ҳаяжонга солган ахборотга тўхталди, — 28 август кuni Днепрнинг ўнг қирғоғидаги Д. Шаҳри яқинида немислар йирик танк ва пиёда биринчи бўлиб кичик лейтенант Вдовенко экипажи етиб келди. Мўлжалга аниқ ташланган бомбалардан фашистларнинг бешта зенит установкаси сафдан чиқарилди. Душман замбараклари бизнинг самолётга қарата шиддатли ўт очди. Жанг қизиган пайтда бомбардимончи самолётимизга душман снарядининг парчаси келиб тегди. Самолёт ёна бошлади. Шунда жасур экипаж самолётни душман кўпригига қараб йўналтирди. Кўприк батамом ясон қилинди. Бомбардимончи самолётнинг қаҳрамон экипажи: кичик лейтенант Вдовенко, лейтенант Гоманенко, ўқчи, кичик сержант Пўлатов ва ўқчи-радик, кичик сержант Карпов душманга катта зарба бериб, мардларча ҳалок бўлдилар.


Ахборот тугаши билан беихтиёр мунозара бошланиб кетди. Ҳар ким ахборотни ўзича шарҳлар эди.

— Қойил! Азаматлар белорус фарзанди, капитан Гастеллонинг мислсиз жасоратини такрорлашибди-ку! — деди Ахбор Аброров.

— Экипаж аъзолари турли миллат вакиллари экан, — суҳбатга аралашди Марғуба Солиҳова, — менимча, Вдовенко билан Гоманенко украиналик. Карпов рус, Пўлатов ўзбекистонлик ё тожикистонлик бўлса керак.

Ҳаёлимда «Пўлатов» деган фамилия айланиб қолди. Мирза Пўлатов деган ҳамшаҳрим бўларди. Уруш бошланмасдан бурун армияга кетган эди. Авиацисмда хизмат қилар экан, деб эшитувдим. «Ҳалиги ўқчи ўша эмасмикан!», деган ўйга бордим. Кейин, дунёда ким кўп — Пўлатов кўп. Шошмай-чи, бир кuni маълум бўлиб қолар, дея ўзимга тасалли бердим.

Педагогика билим юртини тугатган йигитларнинг кўпчилиги меҳнат фаолиятини бошлаб, 5—6 ойгина ўқитувчилик қилдилар. Шундан сўнг биз Совет Армияси сафига қақирилиб, ёвуз душманга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида иштирок этдик. Дўстларнинг бир қисми фронтда мардларча ҳалок бўлдилар. Улар орасида менинг пискентлик ҳамқишлоқларим, билим юртида бирга таҳсил кўрган курсдошларим ҳам



бор эди. Бу аламли айрилик ҳамиша юрагимни жижиллатиб туради.

Мен ўзбекистонлик жангчиларнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратларини ўрганиш мақсадида кўп йиллардан буён СССР Мудофаа министрлигининг архивида сақланаётган ҳужжатларни ўрганмоқдаман.

Мўътабар бир архивда собиқ жангчиларнинг қаҳрамонона ҳаёти акс этган ҳужжатларни кўздан кечириб ўтирган эдим. Бир ҳужжатга аниқлик киритиш учун ўқув зали ихтиёридаги справкалар бюросига кириш лозим бўлиб қолди. Кирдим ушундан ушунга «Гастеллочилар», «Талалихинчилар», «Матросовчилар» деб ёзиб қўйилган тўпламларга кўзим тушди.

«Гастеллочилар» деган тўплами ҳаяжон билан қўлга олдим. Капитан Гастеллонинг ўлмас жасоратини такрорлаган ўқчи Пўлатов ҳақида бирор маълумот бордир. Эҳтимол у ўзим билладиган ўша Мирзадир, деган умид ва гумон аралаш арақлай бошладим.

Ҳужжатлар 256 та гастеллочининг ҳаётини ҳикоя қиларди. Омадни қарангки, фикрим тўғри бўлиб чиқди. Ҳамюртим Мирза Пўлатов 50-авиация дивизиясининг 81-авиация полкидаги Иван Тимофеевич Вдовенко командир бўлган экипаж составида жангга кирган экан. Тўпламда асос қилиб келтирилган ҳужжат «Молодой коммунист» журналининг 1971 йил

6-сонидан олинди деб кўрсатилган эди. Мен журнални топиб, бармоқларим титраб керакли саҳифани очдим. Унда тарих фанлари кандидати полковник Зайцевнинг «Огненные пилоти» «Отшқалб учувчилар» сарлавҳали мақоласи ва ўша гастеллочи экипаж аъзоларининг жанговар ҳаёти қисқача ёритилибди. Экипаж командир Иван Тимофеевич Вдовенконинг 1920 йилда Ростов областидagi Горняцкий шахтёрлар посёлкасида, штурман Никита Васильевич Гоманенко 1914 йилда Харьков областининг Изюм районидаги Бригадировка қишлоғида, радист Владимир Петрович Карпов 1920 йилда Ульяновск шаҳрида, ўқчи Мирза Пўлатов 1920 йилда Тошкентда туғилганлигини билиб олдим.

СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 20 июндаги фармонида мувофиқ И. Т. Вдовенко ва Н. В. Гоманенкога Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилган. В. П. Карпов Ленин ордени, М. Пўлатов Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Қаҳрамон экипажнинг барча аъзолари қатори Мирза Пўлатов 21 ёшида ҳалок бўлди.

81-авиация полкининг собиқ комиссари, истеъфодаги подполковник Филипп Пантелеевич Казаринов Днепрпетровск шаҳридаги музейга тақдим этган хотирасида шундай деб ёзади:

«Вдовенко командир бўлган экипаж аъзолари теңгисиз жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган кундаги учиш уларнинг 66-жанговар учишлари эди. Экипаж группа бўлиб ҳаво жангида иштирок этган пайтда ўқчи Мирза Пўлатов душманининг тўрт самолётини ёндириб юборган».

Капитан Гастелло жасоратини такрорлаган экипаж аъзолари кўрсатган қаҳрамонлик днепрпетровскликлар қалбида мангу яшайди. Днепр дарёси қирғоғида жойлашган В. И. Ленин номидаги паркда қаҳрамонлар шарафига ёдгорлик ўрнатилган. Бундай ёдгорлик собиқ ҳарбий қисм территориясида — Минск шаҳри яқинидаги Магулишчада ҳам қад кўтарган. Ундаги мармар плитага гастеллочиларнинг фамилия ва исмлари ўйиб ёзилган.

Яқинда Пискент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳардаги Проектная кўчасига Мирза Пўлатов номи беришга қарор қилди. Шунингдек, шаҳардаги Охунбобоев номи паркда Мирза Пўлатовнинг ҳайкалинини ўрнатиш ҳам кўзда тутилган.

Мирза билан бундан қирқ беш йил муқаддам Тошкентдаги енгил саноат техникумида танишган эдим. У мендан тўрт ёш катта эди. Мирза техникумининг охириги курсида ўқир эди.

Тақдир экан, бир кун иккаламиз ҳамхона бўлиб қолдик. А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат парки билан ҳозирги республика давлат цирки биноси ўртасидаги Чапаев номи мактабнинг кун чиқиш томонида жойлашган айланма болохонали ҳовли ётоқхонамиз эди.

Ўқув машғулотларидан бўш пайтларимизда бирга дарс тайёрлар, ётоқхонамиздан унча узоқ бўлмаган Ҳамза номи театрда «Отелло», «Гамлет», «Маликан Турандот» каби спектакллари, А. С. Пушкин номи маданият ва истироҳат паркида миллий кураш мусобақаларини томоша қилар эдик.

Капитан Н. Ф. Гастеллонинг ўлмас жасоратини такрорлаган И. Т. Вдовенко командир бўлган қаҳрамон экипаж составида ёвуз душманга катта талофат етказиб, мардларча ҳалок бўлган ҳамюртимиз Мирза Пўлатовнинг довракклиги билан опалари Назминиса ва Раҳбарниса, сингиллари Ҳукминиса ва Маъмура-хонлар, йигирмадан ортиқ жиянлари, ҳар бир пискентлик ҳар қанча фахрланса арзийди.



«ҲАЁТНИ СЕВГАНДЕК СЕВАМАН СЕНИ...»

Шу йил февраль ойидан эътиборан бепоён мамлакатимиз ёшларининг севикли газетаси «Комсомольская правда»нинг безакли иловаси — «Сухбатдош» ҳафталиги чоп этила бошланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 1.000.000 нусхада босиб чиқарилаётган мазкур нашр комсомол ёшларнинг,

ишчи ва деҳқон тенгдошларимизнинг, юқори синф ўқувчилари ҳамда студентларнинг чинакам сухбатдошига, қадрдон ҳамроҳига айланиб қолади, деб ишонамиз. Ҳафталикнинг 2-сонидан ўрин олган кўпгина қизиқарли мақола ва очерклар орасида «Ҳаётни севгандек севаман сени» деб номланган лавҳа айниқса диққатга сазовордир. Лавҳада юртдошимиз — Самарқандда униб-ўсган жасур йигит, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Варган Тонияннинг зах фронт окопларидан, урушининг жаҳаннам майдонларидан севилисига йўллаган, чексиз муҳаббат ва соғинч билан тўлиқ ҳароратли мактублари ҳақида ҳикоя қилинади.



Тогли Қорабоғда туғилган Варган Тониян ота-онаси билан Ўзбекистонда яшарди. Самарқандда ўрта мактабни тугатгач, фронтга жўнади. Ота-онасига ёзган хатларини у «...кенжа ўғлингиз Вова» деб тугатар, севиклиси рус қизи Тинага битган мактубларини эса доимо: «...сенинг Вартанинг», дея хотималар эди. Барча тенгқурлари сингари Варган ҳам урушининг дастлабки кунлариданоқ фронтга ошиқарди. Аммо бу нияти дарҳол амалга ошақолмади: танкчилар билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганидан сўнг у Самарқанднинг ўзида — курсантларни ўқитишга қолдирилди. Шаҳарга эвакуация қилинган ленинградлик олий ўқув юртларидан бирида ўтказилган кечада у Тина билан танишиб қолди....

1944 йил, май. «Бугун ойнанинг саккизинчиси. Илк бор учрашган кунимиз. Роппа-роса бир ой бурун сен билан хайрлашдик. Тина, хайрлашгани олдинга борганим ёдингдами! Уша сўнгги лаҳзаларда сенга жуда кўп нарсаларни айтмоқчи эдим. Аммо ўшанда сени кўрдиму ҳаммаси бир умр ёдимда қолажанингизни англадим: сўнгги нигоҳ, сўнгги бор қўл сиқиш... Хайрлашдик. Сенинг ёнингдан бир қадам ҳам жилгим йўқ эди, тўйиб-тўйиб бағримга босгим келарди. Аммо бурчим, виждоним жўнаб кетишни тақозо этарди».

1944 йил, июль. «Қадрли Тина! Мана, хайрлашганимизга ҳам бугун уч ой бўлди. Янги-янги кечинмалар, соғинч ва таассуротлар билан тўла узундан-узоқ уч ой. Ҳозир ҳамма ишларим жойида, деб ёзгудек бўлсам, сен албатта ишонмайсан, очиги, бу гап ёлгон ҳам бўлади. Сен билан хайрлашиш ва бу ердаги ҳаёт қанчалар оғир бўлмасин, бари бир шу ерда эканимдан хурсандман. Ўтган уч ой менинг ҳаётимда бутунлай янги саҳифа очди. Янги жойда, янги шароитларда бўлиб, анча-мунча ҳаётинг тажриба орттирдим, одамларни, турмушининг паст-баландликларини яхшироқ билиб олдим. Уртоқларимнинг дўстлигини кўпроқ қадрлашни ўргандим, ўзимга нисбатан талабчанлигим ортди, баъзи қарашларим ҳам ўзгарди...»

«Қадрли маҳбубам, бугун ойнанинг саккизинчиси. Бу — бизнинг кунимиз. Қани, яқинроқ кел, бир гаплашиб олайлик. Мана, ниҳоят яна биргамиз. Хат — шу бир парча қоғоз бахш этадиган қувонч лаззатини билсанг эди!.. Танишганимиздан бери орадан 9 ой ўтди. У тасодифий бир тарзда бошланган, унинг бу қадар кучли туйғуга айланиб кетишини сен ҳаёлингга ҳам келтирмаган эдинг. Бу кун — энг бахтли кун: шу кун мен сени учратдим. Қалбимда енгил бўлмас бир ҳис пайдо бўлганини, бутун вужудим сен томон талпинаётганини сездим... Ёнинга яқинлашар эканман, тилим гапга айланмай қолса-я, деб чўчирдим, рақс тушар эканмиз, тиззаларим бүкилмай қолса-я, деб қўрқардим... Ҳар бир табассумингдан кўнглим олам-жаҳондек ёришиб кетар, хиёл четга боқсанг — дилимни безовталиқ, ташвишу андуҳ босар эди...»

«Ҳали Самарқандда эканлигимиздаёқ мен сени қанчалар соғинишимни яққол тасаввур қилардим. Мана шу ўтган уч ой мобайнида сенга нақадар боғланиб қолганимни янада ўтли ҳаяжон билан ҳис этдим. Юрсам ҳам, турсам ҳам, ўхласам ҳам — доимо ҳаёлимдасан. 25-да гул териб катта гулдаста ясадим — ҳаёлан сенга йўладим; мана бу гулчамбар ҳам сенга, севгим...»

«Тина, мен яқинда Гаринининг «Тёманинг болалиги», «Гимназистлар», «Студентлар», «Инженерлар» деган китобларини ҳузур қилиб ўқиб чиқдим. Ҳатто ўзим яхши кўрган Жек Лондонни ўқиганда ҳам доимо бундай ҳузур туйган эмасан. Ёдингдами, сен билан бирга Жек Лондон ҳақида, бошқа ёзувчилар ҳақида жуда кўп сухбатлашардик. Ёзги таътилингга Жек Лондонни сичиклаб ўқиб чиқишинга имконият бор. Уйлайманки, шунда уни яхшироқ билиб олиб, ёқтириб қоласан. Ахир, Жек Лондонни яхши кўрмаслик мумкин эмас...»

Ватанимиз халқлари адабиётида ҳам ажойиб асарлар кўп. Арман, грузин ва бошқа тиллардан қилинган гўзал таржималар бор. Қозоқ оқини Жамбул Жаббаевнинг Қозогистон чўлларидек улғувор, ажойиб шеърлари сенга ҳам маъқул бўлади. Жамбул — ниҳоятда доно шоир...»

Бу мактублар фронтнинг орқа чизиғидан битилган. Вартан бу вақтда дастлаб Горькийда, сунгра Тулада ҳарбий тайёргарликда эди. 1944 йил августда у илк бор ҳаёт-мамонт жангига кирди. Замбров деган поляк шаҳарчаси ёнидаги жангларда Қизил Байроқли Кутузов ордени Белосток артиллерия полки ўзиюрар установкасининг командири лейтенант Тониян олға отилиб чиқиб, ўз тўпи билан душманнинг иккита тўпини яқсон қилди. Икки кундан кейин эса кучлар тенг бўлмаган даҳшатли жангда икки транспортёр ва фашист офицери минган мотоциклнинг кулини кўкка совурди. Вартан ўзининг жанговар «ҳисоб-китоб»ини ана шундай бошлади.

«Салом, кўзимнинг қувончи, қайлардасан ҳозир! Кўпдан буён мактубингни олмадим, мактуб эса — мен учун ҳам, дўстларим учун ҳам ҳаёт демакдир... Уйидан, ёр-дўстларидан, азиз одамларидан хат олган бу кишилар мактубим ўқибётган пайтда уларнинг юзига бир боқсанг эди... Ёқимтой, мулойим кўзларинга тўйиб-тўйиб тикиладиган лаҳзаларни соғинч билан зориқиб кутмоқдаман. Биламан, ўшанда кўзларинг хавотир ҳадикка тўла бўлади: мени қай аҳволда қайтди экан, деб ўйласан. Азизам, хотиринг жам бўлсин: сенинг олдингда ҳеч қачон қизариб қолмайман. Ишончим комилки, орадан қанча вақт ўтмасин, ўртамизга ҳеч ким раҳна сололмайди».

Жанговар характеристикадан: «Душманнинг 4 та ўзиюрар установкасига қарши жангда 2 тасни йўқ қилди, ўзи бошидан яраланган ҳолда, ҳам ўзининг тўпидан ўқ ёғдириб, ҳам гранаталар улоқтириб, қолган 2 та ўзиюрар установкани чекинишга мажбур этди...»

1944 йил, октябрь. «Қадрли ҳабибам, олти кундан буён хат ёзолмадим, кечир. Бир минут ҳам бўш вақт бўлмади. Уйлайманки, буни яхши тушунасан. Жанглар оғирлашиб борляпти, немисни тобора узоққа қувиб кетаяпти. Немис маккор, жонининг борича қаршилиқ кўрсатади, қутуриб снаряд ёғдиради. Менга осколка тегиб яраландим, кичкинагина осколка, ташвиш қилма. Ҳозир госпиталда ётибман. Менга ўхшаган беморларни бу ерда «ўзиюрар» деб аташади. Мен ана шунақа беморман. Сираям кўрқинчли жойи йўқ, худо ҳаққи. Утинаман, асло хавотир олма. Хўпми! Баъзан бошим айланади — осколка чап чаккамга теккан экан. Ярмини ўзим сугуриб олдим, ярмини врачларга қолдирдим. Рост-да, агар ҳар бир ярадор осколкани ўзи сугуриб олаверса, врачларга иш қолмай хафа бўлиб юришади... Энг муҳими — кўрпа-ёстиқ. Кўрпа-ёстикда ётиш ҳам эсимдан чиқиб кетаёзган экан, лекин, мана, дарров кўникиб ҳам қолдим. Эски адрес бўйича ёзавер, хавотир олма, энди қувончимиз ҳам, қайғумиз ҳам — ўртада».

«Оғир жанглар ва жароҳатлардан сўнг дам оляпман. Қани эди, ҳозир ёнимда бўлсанг! Майли, жисман узоқда бўлсанг ҳам, руҳан ёнимдасан. Латофат тўла, меҳр тўла кўзларинг шунчалар соғиндим! Шунчалар кўргим келяпти! Қанчалар яхши кураман уларни! Қалбимни чулғаган ҳис-туйғуларни ифода этишга ҳозир сўз тополмай қолдим... Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Чап кўзим оғрийдиган бўлиб қолган...»

1944 йил, ноябрь. «Қадрдоним Тина, мана, мен яна ўз ўйимда — ўз қисимдаман. Жароҳат битиб кетди, ҳаммаси яна илгаригидек. Фақат бир оз дудуқланяпман, холос. Йигирмага яқин хат олдим, кўпи — сендан экан. Раҳмат сенга, меҳрибоним... Қисмда яна ўз йигитларим билан биргаман. Утган кунларимизни, ҳалок бўлган дўстларимизни тез-тез эслаб тураимиз, қўшиқлар айтаимиз... Сўнг ногаҳоний ғам босиб келади... Аммо биз қайғу-ҳасратга ботиб ўтиришимиз мумкин эмас...»

«Сен доимо ўз тўғримда ёзишимни сўрайсан. Нимани ҳам ёзардим! Соғ-омонман, унча-мунча жанг ҳам қиялман. Турар жойимиз ертўла, иссиқ, кўрқинчли жойи йўқ. Оддий туриш-турмуш, чиройли жойи ҳам йўқ. Бурчимни ҳалол адо этишга илкомни борича интиляпман, барча топшириқларни аъло даражада бажаришга ҳаракат қиялман. Шунга яраша меҳнатим зое кетмаяпти. Армия — бениҳоя мураккаб, улкан бир механизм. Унинг ҳар бир қисми ўз вазифасини бекаму кўст адо этиши лозим. Аммо бу механизм олдиндан тайёрлаб қўйилган андозалар асосида эмас, балки ҳар бир кишининг онглилиги ва фидойилиги асосида иш кўради. Демак, ҳар бир жангчи ўз бурчини оғишмай бажариши, лозим бўлиб қолганда эса, топшириқни адо этиш учун иккиланмай жон фидо қила олиши керак... Ана шундай, азизам, ана шу механизмнинг кичик бир мурвати сифатида мен ҳам ўз вазифамни бажармоқдаман...»

«Ҳадемай тун киради — таҳликали, ташвишли қоронги тун. Фриц талвасга тушиб, осмонни ракеталар билан илма-тешиқ

қилиб юборади... Ҳозир сенга аллақандай чиройли сўзларни ёзгим келяпти, аммо, начора, менда бундай қобилият йўқ, шу боис мана шу қовушмаган жумлаларимни ўқинингга тўғри келади... Тина, жоним, жаҳоним, сени шундай соғиндимки... Чамаси, почта яхши ишламаётган бўлса керак. Майли, қадрдоним, ҳадемай дийдор кўришамиз. Уша ёруғ кунларга оз қолди. Аммо, аввало барбод этилган ёшлигимиз ҳаққи, қурбон бўлган дўст-биродарларимиз ҳаққи, таҳқирланган, ситамдийда она Ватанимиз ҳаққи немис босқинчиларидан шафқатсиз қасос олмоғимиз лозим».

У шафқатсиз қасос олди. Госпиталдан чиқиб ўз қисмига келгач, жанговар машинасига иккита ўлка — душман пулемётини ўрнатди ва икки кундан кейин жангга кирди. Яна қаттиқ жароҳатланиб кантузига бўлди. Юз-кўзи қуйиб кетди.

1944 йил, декабрь. «Иккимиз учун ҳам энг азиз, энг ардоқли одам — почтальон хат келтирди. Кўпгина ўртоқларим кўнгли қўйган қизларидан ноҳуш хабарлар олмоқдалар: хатда бошқа гап-у, амалда бошқа гап. Аммо ошиқ юракни алдаш қийин... Сени ўйласам, қалбим қувончга тўлиб кетади, бенихтиёр қўшиқ айтгим, тўрт томонга қараб, менинг ажойиб, вафодор Тинам борлигини, у мени садоқат билан кутаётганини айтиб қичқиргим келади. Энди қиёфам ҳақида [гарчи сен бу тўғрида ўйлашни менга таъқиқлаган бўлсанг-да] икки оғиз: куйган жой дярли битиб қолди. Айтишларича, териси яна аввалгидек силичиқ бўлиб қолармиш. Мен кўзимдан хавотирда эдим, аммо, мана кўриб турибсан, бемалол хат ёзяман, демак, ҳаммаси жойида. Яхши тушлар кўриб ўхла, қадрли севгилим, мен ҳаммаша сен билан биргаман».

«Тез-тез йўллаб турган мактубларингдан бошим кўнларга етмоқда. Ҳамма болаларинг менга ҳаваси келади, ҳар кун хат олишимни бутун полк билади. Бахтимга бу ёруғ дунёда сен бор эканлигингдан кўксим тоғдай баланд...»

«Ҳозир ҳордиқ оляпмиз. Ҳал қилувчи жангларга тайёргарлик боряпти. Мени табриклашнинг мумкин: бугун партия сафига қабул қилишди... Мустақил ҳаётга ҳам аста-секин кўникиб қолдим, унинг яхши-ёмон жиҳатларини ўрганапман. Бу ерда одамнинг характери, унинг кишиларга муносабати синовдан ўтаркан. Қалбингда ҳаётга улкан бир муҳаббат пайдо бўларкан, унинг қадрини шундагина англаб етар экансан. Кўрқоқ ҳаётнинг қадрини билмайди, уни севмайди ҳам — у тиш-тирноғи билан ҳаёт неъматларига ёпишиб олишни истайди, холос...»

«Баъзан хаёлимда худди ёнимда тургандек туюлаверасан. Назаримда, ҳатто елкамдан охиста тутгандек ҳам бўлдинг. Ҳа, сен ҳаммаша, ҳамма жойда мен билан биргасан... Уйимизга борганим, онам билан гаплашганим эсингдами! Меҳрибоним, мушфиқ онажонимни шу қадар соғиндимки...»

1945 йил, 13 январь. «Бизда тартиб шундай: жангдан олдин соқол олиб, тоза ёқа тикиш, орденларни кўрракка тақиб қўйиш керак. Азизам Тина, дийдор кунлари ниҳоятда яқин қолди, лаҳзалар ўтган сайин у тобора яқинлашмоқда. Вовканг ўз бахти, ўз қувончига қайтган каби албатта ҳузурингга қайтади. Мана шу қайноқ бўса ёдингга қолсин. Тез-тез ёзиб тур. Сенинг Вартанинг».

14 январь. «Тина, салом. Соғ-омонман, мендан хавотир олма, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Қайғу ҳам, қувонч ҳам ўртамизда. Менга омад тилаб, қут — жангга кириб кетаяпман».

14 январь куни Шаркий Пруссияда Тониян ўзиюрар установкасида биринчи бўлиб душманнинг пиёда қўшинлари устига бостириб борди ҳамда қарши ҳужумни қайтарш чогода иккита «фердинанд» танкини яқсон қилиб, экипаж аъзоларини асир олди.

19 январь. «Сени маҳкам бағримга босиб, тўйиб-тўйиб ўпаман, бахтим юлдузи! Қайфиятим соз, соғ-саломатман, жанг қилиб ётибмиз. Хатларингни олиб турибман, хурсандчилигимнинг чеки йўқ. 5 кундан буён жавоб ёзолмадим, кечир мени, вақт бўлмаяпти. Сен эсли-ақлли қизсан, ўйлайманки, аҳволимни тушунасан».

25 январь. «Ардоқли маҳбубам, кўп бўлди, хат ёзолмадим, қўлим тегмади. Пресниши, Янов, Едваби, Пасинхайм деган жойлардан жанг билан ўтдик. Полкимиз ўртоқ Сталиндан 4 та ташаккурнома олди. Яна жангга кириб кетаяпти. Дам оладиган кўнни кутяпман. Кечир, шошиляпман».

29 январь. «Салом, Тина. Хатларингни олиб турибман. «Раҳмат», дейиш кифоя эмас, аммо ундан бошқа қандай сўз бор!.. Қанотим бўлсаю олдинга учиб борсам... Аммо ҳозир сенга икки энли хат ёзишга ҳам фурсатим йўқ. Кечир мени, кўнглим қувончи».

6 февраль. «Қадрдоним! Шу кунларда жавоб ёзолмадим, ишон, имкон тополмадим. Мижақа қоқишга ҳам вақт бўлмапти. Кечасию кундузи йўлдамиз — олға қараб силжияпмиз. Оёқда қандай турганимга ўзим ҳам ҳайронман... Азизам, менга дамба-дам хат ёзиб тур, мен уларни кўзларим тўрт бўлиб кутаман. Улар менга қувват ва қувонч бахш этади. Унутма, мен ҳаммиша, ҳамма жойда сен билан биргаман. Ҳаётни севгандек севаман сени...»

Фраймарк деган шаҳарча учун бўлган жангда Тониян яна олға ташланиб, ўз тўпи билан душманларни уйма-уй битталаб «теради». 7 февралдан 8 февралга ўтар кечаси унинг ҳисоб бўйича, учинчи жанговар машинаси фашист фаустпатрони билан портлатилади. Ярадор командир ёнаётган машинадан куролдош дўстларини олиб чиқади, аммо ўзи душман пулемётининг ўкига дучор бўлади.

У йигирма уч ёшида ҳалок бўлди. Уша пайтда кўплаб газеталар унинг жасорати ҳақида ҳикоя қилди, у ҳақда шеър ва дostonлар битилди. Рассом Н. Жуков унинг портретини чизди, О. Татевосян картиналар туркумини ишлади, К. Листов эса «Танкист Тониян ҳақида кўшиқ» асарини яратди.

Улимидан сал аввал Вартан отасига шундай деб ёзган эди: «Отажон! Орада кечган айрилиқ давомида мен анча улғайдим, кўп яхши-ёмон нарсаларни бошимдан кечирдим. Бир неча бор ўлим билан юзма-юз келдим, бир неча бор ажалнинг кўзига қарадим. Бир неча марта ўт ичра ёниб кетдим, ярадор бўлдим. Юзимдаги чандиқлардан асло уялмайман. Биламанки, улардан Ватан ифтихор қилади...»

Ҳалок бўлган қаҳрамоннинг гимнастёркаси чўнтагидан ҳужжатлари билан бирга узун бир тола соч ҳам чикди: Вартан уни Бобруйскдан Фраймаркка қадар кўксига сақлаб ўтган эди...



**Дадахон
Ҳасан**

Бедорлик

Шоир Усмон АЗИМОВ бир суҳбатда латиш шоири Улдис БЕРЗИНЬШГА: «Мен ҳали денгизни кўрганим йўқ», деган эди.

Воажаб, денгизни кўрмабсан, укам,
Ҳали туғилмабсан дунёга демак.
Сен ҳали денгизга термилиб ўктам.
Оламни қайта кашф этмоғинг керак.

Денгиз деганлари зангор коинот,
Тизгинсиз дунёдир, бетиним туғён.
Абадий забардаст, улкан, барҳаёт,
Беҳудуд қудратдир, асов ғалаён.

У муқим гирдобу гирдибод бўлиб,
Оламни бузгудай исён қилади.
Курашсиз, гафлатда бўй-бадга тўлиб,
Осуда яшашни ор деб билади.

Тўлқинлар пойига йиқилар қирғоқ.
Тўфонлар зарбидан титрайди қоя.
Қанча қатъий бўлса истак-штиёқ,
Шунчалар буюкдир ундаги ғоя.

Мен денгиз бағрида яшаб бир муддат,
Мағрур тўлқинларга ошно бўлдим.
Ҳатто юрагимда ёниб рашк-ҳасад,
Шиддату шижоат ҳиссига тўлдим.

Сен ҳали денгизга узоқ термилиб,
Тўлқинлар қудратин шунда билурсан.
Дунёга шоирмас, бир денгиз бўлиб,
Қайтадан келмоқни орзу қилурсан.

Най

Най нечун нола қилур
Дилларни вола қилур.
Балки қадим-қадимдан,
Бизга ҳикоя қилур.
Не боисдан най доим,
Фигон қилиб куйлайди?
Балки йўқолиб кетган
Қамишзорин ўйлайди...



* * *

Дарё бўлса жўшиб оқса, тўғонларни бузиб,
Кема бўлса, ўтса барча уммонларни сузиб.
Арслонми у ётса қафас ичра мушук каби,
Ҳайқирмаса тантанавор занжирларни узиб.



СИЗГА ВА УКАЛАРИНГИЗГА



Ўтир Бешинчининг вафотидан бир ҳафта олдин, Хумо Хартум сарой ҳаммомидан чиқиб келаётганда гўлаҳ унга мана шу жулдур китобни тутқазди.

— Эски тошқалани бузаётиб топиб олдим, — деди гўлаҳ. — Жуда қадимий китобга ўхшайди.

Бош вазир Хумо Хартум Али Абдурахмон китобнинг дастлабки бетига кўз югуртибоқ: «Салломно-о!», деб кўйган бўлса, эртаси куни гўлаҳни чақиртириб, унга сарупо кийдирди.

Хумо Хартум даставвал китоб билан батафсил танишиб чиқиб, пухта мушоҳада қилиб олгач, ўзини айрим саволларга жавоб қайтаришга қодир деб билгандан кейингина, бу ноёб топилма ҳақида шаҳаншоҳга гап очишни мақсад қилиб кўйган эди. Бевақт ўлим туфайли Қўтир Бешинчи бу сирдан воқиф бўлолмади қолди...

Хўш, бу қандай сир эди? Уша сир яширилган китоб қандай асар эди? Хумо Хартум киму Қўтир Бешинчи ким ўзи?

Бу саволларга жавоб топмоқчи бўлсангиз, Анвар Обиджоннинг «Эй, ёруғ дунё...» номли қиссасини ўқиб чиқинг.

Анвар Обиджон ўзига-ўзи ёзган «ўртоқлик ҳазиллари»дан бирида: «Олтиариқдан келиб, олти жанрда ижод қилялман», деган эди. Дарҳақиқат, ёзувчининг ижодий қизиқиш доираси кенг ва ранг-баранг: у поэзия, проза, болалар адабиёти, юмор, драматургия, фантастика соҳасида бирдек ғайрат билан ишламоқда. Авторнинг мазкур янги асари Сизнинг жавонингиздаги ишқий китобларни ўғринча ўқиб юрган укаларингизга ажойиб совға бўлиши табиий. Шунингдек, бу қиссани ўзингиз ҳам маза қилиб ўқишингизга ишончимиз комил.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Ҳаётимизни китобсиз, мутолаа завқисиз тасаввур этиш қийин. Шу сондан эътиборан журналлимиз саҳифаларида очилган мазкур янги рубрика остида республикамиз ва иттифоқимиз нашриётларида босилиб чиққан, турли соҳага оид қизиқарли китоблар ҳақида мухтасар тарзда маълумот бериб борилади.

СОЧ НЕГА ОҚАРАДИ?

«Шуям савол бўлдию!», дейишингиз мумкин ҳафсалангиз пир бўлиб. Чиндан ҳам, соч қора бўлгандан кейин оқаради-да, кўкаремиди?!

Аммо, келинг, ҳар қалай, бир ўйлаб кўрайлик: одамнинг сочи нега оқаради? Айниқса, ёзувчининг сочи? Хусусан, ҳажвчи адабнинг сочи?

Неъмат Аминовнинг «Чинорлар кўшиғи» деб номланган янги китобида бу ҳақда чуқур «илмий бўлмаган» тадқиқот олиб борилади.

Тўпلامдан ўрин олган ҳикоя ва ҳажвиялар ўқувчини гоҳ жиддий ўйлантиради, гоҳ эса беозор кулги ва табассум бахш этади. Устод адиблар Садриддин Айний, Саид Аҳмад, Шариф Нурхон, машҳур Насриддин Афанди ҳақидаги ҳикоялар китобхонни ижод ва ижодкорнинг сирли-сеҳрли олами билан таништиради.

Хуллас, ҳали сочингиз оқармаган бўлса, шу китобни бир ўқиб кўринг: қани, нима сабабдан оқарар экан? Мабодо сочингиз оқарган бўлса ҳам, шу китобни бир ўқиб чиқинг: қани, нима сабабдан оқарди экан?

«Ёш гвардия» нашриёти

КЎҲНА ТАРИХ СЎҶМОҚЛАРИДА

...Бир куни «Вокруг света» журналининг редакторларидан бири билан суҳбатда журналхонларни қандай материаллар кўпроқ қизиқтиришини сўрадим. «Археология ва илмий фантастика, деб жавоб берди у. Бутун фаолияти жаҳон халқлари ҳақида, уларнинг маданияти, урф-одатлари ҳақида, табиат мўъжизалари, сирли сафар ва саёҳатлар хусусида ҳикоя қилишга йўналтирилган журналда мазкур икки соҳага талаб бениҳоя кучли экан. Фантастикага бўлган қизиқишни-ку тушуниш мумкин: кишилар ўз келажакларига назар ташлашни орзиқиб кутадилар. Аммо археологияга нисбатан бўлган бундай оммавий қизиқишнинг боиси нимада?».

Атоқли олима, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, санъатшунослик доктори Г. А. Пугаченкова археолог шогирдлари А. Саъдуллаев ҳамда Э. Ртвеладзеининг «Олтин олов ўлкасида» деб номланган китобига ёзган сўзбошисида ана шундай савол куяди.

Китобда Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимий тарихий-маданий воҳа — Бактрия ўлкасида олиб борилаётган археологик қидирув ишлари, бу соҳада республикамиз ва иттифоқимиз олимлари қўлга киритган муҳим илмий маълумотлар хусусида илмий-оммабоп тарзда қизиқарли ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон» нашриёти

МИНБАР ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Машҳур венгер журналисти, халқаро шарҳловчи Эрвин Ретининг навбатдаги янги китоби «Минбардаги ўлим» деб аталади. Муаллиф Миср Араб Республикасида бундан бир неча йил муқаддам юз берган драматик воқеалар ҳақида теран публицистик таҳлил асосида фикр юритади.

«...Миср президенти Анвар Садат телевизор томоша қилишни яхши кўрар, соатлаб «ойнаи жаҳон»дан кўз узмай ўтирар эди. Аммо худди шу телевидение туйғули ўзининг жон таслим қилишига миллионлаб одамлар шоҳид бўлишини у хаёлига ҳам келтирмаган эди...»


«...Анвар Садатнинг ўлими муносабати билан мамлакатда қирқ кунлик миллий мотам эълон қилинди. Орадан озроқ вақт ўтгач, Бағдоддаги марказий майдонлардан бирига Анвар Садатнинг қотили — лейтенант Ал-Исломбулий номи берилди. Бу пайтда Қоҳирада Анвар Садат номига ҳали локал кичкина бир кўча ҳам кўйилмаган эди...»

«...биргина кейинги олти йил мобайнида АҚШ Миср президенти Анвар Садатнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун 25 миллион доллар сарфлаган эди...»

Эрвин Рети бой фактик материаллар ёрдамида Анвар Садатнинг сиёсий йўлини — моҳият эътибори билан халқ манфаатларига, умумараб бирлигига хиёнатдан иборат бўлган таслимчилик ва мунофиқлик йўлини батафсил тасвирлаб беради. Шу тариқа автор Миср Араб Республикасини «Кэмп-Дэвид битими» деб аталмиш шармандали сулҳга дучор қилиб, уни бутун дунё таракқийпарвар кучлари олдида бадном этган майда буржуа давлат арбобининг сиёсий портретини маҳорат билан яратади, Анвар Садатнинг ҳарбий парад чоғи ҳукумат минбаридида кўққисдан ҳалок этилиши унинг минбар ортидаги ҳаётининг муқаррар натижаси эканини ишончли далилларга таяниб исботлайди.

Жўшқин публицистик эҳтирос, теран сиёсий мушоҳада билан ёзилган мазкур китоб Яқин Шарқдаги ижтимоий ва халқаро низоларнинг тарихий илдизлари ҳақида қизиқарли материалларга бениҳоя бой бўлиб, бу регионда ҳануз давом этаётган кучли можаро ва тўқнашувларнинг асл моҳият-сабабларини ҳар томонлама англаб олишга ёрдам беради.

АПН нашриёти, Москва.



Графикачи рассомлар А. Бобров, В. Немировский, И. Кириакиди ижодидан намуналар



Рисоладаги киши



урматли олимларимиз Эркин Юсупов ва Фозилжон Исмоиловлар суҳбатда ҳар томонлама баркамол инсонни, унинг юксак одоб-ахлоқ маданиятини қарор топтиришга доир қимматли мулоҳазалар баён қилинган. Суҳбат замондошимиз маънавий оламидаги фазилат ва қусурлар ҳақида жиддий мушоҳада ва баҳсга ундайди.

Баркамол одам, комилу фозил инсон қандай бўлиши керак! Бундай одамни қарор топтириш учун нималар талаб қилинади! Инсоният бундай саволларга неча-неча асрлардан бери жавоб қидиради. Қуйидаги ривоят ҳам эҳтимол уларга жавоб тариқасида яратилгандир.

Бир одил подшо вазирларига «Дунёдаги энг ажойиб инсоний фазилатга эга бўлган одамни топиб келинглар», деб буюрибди. Вазирлар ўзаро маслаҳатлашиб, бирваракайига қирқ одамни саройга таклиф этишибди.

— Хўш, қўлларингдан қандай иш келади, нимани қойил мақом қилиб уддалайсанлар! — сўрабди улардан подшо.

— Мен тошни сиқиб сувини чиқара оламан! — дебди Паҳлавон.

— Мен ерининг тагида илон қимирласа — биламан! — дебди Донишманд.

— Мен сизни лол қолдиргулик дoston айта оламан! — дебди Бахши.

— Мен сизни қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўхтовсиз кулдира оламан! — дебди Қизиқчи...

Қирқинчи одамга — мункиллаб қолган бир кампирга навбат келибди:

— Менинг айтарлик хунарим ҳам, касби-корим ҳам йўқ, — дебди кампир, — фақатгина гўдакларни овутиб, хун-хун йиғлаб турган одамни юпата оламан.

Ривоятда нақл қилинишича, одил подшо ўша кампирни дунёдаги энг фазилатли, рисоладаги Одам деб топган экан.

Ҳа, дарҳақиқат, бир қарашда энг осон, аслида энг қийин ва энг бебаҳо инсоний фазилат — йиғлаётган одамни юпата олиш,

бошқаларга ҳамдardлик билдириш, меҳрибонлик қилиш бўлса керак.

Бундан тўрт-беш йил муқаддам «Литературная газета»да эълон қилинган бир проблематик мақолада айтилишича, америкалик мутахассислар шундай социологик тажриба ўтказишибди: беш яшар болакай — қўлида чақа-ю телефон номери — олдидан ўтиб бораётган одамлардан «Адашиб қолувдим. Уйимизга телефон қилиб беринг», деб сўраши керак экан. Ушанда баъзи мутахассислар эътироз билдиришибди: «Бунақа жўн тажрибанинг нима кераги бор! Ҳар қандай ўткинчи ёрдам қўлини чўзади-да!» Натижа эса қутилмагандай бўлиб чиқибди: йўловчиларнинг ўн тўққиз фоизи боланинг илтимосини рад қилибгина қолмай, норозилик билдиришибди: «Энди шу етмай турувди», «Вақтим йўқ», «Бошимни қотирма»...

Гоят ибратли, характерли тажриба, шундай эмасми!

Албатта, бу воқеа «одам одамга душман, бўри» деган қараш етакчилиқ қилувчи капиталистик тузум учун у қадар ажабланарли ҳол эмас. Лекин бир ўйлаб кўрайлик. Дунёдаги энг олижаноб, гуманистик жамият бўлмиш бизнинг мамлакатимизда ҳам одамлараро муносабатда мана шундай соувқонликлар, тошбағирликлар, шафқатсизликлар гоҳо рўй бериб қолмаётирми! Кўчада бир одам иккинчисини ўлгудай калтаклаётганида «бошини ғалвага қўйиш»ни истамай, ўзини кўриб кўрмаганга олувчилар, автомобиль ҳалокати рўй берган жойга азбаройи «текин томоша» учун тўпланувчилар, беш-олти фарзандини тирик етим қилиб оиласини барбод этувчи оталару фарзандидан туғруқхонадаёқ бутунлай воз кечиб қўя қолувчи оналар, афсуски, у қадар кам учрамайди. Нега шундай бўлаётир! Албатта, бундай ғайринисоний хатти-ҳаракатларга ундовчи (гоҳо мажбур қилувчи) омиллар турли-туман ва улар ҳар доим ҳам биргина ўша шахснинг ўзига боғлиқ бўлавермайди. Уларга сабаб — ҳозирги тараққиётнинг кескин суръати, ҳар бир шахс моддий эҳтиёжлари ва маданий савиясининг тобора ортиб бориши ва ҳоказо, деб баҳона келтириш ҳам мумкин. Лекин бу ерда энг асосий сабаблар, менимча, айрим одамлардаги тўқликка шўхлик кайфияти, сўз ва иш ўртасидаги узилиш ва ниҳоят, тарбия соҳасида йўл қўйилган баъзи бирёқламаликлардир.

Халқимизнинг шундай ғалатироқ бир мақолини эшитганмисиз:

Оч бўлсанг — бозорга бор.

Тўқ бўлсанг мозорга бор.

Мақолнинг маъноси шўки, оч одам бозорга борса, пули бўлмаган тақдирда ҳам бир амаллаб қоринни тўйғазиши мумкин. Хуллас, оч одамнинг «яраси енгил». Аммо тўқ одам — босар-тусарини билмай, имону виждонини сотиб, инсофу диёнатини йўқотиб қўйган кимса эса мозорга — қабристонга бориши керак. Ана шундагина у андак хушёр тартади, инсофга келади, бошқа одамларга нисбатан хусумату адоватини унутиб, олижаноброқ бўлиб қолади. «Умр — ўткинчи, елдирим от» эканини, «яхшидан — от, ёмондан — дод» қолишини яққол ҳис қилгандай бўлади.

«Мулланинг айтганини — қил, қилганини — қилма» деган яна бир истеҳзоли мақолни ҳам кўп эшитгансиз, албатта. У одатда сўзи бошқа-ю иши бошқа, тили бошқа-ю дили бошқа кимсаларга нисбатан қўлланилади. Баъзи одамлар қанчалик ўқиб, оқ-қорани таниб, «мулла» бўлгани сари шундай тadbиркор, эҳтиёткор, устамон кимсага айланадиларки, буқаламундай тусини ўзгартириб, шароитга бошлаб мослашадиларки, уларнинг ташқи қиёфалари, гап-сўзлари «дилидаги нарсани яширувчи бир ниқоб бўлиб қолади, холос. Улар одатда қонуларни ёд билишади, адолат ҳақида оташин нутқлар сўзлайди, барчани ҳалолликка чақиради, лекин аслида ўзларининг ғайриқонуний, адолатдан йироқ хатти-ҳаракатлари, нопокликлари кўпчиликка ошкор бўлиб қолишдан азбаройи кўрққанидан шундай йўл тутадилар. Айниқса бизнинг рационал

асримизда баъзи «ақлли мулла»лар шундай афсунгар, кўзбойлағичга айланиб кетишганки, уларни ўзбек халқ эртақларидаги бир думалаб фариштага айланган ножинсларга қиёслаш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг июнь [1983] Пленуми қарорларида таъкидланган «сўз билан иш ўртасидаги ўзилишга барҳам бериш» бундай кимсаларнинг асл қиёфаларини чуқур англаш ва рўй-рост фош этишни ҳам тақозо қилади.

Сўз ва иш бирлиги айниқса тарбия жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар ўқитувчи синфда ўқувчиларга ҳалоллик ҳақида ваъз айтиб, ўзи турмушда қинғир йўллар билан пул топиш кўйига тушиб кетар экан, агар ўқувчи мактабда ростгўйлик ҳақида дарс тинглаб, одамлар билан мулоқатда хилпа-хил алдамчилик ва товламачиликларга дуч келар экан, агар талаба домлани сидқидил ҳурмат қилиб, унинг ўзида иззат, меҳрибонлик, хайрихоҳлик эмас, калондимоғлик кўрар экан, олижаноблик, ҳалоллик, ростгўйликка қанчалик маҳорат билан даъват этилмасин, тарбиядан кутилган натижаларга эришиш мушкул. Оилада, мактабда, ижтимоий ҳаётда тарбиянинг энг қудратли воситаси шахсий намуна кўрсатиши, ҳар қандай педагогик маҳорат ҳам, кўрғазмали ташвиқот ҳам унинг ўринини босолмайди.

Инсоннинг ҳар томонлама камолотида айниқса руҳий ибтидо — фикрий соғломлик, ҳиссиётлар бойлиги, туйғулар теранлигига йўналтирилган тарбия муҳим аҳамиятга эга. Соғ танда — соғ ақл, дейилади халқ мақолида. Лекин баъзан аксинча ҳам бўлиб туради. Гоҳо соғ танда разил ақл, тубан туйғулар уя қуриши мумкин. Аксарият ҳолларда соғлом руҳият ҳам кишининг жисми ва тафаккурига фаол таъсир кўрсатади. Шунинг учун одатда оққўнғил ва олижаноб, эзгу туйғуларга бой одамлар жисмоний жиҳатдан ҳам соғлом бўлсалар, ичи қора, ҳасадгўй, ғаламис шахслар носоғлом руҳий дунёсининг нуқси уларнинг ташқи қиёфасига «уради». Буюк табиятшунос Чарлз Дарвин ўзининг «Инсон ва ҳайвонларда ҳиссиётларнинг ифодаланиши» номли асарида таъкидлашича, ҳасад сўзи жаҳоннинг жуда кўп тилларида бир хил — кўк деган маънони билдираркан. Чунки ҳасадгўй одамнинг ранги одатда кўкимтир, қонсиз, заҳил бўларкан. Бу ерда руҳий хасталикнинг жисмга таъсирини яққол кўриш мумкин.

Таниқли драматург Виктор Розов бир мақоласида гоят тўғри таъкидлаганидай, узоқ асрлар бўйи «руҳ» сўзи муайян диний тушунчани ҳам ифодалагани учунми, ё ақлий, сиёсий, жисмоний... ривожланиш шахсининг руҳий соғломлигини ўз-ўзидан таъминлайди, деб ўйлаганимиз учунми, бизда айнан руҳий тарбиянинг аҳволи у қадар яхши эмас.

Хуллас, соғлом руҳ ва хусусан инсоний меҳр-муҳаббат туйғуси ҳар доим кишилик жамияти тинч-тотувлиги, фаровонлиги ва барқарорлигининг энг асосий субъектив негизи бўлиб келган. Одамлар азал-азалдан «энг кичик ячейка» бўлмиш оиладан тортиб то улкан бир мамлакатгача аҳиллик, иттифоқ, тинч-тотувлик, ўзаро хайрихоҳликка асосланган энг юксак, энг намунали ижтимоий ҳамкорликка «меҳр-оқибатли» дея баҳо берганлар. Оиладан тортиб то жамиятгача барча қатламлардаги ҳар қандай муросазликлар, нифоқлар, уруш-жанжалларга асосий сабаб — «ўртадан меҳр-оқибатнинг кўтарилганида» деб билганлар. Бугунги рационал асрда балки бу оддий ҳақиқатлар бир қарашда жўн туюлар, лекин асли уларда жуда теран, азалий ва абадий маъно борки, ушбу маъно бугунги чайқалиб турган безовта дунёмиз, шунингдек, сўзи бошқа, иши бошқа, тўқликка шўхлик қилиб бамисоли ўзи ўтирган дарахт шохига болта уриш пайида бўлаётган айрим ҳиссиётсиз кимсалар — темир одамлар иқлимида янада бўртлиб кўринади.

Бизнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқимиз, иттифоққа таянган ҳолда ривожланган социалистик жамиятимиз инсоният асрий курашлар у азалий интилишлар натижасида эришган энг меҳр-оқибатли жамиятдир. Социалистик системамизга хос ҳамдўстликни, ҳамжиҳатликни, ҳамкорликни — меҳр-оқибатни тарих ҳеч қачон кўрган эмас. У ҳали вақти келиб янада меҳр-оқибатлироқ жамиятга айлангуси. Лекин бундай жамиятни барпо этиш ҳар томонлама баркамол янги инсон қарор топганида, хусусан, ҳар бир шахс халқ орзу қилган энг фазилатли — рисоладагидай меҳрибон Одамга айланган пайтдагина мумкин бўлади.

Раҳимжон ОТАЕВ



Изоҳнинг ҳожати йўқ.



Сўзсиз сурат.



Рассомнинг ўғли.

Расмларни Ш. СУБХОНОВ чизган.



Охунжон Ҳақимов

ҚОРА БАЛО

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Ж

уда хунук иш бўлди — умрида эрининг кўзига тик қарамаган Озодахон бугун уни ит талаган тўлкининг кунига солди. Шунча йил бирга яшаб, хотинининг бунақа ачиққ тили борлигини Йигитали энди билиши. У миқ этмай турди, тураверди, гўё айбига иқрор эди. Лекин барибир хотинининг

авзони бузуқ эди. У ўғилларини туртиб-суриб кўча томон юраркан, қатъий оҳангда деди:

— Энди бўлди: мен сиздақа ношукур, шарманда эр билан яшаёлмайман! Топганингизни шу машинангизга сарфланг! Машинани хотин қилинг! Шу зорманда сизга қаторлаштириб бола туғиб берсин!

Дарвоза тарақлаб ёпилди. Тамом...

Йигитали турган жойида туриб қолди. Кейин чуқур уҳ тортди. «Қайнотам яхши одам, — дея ўзига ўзи таскин бера бошлади у, — бир кун-ярим кун ўтиб, Озода сал ҳовуридан тушгач, обкелиб кўяди. Лекин, ачиққ устида бор гапни айтиб қўйсая? Ҳаммасини айтмас-ов... Узимдан ўтди-да...»

Йўқ, Озодахон қилдан қийиқ ахтарадиган аёллардан эмас. Йигиталига ҳам кўнгил қўйиб теккан — буни бутун қишлоқ билади. Уч йилдан буён эрига «Жигули» оламиз, олгандаям қора «люкс»идан, деб хархаша қилган ҳам, пенсиядаги отасидан уч минг сўм қарз олиб берган ҳам Озодахоннинг ўзи. Шофёрлик ҳужжатини олмасангиз бўлмайди, деб, икки йилча бурун эрини курсга кириб ўқишга мажбур қилган ҳам Озодахон бўлади. Йигитали тим қора «люкс»ни бибиplateтиб миниб келганида Озодахоннинг машина теварагида худди қизалоқлардек ирғишлаганини бутун маҳалла кўрган.

Эр ҳам, хотин ҳам, болалар ҳам қора «люкс» атрофида уймаланишгани уймаланишган эди. Эри машинани минадими, минмайдими — Озодахон ҳар куни эрталаб, кувноқ билан кўйини ҳиргойи қилганча уни ярақлатиб артиб кўярди. Хотини ўзи тинмайдиганлардан-да! Иннайкейин, уйда деярли қиладиган иши қолмаган бўлса, нима қилсин? Соғин сигирюю иккита занжир билан бўглаб қўйилганда ҳам охурларни ағдариб ташлаган новвос шу машинани деб сотилиб кетди. Хонадон оқсиз қолиб, болаларнинг оғзи қуригани тез-тез сезилиб турган бўлсаям, Озодахон сир бой бермасди. «Магазин тўла кефир билан сут, олиб ичаверамиз», деб ўзига ўзи тасалли берарди. Ҳаммасини қўяверингу, узоқни яқин қилишда машинага тенг келадигани борми ўзи? Нима, Сирдарёга тушган синглисиникига машинада эмас, ҳовлини пашша бостириб юборган ўша ебтўймас сигиру новвосини миниб бориб бўлармиди?

Қора «Жигули» олингач, Озодахоннинг кўнгли ўрнига тушгандай бўлди. Аммо, бир куни эрининг шимини дазмоллаётди, лабини тишлаганча уйланиб қолди. Шўрлик эрининг бу шими ҳам соб бўлибди. Тиззаларининг кўзи сузилиб, пашша қанотидаккина бўлиб қопти. Яна бир марта тоғорага тушса, эри кўчадан қоқ суяк тиззаларини кўз-кўз қилиб келиши турган гап. Қизиқ бўлди-ку, тагида учаман деб турган яп-янги машина, эгнида йиртиқ шим!

Кечқурун Озодахон эри билан узоқ тортишди, кўзилик қўйини сотиб, эгни-бош олишга аранг кўндирди. Эрталаб чой ичиша-ётганда унда яна битта фикр туғилиб қолди. «Бошқалардан қаеримиз кам? Битта кишилик дўппию қора лак туфли ҳам оласиз».

Болали қўй тузуқкина пул бўлди. Йигитали хотини тайинлаган лакланган туфли билан дўппини осонгина топди, аммо кремплин шим-костюмни излайвериб, бош суқмаган магазини қолмади. Ҳафсаласи пир бўлиб уйга қайтган эди, хотини, бунақа нарсалар бозордан топилади дейишади, чайқовдан олақоласиз, деб маслаҳат берди.

Чайқов бозорида жонингдан бошқа нарса бўлади, деганлари рост экан. Йигитали жимир-жибири кўзни оламан деган битта кремплин шим-костюмни излайвериб, бош суқмаган магазини ширинсўз бўлгани билан оғзи катта экан. Йигитали чайқовчининг айтганини шартта санаб бериб олаверар эди-ю, қуриб кеткур ўн беш сўмгина етмай қолди. У ёқ-бу ёққа аланглаб, ҳамқишлоқларини қидирди, қани энди бирортаси учраса... Бўпти, бу сафар бўлмаса, келаси бозор-да, деб машинасини қўйган томонга қараб юрди. «Жигули»нинг эшигини эндигина очган ҳам эдики, ёнбошдан аёл кишининг кўнғироқдеккина овози эшитилди:

— Марказдан ўтасизми, муллака?

Йигитали овоз келган томонга қаради-ю, негадир шошиб қолди. Қоши-кўзи попуқдеккина, лабларига хиёл бўёқ сурилган, нозиккина бир жувон рўмолчаси билан елпиниб, ундан жавоб кутарди. У Йигиталига жудаям танишга ўхшаб кўринди. Қизиқ, қаерда кўрган экан-а?

— Утаман... Албатта утаман! — деди Йигитали негадир шошилиб, — қани, ўтиринг.

Машинага жувон билан ёқимли атир ҳиди гуп этиб кирди. Муаттар бўйдан Йигиталининг дили яйраб, руҳи кўтарилиб кетди. Йўл-йўлакай уёқ-буёқдан гаплашиб кетишди. Йигитали тортичибоқ бўлсаям, ҳамроҳининг касби-кори, турмушига доир саволлар берди. Маълум бўлишича, Тўлқиной (у ўзини шундай деб атади) маданият уйида ишлар экан. Ҳозир қизалоғини онасиникига қўйиб, шаҳар марказидаги квартирасига кетаётган экан. Жувон ногаҳон «уф» тортиб, толесизлигидан ўкиниб кетди. Ярим йилча олдин эри бир тўйда мастликда биттасини уриб майиб қилиб қўйиб, қамалиб кетибди...

Йигитали ҳамроҳининг сўзларини тинглаётган бўлса-да, хаёлида: бунга қаерда кўрган эдим-а, деган савол айланаётганди. Охири у:

— Сизни энди танидим, — деди жувонга ўгирилиб, — бизнинг қишлоққа, бошбуҳимиз Насриддин аканинг тўйига келган эдинглар. Лекин, зўр базм бўлган эди-да!

— Ана, кўрдингизми! — деди Тўлқиной чиройли жилмайиб, — машинангизга Сизни таниб чиқдим-да! Вой, уйга ҳам келиб қолибмиз. Ўннга буринг. Бўлди, тўхтанг. Юринг, уйга, бир пиёла чой ичиб кетасиз.

Йигиталининг юраги дуқурлаб кетди. Нима қилса экан? Йигит



Расми А. ОРИПОВ чизган

булиб у якка-ёлғиз яшайдиган аёлларнинг остонасидан ўтмаган. Битта-яримта таниш-билиш кўриб қолса-я? Озодахоннинг олдида нима деган одам бўлади?

— Энди, ҳар қалай...

— Э, кўйинг-е! — қўл силтади жувон, — номигагина Йигиталим дегенг? Хайр!

— Тўхтанг! — бирданига зардаси қайнаб кетди Йигиталининг, — нега энди номигагина Йигитали бўларканман? Нечанчи қават, нечанчи хонада турасиз ўзи, шуни айтинг. Ун еттинчи дейсизми? Раҳмат! Мен ҳозир, ярим соатда...

У машинасини тўғри гастрономга қараб ҳайдади. Бирор соатдан кейин каттагина кўкқарға шойи чорсига учма-уч боғланган совға-салом билан Тўлкиноининг уйига кириб келди.

Меҳмондорчиликдан ярим кечалардан ошиб қолганда чиқди, хиёл гандираклаб машинаси ёнига келди. Яхшиямки йўлдаги ГАИ постида ҳеч ким йўқ экан. Машинани қандоқ ҳайдаб келди, дарвозани ким очди, эслай олмайди...

...У тик турган жойида чуқур тин олди. Уша куни кремплин шим-костюмга аталган пулнинг бошига сув қуйгач, Тўлкиной билан биратўла хайр-маъзур қилганда, бу машъум кунларга сираям дуч келмасди. Хато қилди. Қаттиқ хато қилди.

Гап шундаки, Тўлкинойни энди ўзи бот-бот ахтариб борадиган бўлиб қолган эди. Эрталаблари ўзи бошлиқ бўлган боғ-сабзавотчилик бригадаси шийпонига бирров бориб, одамларга кўриниб қўяди-да, «Мен шира билан қуртга қирон келтирадиган янги химикат олиб келгани кетяпман» деб шаҳарга жўнайди. Йигирма беш гектар олмazor етти-саккиз қария билан болалик аёллар ихтиёрига ташлаб қўйилди. Ишга ёлғон аралашганиданми, парваришсиз қолган олмага қурт тушиб, ер билан битта бўлиб тўкила бошлади. Олмazor четидаги уч гектарлик узумга кул тушди.

Озодахон эрининг ғалатиноқ бўлиб қолганини, баъзи кунлари боққа умуман бормай, аллақерларда юриб, уйга аксари икки ҳуфтонларда, ҳатто ундан ҳам кечроқ ширакайф бўлиб келаётганидан сиқилиб юрарди. Бир куни окшом эридан нега бунақа кутилмаган ишларни қилаётганини сўради. Йигиталининг гаши келиб кетди:

— Колхоз сермеҳмон эканлигини билмайсанми? Бир хилларини тоққа салқинлатгани, баъзиларини дарёга чўмилгани олиб бориш керак. Йўқ десанг, раис темиртагингни аяясанми, деб хафа бўлади. Тушундингми энди? Тушунган бўлсанг, бошқа тергама! Даданг берган қарзни албатта узаман.

Озодахон гапи эрига бунчалик қаттиқ ботишини билмаган экан, тилини тишлаб қолди. Орадан бирор ҳафта ўтди. Бир куни Йигитали кечаси уйга келмади. Озодахон тун бўйи мижжа қоқмай, ҳовли айланиб чиқди. «Тагида машина, ичиб-нетган бўлса... Шу меҳмонлариям қуриб кетсин! Ишқилиб соғ-омон кириб келса бўлгани. Нимагаям олишди-я шу машинани?»

Эртасига чошгоҳларда Йигитали ранг-қути ўчиб кириб келди. Озодахоннинг юраги орқасига тортиб кетди. Нима бало, машинани ўғирлатиб қўйдимикин? Еки...

— Судратиб келдим, — деди Йигитали синиқ товушда, — дарвозани оч.

Катта-кичик, бола-бақра дегандек, итар-итар қилиб машинани ҳовлига олиб киришди. Йигитали хотинидан йигирма беш сўм олиб, «Жигули»сини судраб келган шофёрга берди.

Дарвозани ёпиб, илгакни солиб қўйган Озодахон эрининг ёнига келди:

— Нима бало бўлди ўзи? Қаёқларда юрибсиз? Нега судратиб келдингиз?

— Меҳмонларни балиқ овига олиб борувдим. Ов билан бўлиб кетиб... Бир вақт машинанинг олдига келсам, аккумулятор билан «запаска» баллон йўқ. Магнитофонни ҳам сугуриб олишибди, лаънатилар! То йўловчи машина ўтгунча кутиб ўтирдик. Тонг отиб кетди. Хафа бўлмайсан-да энди, Озод...

Озодахон лаб-лунжи осилиб машина олдига келдию, кабинага бош суқди. Йигламоқдан бери бўлиб бақирди:

— Ҳў, ўша меҳмонларингиз ўлиб меҳмонларсиз қолинг! Нималар қилиб қўйибсиз-а, шундоқ машинани?! Қани ҳозирроқ кўрсатинг менга ўша меҳмонларни! Раисни ўзим топаман. Ҳаммасини тўлаттираман! Магнитофонниям, филдиракниям, анавиниям!... Мунча Сизга илашиб олишди, ўша меҳмонлар? Нима, уйлари куйганми?!

Озодахон икки-уч кун тумтайиб юрди. Эрининг гапларига совуққина жавоб беради, илгариги хуш-хандонликни унутиб юборгандай эди.

Кўчадан пап-паплаб, ярқ-юрқ этиб кириб келадиган қора «Жигули» ҳам мана, икки ҳафтадирки, дарвозахона олдида қилт этмай, чанг босганича ётибди. Иигиталининг аввалги шаштидан асар ҳам қолмаган эди. У боққа, одамлар олдида руҳсизгина бориб, тажанг бўлиб қайтади.

Эрига раҳми келдими, ҳар қалай, бир куни Озодахон эрининг ёнига чўқаркан, «уҳ» тортиб деди:

— Анави кўчор ўлгур ёлғиз қолганидан бери маърайвериб, безорижон қилворди. Узим озиб кетибди. Шунинг сўзидан демоқчийдим. Аккумулятор билан филдирак олақолинг.

Иигитали хотинига мунғайиброқ қаради. «Бормисан-е, хотин!» деворгиси келсаям, ўзини босди, сир бой бермади. Озодахон зийраккина эмасми, эрининг кўнглидан ўтаётган гапларни сезмай қолмади. У кулимсираб яна гап қотди:

— Мен розиман, шундоқ қилинг. Фақат... бу қўйнинг пули ҳам кремплин шим-костюмга аталган пулга ўхшаб қулогини ушлаб кетмасе бас...

— Бўлди-да энди! — зарда қилди Иигитали, — шу хотин зотига битта гап тописас бўлди экан! Чўзаверади, чўзаверади... Бўпти, бўлмасе эртарақ уйғот!

— Ҳўп, — деди қулиб Озодахон, — сал бўлмасе, бир гапни айтиш эсимдан чиқай депти. Кенжангиз бир пой туфлисини сойга отиб юборибди. Самбочингиз ҳам боя кўйлаги дабдала бўлиб кириб келди. Туфли билан кўйлак ҳам ола келмасангиз, буларнинг бири яланг оёқ, бири яланғоч қолади.

Ҳозир мушукдек қўй ҳам бозорда фалон пул. Иигитали кўчорни тузукигина пуллади. Аммо аккумулятор билан баллон кўйдан ҳам қимматроқ юраркан. Иигитали бундоқ чамалаб қараса, пули «Жигулисининг шу кемтикларини бутлашга етади. Лекин уйга кўйлак билан туфличасиз қайтиб бўладими? Шуларни уйлаб у чайқовчининг у ёғидан, бу ёғидан ўтиб, баллон билан аккумуляторнинг нархини бироз бўлсаям туширишга уринди. Қаёқда дейсиз, бу матоҳларнинг эгаси бамисоли тош ёрилгану, тошнинг ичидан чиққанга ўхшарди.

Иигитали тушга яқин терлаб-пишиб уйга кириб келди. Озодахон эрининг харидлари орасида оқшом ўзи тайинлаган нарсалар йўқлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

Шу пайт оёқ остида ётган баллон билан аккумуляторга кўзи тушди-ю, ғашлиги орди. Кейин устига ҳийлагина чанг кўниб, аввалги ялт-юлти сўна бошлаган қора «люкс»га қараб чўқур уф торди.

«Машина эмас, бошга битган балонинг ўзи экан бу, — кўнглидан ўтказди Озодахон, — минг-минглаб сўмнинг бошига сув кўйгани етмагандек, уйдаги унча-мунча туёқниям ямламай ютворди-я бу аждаҳо».

У алам билан яна хўрсинди. Сўнгра кўнглининг бир чеккасида эрига нисбатан жиндай шафқат сезди. Тўғри-да. Иигитали ҳеч қачон унинг измидан чиқмаган. Озодахон машина олағиз деганда гапини икки қилмай, қарз ҳавола қилиб бўлсаямики, мана «люкс» олиб берди. Машина бўлгандан кейин чиқимиям бўлади-да. Лекин бу ярқирамай кеткур болаларнинг ризқига ёмон шерик бўляпти-да. Бунинг касридан илгари биқирлаб қўй гушти қайнайидан қозонни тухум пиёва

билан жазсиз макарон шўрва эгаллаб олди. Уйда ҳамманинг совуғи ошиб кетди шекилли, Озодахон эрталаб туриб қараса, ёстиқларда бир шапалоқ, ярим шапалоқ сўлак излари кўринадиган бўлиб қолди. Авваллари чакмоқдақкина бўлиб юрадиган эрининг машқи пасайиброқ қолгандай. Савлатли одамларга ўхшаб ҳийлагина қорин ташлаб келётган эри кейинги тўрт-беш ой ичида анчагина ингичка тортиб қолганини сезиб юрибди.

Орадан бирор соат ўтгач Иигитали уйга шитоб билан кириб келди. Янги аккумуляторни машинага тезгина ўрнатиб, «запаска»ни багажга ташлади. Машинага ўт бериб, кўчага олиб чиқаркан, ўз-ўзига деди: «Машинани деб уйним шип-шийдан қилдим, ўғилларниям ўкситдим. Энди ўзимга маҳкам бўламан. Кўнглининг кўчаси курсин».

Рост, машинаси тунда Тўлқинийнинг уйи ёнида шип-шийдан қилиб кетилганидан кейин Иигитали бу шармандалиқдан ич-эттини еб юрди. Энди Тўлқиний тугул осмондаги ой ҳам оёқлари остига тушиб, минг нозу истиғно қилсаям қиё боқсам номардман, деб онт ичди. Бироқ... Боши оғиб идораге бордию, бош бухгалтернинг қўлига тушиб қолди. «Иигитали, ука, мана шу пакетни ғув этиб бошқармага ташлаб келинг. Навбатчи машинанинг баллони отиб юборибди», деди бухгалтер.

Ҳамманинг гапини қайтариш мумкин, аммо раис билан бошбухнинг гапини иккита қилиб бўлмайди. Иигитали ғижниброқ шаҳарга қараб йўл олди. У пакетни тегишли одамга топшириб, машинаси томон шошди. Шу пайт:

— Ҳа, қочоқ! — деган таниш, жарангдор овозни эшитиб таққа тўхтаб қолди. Рўпарадан пошналарини тўқиллатиб, саккиз тепкилик атлас кўйлак кийган Тўлқиний келарди. Иигиталининг юраги қувончдан ҳаприқиб кетди, кейин бирдан унинг ўрнини қўрқувми, ғашлики ҳар қалай, кишини ланж қиладиган қандайдир бир туйғу эгаллаб олди.

— Бунча энди? — истиғно аралаш пичинг қилди Тўлқиний, — шу битта филдирак билан анави... Ҳаҳ, оти нимаиди? Битта темир қути-да! Шу қутиمنى ўғри уриб кетди деб қорангизиям кўрсатмай кўйдингиз-а? Жа, ичингиз ёниб кетаётган бўлса, японский магнитофонимни машинангизга ўрнатиб бераман. Бўлди, сал кулинг-да, энди. Вой, Иигитали ака-е!

Кабинага яна ўша ёқимли, Иигиталининг димоғига ўтиришиб қолган, юракка ғулғула соладиган хушбўй ҳид таралди. Тўлқиний эшикни «қарс» этиб ёпаркан, «кетдик, хўжайин!» — деди эркаланиб.

— Қаёққа? — энтиқди Иигитали.

— Ипподромдаги ярмаркага! — шўх жавоб берди Тўлқиний, — бугун импортний этик сотилармиш. Бўлақолинг, кеч қолмайлик.

Ипподромга яқинлашишганда Тўлқиний қўлини Иигиталининг елкасига ташлади. Иигиталининг баданлари жимирлашиб, нафас олиши тезлашди. Бирдан Тўлқинийнинг:

— Узим ҳам афандимисан — афандиман, — деган овози эшитилди, — сумкамда бор-йўғи олти сўм пулим бору, этик олгани кетялман. Бирор юз сўм қарздор қилиб турарсиз. Уртада қолишиб кетмас... Эшитяпсизми, Иигитали ака!

Охири келгуси сонда



Сўзсиз сурат.

Расмларни Ш. СУБХОНОВ чизган.

АВТОРЛАРИМИЗ

Мақсуда АБДУВАХОБОВА. Самарқанд областида туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. Танқидий мақолалари матбуотда эълон қилинган. УзФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институтининг аспирантурасида таҳсил оляпти.

Набижон БОҚИЕВ. 1956 йили Фарғона областининг Боғдод районида туғилган. Ҳикоялари матбуотда эълон қилинган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугалламоқда.

Баҳодир ЕҚУБЖОНОВ. Фарғона областининг Риштон районида туғилган. Шеърлари матбуотда эълон қилинган. М. Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил кўрапти.

Зафар КОМИЛОВ. 1958 йили Тошкентда туғилган. Совет Армияси сафида хизмат қилган. Шеърлари матбуотда ёритилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимида ўқийди. «Партия турмуши» журналида ишлайди.

Ҳамид МАЛЛАЕВ. 1955 йили Қашқадарё областининг Деҳқонобод районида туғилган. Қарши Давлат педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Урта мактабда ўқитувчи.

Баҳодир МУРОДАЛИЕВ. 1954 йили Андижон область; Пахтаобод районининг Эскиқўрғон қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоялари матбуотда ёритилган. УзФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида хизмат қилади.

Дадахон НУРИЙ. Наманган областида туғилган. «Осмон устуни» романи, «Боғларда баҳор», «Нигора» қиссалари ҳамда кўплаб ҳикоялар муаллифи. СССР Езувчилар Союзининг аъзоси.

Яҳё ТОҒАЕВ. 1957 йили Тошкент областининг Ғалаба районидаги Қўрғонча қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетидан сирдан ўқийди. УзССР Маданият министрлиги қошидаги халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик марказида катта методист.

Эшқобил ШУКУРОВ. 1961 йили Сурхондарё областининг Қумқўрғон районида туғилган. В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетидан ўқийди.

ХУРШИД (Х. ДУСТМУҲАМЕДОВ). 1951 йили Тошкентда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Ҳикоялари вақтли матбуотда эълон қилинган. «Фан ва турмуш» журнали редакциясида ишлайди.

Охунжон ҲАКИМОВ. Фарғона областида туғилган. Бир неча шеър ва насрий тўпламлар муаллифи. СССР Езувчилар Союзининг аъзоси. «Совет Ўзбекистони» газетасининг Фарғона области бўйича мухбири.

Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА. 1960 йили Андижон область, Москва районининг Оқ олтин қишлоғида туғилган. 1983 йилда Андижон Давлат педагогика институтининг чет тили факультетини тамомлаган. Шеърлари республика, область матбуотида эълон қилинган. Москва районидаги Н. А. Островский номидаги ўрта мактабда инглиз тили муаллимаси

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик» [«Молодость»] — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: Ф. ФАЙЗИЕВ
Журнал макетини В. ОВСЯННИКОВ тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент-П
Ленин кўчаси, 41
Телефонлар:
Бош редактор ўринбосари —
32-54-73
Масъул секретарь — 32-56-27
Проза бўлими — 32-57-34
Шеърят, адабий танқид ва санъат
бўлимлари — 32-56-41
Ижтимоий-сиёсий бўлим —
32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ешлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 26.03.84 й. да туширилди. Босишга 26.04.84 й. да рухсат берилди. Р — 13657. Қоғоз формати 84×108/16. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 148933 нусха. Буюртма № 3115. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26.



Бюрократ Робинзон.

Расмини Б. Тожиев чизган

© «ЕШЛИК» № 5 1984.
«Еш гвардия» нашриёти.